

ЎТМИШДАН КЕЛГАН БОЙЛИК СИРЛАРИ

ЁХУД БОЙЛИК СИРЛАРИ ОРТИДАН
ОЛИС ҚИТЪАГА БОРГАННИМ ҲАҚИДА



РАВШАНБЕК ХОННИЁЗ

УДК: 821.512.133

ББК 88.4

X75

Хонниёз, Равшанбек.

Ўтмишдан келган бойлик сирлари / Р.Хонниёз. –
Тошкент: Akademnashr, 2012. – 232 б.

УДК: 821.512.133

ISBN 978-9943-389-09-0

ББК 88.4

«Юрган дарё, ўтирган бўйра», – дейди доно халқимиз. Дунё кўриб, дунёларни кашф этишга нима етсин! Бу билим ва сабоқлар она юртинг равнақига ҳисса қўшишини англасанг, нур устига аъло нур!

«Беш денгиз оша» асарида ёш қаҳрамоннинг ўз орзу-мақсадларига этишиш йўлидаги интилишлари ҳақида ҳикоя қилинади. У молиявий оламнинг биз билган-билмаган сир-асрорлари борасида бой маълумот берishi билан ҳам аҳамиятлидир.

Китоб ўз ҳаётини яхшилаш ва фаровонлигини оширишина истаган кенг ўқувчилар оммасини қизиқтиради деган умиддамиз.

Турфа инсонлар ҳаёти, уларнинг феъл-атвори, донишмандлигини ўзида жо этган мазкур китоб ўтмиш қаъридан сўзласа-да, бугунги кун учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Сиз молиявий дунёнинг ўзига хос қонунларини билиб олиб, ҳикматлар магзини чақасиз. Ўз даврининг донишманлари қолдиргган меросдан баҳраманд бўласиз. Зотан, «Ўтмишдан келган бойлик сирлари» асари фақат бой бўлиш ҳақида ҳикоя қилмайди. Эрк, озодликка интилиш, бу йўлда матонат кўрсатиш, ақл-идроқни ишга солишни ҳам ифода этади.

Ўқинг, руҳий озуқа олинг, бой бўлинг.

Тақризчилар:

Р.ХОДЖАЕВ, Тошкент молия институти бизнес ва иқтисодиёт кафедраси мудири, профессор

И.АҲМЕДОВ, Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси аъзоси

© Р.Хонниёз

«Ўтмишдан келган бойлик сирлари».

© «Akademnashr» нашриёти, 2012 йил.

ISBN 978-9943-389-09-0

I ҚИСМ.

МЕН АВСТРАЛИЯГА БОРАМАН!

Болалиқда ҳар биримиз орзулар қанотида учамиз, ҳаёт аталмиш бепоён уммон бизга күч, рағбат беради. Дунё-нинг тўрт бурчига ёйилган бу чексизлик ҳеч бир монелик-сиз ҳаммамизни ўзида жо этади. Олдимизга турли-туман орзу-мақсадлар қўямиз, уларга етишиш осондек кўрина-ди.

Ўн олти ёшга тўлганимда энг катта орзум – ота-онам ёнидан узоқроққа кетиш ва озод, қувноқ, беғам ҳаёт бағрига шўнғиши эди. Кўз олдимда гўзал, мафтункор манзаралар намоён бўларди. Ўзимни бой-бадавлат одам сифатида тасаввур қиласдим. Хаёлот оламимда муҳташам уйим, пальмалар остидаги мармар ҳовузим, энг қиммат нархдаги автомобилим бор эди. Эътиборлиси, уларни кўз олдимга келтириш учун тасаввур қобилиятимни унчалик қийнаб ўтирасдим. Ичимда митти мусаввир уйғондек эди гўё. У орзуларим қай тарзда рўёбга чиқажагини тасвирлар, тасвирлар, яна-яна тасвирлайверарди. Бу митти мусаввир мўйқалами остида яратилган хаёлий манзараларнинг бари менга хуш ёқарди.

Хориж мамлакатларидаги ҳаёт эртак мисоли кўринар, бу ажаб маталнинг якун топишини сира-сира истамасдим. Муваффақиятли тадбиркорга айланиб, ижобий ҳис-сиётлар кучи ҳақидаги талай китобларни ўқиб амин

бўлдимки, ютуқларга эришишимда ана шу орзу-ўйларим бирламчи аҳамият касб этган экан. Ҳаётим ўзим томонидан дастурлаштирилганини, бу дастур эса аниқ, муйайян тарзда амалга ошганини англаб етдим. Бир-биридан ширин орзуларим орқали эртанги кунимни тасаввур қилиб, ҳаётимни ўзим истаган оқимга йўналтирадим. Ҳа, айнан орзулар орқали!

Хаёлан осмонда парвоз қиласадим. Аммо ҳаётим аввал қандай бўлса, шундайлигича қоларди. Турмуш тарзим туаржойимга, вақтга, менга ҳаёт бағишилаган инсонлар – ота-онамга боғланганди. Мен яшаган жой Тошкент шаҳри Бобур сайилгоҳи ёнидаги Тепа маҳалласидир. Сизга баён қилаётган воқеалар асримизнинг бошига тўғри келади.

Исмим Жавлонбек. Отам Сайд Алимов, тадбиркор. Маҳалла-кўйда ҳурмат-эътибори баланд. Каттагина завод бошлиғи. Яқин-яқингача ҳам отамнинг қўл остидаги завод ҳеч нима ишлаб чиқармас, деярли инқироз ҳолатида эди. Энди эса янгидан иш бошлаб, олдинги ҳолатига қайтиб, яна одамларни ишга қабул қилмоқда. Буюртмалар кундан-кунга кўпайиб борарди. Отамни ўз ишининг устаси ва бир сўзлиги учун қадрлашади. У киши ҳатто ўзига зарар етишини билганида ҳам, берган ваъдасининг устидан чиқишга ўрганган. Бу хислат отамга нисбатан ҳурматимни янада оширади. Ўзим эса ҳали жуда ҳам кўп ўрганишим керак. Онам Мавжудаҳон опа мактабда тарих фанидан дарс беради. У кишининг отамга ва биз болалариға муносабати рисоладагидек. Яна икки синглим ҳам бор.

Ўшанда тўққизинчи синфда таҳсил олардим. Ўқиши билан ўзимни унча қийнамасдим. Спорт билан шуғулланардим. У менга «синус альфанинг квадратига косинус альфа квадратини қўшиш»ни ёдлашдан кўра кўпроқ ёқарди. Ҳатто ҳамма нарсани биладиган отам ҳам мазкур формула миясига бир умрга ўрнашиб қолганини, аммо ҳали бирор марта ундан фойдаланмаганини таъкидларди.

Хуллас, турли масалаларни ёд олишни эп күрмай, ўзимни ҳадеб қайнамайман. Мушакларим түлганини, ўзимни ва яқинларимни муҳофаза қилиш учун куч-қувватим етишини билганимдан роҳатланаман.

Хуллас, мен мактабга қатнар ва яқин орада ҳаётим ўзгариб кетиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилолмасдим. Кўплаб қизиқарли асарлар каби бу ҳикоя ҳам «бир кун...» сўзларидан бошланди.

Оддий кунларнинг бирида мактабимизга Майкл исмли хорижлик бир меҳмон ташриф буюрди. У билан уюштирилган тадбирда сўзга чиқаркан, Австралиядан келганини билиб олдик. Бу икки давлат иқлими бир-бирига зид, бизда қиш кирганида у ерда ёз бошланаркан. Майкл Австралия улкан ва бой давлат экани ҳақида айтиб, мамлакат фуқаролари ҳақида, эвкалипт дараҳтлари ва ёввойи ҳайвонлар, ҳатто Сидней кўчаларида югуриб юрадиган кенгурулар, акулалари бор океан хусусида тўлқинланиб сўзлади. Биз учун ҳозирги кунимизгача яшаб келаётган, урф-одатлари ва ҳаётини ўзgartиришни сира истамайдиган ёввойи қабилалар ҳақида эшитиш ҳам қизиқарли эди. Майкл кўрфаз узра кўтарилган машхур Сидней кўприги, ер юзидағи ўзига хос ягона иншоот – уммонга туташган ер ости аквариуми, дунё мўъжизаларидан бири – Опера театри борасида ҳам сўзлаб берди. Хорижлик меҳмоннинг айтишича, Австралиянинг бошқа давлатлардан фарқи – ундаги замонавий тамаддуннинг тирик табиат билан чамбарчас боғлиқлигига. «Ер юзида жаннат йўқ, лекин унга ўхшаш Австралия мавжуд», – дея таъкидлади Майкл.

Ниҳоят, у мақсадга ўтиб биз Австралияга бориб ўқишимиз ва юқорида сўзлаб берганларининг барини ўз кўзимиз билан кўришимиз мумкинлигини таъкидлади. Австралия мактабларини ўқиб битирганларга тижорат учун қулайликлар ўзидан-ўзи очилишини таърифлай кетди.

Ўшанда хориж ҳақида факат газета ва телекўрсатувлар орқали маълумот олардик. Шу боис бўлса керак, хо-

рижлик мәҳмонни тинглаш биз учун мароқли эди. Майклдан янада күпроқ сўраб билгим келди. Хаёлан ўзимга гапириб хушнуд бўлдим, Австралиянинг бепоён кенгликлари бўй очаётганини тасаввур қилдим. Ўзимни улкан тўлқинлар келиб урилаётган океан бўйида ҳис қилиб, ёнгинамда сакраётган ва қўлимдан емиш олаётган кенгуруларни кўз олдимга келтиредим. Энди ота-онамни Австралияда ўқишим кераклиги, бу менга катта фойда келтириши мумкинлигига ишонтиришим керак. Бу мўъжизакор қитъа тинчимни ўғирлаб, тобора илҳомлантиради. Олис ва эртакмонанд Австралия оҳанрабодек мени ўзига тортарди.

Отам ўқишим ва йўлкирамга пул тўлашга рози бўлармикан? Ахир, у киши ҳар бир долларнинг қимматини яхши билади. Онамни ишга солишга аҳд қилдим. Онам менинг Америка ёки Англиядаги олий ўкув юртларидан бирида таҳсил олишимни хоҳлайди.

Австралияда ўқишим мумкинлиги ҳақидаги янгилик онамни таажжубга солди: биз таниган-билган тенгдошларимдан ҳали бирортаси ҳам бу мамлакатда таҳсил олмаган-да! Мен онамга илтимос қиласвергач отам билан гаплашиб кўришга ваъда берди...

– Жавлонбек, ростдан ҳам Австралияда ўқимоқчимисан? – отамнинг биринчи саволи шу бўлди. – Балки бу уйни тезроқ тарк этиб, саргузаштлар қўйнига шўнғишидир мақсадинг?

– Йўқ, у ерда ўқимоқчиман, – дедим рост гапирганимга ўзим ҳам унча ишонмай.

– Унда ўша хорижлик мәҳмон билан аввал ўзим гаплашиб кўрай, кимлигини, бизни алдамаяптими, шуларни суриштирай. Яккаю ягона ўғлимни шунча олисга жўнатиш осонмас! Марҳамат, шартларини айтсин, бизга тўғри келса, борасан. Ўн олтига тўлдинг, ўз ақл-идрокинг билан пул ишлаб топиш вақтинг келди.

– Биламан, отажон, – ҳовлиқиб гапира кетдим, – қандай қилиб кўп пул топиш мумкинлигини биламан! Мен

үқишдан ҳам, ишдан ҳам қўрқмайман. Иккита, керак бўлса, учта жойда ишлаб, ойига минг, икки минг доллар пул топаман!

Отам менга шундай оғир ва маҳзун назар билан қарадики, ўзимни йўқотиб, жим бўлиб қолдим.

– Бир ойда минг эмас, ўн минг доллар ишлаб топадиганлар ўн карра кўпроқ ишлайди деб ўйлайсанми? – деб сўради кейин.

– Бир ой ўттиз бир кундан ошмайди-ку, ахир! Шундай экан, ўн карра кўпроқ ишлашнинг иложи йўқ.

– Ҳа, иложи йўқ, ўғлим. Кимdir сендан кўпроқ ишламай, ўн хисса кўп пул топса, демак, у пул топишнинг сенга номаълум бирор усул ва йўлларини билади. Шу ҳақда ўйлаб кўр. Унинг сен ҳали билмайдиган сирлари бор. Шундай эмасми?

Нима учун баъзилар бошқалардан кўпроқ пул ишлаб топишлари, бунинг учун тунни кунга улаб меҳнат қилиши шарт эмаслиги ҳақида ҳали ўйлаб кўрмагандим. Агар ростдан ҳам бирор сир-асори бўлса, уни билишим керак, акс ҳолда, катта сармоялар мен етолмайдиган марра бўлиб қолади. Отамга, ана шу тилсимни албатта ўрганаман деб ваъда бердим.

– Буни англаб етганингдан хурсандман, ўғлим, – деди отам ўқтам овозда. – Одатда, мазкур фикрлар одамлар хаёлига анча кеч келади. Кундалик бирхиллик уларни эзib қўяди, тўхтаб, ортга назар ташполмайдилар. Шунинг учун ўзларининг молиявий муаммолари ҳақида ўйламайдилар, борига қаноат қилиб юраверадилар.

Мен иш ота-оналар учун оиласдан кейинги муҳим, ҳаётларининг асл маъносини ташкил этадиган жабҳа эканини билардим. Улар ишга эрта кетиб, кеч қайтишарди. Лекин барибир уйга кам пул олиб келишар, бу пул кундалик эҳтиёжларнинг ҳаммасига ҳам етавермасди. Бунинг асл сабабини, яхши пул топиш учун нималар қилиш кераклиги ҳақида эса ҳали ўйлаб кўрмагандим. Ҳаёлим бошқа ўй-фикр – ўқиш, дўстларимда эди.

Отам менга тикилиб турди. Кейин кулимсираб енгил киноя билан деди:

– Австралияга бориб ўқишинг сенга фойда келтиради, буни сезиб турибман. Эртанги кунда ўз ўрнингни, янги дўст ва йўлдошлар топишингта ёрдам беради.

– Ҳа, ота, ҳали кўп нарсани тушуниб етишим керак. Сизлардан олисда бўлганимда ўзимга қарашни, пулни тўғри ишлатишни ўрганаман. Буларнинг бари мустақил иш тутишимнинг асоси бўлиб қолади.

– Яхши, ўғлим. Қарорингни маъқуллайман. Фақат, кел, шошилмайлик. Аввал ўша чет эллик билан гаплашиб олай, кейин якуний қарорга келаман. Хулоса чиқаришда адашиб қолмаслигимиз учун шошилмаслик, ҳаммасини тарозига қўйиш керак, – отам гапини тугатиб хонасига кириб кетди. Мен эса эртанги дарсларимни тайёрлашга киришдим.

Орадан кўп ўтмай отам Майкл билан учрашди. Ҳаммасини икир-чикиригача гаплашиб олибди:

– Майкл билан анча суҳбатлашдик. Сидней мактабининг Ўзбекистондаги вакили экан. Гувоҳномасини ҳам кўрдим. Қонунийга ўхшайди. Шундай экан, Австралияга бориб таҳсил олишинг мумкин. Бизни уялтирма, яхши ўқи! Ўқиш ва яшашинг учун пул бераман, лекин харажатларингни шундай режалаштиргинки, ортиқча чиқимга ҳожат қолмасин. Чиройли ҳаётга маҳлиё бўлма! Кўзбўямачилик қилма! Аслини олганда, сени нотаниш, янги ҳаёт билан яккама-якка қолдиришни хоҳламасдим. Лекин буларнинг ҳаммасини кўриб-биладиган ёшдасан. Шундай экан, денгиз бўйлаб катта ҳаёт сари сузиб кетишингга оқ йўл тилайман! Агар ҳозир сени аяб, эҳтиёт қилсан, эртага ҳаёт сенга ачинмайди. Энди ҳар бир босган қадамингга ўзинг жавобгарсан. Бу гапларни қулоғингга яхшилаб қўйиб ол. Мен ҳам сенинг ёшингда шунаقا эдим. Ўн беш ёшимда уйдан қочиб, археология экспедициясига қўшилганман. Бир ой мобайнида қазилма ишларига кетиб қолганман. Ота-онам бунга қарши эдилар, лекин барibir қочиб кет-

дим. Қирқ даражали жазирама иссиқда куни билан ер қазиши нүхоятда оғир эди. Ахир, умримда бундай иш қилмаганман. Ўлгудек чанқардим. Кунига бир чөлаклаб сув ичган пайтларим бўлган. Чўмиладиган жой йўқ, боз устига, сув кам, ҳатто устимиздаги чангни ювиб ташлашга ҳам етмасди. Уч кундан сўнг чидолмай уйга кетиб қолгим келди. Археологларнинг машиналари ҳафтада икки маротаба шаҳарга қатнар, у ердан сув ва озиқ-овқат келтиради. Ана шу транспортда уйимизга етиб олишим, кейин ота-онам қўйнида сира қийналмай тўқ-фаровон ҳаёт кечиришим мумкин эди. Лекин қандай қилиб қайтишимни, бош эгишимни ўйладим. Рембрантнинг «Дайди ўғилнинг қайтиши» номли сурати кўз олдимда келди. Тишларимни маҳкам босиб, уйга қайтиш истагимни енгдим. Мен ота-онам олиб бермаган икки кассетали магнитофонга пул топиш учун шу ерга келганман. Ана шу истагимни амалга оширишим, ўз хоҳишим ва қиласидаги ишим ўртасида тенглик белгисини қўйишим керак эди. Ўзимни енгдим ва чўлда қолдим. Кўп ўтмай мушакларим меҳнатга, қадоқдан қақшаётган кўлларим куракка ўрганиб, иш унчалик оғир кўринмай қолди. Бир ойдан сўнг уйга қайтдим ва отамдан яхшигина калтак ёдим. Шундай бўлса-да, ота-онам энди менинг истакларимга эътибор билан қараш кераклигини тушуниб, кейинги мустақил қарорларимга қарши чиқмай қўйдилар.

Отам тантанавор овозда деди:

– Эркак бўл, Жавлонбек! Қийинчиликлардан қўрқма, уларни енгишни ўрган. Ишлаш ва яхши даромад топишни ўзлаштириб ол. Дўстлар орттири. Уларнинг сенга, сенниг уларга фойданг тегишига интил. Ўзаро фойда – дўстликни мустаҳкамлайдиган қоришма. Асосийси, айтган сўзингга содик бўл! Ҳатто ўзингга зиён тегишини билганингда ҳам.

Отам елкамга қоқиб қўйди. Савол бермадим – азбаройи хурсандлигимдан отамни маҳкам қучдим ва олис сафар тадоригини кўра бошладим.

II ҚИСМ.

«ҚОВУН ТУШИРИШ» ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Хужжатларимни тайёрлаб, лаш-пушларимни ийқүнча бир ой ўтиб ўтди. Мана, ниҳоят, ғала-ғовурга лиммо-лим аэропортда турибман. Учиб кетаётганларга тикилиб, уларнинг юз ифодаси сафардан қайтаётганларнига нисбатан бошқача эканига эътибор бердим. Уларнинг юзида қизиқиш, учеб келгандарнида эса чукур қониқиш акс этганди. Менинг юз ифодам нимани билдираётган экан? Охирги дақиқагача ҳам олис мамлакатга учеб кетаётганимга ақлим бовар қилмасди. Бари чиройли тушда кечәётгандек. Дўстларим Мансур, Сергей ва Файсал бошимга баҳт қуши кўнганидан шодон, мендан ажралмасликка интилишарди. Ўзим ҳам фахр-ифтихор ва мамнунлик оғушида эдим. Бу ой ичида Австралияда ўзлаштириб оламан деб ўқишлиаримни ҳам ташлаб қўйгандим. Фақат битта фанга – инглиз тилига жiddий эътибор қаратдим. Акс ҳолда, етти ёт бегона Австралияда бамисоли қўлсиз қолишим мумкин эди.

Мени кузатиш учун оила аъзоларим ҳам чиқишиганди. Ота-онам, сингилларимдан ташқари, буви-буваларим, амаки, холаларим ҳам бор... Бераётган насиҳатларини қулоқларимга қўйиб олардим. Ахир, Австралия – мен учун янги дунё, у нақадар улкан ва бепоён бўлса, камина шунчалик ёш ва ғўрман! Энди қатъий амал қилишим керак

бўлган ҳар бир ўгитни – эҳтиёт бўлишим, яхши ўқишим, вақтида овқатланишим, шамолламаслигим, ёмон йўлга юрмаслигим ва ҳоказо-ҳоказоларни эслаб қолишим керак. Гапираверинглар, жон қулогим билан тинглайман! Ахир, эртага сиз азизларим ёнимда бўлмайсиз!

Мен улар бераётган маслаҳатларга «хўп» деб тиржайиб турардим. Лекин микрофон орқали рўйхатдан ўтишга таклиф қилганларида афт-ангорим ўзгарди, кўпчиликнинг эса кўзида ёш ҳалқаланди. Уларнинг мен билан хайрлашиши оғир эди. Шунда менинг ҳам кўзларимни нам тортди, рўмолча чиқариб, мижжаларимни артдим. Ҳамма билан хайрлашдим. Улардан йироқлашарканман, ортимда нақадар азиз ва қадрдан одамлар қолаётганини чуқур ҳис этардим. Тўхтаб, ортимга қайтгим келдим. Йўқ, бундай қилмадим.

Мен билан бирга Тимур исмли тенгқурим ҳам учиб ке-таётганди. Энди бирга ўқиймиз. Биринчи дақиқаданоқ гапларимиз қовушди, бу эса сафаримизни бирмунча енгиллаштириди.

Аввалига Бангкокка қўндиқ. Самолётлар қўниб учадиган аэропортнинг кутиш залида саккиз соат ўтирдик. Ниҳоятда катта аэропорт, самолётлар шовқини бир дақиқага ҳам тинмайди.

Сиднейга учадиган самолётга чиқдик. Тимур икковимиз умумий ҳисобда йўлда йигирма тўрт соатни ўтказишмиз керак. Бу мени чўчитмасди. Аксинча, янги саргузашт, синов ва ҳиссиётлар ёқимли кайфият бахш этарди. Қолаверса, ўзимни анчайин бой ҳам ҳис қила бошлагандим, ахир, чўнтағимда мўмайгина пул бор. У билан Сиднейда олти ой яшашим мумкин.

Тимур мактабда француз тилини ўргангани сабабли инглизчани яхши билмас, зўрға гапиравкан. Мен эса инглиз тилини тўлиқ ўзлаштирумagan бўлсан-да, ҳар ҳолда мақсадимни тушунтира олардим. Ҳозирча бу мендаги мавжуд ва фойдаси тегиши мумкин бўлган ягона билим эди.

Майлп пулни тежамоқчи бўлиби. Чипталарни Бангкокдан тўғридан-тўғри Сиднейга парвоз қиласидиган Австра-

лия самолётигамас, учиш давомида бир неча жойга құна-
диган Филиппин самолётига олган экан. Биз осмонга күта-
рилар, құнар, сұнг яна парвоз қилиб, яна құним топардик.
Оғир эди, албатта. Ҳеч қаёққа учмасдан, бирор-бир аэро-
портда қолгимиз келарди. Уч қунни йўлда ўтказдик. Ва-
ҳоланки, бир қун ҳам кифоя қиласарди.

Беш деңгизни ошиб ўтдик. Бу вақт ичида бизнинг қаер-
далигимизни билолмаган ота-онамиз Майклни тилка-пора
қилиб ташлашга тайёр эдилар. У эса телефон орқали
болаларингиз узоқ йўлда чарчашган, сизларни эслеётга-
ни ҳам йўқ каби ёлғон-яшиқ гаплар билан уларни тинч-
лантиради. Майклнинг алдовларидан чарчаган ота-она-
миз охир-оқибатда халқаро полиция ходимларини ишга
солишга мажбур бўлишибди. Олис йўл, тўхтовсиз учиб-
қуниш, қолаверса, янги егуликлар туфайли Тимур икки-
мизнинг қорнимизга оғриқ кирди. Дард устига чипқон! Роса
азоб тордик ўзиям! Азбаройи қийналганимиз учун ҳам
чек-чегараси йўқ улкан дунёга ёлғиз ўзимизни чиқариб
юборган ота-онамиздан хафа бўлардик...

Ниҳоят, Австралияга ҳам күндик. Қаттиқ толиққанымизга
қарамай, қийинчиликлар ортда қолганидан хурсанд эдик.
Ўзимизга келиб олишимиз учун бир ҳафта керак бўлди.
Бу орада Австралия ҳақиқатдан ҳам чиройли, ажойиб
мамлакат эканига ишонч ҳосил қилдик. Дунёning бир чек-
каси дейишганди. Бўлмаган гап. Бу ерда фақат юлдуз-
лар ўзгача, бошқа ҳаммаси ўзимиздагидек. Албатта, кўп
нарсалар фарқ ҳам қиласади.

Тезда ўқишига киришиб кетдик. Атрофимизда дунёning тур-
ли бурчакларидан келган ёшлар – япон, хитой, немис, ҳинд,
руслар бор эди. Ўзбеклардан фақат мен билан Тимур. Синф-
дошларимиз ичида Ўзбекистон ҳақида руслардан бошқа ҳеч
ким билмас, бизни покистонлик ва афғонистонликлар билан
адаштиришарди. Аввалига укувсиз ва маданиятсиз деб қабул
қилишди. Ўзаро танишувдан сұнг мулоқотга киришгач биз
ҳақимиздаги фикри ўзгарди. Ана шу нүктада она сути билан
кирган қадим маданиятимизнинг устуворлиги сезилди. Бу,

айниңса, бошқа миллат, диндаги кишиларга нисбатан ҳурмат-эътибор, меҳмондорчиллик, дўстона муносабатлардаги тақаллуф ва нозиктабълик, ўзимизга нисбатан қилинган ҳар бир илиқ ҳаракат учун миннатдорчилигимизда, қўлимизни кўксимиизга қўйиб, бошимизни хиёл эгишимиизда яққол билниарди. Хитойга Европани, Европага Хитойни (ахир, Ҳиндистонгача етиб борган Искандар Зулқарнайн ҳам Хитой ҳақида ҳеч нима билмасди) очиб берган Буюк Ипак йўли, қадим Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари, соҳибқирон Амир Темур ва унинг набираси Бобур, урф-одатларимиз ва қонунларимиз ҳақида янги танишларимизга ғурур билан сўзлаб берардик. Улар дикқат билан тинглашар ва бизга муносабатлари кўз ўнгимиизда ўзгара бошларди.

Австралиядаги ҳаётим ана шундай бошланди. Ҳис-туйғулар бошимни айлантирган, мен учун бари янгича ва қизиқ эди. Ота-онамнинг пулларни эҳтиёт қилиб ишлат, тежамкор бўл деб берган насиҳатларини унутиб, орқа-олдимга қарамай сарфлардим. Икки ой давом этган енгил ва гўзал ҳаётдан сўнг пулим деярли қолмаганини англаб етдим. Мен учун бу кутилмаган ҳол эди. Ўзимни йўқотиб қўйдим. Наҳотки олдинроқ ўйлаб кўрмадим? Ахир, яrim йилга мўлжалланган пулни қандай қилиб икки ойда сарфлашим мумкин? Энди ота-онамга нима дейман? Мени узоқ сафарга жўнатиш учун шусиз ҳам анча қийналишди, ахир! Чўнтағимни қаппайтирган пуллар қаёққа кетди? Хитой таомларидан тортиб французларнинг тансиқ егуликларигача, кафе ва ресторонлар тавсия қилган турли тузлама ва ноёб таомларсиз кун кўролмасмидим? Дискотека ва тунги клубларсиз яшасам бўлмасмиди? Дунёнинг турли маҳсулотлари келтириб сотиладиган дўйонлардаги молларни сотиб олишдан ўзимни тийишим мумкин эди-ку! Такси белгиси ўрнатилган узундан-узун лимузинларда юрмасдан, метро ва автобусга чиқсанм ҳам бўларди, ахир! Нима учун шу қадар оқлаб бўлмас даражада исрофгарчиликка, пулни кўкка совуришга йўл қўйдим? Янги дўстларимга ўзимнинг нақадар очиққўл эканимни исботламоқчи бўлдимми? Улар ҳам шуни намоён

этмоқчи бўлдиларми? Савол кетидан савол туғилар, ўзимни қай тарзда оқлашни билмасдим. Нима бўлганда ҳам, пулимдан унумли фойдаланолмадим. Энди нафақат яшашга, ҳатто орқага қайтиб кетишга ҳам маблагим қолмаганди.

Энди уйга қандай кетаман? Ота-онамга нима дейман? Умуман, ниманинг эвазига яшайман?

Ночорлигимдан йиғлагим келарди. Ҳаммаси аниқ-тиниқ ва яхши эди, энди эса мавхумлик, ночорликка айланди.

Икки кунни ҳеч кимга кўринмай ўтказдим. Дарс қолдирдим. Ота-онамга хат ёзиб бўлган гапларни баён этишга чоғландим ҳам, лекин айбимни тан олишга юрагим дов бермасди. Улардан пул сўрашдан осонроқ нима бўлиши мумкин? Олиб кетишларини илтимос қиласми? Ахир, бу кучизлигимни тан олганимни билдиради-ку!

Мени уят, хижолатпазлик босди. Ота-онам ўқишим учун берган пулни сарфлаб қўйдим. Уларнинг ишонч ва умидини оқолмадим. Ўзимни эркинликдан бошини йўқотиб қўйган ёш боладек тутдим. Ақл биланмас, юрак амри билан иш тутдим. Кўнгилхушликларга берилдим, қониқтирилишини кейинроққа қолдириш мумкин бўлган битта ҳам истагимни рад этолмадим.

Хўш, ота-онамга қовун туширдим, менга раҳмингиз келсин дейманми? Ўртоқларим олдида нима деган одам бўламан?..

Шу орада Тимур югуриб келди. Унинг юзида ҳадик, қўрқув намоён эди:

– Сени директор чақирипти! Бўла қол!

Энди менга барибир. Директор бўлса, директор-да! Шошилмадим. Мактаб унча узоқмас. Лекин директор қошига юрган сари хаёлларим бошқача йўналиш ола бошлади. «Қизик, – ўйлардим, – нима учун айнан директорнинг ўзи чақирипти? Икки кун дарс қолдирганим учунми? Нима деркин?»

Мана, унинг эшиги ёнига ҳам келдим. Тақиллатиб кирдим. Директоримиз ёши анчага бориб қолган, қалин сочлари ва мўйловига қиров оралаган киши. Кенг бичимли

жинси шим, сафсарранг кўйлак, ичидан футболка кийган. Уст-боши ниҳоятда озода, замонавий. Имкониятлари кучли, хоҳлаган нарсасини сотиб олиши мумкинлиги юз-кўзидан кўриниб турибди. У қаттиқўл, лекин инсофли одам эди. Биз ўқувчиларни яхши кўради, лекин буни билдирамайди. Ҳурмат қиласиз. Умуман, уни энг яхши директорлардан бири дея эътироф этишади.

У биз таҳсил олаётган мактабнинг хўжайини ҳам эди. Ҳаётида нимагаки эришган бўлса, ўз кучи, иқтидори орқали эришган. Камбағал эмаслигини, биз таҳсил олаётган мактабдан ташқари, яна бир нечта кўчмас мулк эгаси экани ҳақида ҳам эшитганман. Биз билан катта ва мустақил одамларга қиладигандек муомалада бўларди. Оғир кунларимизда узундан-узоқ сұхбат қурадиган, доно маслаҳатлари мушкул аҳволдан чиқиб кетишимизга ёрдам берадиган инсон. Қанчалик ёрдам қўлини чўзмасин, бу ҳақда жар солиб юрмасди ҳам.

Директор мутолаа билан банд эди.

– Хўш, йигитча, нима хизмат? – деди бошини ортга ташлаб.

– Чақиртирган экансиз. Мен Жавлонбек Сайдовман, Тошкентдан, – инглиз тилида энди яхшигина мурожаат қилар, лекин ҳали ҳам сўзлашувда нуқсонларим бор эди.

– Нима бўлди, дўстим? Икки кун дарс қолдирдингиз.

Бошимни ҳам қилганимча индамай туравердим. Кечаси ўғрилар тунаб кетгани ҳақида ёлғон тўқигим келди. Лекин кўпни кўрган, алдамчиларни уялтирадиган ва афсусланишгача мажбур қиладиган бу инсонни алдолмасдим. Яхшиси, бор гапни айтишим керак. Шундай қилдим ҳам. Пулсизликка дучор этган очиқўллигим ҳақида батафсил сўзлаб бердим.

– Хўш, ёшинг нечада? – сўради директор гапимни тугатганимдан сўнг.

– Ўн олтида.

– Илтимос, ўз Ватанинг, оила аъзоларинг ҳақида сўзлаб бер.

Мен Ўзбекистон, урф-одатларимиз, анъаналаримиз,

үйимиз ва оиласыз ҳақида узоқ гапирдим. Директор диққат билан эшилди. Кейин савол берди:

– Ота-онанғ ким, нима билан шуғулланишади? Улардан маслаҳат ва ёрдам сўраш керак деб ўйлайман. Нега уйдагилардан пул сўрагинг келмаяпти ўзи?

– Дадам завод директори бўлиб ишлайди. Бу ерга жўнатиш учун битта үйимизни сотишга мажбур бўлди. Олма-Отада яшовчи ўртоғи Муродбек акадан қарз ҳам олди. Энди отам ўша дўстига нима дейди? Ўғлим аҳмоқ, ҳамма пулни кўкка совурибди дейдими? Йўқ, мен бундай қилолмайман.

– Унда дўстларингдан қарз сўра, беришади. Мен шундай қилган бўлардим.

– Улар шундоқ ҳам зўрға кун кечиришяпти.

– Унда... Пулингни ким билан бирга сарфлаган бўлсанг, ўшандан сўра.

– Сўрадим. Беришди, лекин кўпмас. Ўн беш кунларга етказишим мумкин, холос.

– Яхши. Айтайлик, қарз сўрайдиган ҳеч киминг йўқ. Лекин, бу энди руҳан тушкунликка тушиб, қанотларингни туширишинг керак деганимас. Ҳозирги аҳволингни тушуман, чорасизлик қопқонига тушиб қолдинг. Ҳатто бундан ўзгача йўл билан чиқиб кетишни ҳам ўйлаётганинг йўқ. Боши берк кўчага кириб қолгандек сезяпсан ўзингни. Амалга ошмайдиган ишлар ҳақида ўйлаш билан оворсан. Демак, ҳақиқатан ҳам ҳеч нарса амалга ошмайди. Сен бошқа нарсалар ҳақида ўйлашинг керак...

Директорнинг сўzlари мени ўйлантириб қўйди.

– Ишлаб пул топ! – ҳозирги ҳолатимдан чиқишининг энг тўғри йўлини кўрсатди у.

– Қандай қилиб? Ахир, мен ҳали ҳеч нарсани билмайман.

– Бундан осони йўқ! – жавоб берди директор жилмайиб. – Пул ишлаб топиш-топмаслигинг каллангга қандайдир фикр келиш-кељмаслигига боғлиқмас. Жон-жаҳдинг билан ишлайсанми-йўқми, бунинг ҳам аҳамияти йўқ. Асосийси, ўзингга ишонч бўлсин. Ҳаммаси ана шунга боғлиқ.

– Ўзимга ишонч? Ахир, бунинг пулга нима дахли бор?

Директор мұхим ғапни үқтироқчидек үрнидан турди:

– Айнан дахли бор. Ўзингга ишончнинг мақсад сари интилишга, унга әришишгача үсіб боради. Муваффакиятинга ишонмасанғ, ҳатто ишни ҳам бошлолмайсан, құлларатинг бўшашиб қолади.

Бу ғапни эшитиб яқинда рўй берган бир воқеа эсимга тушди.

– Бир ҳафта аввал ўз Ватаним ҳақидағи ҳикоя билан сўзга чиқишим керак эди, – дедим. – Инглизчани тўлиқ билмаганим учун роса ҳаяжонландим. Кечаси билан ухламадим. Далилларни ўйладим, улардан энг эътиборлиларини танлаб олдим. Сўзга чиққанимда эса қўркувни енгдим. Илк сўзларимданоқ эшитаётгандарнинг диққатини ўзимга жалб қилолдим, «аъло» баҳо олдим. Ўзимга ишончим бўлмаганида, шунчалик пухта тайёрланмасдим. Ҳаммасини ўз оқимиға ташлаб қўядим.

– Жуда зўр! – деди директор тантанавор оҳангда. – Мана шу ишончнинг айнан ўзгинаси!

– Аммо, назаримда, ўзимга бўлган ишонч ҳали унча каттамас, – дедим мен.

– Тўғри. Лекин буни тузатиш мумкин. Ўзингга нисбатан ишончни кучайтириш учун нималар қилиш лозимлигини билишни истайсанми?

– Албатта!

– Унда диққат билан қулоқ сол. Тоза дафтар олгин-да, муқовасига «Муваффакият кундалиги» деб ёз. Бу дафтарга амалга оширган барча ишларингни қайд этиб чиқ. Ҳар куни ёз, муваффакиятларингни топа бил. Улардан ҳаммасиям катта ва кўзга кўринарли бўлмайди. Майли, кичик муваффакиятлар бўлсин, лекин қоидага риоя қил: уларнинг сони бештадан кам чиқмасин. Муваффакият эканига иккиланганингда ҳам, ютуққа киритавер. Ҳисобингда қанча кўп ютуқ бўлса, ўзингга ишончнинг ҳам шунча юқори бўлади.

Директор бир оз сукут сақлади.

– Сенга ким ёрдам қўлинни чўзишини биламан! – деди

кейин. – Бир вақтлар менга йүл-йўриқ кўрсатган дўстим бор. Исли Миклош. У бизнинг фахримиз, машхур одам. Балки эшитгандирсан?

– Йўқ, – бош чайқадим мен.

– Миклош мудаффақиятга эришиш сирларини очгани туфайли зафар қучган. Сенга, ҳеч бўлмагандан, ютуқларга эришиш йўлларини биладиган одамлардек фикр юритишни ўргатади. Ҳақиқатан ҳам пул ишлашни ва бойиб кетишни хоҳлайсанми?

– Албатта. Энг катта мақсадим шу!

– Улкан мақсад, орзу – ютуқнинг энг биринчи ва асосий шарти. Лекин биргина орзунинг ўзи камлик қиласди, уни омад ҳақидаги билимлар билан тўлдириш лозим. Жаноб Миклош сенга ёрдам беради. Ёдингда тут: ютуқларга эришган ҳар қандай инсоннинг ҳам мураббийси бўлган. Миклошдан сенга мураббийлик қилишини сўрайман. Бунга эътиroz билдиримайсан деб ўйлайман? – шу сўзларни айтиб Австралия харитаси ёнига борди ва кичкина шаҳарчани белгиловчи нуқтани кўрсатди. – Жаноб Миклош мана шу шаҳарда яшарди. У ерда бўлганмисан?

– Йўқ, албатта.

– Унда таваккал қилиб кўр. Жаноб Миклошнинг ҳузурига бор. Балки у сенинг олға силжишингга ёрдам берар. Топишинг қийин бўлмайди, уни ҳамма танийди.

– Ўқишим-чи? Дарс қолдираман-ку!

– Сенга бир ҳафта жавоб. Ўқитувчиларга айтиб қўяман, хавотир олма. Мана йўлингга пул, кейин қайтарарсан. Манави эса тавсиянома. Жаноб Миклошнинг манзилини ҳам ёзиб бераман...

Директорга чин кўнгилдан ташаккур билдиридим, лекин... «Шунча узоқча бориб нима қиласман? Ўша бойлик сирларини ўзи айтса ҳам бўларди-ку!» – деб ўйладим ичимда. Мени шу каби саволлар қийнарди. Кейин эса шундай бўлгани маъқул деган қарорга келдим. Ўйлашимча, жаноб Миклош бойликка элтадиган йўлни олдиндан кўра биладиган одам.

III ҚИСМ.

СИРГА ЯҚИНЛАШИШ

Үша куннинг ўзидаёқ Жаноб Миклош яшайдиган шашарчага етиб бордим, қийналмай уйни ҳам топдим. Мени истараси иссиқ, дид билан кийинган етмиш беш ёшлардаги серғайрат киши кутиб олди. Салом бердим. Мени ичкарига таклиф этаркан, юмшоқ ўриндиққа ўтқазди. Ўзи рўпарамдан жой олиб, кўзларимга тикилди.

– Сизни бу уйга нима етаклаб келди? – сўради у.

Мен унга бошимдан кечирган барча воқеаларни сўзлаб бердим. Кейин директоримиз берган тавсияномани узатдим. Жаноб Миклош бир вақтлар у билан ўзининг билим ва сирларини бўлишганини, энди эса менга ҳам ёрдам кўйини чўзиши керак деб ҳисоблаётганини айтдим.

– Тушунарли. Хўш, бир оз муддат шу ерда яшагизга тўғри келади. Энг аввало, ўзингизни тартибга солинг, – шундай деб жаноб Миклош ёрдамчисини чақирди-да, мен учун хона ажратиб, ўша ерга кузатиб қўйишини тайинлади.

Ёрдамчи мени кенг ҳовли адогидаги бир қаватли алоҳида уйчага бошлади. Чўмилиб чиқдим. Дам олдим. Шундан сўнг жаноб Миклош тайинлаган вақтда унинг ҳузурига кириб бордим.

– Йигитча, сиз ўзингиз пул ишлаб топиб кўрганмисиз?
– биринчи саволи шу бўлди унинг.

Мен унга болалигимдаги бир воқеани айтиб бердим. Саккыз ёшимда оиласыз билан бирғаликта Чимкенттә, бувимнигінде боргандык. Баҳор ойи, апрелнинг бошлари эди. Йўл бўйида турган болакай ва қизалоқлар машиналарда ўтиб кетаётгандарга лола тақлиф этишарди. Уларнинг кўлидаги лолалар ям-яшил адирлардан ҳозиргина терилгани кўриниб туради. Синглім Нигора иккимиз ҳам шу йўл билан пул ишламоқчи бўлдик. Ота-онамиз бундан нима чиқишини кутишга қарор қилдилар. Тезгина лола тердик ва йўлдан ўтаётган йўловчи машиналарга тақлиф қила бошладик. Таассуфки, бирорта ҳам ҳайдовчи лопламизни сотиб олмади. Фақатгина иккиси одам харид қилди. Улар ҳам ота-онам эди. Ўшанда отам менга иккиси мухим ўғит берди: «Ҳар доим атрофдагиларнинг ҳожатини чиқаришни ўйла. Бу сенинг яхши пул ишлаб топишингга ёрдам беради. Биринчи ўринда ўзинг пухта биладиган, севадиган ва қўлингдан келадиган ишга қўл ур».

– Ҳа, қимматли ўғитлар, – бош ирғади Жаноб Миклош.
– Кўпчилик ўзи қилаётган ишини севмагани, билмагани ва пишиқ-пухта бажаролмагани туфайли бутун ҳаёти мобайнида ўзидан қониқмай яшайди.

– Демак, уларда ишига ишонч йўқ экан-да, – дедим мен.

– Фақатгина ўзига ишонч ва ишга муҳаббат баҳт учун камлик қилади. Бадавлат бўлишни хоҳлаган одам кўп сирларни билиши лозим. Одатда, одамлар ана шу сирларга, асосийси, ўзининг бойиб кетишига ишонишмайди. Ютуққа кўзи етмаган инсон муваффақият чўққиларига чиқолмайди. Чиққан тақдирда ҳам, ўзиданмас, омад атальмиш ҳодисалар таҳлилидан миннатдор бўлиши керак. Жавлонбек, менга айт-чи, муваффақият сирларига сен ўзинг ишонасанми?

– Ишонаман. Шунинг учун ҳузурингиздаман.

– Жуда яхши! Лекин кўпчилик менинг сирларимни қўллашга ва амалга оширишга тайёрмас, ҳатто уларни оддий тилда ва икир-чикиригача тушунтириб берсам ҳам,

қабул қилишмайды. Биласанми, бундайлар учун енгиб бўлмас тўсиқ нима? Моддий бойликларга боғланганлари, тасаввур қилиш қобилиягининг етишмаслиги! Айнан шунинг учун ҳам бойлик сирлари – дунёдаги энг катта тилсим, – жаноб Миклош тўлқинланиб, қизиқёнлик билан гапирав, фавқулодда юзага келган ёшлик кучи уйғониб, жўш уради. Нигоҳида кишини жалб этувчи оҳанрабо намоён бўла бошлаганди. Уни тобора қизиқиш билан тинглардим. – Энди эса менга айт, бойиш сирлари учун қанча тўлашга тайёрсан?

Бу кутилмаган савол бўлди.

– Жавоб бериш қийин, – дедим. – Тўлашни хоҳлага-нимда ҳам, ҳозир пулим йўқ.

– Пулинг бўлганида-чи? – қистади Жаноб Миклош. – Хаёлингга келган биринчи рақамни айтавер.

– Тўғрисини айтсам, билмайман. Балки юз доллардир!

Шу кеча давомида Жаноб Миклош биринчи маротаба истехзо билан кулиб юборди.

– Шунчалик камми? Демак, менинг сирларимга ишонмас экансан-да? Акс ҳолда, улар учун тузукроқ нарх белгилаган бўлардинг. Майли, яна интилиб кўр. Яна бирорта сон айт. Эсингда бўлсин, бу ўйинмас. Мутлақо жиддий ёндашиш керак.

– Ўйинга қаршимасман, лекин унутманг, пулим йўқ! – тақорлайдим мен.

– Бу ҳақда ўйлама.

– Пулим бўлмаганидан кейин қўлларим боғланган бўлади-да, – дедим қизишиб. Чолга қисқа ва лўнда қилиб «йўқ!» деб шунчалик айтгим келардики...

– Ҳаётда ҳаммаси учун тўлаш керак, дўстим. Текин пишлоқ нимани англатишини ўзинг яхши биласан, унинг ортидан қопқон келади.

Айни дамда мен учун ҳатто 10 000 доллар ҳам жуда катта пул эканини тушуниб турардим. Бу ўйларимни Жаноб Миклошнинг овози бўлди:

– Илк энг катта битимимни тузганимда мен ҳам сенга

үхшаш ҳолатда эдим. 250 000 доллар қарз олганман ўшанды. Ана шу пулдан фойда кўриш ва фоизларни тўлаш учун оёғи куйган товуқдек бор кучимни сарфлардим. Аҳвол шу даражада эдики, бир ҳафтадан сўнг операция столига ётишим ва узоқ вақт даволанишинг тўғри келарди. Аммо пулни айнан ўша вақтда олмасам, бошқа ҳеч қачон бу имкониятни кўлга киритолмасдим. Ва мен уни олдим. Ўша вақтда тижорат менга ўзининг дастлабки жиддий дарсларини берди. Агар одам янада қулай имконият ва шартшароитни кутиб вақтни бой берса, у ҳеч қачон ҳеч нимага эришмайди. Ҳаракатнинг энг қулай вақти – ҳозир ва шу ерда! Бунинг оддий изоҳи шундай: олдинда бўлиш учун одам бошқа йўли йўқлигини сезиши керак. Орқаси билан деворга тақалганини, ортга йўл йўқлигини тушуниши лозим. Агар ишончинг бўлмаса, қилиш-қилмасликка иккilanсанг, турли-туман тўсиқларни баҳона қилсанг, ҳеч нарсага эришмайсан. Ночор аҳволга тушганингда уни ўзгартира оладиган, интилиш учун бор кучингни ишлатишинг керак бўлган биргина йўлинг бор. Бундай пайтда танангнинг ҳар бир катакчаси ана шу ҳаракатга ҳисса қўшишга интилаётганини сезасан. Шунинг учун сира иккilanмаслик керак. Ортингда девор, сен унга тираглиб турибсан. Ўн минг Австралия доллари ёзилган чекка қўл қўй! – шундай деб столи тортмасидан чек китобчасини чиқарди-да, олдимга сурди.

Шошилмай чекни тўлдирдим, аввалига рақамларни, кейин ҳарфлар билан уларни чиройли қилиб ёздим. Аммо имзо чекишишга келганда тўхтаб қолдим. Мени титроқ тутганди.

– Ҳали ҳеч қачон бунча катта пулга чек тўлдирмагандим! – дедим дилимдагини тилимга чиқариб.

– Ҳадемай бундан ҳам катта рақамларга имзо чекишингга тўғри келади, дўстим. Бу фақат бошланиши!

Лекин қўлим менга қулоқ солмасди. Ҳаммаси жуда тез юз бераётганди-да! Ахир, ўйлаб кўринг, умримда биринчи марта кўриб турган одамнинг ўн минг долларлик чеки-

га құл қүйиб беришим керак! Ниманинг эвазига? Фойда келтириши мүмкін бўлган қандайдир сир ҳақидаги ишониб бўлмас ваъдалари учунми?!

– Нега имзо чекмаяпсан, Жавлонбек? Айтяпман-ку, ҳадемай бу рақам сен учун унча катта бўлмай қолади.

– Гап рақамдамас, – дея минғирладим сўзларимни ўзим ҳам унча тушунмай.

– Унда нимада?

Фикримни бир нуқтага жамлаб жавоб бермоқчи эдим, Жаноб Миклош мендан олдин гапириб қолди:

– Имзо чекишига юрагинг дов бермаётганини тушуниб турибман. Муваффақият сирига ишонмаяпсан. Агар ишонганингда, бир дақиқа ҳам иккиланмаган бўлардинг. Нафакат мана шу пулни, балки ундан ҳам кўрганини ишлаб топишингга кафолат бераман!

– Унда ёзма кафолат беринг! – бидирладим.

Миллионер хохолаб кулиб юборди. Туриб у ёқдан-бу ёққа юрди.

– Менга ёқяпсан! – деди кейин. – Сен ўзингни муҳофаза қиляпсан, бу жуда ҳам тўғри. Одам ўзининг ҳар бир қадамини ўйлаб босиши лозим.

– Отам менга биринчи кўриб турган одамингга ишонма деб ўргатган.

Қария индамай жойига ўтиреди-да, кафолат хатини ёза бошлади. Кейин менга узатди. Ёзганларини ўқиб кўнглим жойига тушди. Ўзимни қўлга олдим, титроғим ҳам анча босилди. Энди Жаноб Миклош айтажак сирларни тезроқ билгим келарди. Ҳали умримда ҳеч ким ва ҳеч қачон менга бу ҳақда гапирмаган. Манови миллионер мени алдаётган бўлиб, унинг ҳеч қандай сири йўқ дейлик, аммо мураккаб масалаларни ҳам оддий тилда тушунтира олишини тан олишим керак эди.

Чекка имзо чекиб қарияга қайтардим:

– Энди ўша сирингизни билсам бўладими?

– Бу сирни билишингдан олдин бойиб кетгач моддий аҳволи ночор одамлар билан бўлишишга ваъда бер. Агар

рози бўлмасанг, сўзингдан қайтишинг учун вақт бор. Мана, чекни ҳам қайтариб бераман. Ўшандада уйингга қайтиб кетасан ва аввал қандай яшаган бўлсанг, ўшандай ҳаёт ке-чираверасан.

Қизиқишим шу даражага етгандики, ортга қайтишни сира ўйламасдим.

– Кам таъминланган одамларга бу сирларни ўргатиш учун ҳаётимнинг бир қисмини бағишилашга ваъда бераман! – тантанали сўз бердим. Сабрим тугаб бораётганди.

– Ҳақиқатдан ҳам бойишни шунчалик истайсанми? – яна бир карра сўради Жаноб Миклош.

– Бир гапни такрорлайверишга мажбурламанг.

– Яхши. Сен ноилож қолиб, ортингга қайтадиган йўлинг қолмагани туфайли муҳим қарорга келдинг ва ўн минг долларлик чекка имзо чеқдинг. Бор кучингни ишга солишидан бошқа чоранг йўқ эди. Мақсадингга эришиш ўйлида ортга қайтарувчи ҳар қандай кўприкни ёндириб ташладинг. Яша, азамат! Айнан шунинг ўзи муваффакиятга эришишнинг сирларидан бири, – қария энди шошилмас, жиддий тортганди. – Лекин сен ҳам, мен ҳам қаттиқ чарчадик. Шунинг учун ўзаро маслаҳатлашиб бир қарорга келайлик. Уйимда қанча керак бўлса, шунча яшайсан – балки бир ҳафта, балки бир ой. Ёрдамчимни уйига юбордим. Уй ишларини – тозалаш-саришталаш, овқат пиширишни зимманинг олишининг тўғри көлади. Масалликлар ошхонада, шкафда ва музлаткичда. Ўзбекларнинг хуштаъм овқатларни пиширишга уста экани ҳақида эшитганман. Ана шу гапларни тасдиқлаш ёки инкор қилиш имконияти туғилди. Овқат пиширишни билсанг керак, ҳойна-ҳой?.. Хўш, шартларимга розимисан?

– Бизда ҳар бир эркак овқат пиширишни билади. Энг ҳурматли меҳмонлар учун овқатни уй эгаси тайёрлайди. Ота-онам менга баъзи овқатларни тайёрлашни ўргатишган. Уларни татиганингизда қойил қоласиз! – дедим қатъий овозда. Ишнинг бундай кетиши менга жуда маъқул тушди ва ошхонага йўл олдим.

IV ҚИСМ.

МУВАФФАҚИЯТ ҚОНУНИ

Пархезбоп палов пиширдим. Жаноб Миклошнинг ёшини ҳисобга олиб кўп ёғ солмадим. Қозон йўқлигини сабаб қилиб овқат тайёрлашдан бўйин товлаш мумкин эмасди, кастрюлда пиширдим. Бу идишда шундай мазали овқат тайёрлаш мумкин деб сира ўйламагандим.

Икковимиз маза қилиб едик. Ошни ўзим ҳам соғинган эканман. Кетидан қайноқ кўк чой ичдик. Овқатдан сўнг идиш-товоқларни ювдим. Кейин жаноб Миклошнинг қаршисидаги юмшоқ ўриндиқдан жой олдим.

– Ҳар доим ана шундай ҳаракатда бўл! – сўз бошлади Жаноб Миклош. – Ўзингга бўлган ишончингни кўрдим. Ҳа, кучингга ишонишинг керак, бу ютуққа эришишнинг биринчи шарти. Бундай ишонч кўп омиллардан иборат: ўзингга нисбатан хурмат, фурур ва мақсадга интилиш. Мақсад, айниқса, муҳим.

Шундан сўнг Жаноб Миклош анчагача ўйланиб қолди. Шамол эсиб унинг соchlарини ўйната бошлаганди. Уларни кафти билан тўғрилаб, ҳаётда тўғри мақсад қўйиш ҳақида сўзлай кетди:

– Мақсад ўзига тортадиган ва мураккаб, айни пайтда, амалга ошадиган бўлиши шарт. Агар жуда оғир кўринса, уни амалга оширишга ишонолмайсан. Бунинг сири шундаки, мақсад бир вақтнинг ўзида ҳам юқорига парвоз қили-

ши, ҳам амалга ошувчан бўлиши лозим. Олдингга мақсад қўйётганингда ана шуларни ёдингда тут, унинг чегарасини ҳаддан зиёд кўтариб ҳам, тушириб ҳам юборма. Яна бир гап: аксарият одамлар ўзгаришларни ёқтирумайди, аввалгидек йўл тутишни яхши кўришади. Шу сабабли ҳаётимизда кундалик оддийлик кучли таъсир кучига эга, бугунги кунимиз кечагисидан фарқланмайди. Одамлар имкониятлари доирасини кенгайтиришдан қўрқадилар. Ундан кейин келадиган янгиликлардан чўчишади. Кундалик оддий муҳит кўпроқ маъкул келади ва уни бузадиган ҳар қандай ўзгаришларни хоҳлашмайди. Шу сабабли орзу қилишдан ҳам қўрқишиади. Мақсад эса орзусиз бўлмайди. Демак, орзунг доирасини кенгайтиришдан қўрқма. Уни олдиндан мустаҳкам чегаралар ичига солма. Кел, бир ўйин ўйнаймиз. Қофоз олгин-у, рақамларни ошиб бораётган тартибда ёзиб чиқ. Бир соат ичига ҳайратомуз натижага эришасан!

Жаноб Миклошдан қандай рақамлар ҳақида гапираётганини сўрамоқчи эдим, ўзи изоҳ бериб қолди:

– Жавлонбек, қанча пулинг бўлишини хоҳлардинг? Унга қачон эришишни истайсан? Бу пулни топиш учун қанча вақт ажрата оласан? Бойликка эришишнинг асосий сири мана шу!

Қария ҳазиллашяпти деб ўйладим.

– Сиз қачон ва қанча пулим бўлишини хоҳлаб, уларни қоғозга ёзсан, шундайгина оёғим тагига ёғила бошлайди деб ўйлайсизми? – дедим.

– Буни тушуниш осонмас, албатта, – жавоб берди қатъийлик билан жаноб Миклош. – Лекин унумта, бойлик сирлари аслида жуда ҳам оддий. Барча миллионерлар аниқ пул миқдорини муайян вақтда топишни мақсад қилиб қўйганларидан кейингина бой бўлганлар.

– Демак, мен ҳозир пулнинг аниқ миқдорини ва уни топишнинг муайян вақтини ёзмасам, уни тополмас эканман-да?

– Қаёққа кетаётганингни билмасанг, ноаниқ манзилга

бориб қолишиңг турған гап. Сен ҳали ёшсан ва аввалига бунга ишонмайсан. Вақти келиб ишонганиң сабабли пуллар қўлингга тобора оқиб кела бошлаганига ишонасан. Ишонавер, ҳаммаси жуда оддий. Фақат бойликка етишиш мумкинлигига ишониш керак.

— Сизга ишонгим келяпти. Лекин буларнинг бари қандайдир сеҳрга ўхшайди.

— Яххиси, ҳаётимдаги бир воқеани мисол келтираман. Ёшлигимда узоқ вақт иш қидирганим ёдимда. Ўзим ҳақимда турли идораларга маълумотнома бердим, суҳбатлардан ўтдим. Орадан бир оз ўтгач менга қўнғироқ қилиб номзодлар рўйхатига киритилганим ҳақида айтиши. Кейинчалик номзодим маъкулланиб, ишга ҳам таклиф этилдим. Менга катта маош ваъда қилдилар. Шу тарзда кўп пул олишим ҳақида орзу қила бошладим — пулни қайси мақсадларга сарфлаш ҳақида роса ўйладим. Ўзимдан ғуурланиб кетдим, ахир, шунча номзод ичидан мени танлаб олишганди-да!.. Кадрлар бўлимига қўнғироқ қилиб қаҷон ишга тушишим мумкинлигини сўрадим. «Маошинг катта» деган корхона эгасидан неча пулни назарда туваётганини, иш ҳақим қанчалигини, мукофот ва бошқа моддий рағбатлар ҳақида билмоқчи эдим. Лекин у «маошинг катта» деган гапдан нари ўтмасди. Бир ой ишлаганимдан сўнг гап нимадалигини тушуниб етдим. Менга бор-йўғи юз доллар тўлашди. Боплаб алдашди. Корхона эгаси муттаҳам бўлиб чиқди. Дарҳол ишдан бўшадим. Лекин бу мен учун аччиқ сабоқ бўлди. Энди қаерга ишга кирмоқчи бўлсам, аниқликни талаб қилардим. Ҳа, маош беришади, лекин қанча? Ўз талабларимни меҳнат шартномасида ёзма равиша кўрсатишларини талаб эта бошладим. Ҳар ҳолда ишонарли-да, ахир, бундай шартномани бузганликлари учун судга беришим ҳам мумкин. Тушунгандирсан, фақат оғзаки гапнинг ўзи камлик қиласди. Айтилган сўзни қўлинг билан тутолмайсан, қофозга битилганини эса хоҳлаган пайтда ва хоҳлаган жойда кўрсатса бўлади.

– Лекин бу мисолнинг бойликка қандай дахли бор? – сўрадим мен.

– Айнан дахли бор. Ҳаёт ўзимиз сўраган ва интилган нарсани бизга беради. Ноаниқ қилиб сўрасанг, мавхум натижа оласан. Кам сўрасанг ҳам худди шундай! Истакларингни аниқ-тиниқ белгилашинг лозим. Агар гап пул борасида кетаётган бўлса, унинг аниқ миқдорини, олиандиган вақтини белгилаш керак. Масалан, кейинги йили сен қанча пул топишни истардинг?

Буни билмасдим. Келгуси йил нари турсин, бу йил қанча топишими ҳам айттолмайман. Билмаслик хато эди, буни тушуниб қизариб кетдим. Билмаслигимни тан олдим.

– Сен бошқа одамлардексан. Кўринишидан оддий кўринган бу саволга аксарият кишилар дарҳол жавоб беролмайди. Бу энг кўп тарқалган ҳолат ва уни қанча тез тушунсанг, ундан холи бўлсанг, шунча яхши. Ҳаёт ундан нималарни хоҳлаётганимизни билишни истайди. Сўрайдиган ҳеч нарсанг бўлмаса, демак, ҳеч нима олмайсан... Энди 5-йил охирига бориб қанча пул ишлаб топишни исташингни ёз.

Мен ўйга чўмдим. Математика дарсида ҳам ҳозиргидек қўйналмагандим. Қўлим қалтираб ўзимга керакли рақамни ёздим. Ақл-идрокимни жамлаб, қофозга тикилганча хаёлга чўмдим. Куч ва имкониятларимни эътиборга олдим, ахир, менинг на олий маълумотим, на касбим, на яхши ишим бор. Фалон рақамдан кўпроқ ишлаб тополмайман. Шу ҳақда ўйлардим.

– Йигирма минг? – ҳайрон бўлди Жаноб Миклош. – Жуда кам-ку! Демак, баландга сакрамасликни режалаштирибсан. Бундай суръатда ишласанг, миллионерга айланишинг узоқча чўзилади. Қўрасан, бу сенга эрталабгидек унча оғир туюлмайди. Қолаверса, ҳаётингдаги энг оғир иш бўлади. Нима билан шуғулланишнинг аҳамияти йўқ. Асосийси, ўзинг учун ишлайсан!

Эътиroz билдирмаганим учун жаноб Миклош сўзида давом этди:

– Ҳар бир жиддий ютуқقا эришган одам йўлидаги тўсиқлар, эътиrozларни олиб ташлаб, улкан ишларни амалга ошира олишига, мақсадига албатта етажагига бениҳоя ишонган бўлади. Ҳар қандай муваффақият асосида ишонч ётади ва у ютуқ сари етаклайди. Бойликка эришганларнинг ҳар бири катта қийинчиликлар билан тўқнашишган, лекин бор кучини жамлаб, олдига қўйган мақсадига эришишган. Кел, ёзганларингга қайтамиз. Йигирма минг доллар хаёлинга биринчи келган рақамми?

– Йўқ, – дедим мен.

– Биринчи ўйлаган рақаминг неча эди?

– Калламда кўп рақамлар айланаб юрди, лекин уларнинг барига эришиб бўлмайдигандек туюлди.

– Ишонмагунингча етишиб бўлмайди ҳам. Энг катта тўсиқ одам ўз олдига қўядиган тўсиқлардир. Улар одамнинг калласида бўлади. Фикр юритиш доирасини кенгайтирганлар имкониятларини ҳам кенгайтирадилар. Ички тўсиқларини чилпарчин қилганлар ҳаётида учраган тўсиқларни ҳам майдалаб ташлайдилар. Ўшанда ютуқقا олиб борадиган шарт-шароитлар сеҳрли равишда ўзгаради.

– Лекин хәёлимдаги тўсиқларни қандай биламан?

– Уларни аниқ рақамларга айлантирединг ва қофозга туширдинг. Бошлиётгандар учун энг осон йўли тоза қофоз олиб унга рақамлар миқдорини ўсаётган тарзда ёзишдир. Ёдинга бўлсин, амалга оширишингга ишонмас экансан, ҳеч қачон бой бўлолмайсан. Энди машқни қайтарамиз. Аввалгидан каттароқ пулни ёз. Баландроқ бўл.

Жаноб Миклош олдида ўзимни нокулай сездим ва янги рақам ёздим – 60 000.

– Бундан ортиғига умид ҳам қилмайман, – очигини тан олдим.

– Балки ишонишинг мумкин бўлган энг катта рақамдир бу, аслида эса топадиган пулингнинг ҳаммаси эмас. Амалда жуда кам рақам. Шунча пулни бир ойда топадигандар ҳам, ҳар куни топадигандар ҳам бор. Майли, табриклашга рухсат бер. Олға қараб ажойиб қадам босдинг – фикр-

лаш доирангни уч карра кенгайтирдинг. Ҳозир гап олт-минг устида кетаётгани йўқ. Бу рақам муваффақиятинг ўлчови бўлиб қолсин. Кўрамиз, олдингга қўйган мақсадингга эриша оласанми-йўқми? – қария шундай деб 60 000 рақами қалин қилиб ёзилган қофозни кўлимдан олди. – Бу ҳам муваффақиятнинг асосий қонунларидан бири. Сен қарор қабул қилдинг, хаёлий тўсиқларингни аниқ катталикка ўтказдинг. Энди гап сен ҳақингда бормайди. Қандай инсон бўлишинг ва мақсадингга етаклайдиган йўллар муҳим.

Жаноб Миклош қофозни қайтариб берди ва сўзида давом этди:

– Мақсадингни ёзишда давом эт. Энди «Мен 60 000 доллар ишлаб топаман!» – деб ёзган жумла рўпарасига бу ишни амалга оширмоқчи бўлган санани қайд эт. Масалан, беш йилдан сўнг, 2003 йил 17 марта. Мақсад қўйиб, унга етиш вақтини белгилаш олий истагингни моддий эквивалентга айлантиришдаги биринчи қадамдир. Шундан сўнг қисқа вақт ичida етишишинг зарур бўлган оралиқ мақсадларни қўяссан. Улар фаровонлик йўлидаги йўл кўрсатичларинг. Қолаверса, бир йиллик мақсадлар қўй ва албатта бажар. Улар сен учун қўшимча даромад манбаи бўлади.

– Қўшимча даромад халақит бермайди, – рози бўлдим.

– Лекин уларни қай тарзда оламан?

– Хавотирланма, бу унчалик муаммо эмас. Фақат ана шу мақсадинг билан онгингни доимий равишда руҳлантириб, янги пул ва санани қўйиб бор. Қолганини онгингнинг ўзи бажаради. Бор кучинг билан юқорига интилишинг керак. Ишлар ўз-ўзидан силлиқ кетиши мумкин эмаслигини тушунганингдан сўнг иккиланишга вақting бўлмайди. Олға, олға ва фақат олға! Сира иккиланма! Кечроқ, хонангда бир ўзинг бўлганингда қўйидаги машқни бажар. Умрингнинг охиригача етишмоқчи бўлган барча орзу ва мақсадларингни ёзib чиқ, улар 101 та бўлсин. Отангни Рокфеллер, онангни Буюк Британия

қироличаси, яширинган имкониятларингни эса чек-чегарасиз деб тасаввур эт. Мен ана шу туйгуларни ўзимда ҳис этиб кўрдим. Натижада миллионерман. Ишни ўн минг доллардан бошлаганман. Бу пулни мураббийим берган. Кўплар устингдан кулишади – жуда баланд дорга осилибсан-ку дейишади. Ҳаракатдаги инсонларнинг устидан кулганлар ҳеч қачон бой бўлишмайди. Муваффақиятга эришиш қонуни фақат миллионер бўлмоқни истаганлар гагина тааллуқли эмас. У ҳар қандай кучли истакнинг амалга ошишига ёрдам беради. Бу истак оддийми-йўқми, дахлий йўқ. Масалан, қўшимча беш минг доллар ишлаб топиш ёки даромадни икки ҳисса кўпайтириш – амалга оширса бўладиган иш.

Жаноб Миклош менга хайрли тун тилаб хонасига кириб кетди. Мен эса орзуларимни ёзишга ўтиредим. Бу осон эмасди. Эллигинчи орзумга зўрга етганимда бошқа йўқлигини билдим. Аввалига хаёлпарастликка берилишда ўзимни чегараладим, аникроғи, моддий бойликларга боғланганим, талай орзуларимнинг амалга ошиши учун унча кўп пул керак эмаслиги билинди. Хаёлим суст ишларди. Орзуларимнинг очиқ парвоз қилишига йўл бермасдим. Лекин қатъийлик билан ўтириб бир неча соат ишлаганимдан сўнг қандайдир тўсиқдан ошиб ўтдим-у, бари ўзгарди. Бирданига барчаси – орзу-истакларимга эришиш учун пулим, вақтим бордек туюлди. Ўзимни аввал беш йил, кейин ўн-йигирма йил ва ундан ҳам кўпроқ вақт олдинга, кексайган вақтимга қадар хаёлан олиб ўтдим. Бутун вужудимдан янги куч ёғилгандек эди.

Ниҳоят, ярим тунда 101 та мақсадимдан иборат рўйхатни ёзиб тугатдим. Шундан сўнг ўзимдан кўнглим тўқ ҳолда ухлашга ётдим. Лекин уйқу келмасди – бугунги гапларни ўйлардим.

Кейин ухлаб қолибман. Тушимда осмондаги қоп-қора булутларни шамол қаёққадир ҳайдаб кетарди. Бургутни кўрдим – бу мағрур қушни узоқ йиллар қафасда ушлаб туришарди. Бир куни қафас эгаси уни қўйворди. Аммо бур-

гут қимирламасди. Қафасда ўтирган йиллари мобайни-да учишни, озодлик нима эканини унуганди. Үнга учиши кераклигини имо-ишора билан күрсатиши. Лекин бургут ҳайкал мисоли қимирламасди.

Шу пайт осмонда кичик ёриқ юзага келиб, қүёш ярқ этиб чарақлади – унинг нурлари билан бургутнинг күзларини ёритиб юборди. У бир силтаниб, қанотларини түғрилади-да, қаттиқ силтаниб, учиб кетди. Сал ўтмай осмон узра күздан ғойиб бўлди.

V ҚИСМ.

ОНГНИ ҚАНДАЙ ИТТИФОҚДОШ ҚИЛИШ МУМКИН

Телефон күнғироғидан чүчиб уйғондим. Жаноб Миклош сим қоқаётган экан. У ҳар доимгидек күч-күвватга тұла. Уйқуси тинч ва сокин бўлганини овозидан сездим.

– Жавлонбек, сени боғда кутиб ўтирибман, – деди у.

Тез кийиндим-да, ювиниб боқقا ўтдим. Жаноб Миклош курсида ўтирган кўйи қушларнинг парвозини кузатиш билан банд эди. Қадам товушларини эшишиб менга қаради. Ажин босган юзига табассум ёйилди.

– Ишлар қалай? – қизиқди у. – Машқ таъсир қилдими?

– Таъсир қилганда қандоқ! Тушимга узоқ йиллар қафасда сақланиб, кейин озодликка чиқарилган бургут кирибди. Аввалига у учишни истамади. Лекин булутлар қаърида кўринган офтоб нури бамисоли чақириқ бўлди ва у учиб кетди.

Жаноб Миклош менга ёнидан жой кўрсатди.

– Яхши туш кўрибсан, – деди кейин. – Бургутлар парвозини томоша қилиш бекиёс роҳат баҳш этади. Биз одамлар улардан ўрганишимиз керак. Бургутлар тўсиқлардан кўрқмайди, етукликка интилади, ўртаҳол ҳам бўлолмайди. Одамлар ҳам улар каби вақти-вақти билан ўзларига шундай талабларни қўйиб туришса эди! Ҳақиқатан, бургут каби учишдан мароқлироқ яна нима бўлиши мумкин?

Хеч қандай қийинчиликсиз учасан. Ҳатто қанотларингни қоқмайсан – уларни кенг ёйсанг, кифоя. Бургут қанча баланд учса, шунча кўп нарсани кўради. У нафақат пастни, балки олдинни – келажакни ҳам кўради. Инсон ҳам худди бургутдек келажакни кўролса, қўйган мақсадига етишишни енгиллаштиради. Бургутлар ҳақида, Жавлонбек, соатлаб гапира оламан!

– Биласизми, бизнинг Ватанимиз – Ўзбекистон гербига ҳам ҳумо қушининг расми туширилган, – дедим мен тўлқинланиб. – У баҳт ва озодлик рамзиdir.

– Ажойиб экан... Кўряпсанми? Худди шундай бургутлар ҳам озодликни билдиради, озодликсиз эса баҳт бўлмайди, – қария таъсиrlаниб гапираради. – Чидамлилик, довюраклик, улуғорлик, дунёқарашибнинг кенглиги ва шунга ўхшаш талай сифатларга эга бўлгани сабабли бу кучли ва мағрур қуш турли давлатларнинг герб ва байроқларини безатади. Сен ҳам, Жавлонбек, ҳаётда бургут бўл! Атрофингни ҳам бургутлар билан қуршаб олишга интил. Улар билан дўстлаш. Олдинга ва баландга интил, қийинчиликлар олдида ҳеч қачон таслим бўлма! Турли синовлар билан тўқнашишингга тўғри келади. Ёдинга тут: улар сени тўғри йўлдан сиқиб чиқариб юбормаслиги кепрак. Нима хоҳлаётганини билган инсон учун қийинчиликларни енгиш бургут самода учиб, ўзига озука қидиргани билан баробар. Ана шуларни ўрганганингда орзуларинг кетма-кет ушала бошлайди.

Жаноб Миклош курсидан турди:

– Юр, нонушта устида сухбатимизни давом эттирамиз.

Тезда қаҳва тайёрладим. Дастурхонга ўзимизнинг миллий таом – сомса тортдим. Бу ерда тандир йўқ эди, албатта, ўринини электр плитка босди. Жаноб Миклошга сомса ёқди, у яна бир бор ўзбек таомларини мақтади.

– Бизнинг таомлар нақадар турли-туманлигини билсангиз эди! – дедим мамнунлик билан.

– Жавлонбек, ширин таомларинг билан мени талтайтириб юборяпсан. Балки бир умр шу ерда қоларсан? Сен-

га яхши маوش тўлардим, – таклиф қилди у. – Нима дейсан?

– Жоним билан қолардим, бу ер менга ёқди. Австралияда кўп нарсани ўрганишимни ҳам биламан. Таклифингиз учун раҳмат! Лекин ўқишини битиргач уйга қайтишим керак. Ахир, ота-онамнинг ёлғиз ўғлиманин, келажакда уларга ғамхўрлик қилишим керак. Ҳозир улар мен ҳақимда қайғурадилар. Кексайғанларида эса мен уларга қарайман. Бу менинг бурчим. Акс ҳолда, қариндошларим, дўстларим орасида ҳурматимни йўқотаман. Урф-одатларимиз шундай. Бизда қариялар эъзозланади, уларнинг гапи ерда қолмайди. Яхши одатларимиз кўп. Ҳалқимизнинг илдизи чуқур. Икки минг беш юз, уч минг йиллик шаҳарларимиз бор. Юртимизни, уйимизни севаман. Бу ерда олган билимларим оиласанг, Ватанимга, ҳамюртларимга хизмат қилишини истайман. Уларни юртдошларим билан бўлишаман. Бу билимлар уларга ҳам асқотишини истайман.

– Сенга қойил қолдим, яхши йигит экансан, – мақтади жаноб Миклош. – Ўз Ватанингда яашашга қарор қилганингдан хурсандман. Орзу-мақсадларингни амалга оширолсанг, ҳаётинг бошқача бўлади. Бургут каби учасан! Ҳаётдан хурсанд бўлишнинг энг яхши йўли – одамларга хизмат қилиш, фойданг тегишини ва кераклигинингни билиш. Қанча кўп ёрдам берсанг, ўзинг ҳам шунча юқори поғонага кўтариласан. Оиланг ҳақидаги ғамхўрлигинг ҳам менга ёқди. Қадрдонларинг, дўстларинг ҳаётдан қувонишингни, бошқалар қилган барча яхшиликлари учун миннатдор бўлганингни кўришади. Умуман, ҳаммаси учун миннатдор бўлиш керак. Бу дунёда яшаётганинг, унинг тўрт тарафи сен учун очиқлиги, нонинг бутунлиги, бошинг узра томинг бўлгани, яқинларинг сенга ғамхўрлик қилганлари – бари-бари учун, – гапини тугатган қария меҳмонхона томон кетди.

Шошилмай ошхонани йиғиштириб тартибга келтирдим. Орзулар оғушида яна бошқа ишлар билан ҳам андармон бўлдим.

Бир соатлардан сүнг Жаноб Миклошнинг ҳузурига бордим. Яна унинг ўгитларини ўзимга сингдиришга тайёр эдим. Жаноб Миклош ёнидан жой кўрсатди.

— Яхши сўзларни самимият билан кўпроқ тақрорла, ўшанда ишончга эга бўласан. Сўзлар катта кучга эга – биз уларга бўйсунамиз, шуни эсда тут. Инсон феъл-атвори қанча кучли бўлса, сўзлари ҳам ана шундай кучга эга. Инглизлар учун қироличанинг амри вожиб бўлгани каби уларни адо этиш ҳам мажбурий.

Бу мен учун қизиқ эди. Қария гапида давом этди:

— Ҳаётингда шундай бўлганми: кимдир ёлғон гапиравтганини билиб турасан, лекин барибир кўнишга мажбурсан?

— Ҳа, бир неча марта бўлган.

— Шундай вақтларда онгингни алдагансан, уни ёлғонни рост ўрнида қабул қилишга мажбурлагансан. Энди яна шу ишни қилишингга тўғри келади. «Мен етти йилдан сўнг миллионер бўламан», – деган сўзларингни онгинг рост ўрнида қабул қилиши шарт. Етти йилда миллионер бўлишингга ишонсанг, вақти келиб у ўз ишини бажаради. Бу миянгга онгли равишда таъсир қилишнинг бошланиши, уни ўз хоҳишингга мажбурлашинг бўлади. Миянг ўзига сингдирилган хоҳишлиарингни рост ўрнида қабул қилиши билан орзу-истакларингга эришишинг мумкин.

— Агар онгим бойлик ҳақидаги фикрларимни қабул қиласа-чи?

— Бундай ҳолда таъсири тез ва кучли бошқа имконият бор, яъни ўз-ўзингни ишонтириш. Хоҳишлиарингни қайта-қайта тақрорлашинг лозим. Эрталаб ва кечкурун овоз чиқариб айт. Аммо бу пайтда «мен омадсиз оилада туғилиб-ўсганман, шу сабабли ҳеч қачон муваффақиятга эришолмайман» деган ўй-хаёл ҳам миянгда айланиб юрса, бутун умринг давомида омадсизликлар сенга ҳамроҳ бўлади. Онгимиз – қулимиз, шуни эслаб қол. У катта кучга эга бўлиб, одамни ўзига бўйсундириб олиши мумкин. Лекин онгни бошқара билишинг лозим, чунки у кўр. Тўғри дастурга эга

онг ажайиботлар яратади. Даромадимни ўн минг долларга ошироқчиман деб миянгни ишонтир. Бу маълумотни буйруқдек қабул қиласди ва уни амалга оширади. Ҳар куни эслатиб тур, ана шунда онгинг шу буйруқ устида ишлай бошлайди. Унга мақсадингнинг аниқ ўлчовларини белгилаб берсанг, ўз йўлини ўзи аниқлайдиган ракета каби ҳеч нарсага чалфимай, мақсадинг сари йўналади.

Узоқ гапириб қария чарчади, шекилли, индамай қолди.

– Сизнинг ўйтларингизни тинглаб бу ўйин эмасмикин деб ўйладим, – дея унга тикилдим.

– Муваффақият қонунини бир кунда эллик мартадан кам қайтармаслигинг лозим. Кўпроқ бўлса, янада соз. Юз марта қайтарсанг, ундан ҳам зўр! Бу машқни сен учун ҳеч ким бажармайди. Бу жудаям мароқли машғулот. Уни бажараётib полга ётиб олар ва маҳсус ҳисоблагич ёрдамида санаб борардим.

– Оғир машқ экан.

– Ҳа, осонмас. Аввалига диққатингни бир жойга жамлашинг қийин кечади. Ўн маротаба қайтарганингдан сўнг хаёлинг бошқа ўйларга чалғий бошлайди. Қайтадан сана. Чалфимай ҳисобни элликкача олиб бор. Агар ана шу эллик мартада ўзингни тартибга сололмасанг, бой бўлиш ҳақидаги орзуларингни унут. Демак, улар сен учунмас. Энг муҳими – қатъийлик. Бу эса қўлингдан келади, сезиб турибман.

– Нима учун бу қонунни албатта овоз чиқариб тақрорлаш керак?

– Миянгга бериладиган таъсирни кучайтириш учун. Овоз билан узатилган буйруқни онгинг қатъийлик ва куч билан ташқаридан берилган кўрсатмадек қабул қиласди. Бир маромда сеҳрли сўзларни гапираётгандек сўзла. Овозинг таъсир қилиш маромида ва, албатта, тўла ишонч билан чиқиши лозим. Ўшандагина муваффақият қонуни яшаб кета олади.

Бу сўзлар мени ҳайратга солди. Жаноб Миклош энди кулимсираб гапирмас, юзи жиддий эди, бамисоли тақдирни олдиндан кўриб турган фолбиндек.

– Қонунни бир меъёрда тақрорлаётган овозинг аввалига ҳаяжонга солиши мүмкин, – давом этди у. – Лекин бунга тез күникасан. Қўйилган мақсадинг аввалига бениҳоя баланд ва каттадек кўринади, лекин вақт ўтгач уни амалга ошириш янада осонроқ эканини англайсан.

– Қилаётган амалларим аҳмоқликдек туюлиб кулиб юборсам-чи?

– Бундай пайтда, айниқса, қатъий бўл. Иккиланиш юзага келса, дарҳол уни йўқотишга интил. Буни тушунган одамга куч берилади. Ўзингни фикран миллионер ҳисобласанг, анча олға силжиган бўласан, қолган бари вақтга боғлиқ.

– Ҳозирча ҳисобимда бир доллар ҳам йўқ, – эслатдим мен.

– Муваффақият сирини қайта-қайта тақрорлаб ўзинг-да ўзгариш сезасан. Орзуларинг ўз «мен»инг, ҳаётинг-нинг бир қисмига айланади. Келажагингни ўз истагинг бўйича яратасан. Ҳаётинг эгасига айланасан. Ахир, ҳар биримизнинг қалбимиздаги истагимиз мана шу эмасми?

«Жуда ғалати экан, – ўйладим, – лекин ҳақиқатан иш берса, барибир эмасми?»

Жаноб Миклошнинг сўзлари таъсир эта бошлаганди. Ҳар бир одам ўзини қанчалик баҳоласа, ўшанча қадр-қимматга эга бўлади деган сўзлари айни нуқтага теккан. Одам ўзини қадрламаса, қилаётган ишини уддалай олишига ишонмаса, ана шундай бўлади. Салбий фикрлар ўз ортидан салбий оқибатга дучор қиласди. Ахир, барча фикрлар моддийлашади: яхшилари манфий – «плюс», ёмонлари мусбат – «минус» ишораси билан. Бу гап тобора куч олиб бормоқда.

Бироз сукутдан сўнг Жаноб Миклош давом этди:

– Ҳаётинг ёки боғу бўстон, ёки жаҳаннам сари элтадиган йўлга айланиши мүмкин. Ҳаммаси фикр юритишингга боғлиқ, ўғлим, ҳаммасининг боши шу. Энди ижозатинг билан озгина дам олсам. Сен эса тушликка бирор егулик тайёрла. Кеча дамлаган ошинг менга жудаям ёқди. Бугун нима билан хушнуд этасан?

– Бизда димлама деган таом бор. Сизга жуда ёқади деб үйлайман. Бу таомни қозонда тайёрлаш керак, лекин қозонимиз йүқлиги боис кастрюлда пиширишга интиламан, – дея ошхона томон юрдим.

Бир неча соатдан сүнг қария тамадди қилишимизни кутиб үтиради. Пазандалигим унга яна манзур бўлди. Бир томчи сув солинмай сабзавотлар билан паст оловда димланган «димлама» хуштаъм ва мазали эди....

Жаноб Миклош яна одатдагидан кўпроқ еди ва норози қараб қўйди: унинг меъёридан кўп тановул қилганига яна мен айбдор эдим.

Тамаддидан сүнг боғда гул ва дараҳтларни суғордим. Жаноб Миклош эса айвондаги юмшоқ курсида үтириб мутолаа билан машғул бўлди. Кун ботгунча итни сайр қилдиришим ва кечки овқат тайёрлашим керак.

Кечки дастурхонга мастава ва димланган қовоқ тортдим – яна мақтоврга сазовор бўлдим.

VI ҚИСМ.

ҚАРЗ СҮРАШ НИМА ДЕГАНИ?

Күкда ой сузаётганида хонамда китоб ўқимоқчи бўлдим. Аммо қанча интилмайин, ўқиганларим калламга кирмади. Ўй-хаёлим Жаноб Миклошнинг ўгитларида эди. «Хўш, – дедим ўзимга-ўзим, – бир ҳафта шу ерда яшайман, ютуқларни кўлга киритишни ўрганаман. Кейин-чи? Қарзларимни қандай тўлайман? Эртага уйимга қайтиб боришимга пулни қаердан топаман? Буни ҳали билмасдим. Ўйлаб-ўйлаб ухлаб қолибман...

Тонгда қушлар сайрашидан уйғониб кетдим. Аммо ўрнимдан тургим келмасди. Нима мақсадда келганим, мажбуриятларимни бажаришим кераклиги ёдимга тушди.

Эрталабки бадантарбия билан шуғулланиб бўлгач ошхонага югурдим. Колбасали тухум дўлма – дунёдаги энг тез тайёрланадиган таомлардан бирини ҳозирлашга киришдим.

Бир оздан сўнг икковлон дастурхон атрофида ўтирадик. Нонушта Жаноб Миклошга ёқсан, бу юз ифодасидан аён эди.

– Мени кечадан бери бир ўй хавотирга соляпти, – гап бошладим очиқласига. – Маслаҳатларингиз ҳақида кўп ўйладим, уларнинг тўғрилигига ишонаман. Бу сирлар ёрдамида омадли ва бой-бадавлат бўлишимга, ички дунёим ва ўзим билан тил топишишимга имоним комил. Ле-

кин нимадан бошлашим, биринчи қадамим қандай бўлиши кераклиги аён эмас. Қандай йўналишда иш бошлашни билмасам...

Бу гапим Жаноб Миклошнининг кулгисига сабаб бўлди.

– Хавотир олма! Аввал олдингга мақсад қўй, шундан сўнг онгингдан ўша мақсад сари йўналтиришини илтимос қил. Унга савол бер ва жавобини кут. Аминманки, жавоб ўзини узоқ куттириб қўймайди.

Бу сўзларни эшитиб ҳафсалам пир бўлди. Мен аниқ жавоб кутгандим. Қария бамисоли фикрларимни уқсандек бош ирғади:

– Аввал юрагингга ўтирадиган иш топ. Муваффақиятли ва бой бўлишни истасанг – тез ва шахдам интил. Са- монинг ўзи доимий ҳаракатда ва интилганларни муко- фотлайди. Тез интилганлардан қолганини кутиб ўтирганлар олади. Сен катта қайиқни кутяпсан-у, қирғоқча яқинлашмаётган бўлса, унга сари сузишинг керак. Кўпчилик моддий фаровонликка эришолмайман деб ўйлагани сабабли унга эришолмайди. Ҳатто бу йўналишда олдинга силжиш учун ҳаракат ҳам қилмайди! Бошиданоқ орзусига эриша олишига ишонмайди ва ҳаракатларини тўхтатиб қўяди. Муваффақиятнинг асосий калити – ке- ракли жойда керакли вақтда, айнан шу жой ва вақтда ғояга эга бўлиш. Ўша жойда керак экансан, ҳаракатингни асло кечиктирма.

– Гапларингиз маъқул, аммо барибир ишни нимадан бошлай?

– Фикрингни жамла, ўшанда жавобнинг ўзи келади. Фикрларингни бир жойга йиққанингда сен учун ҳаётдаги энг зарур нарса нима эканини кўрасан. Кўпчилик ўз ҳаёти мобайнида мана шу ёруғ дунёга келишининг маънисини билишга интилади, тополмагач ҳаёт маъносиз экан деган хуносага келади. Лекин ҳамма билан ҳам шундай эмас. Вақти келиб дунёга нима учун келганингning маъносини тушунасан.

Қария шошилмай қаҳва ичар, вақти-вақти билан менга

күз қирини ташлаб қүярди. Унинг күзларида бир вақтнинг ўзида ҳам меҳр, ҳам истеҳзо бор эди.

– Лекин менинг пулим йўқ, бирор иш бошлишим учун уни қаердан олишни ҳам билмайман.

– Сенга қанча пул керак?

– Тўғрисини айтсам, билмайман ҳам. Балки сизга бир пайтлар керак бўлганидек ўн мингдир?

– Ана шу пулни топасан, қидириб кўр. Ҳеч қачон жангсиз таслим бўлма! Жангсиз таслим бўлиш муваффақиятга эришмаслик учун ҳеч нарса қилмаслик демак. Илтинос, ўзингни тўсиқдан йироқ тут: барибир ҳеч нарсага эришолмайман деб фикрлай бошлайпсан. Бундай қилиш мумкин эмас, чунки илк қадамингданоқ ўзингни муваффақиятсизликка хукм этмоқдасан. Фикр ва истакларинг билан келишишинг керак!

– Интиламан.

– Ечим мавжуд ва маълум, у энг зўр ечим деган ишонч билан иш бошла. Мақсадинг ва идрокинг албатта сенга ечимни айтади. Бу эса сен учун кутилмаган ғоя бўлиши мумкин. Муваффақиятингга имонинг комил бўлсин, ана шунда у сен томон келади. Иккиланишларни ўзингдан ҳайдা! Иккиланиш – зулмат, шу боис сенга хукмронлик қилишига асло йўл қўйма. Қалбингни ишга солиб иккиланишларга қарши жанг қилишишинг керак. Фикрлар – босилган қадам, амалиётга айланиши мумкин, улар моддийлашиш кучига эга. Иккиланиш ҳам куч. Фақат мутлақо кераксиз, орзунг йўлидан бир юз саксон даражага четга олиб кетиши мумкин бўлган куч. Онингга таъсир қилиш ёрдамида улардан кутулишга интил, бу энг яхши усул. Иккиланишингга қарама-қарши фикр ярат ва уни қайта-қайта таъкидла. Сўзларингни буйруқка айлантир. «Мен фалон ишни эплайман ва амалга ошираман!» – асосий фикринг ана шу бўлиши лозим. Ҳар бир фикринг буйруқ оҳангига кечиб, дарҳол амалга оширилиши шарт. Яна бир омил муҳим: бошқаларга зарар етказувчи фикрлардан қочишни ўрган. На хаёлинг, на мақсадинг шунга ўхшаш тушунчага эга бўлсин.

– Баъзида хаёлимга турли аҳмоқона фикрлар келади ва мени ваҳима босади. Шундай вақтларда юрагим дукиллаб ура бошлайди. Ўзимни шу каби нохуш ўйлардан холи қилишни истайман!

– Кўркув ҳам бўлмасин. Кўркув – иккиланишнинг акаси ва энг разил душманинг. Қашшоқлиқдан қўршишнинг олтига белгиси мавжуд: бефарқлик, бекарорлик, шубҳа, бозовталиқ, ўта эҳтиёткорлик ва сусткашлик. Кўркув, ваҳима бекарорликдан келиб чиқади. Шуни унутма. Бекарорлик шубҳа билан қўшилади, натижада қўркув юзага келади. Довюрак ва жасур бўлишни, ҳеч нарсадан қўрқмасликни ўрган.

– Мени ишонтирдингиз, – дедим.

Суҳбатга қизиқиб вақт учқур отдек ўтиб кетганини билмай қолдим. Энди ишга ўтиш керак эди. Дастурхонни ийғиштиридим, ўт ўрдим, дараҳтларни суғордим. Иш кўп, болалигимдан меҳнатга меҳр қўйганим сабабли у менга роҳат бағишларди. Уйда ҳам боғимизда ишлашни яхши кўрадим – кўчкат экар, дараҳтларни бутоқлар, меваларни терардим.

Жаноб Миклош курсида ўтириб гоҳ мени кузатар, гоҳ газета мутолаасига бериларди. Мен томонга қараганида чехрасида хайрхоҳлик намоён бўларди.

Ёмғир томчилаб, кейин ёғиши кучайди. Тезда уйга кирдик. Кийимларим шалаббо бўлган, уст-бошимни алмаштиришим лозим эди. Телефон жиринглади. Жаноб Миклош ким биландир гаплашиб олгач кечга яқин ўртоғиникига кетишини айтди.

Пешин вақти яқинлашарди. Италия макаронидан лағмон тайёрладим. Жаноб Миклош уни мақтаб-мақтаб еди, лекин яна сузига беришимига кўнмади. Ўзини мажбуран тийгани аён эди. У ортиқча вазнсиз қадди-қомати билан ғурурланарди. Ортиқча овқатдан тийилиши менга мустаҳкам иродасини намоён этди.

– Илтимосларга қандай қарайсан? – савол берди у. – Илтимос қилишни биласанми? Масалан, дўстларингдан

ниманидир илтимос қилишинг, қарз сўрашинг малол келмайдими?

– Қарз сўрашга ботинолмайман. Шу боис бундай илтимосларни кам ишлатаман. Рад жавобидан, «йўқ» деган сўзни эшишидан кўрқаман. Ёнингизга келишдан олдин дўстларимдан қарз сўрагандим. Ҳаммасини сарфлаб юбордим.

– Бу масалада ноҳақсан. Эсингда тут: амалга ошган илтимос – муваффақият калити. Тарих илтимос қилганларидан сўнг бирданига бойиб кетган инсонлар ҳаёти ҳақидаги қиссаларга бой. Улар илтимос қилишган ва ўзларига керакли даражаларга эришган. Сўрашни ўрган. Ўзингга керакли ва муҳтож бўлган нарсани уялмасдан сўра. Рад жавобини олишдан кўрқма, бунинг сира қўрқинчли жойи йўқ, ахир, сен ҳеч нарса йўқотмадинг-ку! Фурурингни қўлга олишни ўрган. Ана шунда яна ва яна сўрай олишинг мумкин. Бора-бора илтимосларингнинг бари қониктирилади, мақсадингга эришиш йўлида олға силжийсан. Уятchan одам биргина сен эмассан. Кўпчилик учун илтимос қилишлар ечиб бўлмас муаммога айланади, улар ўйлаганига етишолмайди. Илтимос қилишдан кўрқиш одатий ҳол, мазкур ҳолатда уларда қатъийлик ва ўзларига ишонч етишмайди. Бу эса хато. Сенинг ҳолатингга қайтамиз. Олдингга қўйган мақсадингга эришишинг учун қандай интилишинг керак?

Жаноб Миклошга тикилиб нимага шама қилаётганини дарҳол тушундим. Наҳотки ҳозир қиладиган ишим мана шу миллионердан қарз олиш бўлса? Бор-йўғи шуми? Иккиланишим узоққа чўзилмади.

– Миклош жаноблари, менга ўн минг доллар қарз бе-риб туролмайсизми? – секин сўрадим ундан.

– Балли! Унчалик қийинмас, шундайми? Фақат жасурлигинги ишга солиб, ўзингни қўлга олиб сўрашинг керак эди, холос. Лекин одамлар негадир сўрашга камдан-кам журъат этадилар.

Миклош шимининг орқа чўнтағига қўл тиқди-да, бир дас-

та пул чиқариб менга узатди. Унинг учун катта пулмас, албатта, лекин мендек оддий одам учун жудаям улкан миқдор. Мени хушнудлик қамраб олди. Бу пулларга осонгина эришдим деган хаёл ҳам ўтди кўнглимдан. Сўрадим ва пулларни олдим. Худди ичимдагини сезгандек Жаноб Миклош сўз қотди:

– Келажақда ҳам пуллар сенга осонлик билан келади. Улар учун кўп ва хўп меҳнат қилиш шартмас. Меҳнат, албатта, керак. У ҳаётий мувозанатни мустаҳкамлайди, ўйлашга мажбур қиласди, жисмоний куч-кувват сарфлаб, сарф-харажатларни камайтириш асосида ишлаш йўлларини топишга мажбуrlайди. Лекин фикрий дастур, истак кучи ва уни аниқ масалани ҳал қилиш йўлида йўналтириш маҳорати ҳаммасидан ҳам муҳим. Буни эътиборга олмаганлар омадсизлар сафини тўлдириб, бутун умр озгина моддий рағбат учун оғир, ўзлари севмаган ишни бажаришга мажбур бўладилар. Шундай қилиб, Жавлонбек, пул керак бўлганида қандай иш тутиш мумкинлигини эслаб қол. Агар уларни тез ва осон топишга ишончинг комил бўлса, айнан шу йўл билан топасан. Агар иккилансанг, қўлингдаги манави пулларни эсга ол. Фақат сўраш керак. Эсингда тут, бизнинг чуқур онгимиз остидаги ишонч ҳамиша ҳаётга татбиқ этилади. Буларни, – қўлимдаги пулларни кўрсатди у, – сенга қарзга беряпман, бир йилдан сўнг қайтарасан. Ўқишинг қачон тугайди?

– Бир йилдан кейин.

Жаноб Миклош бир оз сукут сақлаб турди ва деди:

– Ҳаммаси жойида! Бу пулларни фақат бизнесга ишлатаман ва қарзимни албатта қайтараман деб ваъда бер. Биламан, ҳалол, покиза йигитсан, сенга ишонса бўлади. Шунинг учун ҳеч қандай иккиланиш ва ёзма битимларсиз қарз бераман.

Жаноб Миклошнинг қарзини қайтармай Тошкентга учеб кетишим мумкин-ку деган ўй ўтди хаёлимдан. Бу аҳмоқона фикрни калламдан қувиб чиқардим, лекин барибир қизариб кетдим.

– Нима учун сиз менга пул беряпсиз? – деб сүрадим.
– Ахир, мендан қарзингиз йўқ-ку!

– Жавлонбек, бу пулларни сенга совға тариқасида ҳам беришим мумкин эди, – жавоб берди Жаноб Миклош. – Лекин шундай қилсам, улар сен учун ҳеч қандай қимматтага эга бўлмайди ва худди ота-онангнинг пулларини сарфлаганинг каби осон ва тезгина ишлатиб қўясан. Муваффақиятнинг яна бир сири – ҳар бир ишлаб топган долларингнинг қадрига етишингда, ҳаракат ва ишларинг учун жавоб бера олишингда. Биз нимагаки эришган бўлсак, тақдирга шукр қилишимиз, оддий ва табиий кўринган – соғомонлигимиз, атрофимиздаги ранг-баранглик, хурсандчиликнинг қадрига етишимиз лозим. Кундалик ҳаётда ҳаммамиз нафас олаётган ҳавога аҳамият бермаймиз, лекин у бир зум етмай қолса, дарҳол илғаб, ваҳимага тушамиз. Бетобланиб ётиб қолганимизда энг оддий кўринган юриш-туриш, бирор юмушни адо этиш, дўстлар билан муносабатда бўлиш каби нарсаларга ҳам бўлакча муносабатдамиз, ахир, дард бизни буларнинг баридан маҳрум этади. Шифохонада бировнинг қўлидан овқатланасан, юришни, ҳаракатланишни қайтадан ўрганасан. Ва бирданига ҳаёт нақадар гўзаллигига амин бўласан, нега шу чоққача шуларни кўрмаганингдан ҳайратга тушасан... Дарвоқе, Жавлонбек, сенинг қарзларинг бор-а? Борми ёки йўқ?

– Ўртоқларимдан қарз олганим ҳақида айтгандим. Энди ана шу қарзларимни узаман.

– Сенга учта маслаҳат бераман, унутма, ҳамиша керак бўлади. Биринчиси: бировдан қарздор бўлсанг, кредит картасидан фойдаланмасликка интил. Одамлар нақд пулдан кўра кредит карталари ёрдамида кўпроқ пул сарфлашади. Нақд пул ишлатилганида қанча пул кетгани кўриниб туради, кредит картада эса бу кўринмайди. Иккинчи маслаҳат: кредит пулларини, қарзларни вақтида ва тўлалича қайтар. Лекин имкониятга қараб уларни секин-аста, оз-оздан тўла. Қарзлардан қанча тез кутулсанг, ҳар ой

шунча күп пул түлайсан. Кун күришингга ҳам кам пулинг қолади. Учинчи маслаҳат: истеъмол қарзларидан фойдаланмасликка интил. Кредитга автомобиль, мебель, телевизор олма. Кундалик харажатларинг учун кредитнинг ҳам кераги йўқ. Агар қарзларинг ҳаддан зиёд кўпайиб кетган бўлса, «элликка-эллик» қонунидан фойдалан. Яъни пулларингнинг ярмини қарзларингни тўлашга сарфла, ярмини ўзингга олиб қол. Лекин, яна тақрорлайман, яхшиси, истеъмол моллари учун қарзга ботма, уларни зимманинга олма.

Жаноб Миклошни дикқат билан тинглардим. Бу гаплари мен учун янгилик эди.

– Агар қарзларинг бўлса, бир парча қофозга «Жавлонбек, бу сенга ҳақиқатан ҳам керакми?» деб ёзиб ҳамёнинг ичига солиб кўй. Ўшанда касса ёнига борганингда мана шу харид менга керакмикан деб ўзингдан сўрай бошлийсан.

Маслаҳат бериш масаласида Жаноб Миклош устаси фаранг эди. Баъзида фикр юритишларида мантиқ етишмаётгандек туюларди менга, лекин сал ўтмай хатога йўл қўйганимни англай бошлардим.

– Тамадди қилиш вақти ҳам келди. Овқатланиб оламизми? – сўради у.

– Жоним билан! – иргиб турдим мен.

Үй томон юрдик. У катта-катта қадам ташлаб дадил бораарди. Ёши анчага бориб қолганига қарамай, қадди букилмаган.

– Марҳамат, ўтири! – жой кўрсатди у. Одатда бу ёрда ўзи ўтирарди, энди эса мени ўтқазди. Ўзи эса ёнимга, пешанасига «вақт – пул» деб ёзилган қумсоат тагига ўтириди.

У шошилмай овқатланарди. Ўзига бир неча тилим қизил лосос балиғидан солди. Мен эса қорним очқагани боис лососни ҳам, газ печида пиширилган денгиз палтусини ҳам иштаҳа билан пақкос туширдим. Тамадди қилиб бўлгач яна боққа қайтдик.

– Сенга ўқишинг ёқадими? Ким бўлмоқчисан? – деб сўради у.

– Мамлакатим учун фойдали инсон бўлмоқчиман. Биз бозор муносабатларига энди ўтиpmиз, давлат мулкчилигидан хусусий мулкчиликка ўтиш эса эҳтиёткорликни талаб қиласиган жараён. Бизнесимни мана шу ерда олиб борилаётгани каби юритишга интиlamан. Яна бойлика элтадиган барча сир-асрорни ўрганишни истардим. Уларни дўстларим билан бўлишаман. Муваффақиятли ва бой инсонлар қанча кўп бўлса, Ватанимиз шунча гуллаб-яшнайди.

– Жавлонбек, эътибор берган бўлсанг, бир вақтнинг ўзида сенга муваффақиятга эришишнинг кафолатли қонуниятларини ҳам ўргатиб бормоқдаман. Буни аста, шошилмай амалга оширяпман. Муваффақиятга элтадиган биринчи омил орзу эканини тушундинг. Муваффақият сирларини билиш учун келган мактаб директори, дўстим билан биргалиқда биз мазкур тушунчалар устида мулоҳаза юритдик. Шунга мувофиқ, сен «Муваффақият кундалиги»ни тутаётганинг, унга ҳатто энг кичкина муваффақиятларинг ва ғалабаларингни ҳам ёзib бораётганинг менга манзур бўлди. Инсоннинг ўз кучига ишончи бўлиши кераклигини тушундинг деб ўйлайман. Ишонч мақсадга ётишишда кучли истакка ёрдам беради. Бу муваффақиятни таъминлайдиган иккинчи асосий омил. Сенга қарзларга нисбатан тўғри муносабатда бўлишни ўргатдим. Энди сўрашдан уялмайсан, ахир, илтимос қилиш – муваффақиятга эришишнинг энг самарали усууларидан бири. Кўнглингга ёқадиган ишни тезроқ топишинг кераклиги ҳақида айтиб ўтгандим. Шу боис нима билан машғул бўлиш мароқли эканини сўрадим. Сенга қандай иш кўпроқ ёқади?

– Пулларим йўқлигига улар кўп бўлишини орзу қиласидим, – жавоб бердим мен. – Уларни тўғри йўналтириб, ютуқларга эриша оламан деб ўйлардим. Энди эса пулим бор, лекин ҳали ҳам қандай иш тутишни ва уни қай тарзда кўпайтиришни билмайман.

– Ўзинг биладиган ва қўлингдан келадиган иш билан шуғулланишинг керак. Ютуқقا эришиш учун, авваламбор, яқинларингнинг муаммоларини ҳал этишга интилишинг зарурлиги ҳақида айтиб ўтгандим. Шунинг учун қариндошларинг, ўртоқларинг олдида қандай муаммолар тургани ва уларни қай тарзда ҳал қилиш мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўр.

– Бугунги кунда энг севимли ишим – ўқиш. Машаққатли ёки бирхиллiği билан жонга тегадиган ишни эса билмайман.

– Жавлонбек, ҳатто севимли ишнинг ҳам салбий жиҳатлари бўлади. Ўз ишингни севиш-севмаслигингни қандай билиш мумкин, биласанми? Ишни бошлаганингда эртага ҳисобингда бир миллион доллар пулинг бўлганида ҳам уни бажара оласанми-йўқми, ана шу ҳақда ўзингдан сўраб кўр. Агар ўшанда ҳам бу ишни қилиш истаги қолмаса, билгинки, уни севмайсан. Севимли иш, мукофотланиш ёки мукофотланмасликдан қатъи назар, севимли бўлиб қолаверади. Энди жавоб бер, кўплар бирданига миллионер бўлиб қолганидан сўнг ишлашда давом этадими? Ўзим жавоб бера қолай: жуда кам одамлар шундай қилишади. Бой ва муваффақиятли бўлиш учун инсон ўз ишини севиши керак. Мен танийдиган бойбадавлат кишиларнинг барчаси ўз ишини севган ва усиз ҳаётини тасаввур этолмайдиганлардан иборат. Шунинг учун ҳам бойиб кетишган. Иш улар учун севимли машғулот, шу боис дам олишаётганида ҳам уни соғинишади ва биринчи истаги тезроқ ана шу ишининг бағрига қайтиш бўлади. Шунинг учун бой одамлар таътилга камдан-кам чиқишиади. Улар миллион топганида ҳам ишлайди, ўн миллион, юз миллион топганида ҳам.

– Айтинг-чи, сиз ҳамиша баҳтлимисиз? – деб сўрадим анчадан бери тайёрлаб қўйган саволимни берарканман.

– Тўғрисини айтсам, ҳаммавақт эмас. Ҳаётимда оғир дамлар ҳам бўлган. Болалик, ёшлиқ, етуклиқ йилларим Венгрияда ўтган. Ишда унча катта танлаш имкониятим

бўлмаган. Дуч келган юмуш билан шуғулланардим, ҳатто Будапештнинг тунги клубларида диск жокей бўлиб ишлаганман. Ҳаётим бесамар ўтаётганини англардим. Ўзимни ўлдириш ҳақида ўйлаб қолардим, лекин уларни тезда миямдан ҳайдаб чиқаардим. Бундай бўғиқ ҳаёт австриялик бир миллионер билан учрашганинга қадар давом этди. У менга музлатилган хамир маҳсулотлари технологиясини сотди ва нималарга эришишим мумкинлигини тушунирди. Гаровга онамнинг уйини тикиб кредитга эга бўлдим. Кейин асбоб-ускуналар ҳамда ижара учун бино олдим. Ўшанда 43 ёшда эдим. Технологияни ошхонанинг ўзида ўзлаштира бошладим. Энди йўқотадиган ҳеч нарсам қолмаганди. Фақат олдинга интилишим кераклигини, акс ҳолда, мени инқироз ва қашшоқлик кутаётганини тушунардим.

— Демак, сизга ҳаммасини ўша австриялик ўргатган экан-да?

— Ҳа, азизим. Бир қадам ҳам олдинга силжимаган вақтларим эди. Ўзимга: «Уриниб кўришинг керак», — дедим. Лекин айнан шу пайтда бошимга оғир кулфат тушди. Оғир касал бўлиб, юрагимни операция қилдиришга тўғри келди. Ўшанда икки шифокорнинг гаплари қулоғимга чалингани эсимда. Улар менинг вақт-соатим етгани, атиги бир неча кунлик умрим қолгани ҳақида сухбатлашишарди. Шифохонадан чиққач имкон қадар кўпроқ ишлашга бел боғладим ва чала қолган ишларимни тугатишга интилдим. Устимдан чиқарилган хукм мени эзарди. Бахтимга шифокорлар хато қилишган экан, уларнинг ташхиси ўзини оқламади, соғлигим бамисоли Яратганинг кўли билан қайтарилгандек тиклана бошлади. Неча кун, неча соат яшашимиз ҳисоб-китобли, албатта, лекин бизни бу ҳақда огохлантиришмайди. Буни жуда кеч, яшашимизга кўп қолмаганини англаганимиздан сўнг тушуниб етамиз. Олдимизда чексизлик бордек ҳаётдан ўзимизга керакли ечимларни қабул қилишга шошилмаймиз. Уларни доим ортга ташлаймиз. Кексайгунимизга қадар, кечиккунимизча чўзамиз.

– Бир мақол бор, – дедим мавриди келганини англаң.
– «Агар ёшлик билганида, қарилек қила олганида эди!»

– Түғри. Баҳт сири яна шундаки, ҳар бир кунимизни бамисоли охирги кунни яшаёттандек яшаб ўтишимиз, интилишимиз ва күркмаслигимиз керак. Довюрак бўл. Ҳамиша севган ишинг билан шуғуллан. Қўркувлар орзуларингдан кучли бўлиши мумкин эмас. Машҳур инсонларнинг ибратли ишлари доимо кўз ўнгингда бўлсин. Композитор Баҳ ўлим тўшагида ётган чоғида ўзининг энг охирги асарига янгиликлар киритган. Сўнгги нафасигача ишлаш истагида бўлмоқ учун катта истеъдод талаб қилинмайди. Даҳолик нима? Бу доимий тарзда ўзингга ва одамларга хурсандчилик келтирадиган ишларни қилиш демакдир. Ўзингни сўроққа тут: «Агар эртага ўлиш насиб этса, бугун нима қилишим керак?» Ана шунда аҳамиятга эга бўлмаган, нокерак юмушларни бир четга суриб қўясан.

VII ҚИСМ.

ТОВУҚ ВА ОЛТИН ТУХУМ

Кеч түшганини сезмай қолибмиз. Хүшбүй ҳид тарапар, мен яна димлама тайёрлашга киришгандим. Ўзбек таомлари жаноб Миклошга тобора ёқиб борарди. Мен ҳам роҳат билан ишлардим. Масаллиқлар бўлса, бас, мазали таом тайёрлашнинг сира қийинчилиги йўқ. Бир-биридан тансиқ таомларни ўйлаб топган ажододларимизга тасанно айтардим.

Кечки овқатдан сўнг Жаноб Миклош савол берди:

– Жавлонбек, менга айт-чи, қўлингдаги пулларга қай тарзда муомалада бўласан? Уларнинг қандайдир қисми-ни жамғарип қўясанми? Молиявий муҳофаза, молиявий хавфсизлик ва молиявий мустақиллик каби тушунчаларга эгамисан?

Бу саволга нима деб жавоб беришни билмасдим. Пуллим бўлган вақтларда ўзимни қийнамай, уларни билганимча сарфлардим, тугаганини билмай ҳам қолардим. Бўум-бўш чўнтағим мени жигибийрон қиласарди, ахир, ҳозиргина тўла эди-ку! Бир неча марта пулларимни йиғишга интилиб кўрдим, бундай захирага тегмасликка аҳд қилдим, лекин пул керак бўлиб қолган дастлабки вақтдаёқ уни ишга солар ва жамғармамни осонгина сарфлаб қўярдим. Жаноб Миклош айтаётган қандайдир молиявий хавфсизлик, молиявий муҳофаза ёки молиявий мустақиллик ҳақида илк бор эшишиб туришим эди.

– Сенга бир ҳикоя сўзлаб бераман, – деди жаноб Миклош хаёлимни бўлиб. – Яхшилаб қулоқ сол. Бир дехқон бўлган экан. У ҳар куни эрталаб катакка кириб, битта тухум олиб чиқар, кейин қовуриб, нонушта қиларкан. Шундай кунлардан бирида қараса, товуғи оддий эмас, тилла тухум қўйган. Дехқон ҳайрон бўлибди. Тухумни заргарга олиб борса, унинг асл тилладан эканини тасдиқлабди. Дехқон тухумни катта пулга сотибди ва хурсандчилигидан катта зиёфат берибди. Бундай мөхмондорчилик унинг уйида анчадан бери бўлмаган экан. Кейинги куни саҳарлаб яна товуқхонага югурибди. Омад қайтарилиши, товуқ тағин тилла тухум қўйиши мумкинлиги ҳақидаги фикр унга тинчлик бермаган экан. Лекин хашак устида аввалгидек оддий тухум бор экан, холос. Бир неча кун шу аснода ўтиб, дехқоннинг кайфияти бузилибди. Товуқни дангасалиқда айблай бошлабди. Жилла қурса, кунига иккитадан тухум қўйса ҳам бўларди-ку! Дехқоннинг сабр косаси тўлиб, товуқнинг калласини узиб ташлабди. Бошқа ҳеч қачон тилла тухум ололмабди. Алқисса: вақти-вақти билан бўлса ҳам тилла тухум қўядиган товуғингни ўлдирма.

– Тушундим. Товуқ – бу пул. Бундан чиқди, мен жўжаларим товуққа айланмасиданоқ уларни еб қўярканман.

– Ҳар қандай даромадингдан, ҳеч бўлмаса, ўн фоизини жамғариб қўйишга одатлан. Кўпроқ йиғсанг, янада яхши, лекин кундалик сарф-харажатларингга етмай қолиши мумкин. Жамғармаларинг кундан-кунга кўпайиб, охирни банкка қўйган пулларингдан келадиган фоизларнинг ўзи ҳам анча-мунча бўлади. Ана шу жамғармангдан келадиган улушни тилла тухум дейиш мумкин.

Жаноб Миклош ишонч билан гапиради. Оддий ва тушунарли, қўшимча изоҳларга ҳожат йўқ. Мен шу чоққача қандай хатоларга йўл қўйганимни англаб етгандим. Ҳозирча товуғим у ёқда турсин, жўжам ҳам йўқ. Битта эмас, бир нечта тилла тухум қўядиган товуғимни албатта топаман деб аҳд қилдим. Лекин айни дамда хоҳишлирим ва товуқ масаласида иккиланишим мумкинлигини тушуниб туарп-

дим. Товуқ ва унинг тилла тухумларига оид истакларимни камайтиришим ва қирқишим лозим. У ёки бу шароитда қандай йўл тутишим мумкинлигини ҳозирдан ўйлай бошладим.

Жаноб Миклош давом этди:

– Ҳар ойда ўн фоиздан олиб қўйсанг, кўп ўтмай анчагина фаровон ҳаёт кечира бошлайсан. Тезда бой бўлмайсан, албатта. Аслида, бой-бадавлат бўлиш учун ҳар ойда ишлаб топганингнинг ярмини сақлаб қўйишишинг керак. Буни қанча эрта бошласанг, шунча яхши, ўшандай суръатда бу одат тусиға киради. Банқда ҳисоб рақами оч ва ҳар ой уни тўлдириб тур. Бу қоидани бузмай, қатъий риоя қилиш керак. Ўша пулга ҳеч қандай баҳона билан тега қўрма! – уқтиради у. – Дейлик, даромад манбаинг бирданига қуриб қолди. Қарздорлар пулингни беришмаяпти, корхонанг ўтириб қолган – инқирозга учради. Ўзинг касалликка дучор бўлдинг ёки ишсизсан. Харажатларингни қанча вақтда қоплашинг ва ҳаётингни аввалги изига туширишинг мумкин? Молиявий муҳофаза ҳақида гапиргандан ана шулар назарда тутилади. Молиявий муҳофазада бўлиш учун олти ой ва ундан ҳам кўпроқ вақт мобайнида кундалик ҳаёт кечира олишинг учун ўзингга захира яратиб қўйишинг керак. Гап нимадалиги тушунарлимни?

– Молиявий муҳофаза ҳақида ўйламаганим учун пулсиз қолиб кетган эканман-да?

– Фақат сен эмас, кўплар шундай аҳволга тушиб қолади. Молиявий хавфсизликни яратганингдан сўнг кейинги босқич келади. Имконинг етадиган пулнинг ҳаммасини ўз молиявий муҳофазангни яратишга сафарбар эт. Молиявий муҳофазанинг бир камчилиги бор – у нисбатан кам пулга асосланган. Агар мавжуд шароит сени деворга маҳкам тақаб қўйса, ана шу пулни жуда оз вақтда – ярим, бир йил ичida сарфлаб қўйишишинг мумкин. Молиявий хавфсизлик эса бир йил мобайнида ҳеч қаерда ишламаган ҳолда фақат фоизига яшашиш мумкин бўлган пулга эга бўлишни назарда тутади. Сен хоҳлаган жойда яша-

шинг ва истаган нарсангни муҳайё қилишинг мумкин. Ҳаётингни сенга хурсандчилик келтирадиган, қобилиятиңг ва интилишиңгга жавоб берадиган жабҳага бағишлиашинг мумкин.

– Молиявий хавфсизликка албатта эришаман! – дея қичқириб юбордим кучли ҳаяжонланиб.

– Фақат ёдингда тут: молиявий хавфсизликни яратишга ажратиладиган пулни ҳеч қачон таваккалчиликка йўналтириш мумкин эмас, – деди жаноб Миклош. – Бу пулни жамғаришнинг ўзи молиявий хавфсизлигинг кафолати бўлмоғи зарур. Яна тақрорлайман: таваккалчиликка сира йўл қўймаслик керак!

– Молиявий мустақилликни яна бир бор тушунтириб беринг.

– Турли ҳажмдаги, бир-бирига туташтирилган учта идишни тасаввур қил. Аввал биринчи идишни тўлдирасан: бу сенинг молиявий муҳофазанг. У тўлганидан сўнг ортиб қолган ортиқча пул иккинчи идишга ўтиб молиявий хавфсизлигингни яратади. Иккинчи идиш ҳам лиммо-лим бўлгач учинчи идишга ўтади ва молиявий мустақиллингни яратади. Молиявий муҳофазангни таъминлагандан кейингина пулингнинг қандайдир қисмини молиявий мустақилликка бағишлиашинг мумкин. Ўшандагина таваккал қилишга, бу орқали янада кўпроқ даромад олишга ҳақлисан. Бу пайтда таваккалчилик ўзини оқлаган бўлади, чунки жамғармангнинг ҳаммасинимас, муайян қисмини таваккалчилик асосида ишлатасан. Яъни молиявий хавфсизлигинг чегарасидан ошиқ қисми билан таваккалчилик қилган бўласан.

Жаноб Миклош астойдил сабоқ берарди. Асосийси, унинг ҳар бир сўзи менга тушунарли эди. Шу тариқа кўп нарсани билмаслигимни ва фўрлигим боис йўл қўйган талай хатоларимни англаб етдим. Энди уларнинг бари мен учун жуда оддий эди. Қизиқ, шунчалик оддий бўлса, нима учун аксарият одамлар бу ҳақда ҳеч вақо билишмайди деган фикр хаёлимдан ўтди. Нима сабабдан ўзлари ўрга-

нишмайды, бошқаларга ўргатишмайды? Масалан, ота-онам бу ҳақда билмаслиги турган гап. Уйимизда пул қолмаганида отам ҳар гал онамни тинчлантириб: «Хавотир олма, эртагаёқ банкдаги ҳисобимдан пул ечиб келаман», – дерди. Ҳар қандай шароитта ҳам бунга йўл қўйиб бўлмаслигини улар билишмасди.

– Кўплар бойлик нималиги ҳақида ҳатто тасаввурга ҳам эга эмас, – давом этди жаноб Миклош. – Улар яхши пул топганимизнинг ўзи бойлик деб ўйлаб катта хатога йўл қўйишади. Одам ишламасдан, даромадидан келадиган улуш эвазига кун кўрганидагина бой ҳисобланади. Ишлаб топган пулингмас, жамғарган пулинг ҳисобига бадавлат бўласан. Жамғариб қўйган пулинг – бу келажагингнинг олтин захираси. Керакли сарф-харажатлар даромаднинг мъълум поғонасигача ўсиб бориш хусусиятига эгалигини қадимдагилар ҳам билишган. Одам қанча ишлаб топса, шунча кўп сарфлайди. Ошиб бораётган даромадлар нима учун ана шу ақидани ўзгартиролмаялти? Чунки даромад ўсиб бораверади, лекин одамларнинг тушунчаси ўзгармайди. Ҳаётнинг мафтункор гўзалликларига мояйиллигимиз жуда кучли, ҳар бир кунимиз байрам мисоли ўтишини истаймиз. Байрамлар эса сарф-харажатларни чекламайди. Шундай экан, ҳозирнинг ўзидаёқ пулингни тежашни ўрган. Ҳар ойда соф даромадингнинг ўн фоизини иқтисод қил. Ёшинг ўн олтида, ота-онанг билан яшайсан. Бу энг яхши давр. Сенга ҳеч қачон ҳозиргидек осон бўлмаган. Агар даромадингнинг ўн фоизидан ҳам кўпроғини тежаш имкониятинг бўлса, нур устига аъло нур. Аммо ўзингни ҳаддан зиёд чеклаш йўли билан пул йиғма, акс ҳолда, нима жамғараётганинг билмай қоласан. Умуман, пул йиғиб боришни одат қил, у сени миллионер одамга айлантиради.

– Мен эса одам қанча кўп пул ишлаб топса, шунча бой бўлади деб ўйларканман. Ваҳоланки, ишлаб топганиданмас, жамғариб қўйгани туфайли бойиркан! – хулоса қилдим.

Пулга нисбатан муносабатим ўзгараётганини сезиб ту-

пардим. Ана шу сонияларданоқ тежай бошлашимни ва ўзимнинг тилла тухум қўядиган товуғимни топишимга кўзим етарди.

– Тўғри фикр юритдинг, Жавлонбек! Тежашни бошқача сўз билан талқин қил. Ўз-ўзига тўлов бўла қолсин. Банкда ҳисоб оч ва ҳар ойлик даромадингнинг ўн фоизини унга қўй. Кўп ўтмай тўқ-фаровон ҳаёт кечирадиган одамга айланасан. Ҳеч қачон, ҳеч қандай баҳона билан бу пулларга тегма.

– Нима учун кўпчилик шундай йўл тутмайди?

– Сабаби оддий: бойлик сирларини билишмайди, билишса ҳам, фойдаланишмайди. Кўпчиликка изғирин ва мashaқатлар учун очиқ бўлиш ёқади. Аксар одамлар иқтисод қилишга ўрганишмаган, буни ўзларига муносиб кўрмайдилар. Ахир, тежаш – уларнинг хоҳиш-истаклари йўлидаги биринчи тўсиқ-да! Бойлар эса бу қонунларга қатъий риоя этишган. Улар учун «қилиб бўлмайди» деган гап «истайман»дан кучлироқ. Бозор иқтисодиёти бойларни озиқлантиради, уни назарига илмаганлардан эса борини тортиб олади. Агар бойлигингни ўзинг учун ишлашга мажбур қилсанг, у сени тўлқиннинг чўққисига олиб чиқади. Ана шу ишончсиз, лекин роҳатбахш тепаликда қанча вақт тура олишинг фақат ўзингга боғлиқ.

VIII ҚИСМ.

МУРАББИЙ – БАРЧА ИШЛАРНИНГ БОШИ

Вақт алламаҳал бўлиб қолган, сухбатимиз эса ҳануз давом этарди. На жаноб Миклош, на мен уни тугатишга ошиқардик.

– Ҳадемай уйингизни тарқ этаман, лекин менда ҳали кўп савол туғилади, – дедим. – Вақти-вақти билан қўнғироқ қилсам ёки ҳузуурингизга келиб турсам бўладими?

– Сен менга ёқиб қолдинг, Жавлонбек, – самимий гапирди Жаноб Миклош. – Сен билимга чанқоқ, ишчансан. Ҳар бир интилувчан инсон мураббийга муҳтож, усиз муваффақият сари йўли ҳам қийин бўлади, ҳам чўзилиб кетади. Жиддий масалани кўтардинг. Мен директорингнинг мураббийси бўлганман, у талай ютуқларга эришди. Афуски, аксарият одамлар машақатларни енгиш борасида бу йўлда қоқилмаган инсонларга мурожаат этишади. Уйингга қайтиб борганингда ўзингга яхши мураббий топишга интил.

– У қанақа бўлиши керак, жаноб Миклош?

– Сендан кўра муваффақиятлироқ бўлсин. У сен кўтарилимоқчи бўлган чўққининг тепасида туриши лозим. Бундай мураббийга тўла-тўқис ишонишинг керак. Тажрибали мураббий ёрдамида ишларинг силлиқ кетаётганини ва чўққига тобора кўтарилаётганингни ҳис қиласан. Ўзинг ҳавас қилган инсонларгагина ўхшашшга интилишинг керак.

– Устозингиз – австриялик миллионер ҳақида айтган-дингиз...

– Австриялик миллионер ёрдамида мен ўз бизнесимни бошладим ва уни кенгайтирдим. Австралияга кўчиб келдим. Бу ерда менга янги мураббий керак бўлди. У қурилиш бизнеси билан шуғулланар, бешинчи қитъанинг энг бой одамларидан эди. Буларнинг барига ўзи, орзу-мақсади ва меҳнати орқали эришганди. У Австралияга собиқ Иттифоқдан бўш чўнтаклари билан келган, бир неча йиллик муҳожирликда кун кечирган бўлса-да, лол қолдирар даражада ютуқларга эришган ва миллионларни топганди. Қай тариқа унга керакли одам бўлишим, эътиборини қозониш учун нималар қилишим мумкинлиги ҳақида роса ўйладим. Худди у каби қурилиш бизнесида ўз бахтими синаб кўришга тутиндим ва мураббийлик қилишини сўраб ҳузурига бордим. Аввалига у мен билан қўпол муомалада бўлди, овозини кўтариб гаплашди. Шахс сифатида қанчалик юксак эканимни билиш учун мени сабр-тоқат ва қатъийлик бобида синаб кўрарди. Оғир шароитда ўзимни қандай тутишимни кузатиши керак эди. Истиқболли орзу-режаларим борлигига ишонч ҳосил қилиб, уларга эришиш йўлида машақкатларга шайлигимни кўргач кичикроқ қурилиш корхонасига мен билан шерикчиликка кирди. Тижоратдаги шерикчилик орамиздаги муносабатларнинг мустаҳкамланишига олиб келди. Ёрдами ва ғамхўрлиги учун ундан миннатдор эдим. Мураббийнинг яхшилигини яхшилик билан қайташибга ҳар доим тайёр бўл. Улар ўз вақтини бекор ўтказишни ёмон кўришади. Маслаҳат беришса, бекаму кўст риоя қил. Мураббийим тавсиясига кўра иш тутиб услубларини ўрганиб олдим, кейинроқ анча кўнидим ва ўзлаштирдим. Унга ҳанузгача хат ёзиб турман, берган сабоги учун миннатдорчилик билдираман. Ахир, муваффақият чўққиси сари йўлимни у анча енгиллаштирганди.

– Мураббийнинг ўрни шунчалик улкан бўлиши мумкин деб сира ўламагандим.

– Мураббийлар мени пешқадам одамга айлантиришди. Улардан қарздорман. Мұваффақиятта эришишимда ўша инсонларға нисбатан чуқур миннэтдорчилік ҳиссими тұяман. Мураббий учун әңг катта мукофот унинг дара жасигача күтариолған үқувчининг янада юқори чүққиларни әгаллаганидір. Үқувчиларининг янада олға қадам ташлаши ва күпроқ мавқега эришиши мураббий учун шараф. Улар бошқаларға ёрдам бера бошлайды, янги-янги инсонларни жалб этади. Ҳаётій тажрибаси йүқ кишиларға устозлик қилиб мураббийларимға қарзимни қайтараётгандекман гүё. Дарвоқе, бу пулларға ҳам тегишли.

– Сир ва билимлар ҳақида тушунаман. Энди пуллар борасида тушунтириб беринг, – илтимос қилдім мен.

– Пулга әга бўлишнинг әңг ишончли усули аввал уларни бериш ҳисобланади. Даромадингнинг ўн фоизини зэгу мақсадларға баҳшида қил. Ишон, ана шу эҳсонларинг ўзингга қайтади. Пул билан боғлиқ ҳар қандай муаммолардан халос бўласан. Бошқаларға ёрдам бериб ўз мавқеингни мустаҳкамлайсан. Қайғи билан ўзгаларнинг нариги қирғоққа ўтишига ёрдам берган одамнинг ўзи ҳам ўша соҳилга етади.

– Устозлар ўғитига амал қилганингиздан ҳеч қачон афсусланмагандирсиз?

– Ҳеч қачон. Қўпчилик билан бўлишилган қувонч каттади, уқубат эса камаяди, шуни эслаб қол. Қанча кўп берсанг, сенга шунча кўп оқиб келади. Менга таъсирни ўтказдиган ҳодисалар устидан назорат қила олишим, ҳаётим ва тақдирим эгасига айланишимга аввалига ишонмагандим. Буларнинг бари қандайдир ғайритабиий кўринарди. Ҳар куни эрталаб ва кечқурун устозимнинг сўзларини тақрорлашда давом этардим: «Кундан-кунга доимий равишда барча ишларим янада яхшироқ ривожланмоқда! Олдимга қўйган мақсадимга етаман, уни амалга ошира оламан!» Бу формулани бир неча ой тақрорлагач онгимда катта ўзгариш бўлганини сезмай ҳам қолдим. Ҳаётимни бошқара олишимни сездим. Ҳар қандай инсон ўз он-

гини шу тарзда ривожлантириб, ўйлаган мақсадига йўналтириб истаганига етишади. Инсон ўз ҳёти эгасига айлангач унинг учун етиб бўлмас ҳеч нима қолмайди. Хуллас, ҳаётимни ўзим танлаган йўл сари йўналтира олишимга ўзимни ишонтирдим. Бу формулани тақрорлашдан аспло тўхтамайман ва мураббийимнинг ўгитларига ҳамиша амал қиласман. Сендан ҳам ана шуни кутаман.

Жаноб Миклош толиқиб қолганди. Унинг баҳтли инсон эканини ва шу чоққача мен бундай инсонни учратмаганимни англааб етдим.

IX ҚИСМ.

ҚАДИМГИ БОБИЛ ЎГИТЛАРИ

Суҳбатимиз ҳар доимгидек Жаноб Миклошнинг соғлигини сўрашимдан бошланди. Унинг навбатдаги саволи ҳам кутилмаган бўлди:

– Дўстим, сен китоб ўқийсанми? Агар сир бўлмаса, охирги марта қайси китобни мутолаа қилдинг?

Елкаларимни қисиб, охирги ўқиган китобимни эслай бошладим.

– Бой бўлиш учун муваффақият ҳақидаги китобларни ҳар куни, жилла қурса, ярим соат ўқишни ўзингга одат қилиб ол. Миллионерлар, муваффақиятга эришганлар бу ҳақда сўзлаб беришни яхши кўришади. Айниқса, аввал ҳеч вақоси бўлмаганлар. Сенга муваффақият тўғрисидағи китобларни тавсия этаман:

– «Ўйла ва бой бўл»ни ўқиганман! – мақтандим мен.

– Хўш, нималарни эслаб қолгансан? Инсонга катта пул эгаси бўлиш имкониятини берувчи қонунни айтиб бер-чи!

Бу қонунларнинг биттасини ҳам билмасдим. Нечталиги ҳам ёдимда йўқ. Умуман, китоб нима ҳақида эканини ҳам эслолмайман. Индамай қўя қолишни афзал кўрдим. Жаноб Миклош давом этди:

– Ўқиётган китобларнинг ҳар бирини, айниқса, йигирма бир марта ўқиб чиқишинг керак. Унда қайд этилган пул ишлаб топиш билан боғлиқ доно ўгит ва фикрларнинг

тагига чизиб чиқ. Бу китоблар менинг миллионер бўлишимида катта ёрдам берган. Агар истасанг, Бобилдаги энг бой одам ҳақидаги китобда ёзилган маслаҳатлар ҳақида эслатиб ўтаман.

– Жоним билан, – дедим хурсанд бўлиб.

– Пул уни кўпайтиришнинг оддий қонуниятларини билган одамларда кўп бўлади, ана шунга эътибор бер. Бундай қонунлар еттита, уларни кўхна дунёнинг энг бой шахрида яшаганлар яратишган ва қофозга битишган. Биринчи қонун: ҳамёningни доимий равишида тўлдира бошла, буни ўрган. Иккинчи қонун: ҳар бир харажатингни қатъйлик билан назорат қил. Учинчи қонун: пулингни кўпайтиришни ўрган. Тўртинчи қонун: пулингни йўқотишлардан асра. Бешинчи қонун: уйингни шундай асосда барпо этгинки, даромад келиб турадиган бўлсин. Олтинчи қонун: эртанги даромадинг бугунгисидан кўпайишини таъминла. Охирги қонун: ишлаб топиш қобилиятингни узлуксиз равишида ошириб бор. Агар ана шу қонун-қоидаларга риоя қила бошласанг, ҳамёning хамир кўпчигандек шиша бошлишини кўрасан.

Доимий тарзда пул келиб туришини қандай таъминлаш мумкинлигини кўриб чиқамиз. Бу қоида тухумлар мисолида яққол намоён бўлади. Агар ҳар куни сават ичига ўнтадан тухум солиб, кун давомида фақат тўққизтасини олсанг, бир кун келиб нима юз беради?

– Маълум вақтдан сўнг сават тўлади. Кунига саваттага солаётганимдан битта тухум кам чиқарганим учун.

– Жудаям яхши, – давом этди жаноб Миклош. – Энди ана шу саватни ҳамёнга алмаштири. Унга соглан ҳар ўн долларингдан фақат тўққизтасини сарфла. Ҳамёning тез тўла бошлайди. Кўп ўтмай унинг кўриниши ва оғирлиги кўзларингга ва кўнглингга роҳат бахш этади. Сарф қилган пулларинг ҳар кунлик еб-ичишинг, кийим-кечак ва бошқа харажатларингни қоплайди. Бу харажатлар тез ўтади ва унупилади. Ҳамёning тубида қолган пул эса мулкка, олтинга, даромад келтирувчи сармояга, бойлигингга ай-

ланади. Беш минг йил муқаддам бобилликлар яратган, солномачилар бизгача етказган ҳамённи түлдириш қону-ни ана шу.

Бир оз сукутдан сүнг жаноб Миклош давом этди:

— Иккинчи қонун: харажатларингни назорат қыл. Ҳар биримизнинг, хотин, бола-чақаларимиз билан биргалик-да олганда, хоҳиш-истакларимиз имкониятларимизга қараганда анча зиёд. Аксарият ҳолларда пулларимиз хоҳиш-истакларимизни қондиришга кетади. Истакларимиз зараркунанда ўтларга ўхшайди. Агар дәхқон далада ил-дизларини қолдирса, маълум вақт ўтиб улар ўзини намо-ён қилади. Одат ва эҳтиёжларингни яхшилаб ўрганиб чиқ. Ўшанда уларнинг қай бирини камайтириш ёки умуман йўқотиш мумкинлигини яқол кўра оласан. Харидларинг рўйхатини аввал қоғозга тушир. Улардан энг кераклisisини қолдир, харид учун эса ҳамёningдаги пулнинг ўндан бир қисминигина ишлат. Харажатларинг қанча кам бўлса, ҳамёning шунча тез тўлади. Бюджетингни режалаштириш, истак ва хоҳишларинг кенгайиб кетишига йўл қўйма. Ас-лида, сенга керакли жиҳозлар унча кўпмас. Пулингни ор-тиқча муҳташамлик шарт бўлмаган энг зарурий эҳтиёж-ларга сарфла.

Учинчиси: пулларингни ишлашга ва кўпайишга мажбур эт. Албатта, ҳамёningда ётган пул кўнглингга таскин бе-ради, лекин даромад олиб келмайди. Банкка жамғарив қўйган пулинг эса кўпая бошлиши мумкин. Даромад юза-га келади, у эса бутун бир давлатга айланиши мумкин. Инсон ҳамёнидаги пулмас, балки жамғармаларидан ола-диган даромад бойлик ҳисобланади. У пухта ўйлаб қилин-ган ҳаракатлардан келиб чиқсан ва ҳамёнига оқиб кела-диган пул оқими! Бойлик – ҳар қандай одам хоҳлаган нарса, капитал ёки жамғармалардан келган даромад! Сен ишлайсанми ёки саёҳатга чиқасанми, у келиб туради. Пулни фойда олиш мақсадида тикишга мисоллар жуда кўп – банклар, акциялар, ишончли компаниялар ва обли-гациялар. Сендан талаб қиладигани пулингни тикаётган

компания ишончлими-йўқми, инқирозга учраши хавфи бор-йўқлигини билиб олишдир.

Тўртинчи қонунга ўтамиз: ўз мулкингни, пулларингни йўқотишлардан асра. Ҳамёнинг учун бирорларнинг чўнтағига қўл сукадиганлардан ташқари, ўзингнинг истакларинг ҳам хавф-хатар туғдиради. Пулни сармоялаш имкониятлари жуда кўп, масалан, рекламалар! Улар гоҳ у, гоҳ бу лойиҳани йирик кўламда ҳавола этмоқда. Кўпинча ана шундай бирор лойиҳага пулинни тиккан дўстлар ва қариндошлар маслаҳат бериб қолишади. Бу борада битта қонун ишлайди: авваламбор, ўз жамғарманг хавфсизлигини таъминла. Ўзингникуни қайтаролмаслик, куйиб қолиш хавфи бўлса, кўп даромадга осилишнинг кераги йўқ. Шунинг учун пулларингнинг ҳаммасини ёки қандайдир қисмини бирор ишга йўналтиришдан аввал уларнинг қайтиб келиш кафолатини, бу лойиҳани амалга ошириш йўлида сенга қандай хавф-хатар учраши мумкинлигини ўрганиш зарур. Кимгadir қарз беришдан олдин унинг ишончли одамлигига, қарзини қайтариш бу инсон учун унтуилмас қоида эканига амин бўл. Шахсий тажрибамга кўра шуни айтишим мумкинки, сармоялар билан боғлиқ ишларда ички туйғу ва билимларингга ҳадеб ишонаверма. Жамғарманни фойдаси билан сармоялашда бу борада тажрибага эга, малакали одамлар билан бамаслаҳат иш кўр. Уларнинг ҳаётий тажрибалари бизнес оламида тўлиб-тошган хавфли сармоялардан, алданишлардан асрайди.

Бешинчиси: сотиб олган уйинг даромад келтирувчи манба бўлсин. Бу нимани билдиради? Ўзини ҳурмат қила-диган ҳар бир инсон, оила бошлиғи шахсий уйига – оиласи ва унга керакли барча эҳтиёжлар учун паноҳ вазифасини ўтайдиган ўз уйига эга бўлмоғи лозим. Болалари ўйнай оладиган, хотини эса ўзини хушнуд қилувчи гуллар эгадиган ўз уйи, ери бўлмаган бирортаям инсон тўла-тўқис баҳтли ҳаёт кечиролмайди. Томорқасидан ўз қўли билан экилган дараҳтлардан мева-сабзавотлар узиб ейиш, дунё ташвишлари тусини йўқотадиган, аммо ишонч илдиз ота

оладиган, сокин қирғоқни эслатувчи уйи учун ғамхүрлик қилиш ором баҳш этади. Ўз уйи ва боғига эга одам роҳатланиб яшайди. Шахсий уйи унга ижарада турганидан кўра арzonроққа тушади ва кўпроқ хурсандчиллик келтиради. Қисқасини айтганда, инсоннинг ўз истиқомат жойига эга бўлиши ҳамён учун, айниқса, фойдалидир.

Олтинчиси: келажақдаги даромадни таъминлаш. Инсон ҳаёти жуда тўғри ҳисоб-китоб қилинган. У ўз ичига болалик, ўспиринлик, етуклик ва кексаликни қамраб олади. Инсон кексалиги тўкин-сочинлиқда ўтиши ҳақида қанча эрта ўйлай бошласа, унга эришиш эҳтимоли шунча кучли бўлади. Қолаверса, бу дунёдан эрта кетиши мумкинлиги, ўшанда оиласи моддий жиҳатдан таъминланган бўлиши ҳақида ҳам уйлаши лозим. Буни амалга оширадиган бир неча усууллар бор. Ҳеч ким билмайдиган махфий жой тайёрлаб, бойликларингни ўша ерда сақлашинг мумкин – қадимда аксарият кишилар шундай қилишган. Лекин бойлигининг қанчалик яширма, у талончилар қўлига тушиши мумкин. Сенга уларнинг бир қисмини гўё хазинадек ерга кўмиб қўйишишингни тавсия этардим, – шундай деб жаноб Миклош кулимсиради. – Бу борада кўчмас мулк – уй, ер, корхона акциялари кўпроқ тўғри келади. Ўз ҳаётингни ҳам яхшигина пулга суғурталашинг мумкин. Бу амални мен барчага, нафақат ночор ва касалманд кишиларга, балки, энг аввало, соғлом одамларга ва бойларга ҳам тавсия этган бўлардим. Жавлонбек, унутма, кексалиқда бўш ҳамён билан қолмаслик учун вақтида ақл билан иш тутиш керак. Мехнат қилиш ва ишлаб пул топиш имкониятини кўлдан берган одам ва бокувчисини йўқотган оила учун бўш ҳамён билан қолиш – катта мусибат. Шунинг учун кексалик эҳтиёжлари, бокувчисиз қолиб кетиши мумкин бўлган оила эҳтиёжлари борасида ҳозирдан ўйлаб, ғамеб қўйиш лозим.

Еттинчи қонун: ишлаб топиш қобилиятингни ошир. Буни узлуксиз бажармоқ керак. Энг аввало, буни астойдил хоҳлаш керак. Масалан, ўн минг долларга эга бўлишни хоҳ-

лаш – бу аниқ истак, уни амалга ошириш учун инсон бор күч ва қобилиятини ишга солади. Юз минг доллар ишлаб топиш учун ҳам у шунча күч ва ҳаракат сарф қилади ва бой инсонга айланади, лекин ўйлаганларининг барини амалга оширганмикан? Йўқ, ҳаммасинимас. Аввало, биринчи катта истак, кейин иккинчиси ва учинчисини рўёбга чиқаришни, янада баланд чўққиларга чиқишни ўрганади. Бу жараён аввал яратишга, кейинчалик бойлик йиғишга олиб келади. Профессионал қобилиятларини узлуксиз ривожлантирадиган инсонлар кўпроқ мукофотланишга муносибдир. Одатда, у ўша мукофотни олади ҳам. Шундай экан, ҳамиша олға қадам босиш, чўққи сари кўтарилиш, савиянг ошишига йўл очиб берадиган ишларни амалга оширишга интил. Профессионаллик сирларини иштиёқли, серғайрат инсонлар эгаллай олади. Ана ўшалар бошқалар учун янада кўпроқ куч-кувват билан хизмат қилади. Ўзини ҳурмат қиладиган ҳар қандай одам қуидаги қоидаларга ҳам риоя этмоғи зарур: олган қарзини ўз вақтида, иложи бўлса, эртароқ қайтармоғи керак. Сотиб олишга қурби етмайдиган буюмларни харид қилмаслиги лозим. Оила аъзолари у ҳақида фақат илиқ фикрлар билдиришлари учун биринчи ўринда улар ҳақида ғамхўрлик қилмоғи зарур. Ҳусусий мулки оқилона тақсимланиши учун олдиндан васиятнома тайёрлаб қўйиши ҳам мухим. Моддий йўқотишларга учраган, баҳтсизлик ва омадсизликларга рўбарў келган инсонларга ҳамнафас бўлмоғи ва мумкин қадар уларга ёрдам бермоғи лозим. Яқин инсонларига ғамхўрлик қилиш зарур. Шундай қилиб, ҳамённи тўлдиришнинг еттинчи ва охирги усули ўз қобилиятини ривожлантириш, янги билимларни эгаллаш ва уларни икирчиригача ўрганишдан иборат. Билим, олий даражадаги профессионаллик ўзига бўлган ишонч, орзу-мақсадга етишиш йўлидир. Ҳамённи тўлдиришнинг мазкур етти усулини мен эмас, кўхна Бобил одамлари тўрт минг йил мұқаддам ўйлаб топишган. Бу ўгитлар нима учун шунча асплардан бери ўз аҳамиятини йўқотмаган? Чунки уларда

ҳаёт ҳақиқатлари мужассам. Жавлонбек, ер юзида сен билан мен тасаввур қилолганимиздан кўпроқ пул бор. Улар барчага етади. Мана шу тилсимларни – ҳақиқатларни амалда татбиқ эт. Бой бўлишингни истардим – сен ва оиланг гуллаб-яшнашга муносиб. Бошқаларни ҳам ана шунга ўргатишинг керак. Ватанинг – Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси дунёдаги жамики бойликлардан баҳраманд бўлиши ва меҳнати билан уни кўпайтириши учун!

Мен жаноб Миклош айтган сўзларнинг мағзини чақардим. У ҳам ўз хәёлларига ғарқ бўлганди. Бир оздан сўнг менга дафтар билан қалам узатди ва айтганларининг барини ёзид олишимни буюрди.

– Баъзиларнинг пули кўп, бошқаларники эса камлигини нотўри деб ўйлайсанми? Шундай деб ўйласанг, катта хатога қилган бўласан. Сенга пулнинг беш қонунияти ҳақида айтиб бераман. Уларни болалигимдаёқ ёд олиб, ҳар бирига амал қилганман. Қонунларнинг бари мана шу китобда, – Миклош «Бобилнинг энг бой одами» китобининг эскириб кетган муқовасини оҳиста силаб қўйди, кейин шошилмай вараклашга тушди. Баъзи саҳифаларга унчалик аҳамият бермасди – бу китобни жуда яхши ўқиб боришини билдиради. – Одамлар пулнинг ана шу бешта қонунини билгандарида ва уларга амал қилгандарида кўп пулга эга бўладилар. Мен қандайдир сеҳр йўли билан ёки қандайдир ғайритабиий кучлар таъсирида бойиб кетганим йўқ. Тез келадиган бойлик тез кетади. Эгасига қониқиши ҳиссини келтирадиган, ёнида узоқ вақт қоладиган, унинг бош оғриғига ҳам сабаб бўладиган бойлик аста-секин яратилади. Чунки у билим ва қатъий мақсад билан туғиладиган чақалоқдир. Ўйлаб иш тутадиган одам учун бойлик яратиш жараёни енгил ўтади. Пул ишлаб топишнинг беш усули уларга қатъий риоя қилган ҳар қандай инсонни мукофотлаши мумкин. Уларнинг ҳар бири чуқур маъно-мазмунга эга. Мен бу қонунларни ёддан биламан ва ёшлигимданоқ ўзлаштирганман. Уларни ёз ва ёдлаб ол. Сўзларимга диққат билан қулоқ сол!

Жаноб Миклош китобдан ўқий бошлади:

– Биринчи қонун. Ўзи ва оиласининг келажагини таъминлаш мақсадида даромадининг ўндан бир қисмидан кам бўлмаган миқдорини жамғарадиган инсонларнинг қўлига пуллар осонлик билан ва тобора кўпайиб келади. Ўз даромади ёки ишлаб топганининг ўндан бир қисмини сақлаб қўядиган, кейин уни даромад келтирувчи манбага айлантириш йўлида ақлини ишлатадиган одам ўз оиласи учун молиявий хавфсизлик кафолати бўлиб қолади. Бу қонун пул ана шундай одамнинг қўлига оқиб келишини таъминлайди. Ўзимнинг ҳаётимни мисол келтиришим мумкин. Қанча кўп йиққаним сари пул менга шунча осон келган. Тежаган пулим эса ўйлаганимдан ҳам зиёд равишда кўпайиб борган. Улардан келган даромад ўз ўрнида яна фойда келтирас, бойлигим янада ошиб борарди.

Иккинчи қонун. Пуллар тирик жонзор каби ақлли соҳиби учун қунт билан ишлайди. У албатта даромад келтирувчи йўналишни топади ва яхши чўпон подани кўпайтиргани каби уларнинг миқдорини оширади. Пуллар ҳақиқатан ҳам яхши ишчи, меҳнатсевар. Имконият берилганида кўпайиш қобилиятига эга. Агар одамнинг заҳираси бўлса, уни жуда катта фойда эвазига ишлатиш мумкин. Вақт ўтиши билан эса ҳайратомуз натижа бўй кўрсатади – улар ўзини ўзи кўпайтира бошлади.

Учинчи қонун. Пуллар уларни сармоялашдан аввал улар билан муомала қилишни билган, оқил одам маслаҳатига кўра иш кўрган эҳтиёткор эгаларини асраб-авайлайди.

Пуллар эҳтиёткор эгаларига содик, ўйламай иш қила-диганлардан эса қочади. Пуллар билан ишлашда тажрибали одамни қидирадиган пул эгаси ўз бойлигини йўқотиш хавфини туғдирмасдан, аксинча, уларнинг доимий тарзда кўпайиб боришидан қаноатланишни тез ўрганади.

Тўртинчи қонун. Пуллар уларни ўзи таниш бўлмаган ёки тажрибали одамлар томонидан маъқулланмаган иш ёки бизнесга тикадиган одам кўлидан чиқиб кетади.

Пули бор, лекин уни ишлатиш малакасига эга бўлмаган инсонларга уларни сарф қилишнинг талай йўллари анча фойда олиб келадигандек кўринади. Бундай жараёнда кўпинча пулларни йўқотиш хавфи туғилади. Агар тажрибали одамлар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилса, унча катта даромад олиб келмаслиги аён бўлади. Шунинг учун пуллар ҳақида ўз нуқтаи назарига эга, уларни синалмаган тижорат ва ишларга сарфлайдиган тажрибасиз одамлар кўпинча фикрлари хато эканига ишонч ҳосил қиласидилар. Бундай тажрибалари учун пуллари билан жавоб беришларига тўғри келади. Пулга алоқадор ишларда тажрибали одамларнинг маслаҳати асосида иш кўрадиган одамлар чиндан ҳам ақл-идрок эгасидир.

Бешинчи қонун. Пуллар уларни нореал даромадлар олиш йўлига сарфлайдиган, муттаҳам ва ёлғончиларнинг ширин сўзларига учадиган ёки жамғармаларини ўзларининг хаёлий мезонларига ишониб ишлатадиган одамларни четлаб ўтади. Катта пулларга эришиш арафасида уларни сарфлашга доир турли таклифлар келиб тушади. Гўё мазкур таклифлар пулларига қандайдир сирли куч-кудрат бағишлийдигандек, катта маблағ келтирадигандек түюлади. Бундай пайтда тажрибали ва донишманд одамларга мурожаат этилса, улар келаётган хавфни дарҳол кўриб, айта оладилар.

Албатта, тасаввурингда тез ва кутилмаганда бойиб кетишинг мумкин. Реал воқелик эса бундай андазаларга мойил эмас. Ҳаёт мустаҳкам пойдеворга эга бўлмаган лойиҳаларнинг барбод бўлгани, уларнинг муаллифлари эса тешик тогора ва бўш ҳамён билан қолгани ҳақидаги минглаб мисолларга эга.

– Кел, шу ёрда тўхтайлик, икковимиз ҳам чарчадик, – деди жаноб Миклош тин олиб. – Менинг айтганларим сир эмас, балки ҳаётий ҳақиқатлардир. Оми одамлар уларни ёд олиши керак, кейин эса ўз ҳаётида қўллаганида буни тушунишади. Ёдингда бўлсин: ақл билан иш тутган ҳаракатларимиз ўйлаганларимизни амалга оширишга

ёрдам беради. Иккиланишларимиз, ақлан иш тутмаслигимиз бизни ўй-хаёлларимиздан чалғитади. Ақлли одамлар бошқаларнинг хатоларидан хulosса чиқаришни тавсия этишади. Истакларимизнинг мустаҳкамлиги ва қатъиyllигида сирли куч бор. Бу кучни пул қўпайишининг бешта қонуни ёрдамида йўналтири. Ўшанда қадим Бобил васият қилиб қолдирган бойлиқдан ўз улушингни оласан, – шу сўзларни айтиб жаноб Миклош ўзи учун қадрли китобни ёпди.

Х ҚИСМ.

БОЙЛИК ҚУЛИГА АЙЛАНИБ ҚОЛМА

Жаноб Миклош кечки овқат учун ташаккур билдириди ва чорак соатдан сүнг унга қулоқ тутишимни илтимос қилди. Стол устини йиғишириб бўлгач навбатдаги сабоқни олишга тайёр эдим. Жаноб Миклош дам олиш учун мўлжалланган оромкурсида ўтиради. Рўпарасидаги худди шундай курсини кўрсатиб ўтиришорасини қилди. Кеинин шарбат қўйиб берди.

– Зийраклик жуда муҳим, – сўз бошлади жаноб Миклош. – Зийраклигинг алданиб қолмаслигингга, асосийси, пул онгингни эгаллаб, уни ўзига бўйсундириб олмаслиги ва барча нарсани тўсиб қўймаслигига қаратилиши лозим. Жон Рокфеллер дунёдаги энг бой одам эди. Аммо битмас-туганмас бойлик оғирлик қилиб, уни эзиб ташлади. Эллик ёшида у етмиш яшар қарияга ўхшар, ҳар бир куни ҳисобли экани яққол кўриниб турарди. У мудом бойлигини йўқотиб қўйиш хавфида яшар, яқинлари томонидан алданишдан қўрқарди. Пул Рокфеллернинг ўзидан юқори поғонага қўйилиб, у эгаси билан билганини қиласарди. Яъни бояқиши ўз пулининг қули эди. Пул унга ҳеч қандай қувонч келтирмасди. Ўзинг ўйлагаб кўр: хурсандчилик келтирмас экан, пулнинг нима кераги бор? Рокфеллер маънан ниҳоятда қашшоқ эди. Хизматчилари унинг ўзидан бойроқ эдилар – улар яхши овқатланиб,

дүстлари билан кечадиган мuloқотлардан роҳатланар-дилар.

– Аввалига бойликка қизиқтирдингиз, энди эса у билан күркитяпсиз, – дедим мен. – Қувонч келтирмайдиган пул мен учун янгилик.

– Менинг бунга сира дахлим йўқ, – жавоб берди жаноб Миклош. – Бойлик ортидан югурувчилар илинадиган тузоққа тушиб қолмаслик кераклигини билишингни хоҳла-япман, холос. Камбағал одам қашшоқликдан чиқиб ке-тиш учун кўп ишлайди. Дейлик, унинг пули юзага келди. Шу заҳотиёқ бу одамда каттазанглик уйғонади – у пули-нинг кўпроқ, кўпроқ ва янада кўпроқ бўлишини истайди. Қандайдир дақиқада пулини йўқотишдан кўркув юзага ке-лади. Натижада тинчидан айрилади. Қаёққа кетаётгани-ни тушунмай қолади, мавхумликка дуч келади. Одамлар-нинг хатоси шундаки, тўхтаб, яхшилаб ўйлаб кўришга, мавжуд ҳолатни тўғри баҳолашга вақтлари йўқ. Ҳеч қандай шартлар кўймасдан, бизга барчасини бериб табиат ҳеч нарса йўқотмайди. Одам эса кўпроқ ишлаб топиш ҳаракатида тинчидан айрилади. Бу унинг пастга қараб тез сирпаниши, йиқилишининг дебочасидир.

– Тошкентдаги бой қўшниларимизни биламан, – де-дим мен. – Аксарияти нимадандир қаттиқ сиқилади. Кўркув туфайли уларга турли нохушликлар – ошқозон яллиғла-ниши, инфаркт каби касалликлар ёпишади.

– Муаммолар қийнаётган инсонлар, одатда, уларни қисқа вақт ичida тўғри ҳал эта олишмайди. Уни фақатги-на ўзинг шундай ҳисоблаганингдагина муаммо деб айт-тиш мумкин. Енгил ҳал қилинадиган оддий ҳаётий тўсиқ-ни муаммога айлантиришнинг кераги йўқ.

Жаноб Миклошга савол назари билан бўқдим.

– Ўзинг бирор воқеани жиддий ва ҳақиқатан аҳамият-ли деб ҳисобламасанг, у кўзингга на жиддий, на аҳами-ятли кўринади, – деди у. – Муаммолар биз ўзимиз улар-ни ҳал қилиб бўлмайдиган тарзда қабул қилганимиз ту-файлигина шундай туюлади. Улар онгимизга таъсир қил-

маслиги, уни эзиб қўймаслиги керак. Онг қанча кучли бўлса, биз тўқнашадиган муаммолар шунча аҳамиятсиздир. Ҳар бир синов, ҳар бир муаммо ва ҳар бир хатони енгиб ўтиш ёруглик ва гўзалликка олиб келади. Сезмаганмисан?

– Унда бойлик билан қандай иш тутиш керак? Қай тарзда эгалик қилиш, уни қандай бошқариш лозим?

– Яна такрорлайман: пулни тақсимлашга ўрган. Даромадингнинг камида ўн фоизини ота-онанг, қариндошларинг, бемор одамлар, хайрия жамғармалари, масжид ёки ибодатхоналарга улаш. Пул – гўнг мисоли! Гўнгни далага сепсанг, у сени катта ҳосил билан хурсанд қилади. Бир ерга йиғиб қўйганингда эса қўланса ҳиддан бўлак ҳеч нарса олмайсан. Дунё Худонинг амри билан яратилган. Қанча муваффақиятли бўлсак, ютуққа эришмаганлар билан шунча кўп бўлишишимиз мумкин. Ҳар бир инсон фаровонлигининг ошиши бутун жамият фаровонлигининг ошишига олиб келади.

– Бериш – бизнинг ҳам қадимиий удумимиз. Мусулмонларда даромаднинг ва доимий келиб турадиган даромаднинг қирқдан бир қисмини 2,5 фоизини закот тариқасида бериш фарз қилинган.

– Хайрия мақсадида доимий равишда пул ажратиб, ўзимизга ҳам доимий равишда барака келтирадиган само кучларини ҳаракатга келтирамиз. Берганингдан юз баробар кўпини топасан. Бошқаларга ўз истакларига етишларида ёрдамлашсанг, ҳаётда хоҳлаганингга етасан. Жавлонбек, уйимда яшаган вақт оралиғида кўп нарсани ўрганинга ишончим комил. Фойдам теккан бўлса, хурсандман. Бир йилдан кейин қарзингни қайтаришга келганингда машғулотларим сенга фойда келтирган-келтирмагани, маслаҳатларимни ўз ўрнида ишлатса олган-олмаганинг ҳақида биргаликда ўйлашиб кўрамиз.

Ана шу сўзлар билан Жаноб Миклош суҳбатга якун ясади. Кейин хайрли тун тилаб ётоғига кириб кетди. Бир оздан сўнг қайтиб чиқди ва эрталаб мени Сиднейга эл-

тиб қўядиган машина келиши ҳақида огоҳлантириди. У пулимни йўқотмасдан олиб кетишими истарди. Мен ҳозирданоқ жаноб Миклошдан олган пулларни қайси ишларга сармоялаш ҳақида ўйлардим. Хато қилиб қўймаслик учун барча имкониятларни яхшилаб ўйлаб чиқишим керак эди. Ахир, бир йилдан сўнг қарзни қайта-ришим лозим.

Узоқ вақт ухломадим, хаёлимда турли фикрлар ғуж-ғон ўйнар, уларнинг бари эзгу эди. Бу ерга келишдан аввалги ва ҳозирги ҳолатимни таққосладим. Ўшанда анча танг аҳволда эдим. Ҳозир эса тинч-сокинман.

Ухлаб қолганимни сезмай ҳам қолибман...

Эрта саҳарда соат қўнғироги уйғотганида кучга тўлгандим. Тезда ювениб, нонушта қилдим.

Жаноб Миклош айтганидек, тонгги соат олтида дарвоза ёнида мени машина кутиб туарди. Жаноб Миклошга, унинг уйига шунчалик ўрганиб қолгандимки, айни дамда бу ерда қолишга ҳам тайёр эдим. Жаноб Миклош ҳам хайрлашув осон бўлмаслигини тушуниб мен билан кечқурун хайрлашишини лозим топганди.

Сиднейгача узоқ – бир неча соат вақтни олди. Юзга иссиқ шамол уриларди. Чор атрофни томоша қилишдан кўзларим тиниб, ухлаб қолдим...

Кўзимни очганимда Тинч океани қирғонини кўрдим. Сиднейга яқинлашиб қолибмиз. Қўёш нурлари кўм-кўк сув узра жимиirlар, бепоён уммон тўлқинлари ёнгил жилоланарди.

Кўп ўтмай мен яшайдиган уй ёнига келдик. Ҳайдовчига ташаккур билдириб, ортга қайтишига рухсат бердим. Кейин уст-бошимни алмаштиридим ва мактаб томон йўл олдим. Тўппа-тўғри директорнинг ҳузурига кирдим. У мени очиқ чехра билан кутиб олди.

– Хўш, Жавлонбек, яхши келдингми?

– Ҳаммаси учун ташаккур. Жаноб Миклошдан шунчалик кўп фойдали маълумот олдимки, мутлақо бошқа одамга айланиб қайтдим. У бир йилга ўн минг доллар қарз

берди. Қарзни қайтариш ва ўзимга ҳам бирор нарса ишлаб қолиш учун яхшилаб йилашим керак.

– Хүш, нима билан шуғулланмоқчисан?

– Бирөвлар учун ишлашни истамайман. Мен пиццахонада, ошхонада, гүшт дүкөніда ишлаб күрдім. Ҳамма ерда имкон қадар күп ишлатыб, соатига түрт доллардан тұлашади. Бундай ишда ҳеч қандай кафолат йўқ: хоҳлаган пайтда түрт томонинг қибла! Қолаверса, расмий рухсатномасыз хұжайин мени уч ойдан ошиқ вақт ушлаб туролмайды, кейин яна ишни ўзгартиришга түғри келади. Шарт-шароит ва одамларға әнди ўрганғанингда кетишга мажбур бўласан. Бундай иш келажақда ҳам ҳеч қандай истиқбол бермайды. Ўз фирманды очиш учун эса пул ва вақт керак. Ҳозир пулим бор, вақтни эса ўқиш ҳисобидан қирқишишга түғри келади. Пулни қимматбаҳо қофоз, акция ва облигацияларға тикиш учун бошланғич капитал керак, у менда бор. Лекин бу бизнес ҳозирча менга түғри келмайды, кўчмас молим ҳам, катта миқдордаги пулим ҳам йўқ. Пулларни нотүғри ишлатыб йўқотиб қўйиш таҳликаси катта.

– Унда қанақа бизнес ҳақида орзу қиласан? – сўради директор.

– Бошланғич сармояси энг кам бизнесни. У менинг шахсий бизнесим бўлиши зарур. Ўзим учун қулай ҳар қандай вақтда унга ўтиб кета олайн. Ўқишимга халақит бермасин. Уни ривожлантириб, пицца ва ошхонадаги соатбай ишимни ташлайман. Фақат ўзим учун ишлайман, акс ҳолда, ҳеч қачон кўп пул ишлаб тополмайман.

– Менга қара, йигит, кекса дўстим ҳақиқатан ҳам сенга кўп ўгит берибди. Интил, ҳаммаси бўлади! Орзу қилган бизнесингни топишинг билан мени хабардор қил. Энди эса синфга кир, машғулотларга қатнаш.

Мен ўқиши давом эттирдим. Икки ой мобайнида ўзим учун бизнес қидирдим. Бирортаси менга түғри келмасди. Гүшт дүкөніда соатига олти долларға ишлардим. Ўқишдан чиқиб ишга борар, кейин эса кунлик ойлигимни

олиб уйга қайтардим. Кунига ўттиз доллар! Бир ойда 22 кун ишлаб 660 доллар топардим. Бундай даромад билан мен на миллионер, на бой одамга айланаман. Аниқ мақсад сари интиlamан. Жаноб Миклош ўргаттан барча машқларни қатыйлик билан бажаардим. Ўз истагимга эришишга ва унинг яқин орада амалга ошишига ишончим комил эди.

XI ҚИСМ.

ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ ЭГАЛЛА ВА ПИРАМИДАЛАРДАН ЭХТИЁТ БҮЛ!

Якшанба куни студияда ишлайдиган дўстимнинг ёнига бориб мусиқа тинглашга қарор қилдим. Стол устида кассета ва дисклар бетартиб ётарди. Бир қути яроқсиз кассеталар йиғилиб қолган. Дўстим бошқа шаҳарга кўчиб кетаётгани сабабли ўша қутини менга берди ва ичидаги кўп қизиқарли нарсалар борлигини айтди. Очиққўллигининг сабаби оддий: бу қути машинасига сиғмасди.

Уйда кассеталарни қўйиб, бир нечтасини тингладим. Кўпларининг ҳатто номи ҳам йўқ эди. Ўзимга ёқсан кассеталарни четга олиб қўйдим. Қути тубида ҳеч нима ёзилмаган оқ кассета ётарди. Тингламоқчи бўлдим. Куй эмас, бир одамнинг овози ёзилган экан. У катта пул ишлаб топгани, ҳар бир одам ўрганиши мумкин бўлган оддий бизнес ҳақида гапиради. Асосийси, ишни бошлаш учун унча катта пул талаб қилинмасди.

Кассетани тўхтатдим ва қайтадан қўйдим. Менда қизиқиш уйғотди. Тинглаган сари фикрим равшанлашарди: бу мен қидирган нарса, мен шу омадли инсон кетидан бораман ва унинг муваффақиятларини такрорлайаман. «Мен қилган бўлсам, сен ҳам эплайсан! Албатта, амалга ошира оласан!» Кассетадаги овоз қайта-қайта шу гапни такрорларди. Эплашимни, қўлимдан келишини миямга

уриб киритарди. Ажабо, қанақа бизнес экан? Бойвачча тилга олган фирмани қандай топсам бўлади? Бу саволларга жавоб йўқ эди. Саволларимга жавобни қаердан ол-сам экан деб ўйлай бошладим.

Орадан бир неча кун ўтди. Кассета ва унда тилга олинган фирма ёдимдан кўтарилганди. Мен мактабга қатнар ва кундалик мажбуриятларни бажаришда давом этардим. Ана шундай кунларнинг бирида кўлимга бир журнал тушиб қолди. Не кўз билан кўрайки, унинг асосчиси кассетада тилга олинган компания эди. Фирма ўзининг журналида компаниянинг илғор ва ютуққа эришган аъзолари, муваффақият билан бораётган бир неча бизнеси ҳақида гапиради. Телефон рақамлари ҳам бор экан. Дархол қўнғироқ қилдим. Ўзимни таништирганимдан сўнг маҳсус семинарга таклиф этишди.

«Ҳа, қидирган топади», – мамнун бўлдим мен.

Айтилган куни белгиланган манзил бўйича семинарга бордим. Бу иншоот Сидней марказидаги осмонўпар иморатнинг юқори қаватида жойлашганди. Залга кирганимда жойлар банд эди. Олд қаторлардан бирида ўтирган аёлнинг ёнида бўш ўриндиқ борлигини кўрдим. Ёнига бориб ўтиришга рухсат сўрадим. Бу турмуш ўртоғининг жойи экан, келиб қолиши мумкин эди. Ўша куни бу ўриндиқ менга насиб этди – эри келмади.

Семинар бошлангунча аёл билан танишиб олдик. Ўзи ҳақида гапириб берди. Эри ҳисобчи бўлиб ишлар, ишдан кейин шуғулланадиган бизнеси ҳам бор экан. Аёли унга ёрдам бераркан. Мазкур бизнес номи «Молиявий саводхонлик» бўлиб, уни мен излаган компания олиб бораркан. Компания инсон юксалиши бўйича халқаро тренинг маркази ҳисобланиши ҳақида ҳам билиб олдим. Асосий масала инсон ўзини ўрганиши, таълим олиши, ички қувватини ишга солишига қаратилади. Яъни инсон фаровонлигини таъминловчи ана шу қирраларни ривожлантиришга аҳамият берилади. Бу масканда бутун дунёдаги мураббий – миллионерлар мисолида молиявий савод-

хонлик ўргатилади. Уларнинг назорати остида қимматли қоғозлар бозорида, кўчмас мулк, акцияларга пулини тикишда одам ўзини синаб кўрса бўлади. Мазкур компания энг муваффақиятли инсонларнинг билим ва тажрибаларини умумлаштиради, таҳлил қиласди, кўпчиликка миллийонларни топиш сирлари сари йўл очиб беради.

Дид билан кийинган ўрта ёшли одам кириб келгач семинар бошланди. Мен ёнимдаги аёлнинг сўзларини таҳлил қиласдим. Атрофимда нималар бўлаётганини тушунмасдим. Бу ердаги одамларнинг кайфияти байрамона эканини, улар бир-бирларини кўрганидан хурсандлиги, табассум билан гаплашишлари кўзим тушарди, холос. Кимлардир саҳнага чиқар, кўзларида ёш билан ўzlари ҳақида гапиришарди. Уларга гуллар тақдим этиб, номлари ёзилган чиройли пухакларни учирашарди. Охири ёнимдаги аёлдан бу ерда нималар бўлаётганини тушунириб беришини сўрадим.

– Буни тушуниш учун саҳнадаги мана шу одамларга айланишинг керак, – жавоб берди у. – Яхшиси, бизникига кел! Турмуш ўртоғим фирмамиз ҳақида сўзлаб беради. Ўшанда ҳаммасини тушунасан.

Семинар тугади. Мен қандайдир янгилик бўлишини ўйлаб ҳаяжон оғушида эдим. Тезроқ янги иш билан танишгим келарди.

Кеч тушгач айтилган манзил бўйича бордим. Эшик қўнғирогини босгандим, 35 ёшлардаги истарали киши эшикни очди. Салом бериб, ўзимни таништирдим.

– Ташрифингиздан хурсандман, – деди мезбон табассум билан. Сабрсизлик мени қанчалик қийнаётганини, бу хонадонга юриб эмас, қанот чиқариб учеб келганимни у билмасди! – Менинг исмим Ален. Марҳамат, киринг.

У мени меҳмонхонага бошлади. Стол атрофидан жой олдик. Шундан сўнг Ален олдиаги қоғозга қандайдир айланалар, улар ичига турли рақамларни ёза бошлади. У ҳеч қаердан кўчирмасди – тире, рақамларнинг бари калласида эди.

– Мана шундай қилсангиз, фалон пул ишлайсиз. Бундай қилиб эса янада күпроқ даромад оласиз, – дерди гоҳ у, гоҳ бу рақамни кўрсатиб.

Анча гаплашдик. Баҳонада Ален билан яқин бўлиб олдик.

– Жавлонбек, хоҳлаганингча пулинг ва ҳар томонлама таъминланганингда, уйинг қанақа кўриниш касб этарди? – деб сўради у.

– Денгиз бўйида виллам бўларди, – жавоб бердим бир сония ҳам иккilanмай. Дарҳақиқат, энг юксак орзуларим орқали ўзимни деразасидан бепоён денгиз кўриниб турдиган муҳташам вилла соҳиби сифатида тасаввур қилардим.

– Қанақа машинада юришни истардинг?

– Қора рангли «Жип»да.

– Қаерга боришни, нималарни кўришни хоҳлардинг?

– Гавайи оролларини кўришга орзумандман.

– Жавлонбек, бизнинг бизнесимизда иш бошла. Ана шунда орзуларингнинг бари амалга ошади.

– Бунга қандай ишонай?

– Семинарда кўрганларингни, у ерда олқиш олган инсонларни эсла! Сенингча, пули кўп шунча одам қаердан келиб қолган?

Бу мен учун энг қулай имконият эканини ҳис этиб турардим. Ўз ютуқларининг сирини очганида жаноб Миклош шу ҳақда гапирмаганмикин?

– Яхши, – рози бўлдим мен, – нима қилишим керак?

Ален қандайдир қоғозлар чиқариб, уларни тўлдирди ва имзо чекишим учун менга узатди.

– Ўз бизнесингни профессионал тарзда, тез келадиган даромад ҳисобига қуришни истармидинг?

– Албатта!

– Сен кабилар учун ўқув тизимимиз, лидерлар етиши турвчи марказимиз бор. Қолаверса, турли китоб, кассеталар мавжуд, семинарлар ўтказилади. Улар керакли билимларни олишингга ёрдамлашади.

– Мәңкүл. Яна бирорта муваффақиятли компанияни тавсия этолмайсизми? Семинарда ҳар бири үзининг пул айланмасига эга еттига бизнес ҳақида гапирилганди.

– Марҳамат, манави иккита компания ҳам бор. Ана шу компанияларда ўқиши ва ишлашни бошла. Бирида сотувни ўргатишади. Иккинчисида эса топган пулларингни даромад олиш кафолатини берувчи лойиҳаларга тўғри йўналтириш малакасига эришасан. Миллионерлардан таълим олиб, улар каби фикр юритишни ўзлаштирасан.

Ален ўз даврий нашрлари – газета, журналлар, қолаверса, китоб ва семинарлари ҳақида ҳам сўзлаб берди. Мен учун фойдали бўлиши мумкин семинарларда қатнашишини тавсия қилди.

– Бу ишончли корхона, – деди у. – Яқинда у ярим аср-га тўлади. Йиллик пул айланмаси миллиардлаб долларга teng. Хусусий мулкка эга, қарзлардан холи. Олти юздан ошиқ олий сифатли маҳсулоти бор. Ҳар бир маҳсулот сифат сертификатига эга. Бу маҳсулотларни истеъмолчиларга тавсия қилишдан олдин уларни ўзинг синааб кўришинг лозим.

– Улар қандай маҳсулот экан? – қизиқдим мен.

– Бир неча йиллар аввал космонавтлар учун мўлжалланган энг яхши универсал маҳсулотга тендер эълон қилинганди. Компания ўша тендерда ғолиб чиқди. У ҳар қандай буюмни тозалай оладиган суюқ органик восита ишлаб чиқара бошлади. Ушбу воситани пол, девор, мебель, умуман, ҳар қандай буюм ва идишларни ювишда қўлласа бўлади. Қолаверса, майший хизмат, қишлоқ хўжалигида ва тиббиётда ишлатилади. Уни қўллашнинг жами эллиқдан зиёд йўналиши бор, ҳозирги пайтда ҳам дунёдаги энг самарали маҳсулотлардан бири ҳисобланади. Ювиш ва тозалаш воситаларидан ташқари, компания косметика, терини парваришилаш воситалари ва витаминлар ҳам ишлаб чиқаради.

– Компания узоқ йиллардан бўён сиз таърифлаган си-

фатли маҳсулотларни йирик кўламда ишлаб чиқараётган бўлса, нима учун кўпчилик бу ҳақда билмайди?

– Чунки фирма ўз маҳсулоти рекламасига деярли пул сарфламайди. Унинг маҳсулоти фирма ходимлари ва истеъмолчиларнинг юзма-юз мулоқоти пайтидагина реклама қилинади ва тарқатилади. Бу маҳсулотни ўзгаларга тавсия этишдан уялмайсан. Бошқа фирмалар томонидан ишлаб чиқариладиган шунга ўхшаш маҳсулотлардан афзал. Бизнинг маҳсулотларни кўтариб уйма-уй юришнинг ҳожати йўқ, фақат афзалликлари ҳақида ҳаридорларга айтиб берилса, кифоя. Қўллай бошлаганларидан сўнг одамларнинг ўзлари дўст ва танишларига тавсия қиласидилар. Ахир, шундоқ ҳам бир-бирларига яхши дўкон, ресторон, шоу, шифокор ёки сартарошни мақтаб тавсия қиласидилар-ку! Бу компания маҳсулоти билан ҳам шундай.

– Ўз ишимни қаерда ва қачон бошласам бўлади? Менда саволлар туғилса, ким жавоб беради? Ким менга мурраббий бўлади?

– Бу бизнес шуниси билан ўзига хоски, унинг сотувчиларига компания ҳомийлик қиласи. Ҳомийлик деганда, уларни ўқитиш ва мазкур бизнесга жалб этиш тушунилади. Ҳомий – сени шу бизнесга таклиф этган одам, у сен учун жавобгарликни ўзига олади, маҳсулотга йўл очиб беради. Қолаверса, оғир вазиятларда сени қўллайди. Ҳозир сенинг муваффақиятли иш олиб боришинг учун жавобгарликни мен ўз зиммамга оляпман. Ўз бизнесингни қуришингга ёрдамлашаман ва билгандаримнинг барчасини ўргатаман. Тез кунда ёрдамчилар ортирасан. Бир неча ой ўтиб эса мустақил ва илфор тадбиркорга айланасан.

– Демак, бирор учун эмас, ўзим учун ишлайман. Уйга, Тошкентга кетганимдан кейин бизнесим нима бўлади?

– Бу бизнесни тўрт авлодингга васият қилишинг мумкин. Ҳеч кимнинг уни сендан олиб қўйишга ҳаққи йўқ. Бошқа мамлакатга кетиб, ўша ерда ишлаганингда ҳам бизне-

сингга янги одамларни жалб этасан, худди мен каби уларга ҳомийлик қиласан. Австралияда ўрганганингдан ҳеч нарса йўқотмайсан. Чунки бизнесимиз халқаро бизнесга айланганига анча бўлган. Бу иш орқали кўп пул ишлаб топишинг мумкин. Даромадинг ўзинг қўл урган сотув ҳажмидан кўра тарқатувчилар тармогини яратишингга кўпроқ боғлиқ.

– Ишқилиб, ҳаммаси қонунийми? Бу пирамида эмасми?

– Йўқ. Бу компания ишончли, ўз бизнесини қонуний тарзда олиб боради. Унинг ривожланиш дастури адолатли ва аниқ тизимга йўналган. Хизматчиларга тўловлар савдо фаолияти ҳисобидан, фоизлари эса сотилган маҳсулот ҳажмидан тўланади. Кўпроқ ишлаганлар кўпроқ олади. Сенга фирибгарлик асосида қурилган пирамидалар ҳақида уқтириб қўйишим ҳам керак, албатта. Пирамида компаниялари бошланғич катта бадалга ёки йирик пулга маҳсулот сотиб олиш мажбуриятига асосланган. Жиддий компанияларда эса иш бошлаш бадаллари унча катта эмас ёки умуман йўқ. Ниқобланган пирамидалар маҳсулотни ўзига ва истеъмолчига керак бўлгани учунмас, мўмай фойда олишни кўзлаб, мазкур ўйинда қатнашаётган янги иштирокчиларга мол сотиш эвазига катта пул қиласди. Пирамидаларда пулларнинг деярли ҳаммаси янги иштирокчилар, уларни жалб этиш ҳисобидан қилинади, шунинг учун кириш тўлови анча катта. Пирамида компанияларининг ўқув тизими йўқ. У ердаги кайфият ҳам сотувгамас, янги сотувчиларни жалб этишга қаратилган. У ерда турли рост ва ёлғон-яшиқ орқали сотувчи қўлига маҳсулот солинган сумка берилади – бориб пулла ва янги сотувчиларни жалб қил. Пирамида асосида қурилмаган қонуний компаниялар эса мажбурий ёки олдиндан амалга ошириладиган сотувларни талаб этмайди. Ўйиндан чиқиш истагинг бўлса, сотилмаган маҳсулотни қайтариб олади.

– Пирамида компаниялари ва қонуний бизнес орасидаги тафовутни батафсил тушунтириб бердингиз, – де-

дим мен. Энди мен пирамидалар, уларнинг мустаҳкам исканжалари ҳақида билар, шу боис бундай ноқонуний компаниялар қармоғига тушиб қолишдан чўчирдим.

– Даромадинг бизнинг компанияга келтирган фойда билан тенгма-тeng бўлади. Бу компания қонуни: қанча кўп интилсанг, даромадинг ҳам шунча юқори бўлади. Компания ва унинг истеъмолчилари манфаати йўлида олий сифатли маҳсулот тарқатасан. Кейинчалик ҳам бу иш билан шуғулланиш ёки шуғулланмасликни, фаолиятнинг бошқа турига ўтиш-ўтмасликни ўзинг ҳал қиласан. Дарвоқе, бу компания дунёning барча йирик давлатларида, қолаверса, Россиянинг бешта шаҳрида ўз супермаркетларига эга, – Ален тўлқинланиб гапиради ва бу кайфият мени ҳам қамраб олди. – Сени фақат ютуқлар кутади. Пирамида компанияларида эса ютган кам, ютқазган кўп, чунки уларни товламачи ва енгил фойдани яхши кўрадиганлар қуради.

– Ишни шу бугуннинг ўзидаёқ бошласам бўладими? – сўрадим ундан. – Дарвоқе, жаноб Ален, сизга мураббийлик қилганингиз учун олдиндан ташаккур билдираман. Мен қарзга пул олганман, лекин ҳали ҳеч нима ишлаб топганим йўқ, уни қайтариш муддати эса яқинлашмоқда. Ўша вақтгача ўзимга керакли пулни ишлаб топа оламанми? – шундай деб ўзимга керакли пул микдорини айтдим.

– Ҳаммаси ўзингга боғлиқ, Жавлонбек. Бу бизнесда тез суръатда ва катта муваффақиятга эришишинг мумкин. Истиқболли бизнес, унда барчаси адолатли ва олий дараҷада қўйилганди. У ҳақида бошқаларга қанча кўп гапирсанг, шунча кўп одам сенга ёрдамга келади, сафингни тўлдирди. Улар нафақат ювадиган воситалар ёки витамин, косметика ва тиш пастасидан фойдаланадилар, балки бу маҳсулотларнинг сифати ҳақида бошқаларга сўзлаб ҳам берадилар. Харидорлар сони ошиб бораверади. Бунинг учун эса компания сени рағбатлантиради. Иш ҳақинг 200 доллар ҳам, 10 000 доллар ҳам бўлиши мумкин – ҳаммаси натижага боғлиқ. Мен ўзим ҳар ойда 6000 доллар

ишлаб топаман, лекин бу миқдор чегараланмаган. Аммо ҳозирданоқ компания күкларга күтараётган, рағбатлантираётган ва бошқа эътироф, мақтовларга сазовор бўлганлар сафидаман. Компания ҳисобидан икки марта хорижда дам олдим, Гавайи оролларида бўлдим. Сен ҳам Гавайи ҳақидаги орзунг ҳақида гапирдинг. Бошқа компанииялар ўз хизматчилари ҳақида бунчалик ғамхўрлик қилмайди. Шахсан мен бошқа ишни орзу ҳам қилмайман ва компаниямизни сира алмашмайман.

Шу куннинг ўзидаёқ Алендан рўйхат хужжатлари, касеталар, қолаверса, семинарга таклифнома олдим ва маҳсулот буюрдим. Кеч кирганда бу уйни тарқ этдим.

Кейинроқ жаноб Миклошга қўнғироқ қилдим ва унга ўз режаларим ҳақида сўзлаб бердим. Кутганимдек бўлди – мақтов сўзларини эшитдим. Жаноб Миклошдан олган пулга имкониятларимни кенгайтирадиган юқ машинасини ижарага олдим. У эртасигаёқ кўчма дўконга айланди.

Бир ой ўтмай бензин харажатлари ва ижара ҳақи тўловидан ташқари 1500 доллар ишлаб топдим. Гўшт дўконида гўшт чопиш ва ошхонада идиш ювиш ишидан оладиган даромадим ҳозирги ишимдан уч баравар кам эди. Истеъмолчилар кўпайгани сари тажрибам ҳам ошиб борди.

Бу ишларнинг барини ўқишдан кейин, куннинг иккинчи ярмида амалга оширадим. Иш бутун оқшом ва туннинг биринчи соатларини ҳам ўз ичига оларди. Шуниси қизиқки, уй вазифаларини бажаришга вақтим деярли қолмасада, аввалгидан яхши ўқирдим. Дарсларни яхшигина эслаб қолар, чунки энди вақтим олтинга тенглигини тушунардим. Машғулотларни сира қолдирмасдим.

Кейинги ой менга 4000 доллар даромад келтириди. Энди менинг ёш ёрдамчим бор эди, аввалгидан тезроқ интилардим.

Учинчи ойда 5000 доллар ишлаб топдим. Ўзимнинг муваффақиятларим ва муаммоларим ҳақида Ален ва жаноб Миклошга ҳисоб бериб турдим. Улар кўпинча бир хил тавсиялар беришар ва бу мени хурсанд қиласарди.

Энди даромадимни оширадиган бошқа йўлларни излаб бир эмас, учта юк машинасидан фойдаланишни ревжалаштиридим, бунга халақит берувчи тўсиқларни ҳам кўрардим, албатта: уйимизга қайтиш вақти яқинлашиб қолганди.

Кейинги семинарда мени саҳнага таклиф қилишди ва худди эстрада ўлдузини тақдирлагандек олқишилашди. Ўзимни ҳис-ҳаяжонлар чўққисида ҳис этдим. Микрофон орқали бир гапни айтдим: «Буни сиз ҳам қила оласиз!» Оқ кассетадан эшитган сўзлар эди. Энди бу кассета туморимга айланганди.

Семинар ўтаётган хонада нафақат нотаниш одамлар, балки бизнес бўйича менинг дўстларим ҳам ўтиришарди – Тимур ва бошқалар. Уларни шундай ажойиб фирмага олиб келганимдан ғуурланардим.

– Буни сиз ҳам қила оласиз! Бизнинг фирма дунёдаги барча-барчага – оқлар, сариқлар, қоралар, бой ва камбағаллар, соғлом ва беморлар учун ишлайди. Ҳеч нарсани ўзгартиришнинг ҳожати йўқ, фақат ишлаш, ишлаш ва ишлаш керак, – дедим уларга.

Тўртингчи ойда саккиз минг доллар ишлаб топдим. Ален шундай деди:

– Менга қара, Жавлонбек! Биз австралияликлар кичик миллатмиз, лекин катта бизнесда ўзимизни бардам ҳис этамиш. Сен ҳам ўзингда ишонч ҳосил қилганингдан хурсандман. Осон бошладинг, бундан хурсандман. Бизнесинг ўсишда давом этади. Бу сенинг қўлингдан келади. Сенга муваффақият тилайман, Жавлонбек!

XII ҚИСМ.

ЭНДИ ЎЗИНГ ВА ВАТАНИНГ УЧУН ИШЛАШИНГ КЕРАК

Ярим йилдан сўнг мен мазкур компаниянинг сезиларли ютуқларга эришган хизматчилари суратларини чоп этувчи журнал саҳифаларига тушдим. Баҳтиёр эдим. Бир йилга бормай – саккиз ойдан сўнг мураббийим жаноб Миклошга қарзимни қайтардим ва чин дилдан ташаккуримни билдиридим. Унга Хива гиламини совға қилдим – ота-онамга пул жўнатган ва бу гиламни Тошкентдан юборишганди.

Гиламни ёйганимда унинг бежирим рангларидан ҳайратга тушган қариянинг оғзи очилиб қолди. Нақшларнинг ўзи топишмоқ эди ўзиям! Жаноб Миклош гиламга узоқ тикилиб қолди. Бу совғам уни нафақат хурсанд қилган, балки тўлқин-лантириб ҳам юборганди. Кекса миллионернинг қизил ва қора мебеллар билан жиҳозланган чиройли уйи бор, лекин бизнинг Хива гиламига ўхшаш ҳеч вақоси йўқ эди. Бу мени хушнуд этарди. Совғам унга ёққанидан бафоят шод эдим.

Ўша куни ош дамладим. Ширин суҳбат устида овқатландик. Ҳайрлашиш чоғида нафақат мен уни, балки Жаноб Миклош ҳам мени бир умр ёдидан чиқармаслигига амин бўлдим.

Журналдаги суратимни қирқиб хатим ёнига соларканман, Тошкентга, ота-онамга юбордим. Мени қўллаб-куватлаганлари ва меҳрибонларни учун чин юракдан та-

шаккур айтдим. Улар муваффақиятимга ишонишган ва натижага ўзини куттирмаганди.

Юртимизга қайтадиган кунимиз ҳам келди. Тимур иккимизни янги дўстларимиз билан бирга бизнес бўйича ҳамкорларимиз ҳам кузатишарди. Бегона юртда бир йилдан зиёд вақт яшадим. Энди бу мамлакат менга ёт эмасди, ахир, у мени ўз қадрдонидек қабул қилди ва меҳрини берди.

Юрагим ғашланаётганини сездим, ахир, бу юртда не-не яхши кунларимни ўтказдим. Лекин она юртим соғинчи мени янада ҳаяжонга солар, бу ҳисга қулоқ солмасликининг иложи йўқ эди. Қадрдон шаҳрим овозига ота-онам ва бошқа қадрдонларимнинг овози жўр бўларди. Севимили шаҳрим кўчалари ва майдонлари, боғ-роғлари, чаманзори, бутун борлиғи билан мени ўзига чорларди. Энди мен унга ўзгача инсон сифатида кераклигимни билардим. Ўзингнинг кераклигингни ҳис қилиш кўнгилга роҳат баҳш этади. Бу дунёдаги энг оромбахш ҳис бўлса керак.

Рўйхатдан ўтишимизга чорак соат қолганда Ален мени четга тортди. Кейин курраи заминнинг бошқа томонида, олис Калифорнияда бўлиб ўтган воқеани сўзлаб берди.

– Калифорнияда, Тинч океани қирғоғида сақоқушлар яшар, маҳаллий аҳоли уларни севиб парваришларкан. Қисқа фурсат ичида сақоқушлар кўпайиб, қирғоқнинг анчагина қисмини эгаллаб олибди. Бунчалик тез кўпайишининг сабаблари бор экан. Сақоқушлар яқинидан балиқ-чиларнинг кема йўллари ўтар, уларда тозаланган балиқ қолдиқлари сувга ташланарди. Сақоқушлар ана шу қолдиқларни териб еб кун кўрарди. Уларга бошқа ёмишнинг кераги йўқ эди. Натижада сақоқушлар аста-секин балиқ тутиш кўниқмасини йўқотибди. Тайёр хўракни териб олиш учун анча кам куч-кувват сарф бўларди-да! Балиқларнинг ичак-чавоғини сувга ташлашни ман этувчи қонуннинг ишлаб чиқилгани кутилмаган ҳодиса бўлди. Улар ўзларига ёмиш топиш қобилиятини йўқотганди, буни қайтадан ўргана олишмади. Оқибатда сақоқушлар камая бошлади. Қонунни ишлаб чиқсан табиатсеварларнинг ўzlари яна

хавотирланиб бонг ура бошлашди. Сақоқушларнинг бунчалик тез қирилиб кетиш сабабини тушунтиrolмадилар. Таклиф қилган воситалар ҳам ёрдам бермади. Фожиа сабабини тушунишлари билан Флоридадан балиқ овлаш қобилиятини йўқотмаган, мустақил равишда ўзига емак топа оладиган бир неча юз сақоқушни келтиришиди. Ҳамма умид ана шу сақоқушларнинг авлодидан эди. Лекин табиат улардан кўра ақллироқ ва узоқни кўрадиган бўлиб чиқди. Ов қобилиятини йўқотган аввалги сақоқушлар биринки ой ичида янги келган қавмларидан ов қилишни қайтадан ўрганишди ва уларнинг ўлими анча камайди.

Мен бу ҳақда нима учун сўзладим, Жавлонбек? Бизнесинг ўзингда қолади, кўп ўтмай сенинг бой бўлишни истайдиган янги шерикларинг пайдо бўлади. Орзу-мақсадларинг бор, улар сени азобга қўйиш ва масхаралаш учун қўйилмаган. Орзуларинг Яратганинг амри билан танлаган мақсадинг сари йўл кўрсатади. Ўйлаганларингни амалга ошириш учун барча нарсага эгасан. Йўлингда учрайдиган одамларнинг кўпчилиги ҳам йирик кўламда орзу қилишади, лекин сен каби улкан орзуси ва мақсадларини амалга ошириш учун уларнинг билими етарлимас. Бу одамларни ўзингга шерик қилиб ол, излаганларини топишга ўргат. Шундай қилки, улар сенга ишонсинлар ва орtingдан борсинлар. Флорида ва Калифорниядаги сақоқушлар билан ўтказилган тажрибани қайтар – билганларингни тушунтир. Сен ва уларнинг қувват манбаингиз янги поғонага кўтарилиб, бошқалар ҳам сизларга тенглаша бошлайди ва улар ҳам интилади. Яна қайтараман: орзуларинг аниқ-тиник, уларни амалга оширсанг бўлади. Шу тариқа тез ўсансан. Янги-янги орзулар қиласан, савиянг ҳам юксалади. Бу тадрижий жараён. Сен танлаб бўлдинг. Қуруқ гапнимас, орзуни танладинг. Сокинликнимас, ҳаракатни, қуруқ гапни оқлайдиган ёлғоннимас, ҳақиқатни танладинг. Яқинларингга нисбатан бефарқлика, меҳрибонликни танладинг. Шундай экан, барча ишларингда

яхшиликни танла ва роҳат билан ишла, ахир, фасли баҳоринг энди кириб келмоқда!

Ален мени қаттиқ қучди. Биз учун хайрлашув оғир эди...

Мана, самолётдаман. Уйга бошқа одам бўлиб қайтяпман. Кўп нарсани ўргандим. Бунинг учун мураббийларимдан миннатдорман. Янги билимларимни тезроқ қўллаб ишлаш, ишлаш ва яна ишлашни истардим. Ўзим ва тенгқурларим азиз Ватанимиз равнақи учун катта иштиёқ билан меҳнат қилишни хоҳлардик. Бир ўзимнинг муваффақиятли бўлишиб камлик қиларди. Ватанимнинг имкон қадар кўплаб фуқаролари бой бўлиши керак. Ана ўшанда юртимиз янада гўзал ва обод маконга айланади...

Самолёт мени шимоли-ғарбга – Ўзбекистонга олиб учарди. Олдимда мени мавҳумлик кутар, лекин бу учрашувга тайёр эдим. Олис мамлакатда мураббийлардан кўп нарсани ўрганиб, орзу-истакларимни аниқлаб олгач ўзимнинг мустақил ҳаёт йўлимни бошлагандим. Хоҳиш-истакларимга етишишга ишончим комил эди. Хайр, Австралия! Хайр, Сидней! Кўришгунча, дўстларим! Олис Ўзбекистондан келган оддий йигитчага берган ёрдамингиз ва мададингиз учун ташаккур!

Салом, менинг Ўзбекистоним! Салом, азиз Тошкентим! Сенинг равнақингга ўз ҳиссамни қўшиш учун, олган билимларимни юртдошларимга, Ватанимга тўкинлик, фаровонлик келтириш йўлида қўллаш учун бағрингга парвоз қилиб келмоқдаман! Мен Ватаним байроби дунёнинг барча нуқталарида ҳилпирашини, ўз тарихимиз, улуғ аждодларимиз билан ғуурланишимизни, бу фахр-ифтихор буюк келажагимизни кўришимизга йўл очишини истайман!

Бу шахсан менга қаратилган аждодларим даъвати эди. Шу дақиқадан бошлаб ўзимни юқори андазалар билан боғладим. Энди келажагимни улар белгиларди. Ахир, ҳаётга бир марта келамиз. Шундай экан, келинг, она юртимиз гуллаб-яшнаши учун ҳисса қўшайлик!

**ЎТМИШДАН КЕЛГАН
БОЙЛИК СИРЛАРИ
ЁХУД
САМАРҚАНДЛИК
ЭНГ БОЙ ОДАМ**

I ҚИСМ.

Күп йиллар муқаддам, Буюк ипак йўли замонида Самарқанд шаҳрида Икромжон исмли бир йигит яшаган. У уста Каримқул ота оиласида туғилган бўлиб, тўртта акаси бор эди. Каримқул ота ўз касби сирларини улкан истак билан болаларига ўргатар, улар ўз ишининг давомчилари бўлишини жуда ҳам хоҳларди. Катта ўғиллари Асадбек билан Бахтиёрнинг дўконлари бўлиб, шогирдларига ҳам эга эдилар. Кейинги ўғиллари Жамшид ва Набижон ота касбининг сир-асрорини қунт билан ўрганиб, шиша устида ишлашни пишиқ-пухта ўргандилар. Ота ўзининг катта ўғиллари билан фахрланар, уларни ҳар доим кенжатои Икромжонга намуна қилиб кўрсатарди. Лекин Икромжон ота касбига ҳеч қандай қизиқиш билдирамас ва бу билан падарини ранжитарди. Албатта, у отасига ёрдам берарди, лекин Каримқул ота ўғли буни фақат ҳурмат юзасидан қилаётганини яхши тушунарди.

– Кўнглингга ўтиргмаган иш билан шуғулланиб баҳтли бўлиш мумкин эмас, – деганди Самарқанднинг энг ҳурматли ва доно инсонларидан бири бўлган Каримқул отанинг буваси.

Ўғли Икромжонга ўз иш тажрибасидан бошқа ҳеч нарса беролмаслиги, берган чоғида ҳам бу касб уни баҳтли қилолмаслиги ҳақида ўйларкан, Каримқул отанинг кўнгли ғаш бўларди. Яратганинг амрига қарши бориш шамолга қарши пуфлаш билан баробар, бефойда иш.

– Икромжон борадиган йўлни ҳаётнинг ўзи кўрсата қолсин, – дерди Каримқул ота хотинига.

Шундай кунлардан бирида Каримқул ота Икромжонни таниқли савдогар Асилбекнинг уйига юбораркан, у буюрган идишларни элтиб беришни буюрди. Одатда, қиммат буюртмаларни Каримқул отанинг ўзи етказиб берарди, лекин бу сафар қандайдир ички овоз унга буюртмани айнан Икромжон етказиб бериши керак деб билдириди. «Ҳаммаси Яратганнинг амри», – ўйлади у ва тақдир хоҳишига қаршилик қилмади.

Самарқанднинг энг бой ва ҳурматли савдогарларидан бўлган Асилбек ҳар кунги намози вақтида Оллоҳдан ўзига меросчўр беришини сўрарди. Унинг савдо ишлари шунчалик ривож топгандики, энди уларни якка ўзи бошқаролмасди. Лекин Яратган унинг хотинига ўғил туғишина насиб этмади.

Бир куни Асилбек туш кўрди. Тушида бир йигитча унинг эшигига яқинлашганида идишларни тушириб синдириб қўйибди. Фаришта Асилбекдан бу йигитни уришмасликни, аксинча, уни ўзига шогирд қилиб олишни сўрабди... «Фалати туш», – ўйлади Асилбек нонушта вақтида. Шу пайт унинг ёнига хизматкори келиб бир йигитча буюртма идишларни олиб келганини хабар қилди. Асилбек қулоқларига ишонмай, ўйланиб қолди.

– Унга айт, кетиб қолмасин, олиб келган нарсасини ўзим кўрмоқчиман, – деди хизматкорига...

Бу гапни эшитган Икромжонни тер босди, пешонаси, кафтлари сув бўлиб кетди, юраги нақ оғзига тиқилиб, чиқиб кетгудай туюлди. Умри бино бўлиб Икромжон бундай ҳурматли одамлар билан гаплашмаган. Афсонавий инсонни кўриш ҳақидаги ўй-фикр уни титроққа солди. Тақдир учратган бу икки инсон ўз ҳаётларидаги энг жўшқин ҳиссисётларни бошдан кечирардилар. Биринчиси – само унга биринчи бор белги берганидан, иккинчиси – таниқли инсон билан кутилаётган учрашувдан ҳаяжонда эди. Бундай дақиқаларда Яратганнинг ўзи тақдир сари етаклайди. Худди тушдагидек Икромжон Асилбекнинг эшиги ёнига келганида идишларни синдириб қўйди. Йиқилаётганида бутун дунё

кўз ўнгиде чирпиракдек айланиб, кичкина нуқтага айланди қолди. Ваҳима ва қўрқув бутун вужудини қамраб олди. Оёқларини анча вақтгача қимирлатолмай қолди. Кўзлари ёшга тўлди. Бу буюртмани қайтадан ясаш учун отасининг яна бир неча ҳафталик мөхнати кетишини тушуниб туради. Қолаверса, қиммат турадиган ашёларни сотиб олиш учун бутун оила ярим йил мобайнида кечаю кундуз мөхнат қилиб пул топиши лозим. Уят ва қўрқув уни қийнокқа солди. Бир дақиқа аввал ранг-бараңг бўёқлар билан турланиб турган бу ажиб дунё зулматга чулғанди. Асилбек эса мазкур ҳодисани тушида кўрган, шунинг учун йигитчани ўрнидан турғизишга буюрди. Икромжоннинг танаси латтадек юмшаб қолган, ҳоли йўқ эди. Хизматкорлар унинг Асилбек ҳузурига келишига ёрдамлашдилар.

– Мана, учрашдик ҳам. Йиғлама, ўғлим. Ҳозир сен отангнинг ёнига қайтиб борасан, бу ерда бўлиб ўтган ҳодисаларни гапириб берасан. Эртага эрталаб эса нарсаларингни йиғиб қайтиб кел. Бир йил мобайнида ишларимга ёрдам берасан, кейин кетишингга рухсат бераман. Ўшанда келажакдаги йўлингни ўзинг танлаб олишинг мумкин бўлади. Манави буюртма пулларини ол. Отанг ҳар доимгидай сўзининг устидан чиқди, буюртмани ўз вақтида бажарди. Бу ерда бўлиб ўтган кўнгилсизликда унинг айби йўқ. Ҳаммаси Оллоҳнинг амри билан юз берди.

Икромжон ўзига келгунicha ўн дақиқача вақт ўтди, лекин у ҳалиям қадам ташлашга ожиз эди.

– Нимага ўтирибсан? Уйингга кетавер деб айтдим-ку! Эртага, хуфтон намозидан сўнг келасан.

...Уйлари яқин бўлишига қарамай, Икромжон фақат кечга яқин кириб борди.

– Йиғлама, ўғлим. Асосийси, соғ-саломат экансан. Тинчлан. Ҳеч нарсадан кўрқма, нима бўлиб ўтганини гапириб бер, – деди отаси.

Ҳаммасини сўзлаб берган Икромжон пул тўла ҳамённи отасининг қўлига топширди ва ўзини елкасидан тоғ афдарилгандай сезди.

– Мен Асилбек донишманд инсон эканини билардим. Тушунишимча, у сени шогирдликка олмоқчи. Бошқа одамларга қилаётган яхшиликлари унга ўн ҳисса бўлиб қайтади. Мен хурсандман. Сен Асилбекнинг уйида бир йил ишлаб, ундан билим ва кўникма олишинг мумкин. Айтганларини бажаргин, эслаб қол ва Оллоҳ сенга шундай омад бергани учун шукр қилгин, – Каримқул ота чойини охиригача ичиб, ўғлининг елкасига қоқиб қўйди-да, ухлашга кириб кетди.

Бир дақиқа ҳам ўтмай Икромжон бугунги кун унинг кучмадорини олиб қўйганини ва ниҳоятда чарчаганини сезди ва шу ернинг ўзида ухлаб қолди.

II ҚИСМ.

Эртаси куни тонгда Икромжон Асилбекнинг эшиги олдида турарди.

– Тезроқ юр, сени кутишяпти, – деди уни қаршилаган хизматкор.

Икромжон хизматкорнинг кетидан катта мөхмонхона орқали ўтиб, кичикроқ хонага кириб борди. Бу хона форс гиламлари, атлас кўрпача ва ёстиқлар билан безатилганди. Ундан ҳам ўтиб, чиройли боққа кириб бордилар. Бу ер анчайин салқин эди.

– Ассалому алайкум, Асилбек ака.

– Кел, ўғлим. Ўтири, – кутиб олди уни Асилбек.

Ҳол-аҳвол сўрашишгач у йигитчанинг ёши нечадалигини сўради.

– Ўн еттида, тақсир.

– Нималарни биласан?

– Ўқишини ва ҳисоб-китобни яхши биламан деб ўйлайман.

– Жуда яхши. Бизнинг мадрасада ўқиганмисан?

– Ҳа, тақсир, уни ўтган йили битирганман.

– Маъқул. Энди сен заргарлик дўконларимдан бирига боргин, у ерда нима қилишинг лозимлигини тушунтириб беришади.

Орадан бир ой ўтди. Икромжон Асилбекнинг дўконида эрталабдан-кечгача мөхнат қиласарди. У жуда ҳам зийрак эди, савдо-сотиқни тез ўрганиб, сотувчиларни ҳайратга солар, харидорларга хушмуомала эди.

Бир куни Асилбекнинг хизматкори келиб уни хўжайин чақираётганини айтди...

Кечки салқинда Асилбек Икромжондан ҳол-аҳвол сўради, ота-онасининг соғлиғи, дўкондаги савдо ҳақида суриштириб билди.

– Икромжон, сен нималар ҳақида орзу қиласан? – деб сўради кейин.

– Орзуим тезроқ сизга қарзларимни қайтариш.

– Бу ерда қилаётган ишинг ёқмаяптими?

– Йўқ, аксинча. Ҳар куни янги нарсаларни ўрганяпман, савдо менга жуда ҳам ёқади. Фақатгина синдириган идишларим ҳақидаги хотира мени жуда қийнаб юборди.

– Ҳозир бу ҳақда ўйлама. Саволимга жавоб бер. Нималар ҳақида орзу қиласан?

– Болалигимда курашда ғолиб чиқишни ва ўзимнинг тулпорим бўлишини орзу қилардим. Энди эса сизга ўхшаб хурматли ва бой инсон бўлиш ниятидаман.

– Яхши. Лекин бунга қандай эришиш мумкинлигини биласанми?

– Йўқ. Ҳали билмайман.

– Ўғлим, биринчи гал бизникига келганингда ўша идишларни синдириб қўйишишнги билардим.

– Билардингиз?.. Синдириб қўйишимни-я?

– Бу ҳақда кейинроқ гапириб бераман. Сен мен учун нафақат тақдир сени менга йўллаттани учун, балки ишингни мароқ билан, жон куйдириб бажараётганинг учун азизсан. Шу боис сени ўзимга шогирд қилиб олмоқчиман, авваламбор, бизнинг авлоддан-авлодга ўтиб келган бойлик сирларини сенга очмоқчиман. Бу сирларни ўз вақтида ота-буваларим Буюк ипак йўли бўйлаб карвон билан Хитойга ўтадиган савдогарлар совға қилган қадимий ёзувлардан билишган.

Шу куни Икромжон билан Асилбек тонггача сухбат қуришди. Асилбек унга ўз бойлиги, ютуқлари сирларини очишга қарор қилганди.

Асилбек ёстиққа ёнбошлаганча ўз ҳикоясини бошлиди.

Асилбекнинг биринчи ҳикояси

ПУЛЛАРГА ЭГА БҮЛИШНИ ИСТАГАН ИНСОН

Қадим Бобилда яшовчи аравалар ясадиган уста Бансирнинг шашти жуда паст эди. Девор остида ўтириб тунд ҳолда ўзининг оддий уйи ва эшигиланг очик, ичидага ясаб тугатилмаган арава турган устахонасига тикиларди.

Үйнинг очик эшигидан ичкарида гимирлаб юрган хотини кўриниб турарди. Бир неча маротаба у хотинининг ўзига тез-тез ташлаб қўйган нигоҳини тутиб олди. Бу эса уйларидаги ун халта бўшаб қолганини, у ишини давом эттириши, аравани тезроқ ясаб тугатиши кераклигини, бунинг учун тахталарни тайёрлаши, болга билан уриши, бўяши, камарларни гилдиракларга маҳкамроқ тортиши, яъни буюртмачига уни вақтида тайёрлаб бериш учун барча зарур юмушларни қилиши лозимлигини эслатди.

Аммо Бансирнинг баҳайбат қомати ҳали ҳам пастак девор тегасида қаққайиб турарди. У сира жавоб тополполмаётган савол билан андармон эди. Ефрат дарёси водийси учун оддий ҳол бўлган жазирама қуёш аямай қиздиряпти. Бансирнинг пешонасидан чиққан төр томчилари ингичка оқимларга бирлашар, бу «ирмоқ»лар бирлашиб унинг сертук кўкрагига сизиб тушарди.

Бансирнинг уйи ёнида шоҳ саройининг террасасаси-мон деворлари қад кўтарган. Унча узоқ бўлмаган жойда эса мусаффо осмонни иккига бўлиб Бела масжиди чирой очиб турарди. Бансирнинг оддийгина кулбасига ўхшаш қаровсиз уйлар ана шу гўзаллик соясида жойлашганди. Бутун Бобил ана шу сурат – кўзни қамаштирувчи бойлик ва қашшоқлик, каттазанглик ва мудҳииш хорлик аралашмасидан ясалганга ўхшарди. Уларнинг ҳаммаси ҳеч қандай тизим ва режасиз шаҳарни кўриқлай-

диган деворлар ичида бир-бираига туташган ҳолда ёнма-ён жойлашганды. Ортида эса бой одамларнинг аравалари тарақлаб ўтаётган, уларнинг ёнларида оёқларига ёзги шиппаклар илиб олган савдогар ва ялан-гоёқ камбагалларнинг югуриб юрганларини акс этти-рувчи шаҳар манзараси намоён эди. Бойваччалар ҳам «шоҳ иши» билан машгул бўлган сув ташувчиларнинг кети кўринмас, узундан-узун қаторларига йўл беришга мажбур бўларди. Улардан ҳар бирининг елкасида осма боғларни сугориш учун мўлжалланган сув солинган меш бор эди.

Бансир ўз ташвишлари билан банд. Шу боис шаҳарнинг бетартиб говур-гувури ва шовқини қулогига кирмас, бунга эътибор ҳам бермасди. Кутимагандада янграган таниш лира овози уни бу ўйчанлик ҳолатидан чиқарди. Бансир ортига ўғирилди ва кулиб турган яқин дўстти – мусиқачи Коббини кўрди.

– Оллоҳ сенга барака берсин, азиз дўстим, – гап бошлиди Кобби. – Олий кучлар сенга шундай мукофотлар етказдиларми, энди сенга ҳаттотки ишлашнинг ҳам ҳожати қолмабди. Ўзингга келган омадни мен билан бўлишишингни хоҳлардим. Илтимос, пулинг кўплигидан ёрилай деб турган ҳамёнингдан иккита шекел чиқариб, менга эрталабгача қарз бериб тургин. Сен уларнинг ўйқлигини пайқашга ҳам улгурмайсан, зудлик билан қайтараман.

– Агар икки шекелим бўлганида эди, – ҳафсаласиз жавоб берди Бансир, – уларни ҳеч кимга, ҳаттотки сендай энг яқин дўстимга ҳам беролмасдим. Шунча пулим бўлганида, у менинг жами бойлигим бўларди. Лекин ҳеч ким ўзининг бор бойлигини энг яқин дўстига ҳам раво кўрмайди.

– Нима?! – бақириб юборди Кобби ҳайратланиб. – Ҳамёнингда биттаям шекел бўлмаса-ю, сен мана шу девор остида ҳайкалдай қотиб ўтирибсанми? Нима учун аравани битказмаяпсан? Очофат иштаҳангни

қандай қилиб қондирасан? Сен сира ўзингга ўхшамайсан, дўстим. Ҳеч қаерга сизмайдиган гайратинг қаёқса кетди? Балки сени нимадир қийнаётгандир? Оллоҳим сенга қандайдир синовлар жўнатгандир?

– Ҳа, балки илоҳий кучлар бу қийинчилликларни менга бергандир, – рози бўлди Бансир. – Ҳаммаси бир тушдан бошланди. Тушимда ўзимни жудаям бой одам сифатида кўрдим. Белимда пул тўла ҳамён осилиб туради. Унинг ичида майда шекеллар бўлиб, уларни тиланчиларга ташлардим, кумуш тангалар ҳам бор эди – уларга ўзим ва хотиним учун хоҳлаган нарсаларни сотиб олардим. Олтин тангалар ҳам бўлиб, менга истаган нарсамни сотиб олиш ҳуқуқини берарди. Мен ўзимдан чуқур қониқиш ҳиссини сездим!

Сен менинг қиёфамдаги ўша одамни танимасдинг. Хотинимни ҳам ҳеч ким танимасди – юзида битта ҳам ажин ийқ, баҳтдан масрур эди. У тўйимиздан кейинги келин – чиройли ва ҳар доим кулиб турувчи қизга айланниб қолганди.

– Ҳа, ажойиб туш, – деди Кобби, – лекин нима учун бу туш, ажойиб ҳиссиётлар сени мунгли ҳайкалга айлантириб қўйди?

– Шунинг учунки, уйгонганимда ҳамёнум қанчалик бўшигини яна эсладим ва мени бундан норозилик ҳисси қамраб олди. Кел, биргаликда бош қотирайлик, ахир, сен билан, денгизчилар айтганидек, «бир кемада сузид кетмоқдамиз». Ёшлигимизда ақл ииғиши учун бир домлага борардик. Ўсмирлик даврида биргаликда ўйнардик. Улгайиб яқин дўст бўлдик. Биз ўзимизча ҳамма нарсадан рози бўлиб юрган инсонлар эдик. Топган пуллимизни бемалол ишлатганимиз ҳам қониқтиарди. Энди-чи? Ўзимиз ният қилган ва бойлик инъом этиши мумкин бўлган хурсандчилликларни татиб кўришга имкон берадиган пулларни көраклигича тополдикми? Ҳечам! Шунчалик бефаҳам, аҳмоқмизми? Ахир, ер юзидаги энг бой шаҳарда яшаймиз. Сайёҳларнинг айтишларича, бошка

бирор шаҳар бизники билан тенглашолмас экан. Атродфимизда бу бойликнинг кўринишлари шунчалик кўплигига қарамай, биз ундан баҳраманд бўлолмаймиз. Умрингнинг ярмини оғир меҳнатда ўтказиб ҳозир бўш ҳамён эгасисан. Эрталабгача икки шекел қарз беришими сўраб ўтирибсан. Хўш, сенга нима деб жавоб беришм керак? Мана менинг ҳамёним, унинг ичидагини сен билан бўлишаман деб айтишим керакми? Йўқ, ҳамёним худди сенини каби бўшлигини тан оламан. Унда сабаб нимада? Нега биз фақатгина кийим-бош ва овқатимизга етадиган пулдан ташқари ортиқча кумуш ва олтин пуллар тополмаймиз?

– Бизнинг ўғилларимиз, – давом этди Бансир, – отапарининг ортларидан эргашмаяптиларми? Ахир, улар ҳам ўз оиласлари билан овора. Ўғиллари ҳам, ўғилларининг оиласлари ҳам бутун ҳаётини шундай бойлик теграсида ўтказсалар-да, бизга ўхшаб фақат бўтқа ва эчки сути билан мамнун бўлишлари керакми?

– Шунча йиллик дўстлигимиз мобайнида сен ҳали бирор марта ҳам бу мавзуда гапирмагандинг, – деди ҳайрат билан Кобби.

– Эрта тонгдан-кечгача мен фақат инсон қўли яратоладиган араваларни ясадим. Бу ишларим учун олий кучлар менга тўқлик ва бойлик жўнатадилар деб ўйлаб келдим. Лекин бундай бўлмади. Ниҳоят, мен тушундимики, улар ҳеч қачон бу ишни қилмайдилар. Шунинг учун юрагимни оғир тош босиб ётибди. Мен бой одам бўлмоқчиман. Кенг-мўл ерга, мол-ҳолга, чиройли кийимларга ва пул тўла ҳамёнга эга бўлишини хоҳлайман. Уларга эришиш учун бор кучим билан ишлашга тайёрман, қўлимидан келадиган ҳар қандай юмушни қилишини, бутун ақлимни ишга солишини ва эвазига меҳнатимга муносиб мукофотланишини истайман. Нима учун биз ҳам шуларнинг ҳаммасини сотиб олишга қурби етадиган одамлар каби ўзимизга төгишили улушимизни ололмаймиз?

– Бу саволнинг жавобини билсам эди! – деди Кобби. –

Мен ҳам ўз ҳаётимдан мамнун эмасман. Лира чалиб топган даромадим еттайды. Оилам оч қолмаслиги учун топган даромадимни тишинигача ҳисоблаб режалаشتитраман. Юрагим тубида бир ёнувчи истак бор. Мен шундай лирага эга бўлишни хоҳлардимки, унинг торларини чертганимда мусиқаси барча истак ва интилишларимни атрофдагиларга етказолсин. Бундай чолгу асбобида ҳатто шоҳлар ҳам умрида эшишмаган куйлар чалган бўлардим.

– Сен ўзинг айтган лирага лойиқсан. Бутун Бобилда шундай ажойиб куйларни янгратоладиган инсон йўқ. Агарда уни ажиб куй таратишга мажбур қилганингда, фақат шоҳларгина эмас, балки олий кучларнинг ўзлари ҳам ҳайратга тушарди. Лекин бу асбобни қандай сотиб оласан, иккимиз ҳам қуллар каби камбагал бўлсак? Мана, уларнинг қўнгироқлари ҳам эшишилиб қолди. Улар келишяпти, – шундай деб у дарёдан тепага қаради-да, тор кўча бўйлаб зўрга қадам ташлаётган, ярим ялангоч, тердан баданлари жиққа ҳўл бўлиб кетган қулларни – сув ташуевчиларни кўрсатди. Улар ҳар қаторда беш кишилашиб сув тўла чарм мешлар остида икки букилиб келардилар.

– Йўлбошчиларининг қадди кўркам экан, – деди Кобби энг олдинда қўлидаги қўнгироқни чалиб кетаётган юки йўқ одамни кўрсатиб. – У ўз давлатида таникли одам экани кўриниб турибди.

– Улар орасида яхши одамлар кўп, – изоҳ берди Бансир. – Худди сен билан мендай. Шимолдан келган баланд бўйли оқ сочли кишилар, доим кулиб турадиган жанубликлар, қўшни давлатлардан келган ўртабўй қорамагиз инсонлар... Улар йилдан-йилга, кундан-кунга дарёдан боғлар томон, у ёқдан-бу ёққа юришади. Ухлашлари учун тўшак сифатида қуритилган сомон, ейишлари учун қаттиқ бугдойдан пиширилган бўтқа... Келажакда уларга ҳеч қандай баҳт қиё бокмайди. Кобби, уларга сал бўлса-да раҳминг келсин!

– Уларга раҳмим көлади. Лекин сен билан мен ўзимизни озод инсонлар ҳисобласак-да, улар билан орамизда катта фарқ күраётганим йўқ.

– Бу ҳақиқат, Кобби. Биз йилдан-йилга қуллар каби ҳаёт кечирмаслигимиз керак. Иш, иш, иш. Эвазига эса ҳеч нарса йўқ.

– Ахир, бошқалар қандай қилиб олтин топаётганини билib олиб, улар каби иш қилсак бўлмайдими? – сўради Кобби.

– Бу ерда қандайдир сир бўлса керак, балки биз керакли одамларни топсак, шу сирни ҳам билib олармиз.

– Жуда зўр бўларди, – деди Кобби, – бир тасаввур қилгин, эски дўстимиз Аркадни ўзининг олтин аравасида ўтиб кетаётганида учратиб қолсан-а! Ўзи сингари бойлар каби шунчаки қарамасдан, аксинча, менга қўл силкитади ва ҳамма унинг мен, Кобби, оддий бир мусиқачи билан кулиб сўрашганини кўради.

– Уни бутун Бобилдаги энг бой одам дейшишади.

– Аркад шунчалар бойки, одамларнинг айтишича, ҳамто шоҳ ҳам ўз газнаси муаммоларини ҳал қилиш учун олтин керак бўлганида унга мурожаат этганмиш.

– Ҳа, – тасдиқлади Бансир, – агар хилват жойда учратиб қолсан, ўзимни тутолмай, пул тўла ҳамёнини олишга уринсам керак деб қўрқаман.

– Бўлмаган гап! – эътиroz билдириди Кобби. – Одамнинг бойлиги, у ўзи билан олиб юрадиган ҳамёнида эмас. Пул тўла ҳамён, агар олтин тангалар оқими уни мудом тўлдириб турмаса, тезда бўшаб қолади. Аркаднинг ишончили, мунтазам келиб турадиган маблаги бор. Бу маблаг, қанча пул сарфлашига қарамай, унинг ҳамёнини мудом тўлдириб туради.

– Доимий келиб турадиган маблаг, зўр-ку! – қичқириб юборди Бансир. – Мен доимий келиб турадиган шундай маблагни хоҳлайманки, уйда ўтираманми ёки узоқ давлатларга саёҳат қиласманми, ҳамиша ҳамёнимни тўлдириб турсин. Одам ўз маблагини яратишини

таъминлайдиган йўлларни билиши керак. Ўйлайманки, у буни ҳатто мендай тўнкага ҳам тушунтиrolса керак?!

– Ўйлашимча, – жавоб берди Кобби, – Аркад ўз тажриба ва билимларини ўғли Номасирга берган. Аркад Нињевия шахрига ҳеч қачон келмаган бўлса-да, одамларнинг айтишича, ўғли отасининг ёрдамисиз ҳам шу шаҳарнинг энг бой одамига айланганмиш.

– Кобби, сен менга зўр фикр бердинг, – Бансирнинг кўзлари ёниб кетди. – Ахир, яхши дўстдан ақлли маслаҳат сўраш ҳеч гапмас-ку, Аркад ҳамиша шундай дўст эди. Бизнинг ҳамёнимиз бургутнинг бултурги уясига ўхшаб бўм-бўш. Бундан хижолат бўлмаслигимиз керак. Атрофда тўйчилик бўлган бир пайтда муҳтожликда ҳаёт кечиришимиз жонга тегди. Биз ўзига тўқ инсонлар бўлишини истаймиз. Кел, Аркаднинг ёнига бориб қандай қилиб ўзи келиб турадиган маблагга эга бўлишимиз мумкинлигини сўраймиз.

– Сен менга кўтаринкилик баҳш этяпсан, Бансир. Кўп нарсаларни тушунишга, нима учун шу пайтгача сира бойлик орттириполмаганимизни тушуниб етишга мажбур этдинг. Сабаби, биз уни ҳеч қачон қидирмаганимиз ҳам. Сен Бобилдаги энг зўр араваларни ясашга жонжаҳдинг билан киришгандинг. Бор кучинг ана шу мақсадга йўналганди. Шунинг учун бу йўлда илгарилаб кетдинг. Мен эса зўр мусиқачи бўлиш ниятида эдим. Айнан ана шу соҳада кўп нарсага эришдим.

Биз қайси фаолият йўлида энг кўп куч сарфлаган бўлсак, шу йўналишда кўп натижаларни қўлга киритдик. Олий кучлар ана шундай ҳаёт кечиришимизга рози эдилар. Лекин шафақдан кўтарилаётган қуёшдан таралаётган нурга ўхаш ёғдуни энди кўриб турибмиз. У нур бизни ишларимиз янада илгарилаб кетиши йўлида олдинга чорламоқда. Орзуларимиз ушалиши учун пок, тўғри йўлни топиб оламиз.

– Кел, бугун Аркаднинг ёнига борамиз, – таклиф

қилди Бансир. – Ишлари юришмаётган, ёшликтада бирга катта бўлган дўстларимизни ҳам таклиф этамиз, биз билан бирга янги билимлар олишга борсинлар.

– Сен ҳар доим дўстлар ҳақида қайгурасан, Бансир. Шунинг учун дўстларинг кўп. Сен айтганча бўла қолсин...

Ҳикоя шу ерга келганида Асилбек ташқарига назар ташлаб кун кўтарилигини кўрди. Икромжонга шу ерда но нушта қилиб, кейин ишга боришни буюрди. Ишлар тугагач яна учрашишга ва ҳикояни давом эттиришга келишиллар.

Икромжон кун бўйи Асилбекнинг ҳикояси таъсирида юрди. Тезроқ кеч тушишини, яна унинг ёнига бориб ҳикоянинг давомини эшитишни сабрсизлик билан кутарди.

Савдо-сотиқ ишлари тугаб, дўкон ёпилгач Икромжон шошиб тамадди қилиб олди-да, Асилбекнинг уйи томон югорди. Асилбек хонада ўтирас, олдида дастурхон ёзилган, устида турли шириналлик ва мевалар турарди.

– Келдингми, ўғлим? Ўтирас. Мана, ноз-неъматлардан еб ўтиргин, мен эса ҳикоямни давом эттираман.

Асилбекнинг иккинчи ҳикояси

БОБИЛДАГИ ЭНГ БОЙ ОДАМ

Қадимиий Бобилда Аркад исмли жуда бадавлат одам яшаган. У бойлиги билан танилган, очиққўллиги билан ҳам машхур эди. Аркад аямасдан хайр-эҳсон улашарди. Ўзининг шахсий эҳтиёжларига ҳам аёвсиз пул ишлатарди. Лекин пулларини ҳар қанча сарфламасин, давлати йилдан-йилга ортиб борарди. Бир куни унинг ёнига ёшликтада бирга ўсган дўстлари ташриф буюрди.

— Аркад, — дәйишиди улар, — сен биздан анча омадлироқ чиқдинг. Биз рүзгоримизни зўрга тебрататётган бир вақтда Бобилда энг бой инсон бўлиб қолдинг. Биз оиласизни оддийгина кийинтириб, уларнинг қорнини зўрга тўйгазиб юрган пайтимиизда сен турли чиройли кийимлар кийиб, олис давлатлардан келтирилган сархил меваларни ея оласан.

Ахир, бир вақтлар ҳаммамизнинг даражамиз тенг эди. Бир домладан таълим олдик. Бир хил ўйинлар ўйнадик. Ўқишида ҳам, ўйинда ҳам сен ҳеч қачон биздан ўзиб кетмагандинг. Яқин йилларгача ҳам обрўйинг бизникидан зиёд эмасди. Билишимизча, сен ҳеч қачон биздан кўра кўпроқ ёки жонингни бериб ишламагансан. Нима учун бу бедаво тақдир, биз ҳам унинг барча ширин томонларидан фойдаланишга лойиқ бўлсак-да, айнан сени танлади?

Аркад эътиroz билдирид:

— Агар ўтган вақт ичида ҳеч нарсага эришмаган бўлсангиз, демак, сизлар бойлик топиш қонунларини ўрганолмагансиз ёки эътибор бермай, уларни четлаб ўтгансиз.

Бедаво тақдир – бераҳм авлиё, у ҳеч қачон ҳеч кимга тургун эзгулик келтирмайди. Аксинча, агар у пул поклик билан топилмагани, ҳаромлигини кўрса, ҳар қандай одамни бадном қилиши мумкин. У одамнинг хоҳиши ва иштаҳасини қондиролмайдиган, ўзини тутолмайдиган ва охир-оқибат ўз иштаҳаси билан юзма-юз бир ўзи қолиб кетадиган, бор-йўгини кўкка совирувчи қилиб қўйиши мумкин. У қиё боққан бошқа инсонлар эса, аксинча, ўта хасис бўлишлари мумкин. Улар ўз бойликларини йигиб, яратма бошлайдилар, уни ишлатиб қўйишидан қўрқадилар, чунки сарфлаган бойликларини қайтариб жойига қўйиб қўёлмайдилар. Кейинчалик ўгри ва талончилардан қўрқиб ўзларини маъносиз ҳаёт ва азобларга гирифттор этадилар.

Яна шундай тоифадаги инсонлар борки, ишламас-

дан давлат топадилар ва уни күпайтирадилар, айни вақтда, ўзларини жуда баҳтли ҳис этадилар. Лекин бундай инсонлар шу қадар камки, мен уларнинг баъзи бирлари ҳақида фақат эшигтанман. Бирданига бойиб кетган ёки катта давлатга меросхўр бўлиб қолганларга эътибор беринг-чи, улар шу тоифага мансуб эмасмиканлар.

Аркаднинг дўстлари бирданига бойиб кетган шу каби инсонларни танишларини таъкидладилар. Кейин эса унинг ўзи қандай қилиб ютуқларга эришганини сўрашди. Аркад сўзида давом этди:

— Эшлигимда мен теварак-атрофга боқиб инсон ҳаётини баҳтли ва тўла-тўкис қиласидиган шунча кўп нарсаларни кўрдимки, бойлик ва давлат уларни янада қудратлироқ қила олишини тушундим. Давлат – бу куч. Бойлигинг бўлса, кўп нарсаларни амалга оширишга қодирсан.

Тураржойингни энг қимматбаҳо жиҳозлар билан бе-зашиб мумкин.

Янги кемаларда олис давлатларга саёҳат қилиш қўлингдга бўлади.

Олис давлатлардан келтирилган ширинликлардан баҳраманд бўла оласан.

Машҳур усталарнинг қўли билан олтин ёки қиммат-баҳо тошлардан ясалган тақинчоқлар сотоволиши имкониятинг бўлади.

Ҳамто авлиёларга багишлаб катта-катта масжидлар ҳам қуриш мумкин.

Инсонларга мароқли ва руҳан қаноатланиш ҳиссини берувчи шу ва шу каби яна кўплаб бошқа нарсалар.

Ана шуни тушунгач ҳаётдан ўз улушимни олишга интиламан деб аҳд қилдим. Мен бир четда туриб бошқаларнинг фаровон ҳаёт кечираётганини кўриб ҳасад қилмайман. Фақатгина озода кўриниши учун энг арzon кийим билан қониқмайман. Камбагал одам қисматини тан олмайман. Аксинча, мана шу тўкин дастурхон меҳмони

бўлишим учун ҳамма ишга қўл ураман. Сиз билгандек, мен камбагал ва кўп болали оиланинг фарзандиман, қандайдир меросга эга бўлиш ҳақида ўйлашим ҳам мумкин эмасди. Сизлар тўғри таъкидлаганингиздек, алоҳида қобилиятга ҳам эга бўлмай туриб, ҳаётни ҳам чуқур билмасдан хоҳлаган нарсаларимга етишишим учун менга вақт ва билим кераклигини тушундим.

Вақт масаласига келганимизда, у ҳаммада ҳам кўп. Сизларнинг ҳар бирингиз ўзингизни бадавлат қилишга етадиган вақтнинг кўп қисмини уйқуда ўтказдингиз. Ҳеч қандай яхши нарса билан мақтапололмайсиз.

Ўқишига келсак, ахир, ўқитувчимиз икки хил ўқитиш бор, улардан бири бизга янги фан ва билимларни ўргатиб, тушунтириб бериш, иккинчиси эса кераклисини ўзимиз топиб олишимизни ўргатиш деб айтмагандими? Шунинг учун мен қандай қилиб бадавлат бўлишим мумкинлигини ўзим тушуниб етишига ва буни мақсад қилиб, амалга оширишига аҳд қилдим. Ахир, бу ёруг дунёда яшарканмиз, ҳаётдан баҳраманд бўлишимиз керак, чунки вақти келиб арвоҳларнинг адоги йўқ қоронгу оламига ўтганимиздан сўнг бизни талай азоблар кутмоқда ёки фикрим нотўғрими?

Мен шаҳар ҳокимининг ҳужжатлар сақлаш омборидан иш топдим. У ерда сопол таҳтачаларни ёзувлар билан тўлдирадим. Ҳафта кетидан ойлар, ойлар кетидан йиллар ўтар, ўзимни аямай ишласам-да, иш ҳақим жуда кам эди. Овқатим ва уст-бошим, садақалар ва мен эслашни хоҳламайдиган бошқа эҳтиёжлар – ҳамма-ҳаммасига бор маошим кетарди. Лекин мен қатъий фикримдан қайтмадим.

Бир куни шаҳар ҳокимининг уйига бадавлат Алгамиш келди ва Тўққизинчи қонун нусхасини тайёрлаб беришимни сўради.

– Ушбу буюртма икки кундан сўнг қўлимга тегиши керак. Агар иш ўз вақтида бажарилса, сенга икки мис танга бераман, – деди у.

Жон-жаҳдим билан ишга киришдим, лекин бу қонун матни шунчалик узун эдики, Алгамиш қайтиб келганида иш ҳали ҳам битмаганди. Унинг жаҳли чиқди, агарда қули бўлганимда, мени яхшилаб дўйпосларди. Аммо шаҳар ҳокими мени унга хафа қўлдириб қўймаслигини била туриб қўрқмай дедим: «Алгамиш, сиз жудаям бадавлат одамсиз. Менга ҳам қандай қилиб бой бўлиш мумкинлигини айтсангиз, туни билан таҳтачаларингиз устида ишлайман, эртага тонг отишига уларни тайёрлаб бераман». У кулиб қўйди-да, шундай жавоб берди:

– Ёш бўлсанг ҳам, эрта пишганлардансан, майли, келишдик.

Мен туни билан ухламай ишладим. Белим оғриганига, кўзларим тиниб кетганига қарамай, Алгамиш тонг чоғи кириб келганида ҳамма таҳтачалар тайёр эди.

– Энди, – дедим мен, – ваъдангизнинг устидан чиқинг!

– Ўглим, сен ушбу ваъдамизнинг ўзингга тегишли қисмини бажардинг, – гап бошлади у. – Мен ҳам шундай қилишга тайёрман. Сен билишини хоҳлаган томонларини айтаман, чунки кекса одамман, «қари тил» эса гап сочишини яхши кўради. Ёшинг ўтиб, маслаҳат бера оладиган вақт келганида сенинг тилинг ҳам яшаб ўтган йилларингга хос тажрибага эга бўлади. Лекин кўпинча одамнинг ёши фақатгина ана шу кунлар тажрибасинигина биладигандек кўринади ва ундан фойдалангинг келмайди. Лекин сен отанг тугилганида чараклаб турган ўша қуёш бугун ҳам чараклаб турганини ва айнан шу офтоб сенинг энг кенжা неваранг у дунёга ўтаётган вақтда ҳам худди шу тарзда чараклаб туршини унумтма. Сенинг фикрларинг осмонни ёритиб турадиган метеорларга ўхашаш, вақти-вақти билан чараклайдиган нурлардир. Йиллар мобайнидаги тажриба эса бир текисда нур таратувчи денгиздада сузувларнинг ўйини белгиловчи, бир жойда қалқиб қолган юлдузларга ўхтайди.

Сўзларимни яхшилаб эслаб қол, акс ҳолда, сенга айтадиган ҳақиқатни тушунмайсан ва тунги заҳматли меҳнатингни зое кетган деб ўйлайсан.

Шундан сўнг у менга қалин қошлири остидан диққат билан тикилиб турди ва паст, аммо дадил овозда деди:

– Мен бойлик топиш ўйланишига ахд қилганимда очдим. Сен ҳам шундай иш тутишинг керак.

У менга диққат билан тикилар, лекин афтидан жавобимни кутарди.

– Бори шуми? – сўрадим мен.

– Шунинг ўзи қўйбоқардан бой одамга айланисимга кифоя қилди – жавоб берди у.

– Ахир, топганимнинг ҳаммасини сақлаб қолганим яхшироқ эмасми? – сўрадим мен.

– Йўқ, – жавоб берди Алгамиш. – Сенга кўйлак тикиб берәётган тикувчига пул тўлашинг керак эмасми? Пойабзал тикаётган этикдўзга-чи? Еб-ичишинг бор. Сен ҳеч қандай харажат қилмай Бобилда яшашинг мумкинми? Охирги ой ичидаги ўзинг учун қанча пул ишлаб топдинг? Охирги йилда-чи? Аҳмоқ! Сен ҳар бир одамга пул тўляяпсан, фақат ўз ҳисобинг эвазига. Бирорлар учун ишлаяпсан. Сен худди шундай муваффақият билан қул бўлишинг ва фақатгина хўжайининг берадиган овқат ва кийим-кечак эвазига ишлашинг мумкин эди. Агар ишлаб топган пулингнинг ўндан бир қисмини сақлаб қолганингда, ўн йилдан сўнг қанча пулинг бўларди?

Ўзимнинг ҳисоблаш қобилиятимни ишга солиб жавоб бердим:

– Бир йилда топганимга тенг бўларди.

– Лекин бу бор ҳақиқатнинг ярми, – эътиroz билдириди у. – Сен топган ҳар бир олтин танга – ўзингга ишлайдиган қулинг. Ўша қулинг топган ҳар бир мис танга сенинг фойданг учун ишлайдиган унинг боласидир. Агар бойиб кетсанг, сақлаб қолган маблагларинг, сенинг «қулларинг», фойда келтирадилар, уларнинг «бо-

лалари» ҳам даромад олиб келади, яъни ҳаммаси биргаликда сенинг тўқ ва форовон ҳаётга эга бўлишингга ёрдам беради. Сен туни билан ишлаб заҳматли меҳнатимга арзигулик тўлов тўламади, мени алдади деб ўйлаяпсан. Аслида, сенга очилган ҳақиқатни англаб етсанг, минг баробар кўпроқ тўлади деб ҳисоблашинг мумкин.

Топаётган пулингнинг муайян қисмини сақлаб қўйишинг шарт. Иш ҳақинг қанчалик кам бўлмасин, бу қисм даромадингнинг ўндан бир улушидан кам бўлмаслиги керак. У имкон қадар катта бўлиши лозим. Яъни сен, аввало, ўзингга тўлагин.

Маҳсидўз ва тикувичдан оладиган нарсаларингга овқатинг, хайрия ва эҳсонга етарлича пул ажратиб қўйгандан сўнг қолган пулинг қийматидан кўпроқ сарфлама.

Бойлик дараҳтга ўхшайди, у митти уругдан ўсиб чиқади. Сен сақлаб қўйган биринчи мис тангандекейинчалик улкан бойлик дараҳтинг ўсиб чиқадиган уругдир. уни қанча эрта эксанг, шунча тез ўсиб чиқади. Бу дараҳтни доимий келиб турадиган янги маблаглар ҳисобидан сугориб, ўғитла. Ўшанда унинг соясида ҳаёт лаззатидан баҳраманд бўласан.

Алгамиш шу сўзларни айтиб тутгатгач сопол тахтачаларини олиб кетди. Унинг айтганлари тўарисида кўп ўйладим ва бу маслаҳатлар менга фикр юритишга лойиқ бўлиб кўринди. Айнан шундай йўл туттаман деб аҳд қилдим. Ҳар сафар меҳнатим эвазига қўлимга маблаг тушганида ҳар ўн мис тангадан бирини жамгариб қўядиган бўлдим. Қизизи шундаки, эҳтиёжларимда камчилик сезилмади. Пулларимнинг бир қисмини жамгара бошлагач кундалик ҳаётимдаги ўзгарishi унча катта бўлмаганини илгадим. Лекин хуфия омонатларим ўса бошлагани сари уларни савдо гарлар олис Финикия давлатидан тую ва кемаларда олиб келаётган ва сотувга қўяётган молларга сарфлагим келарди. Ақл-закова-

тимни ишлатибгина уларни ишлатиб қўйишдан ўзимни тиярдим.

Орадан ўн икки ой ўтгач Алгамиш қайтиб келди ва мендан сўради:

– Хўш, ўғлим, ўтган ишлаб топган маблагингдан ўндан бирини сақлаб қолдингми?

Мен бошимни адл кўтариб жавоб бердим:

– Ҳа, жаноб, худди шундай қилдим.

– Яхши, – жилмайди у. – Ўша омонатларингни нима қилдинг?

– Уларни олис денгизлар ортига сафарга кетаётгани, менга Тирадан ноёб Финикия безакларини олиб келиши мумкинлигини айтган тошли Азмурга бериб юбордим. У қайтиб келгач безакларни қимматроқ нархда сотамиз, даромадни эса бўлиб оламиз.

– Ҳар бир ақпсизликдан ўзингга сабоқ чиқаришинг керак, – тўнгиллади Алгамиш. – Қандай қилиб тошчининг қимматбаҳо тошлар ва безаклар ҳақидаги билимларига ишонса бўлади? Масалан, сен юлдузлар ҳақида билгинг келса, новвойнинг ёнига борасанми? Йўқ, агар тўғри мулоҳаза юритиш қудратига эга бўлсанг, коинот тилсимлари билан таниш одамга мурожаат этардинг. Омонатингни ўйқотдинг – ўз баҳтингни – дарахтингни ўзинг сугуриб ташладинг. Энди бошқасини экиш керак. Яна бир марта ҳаракат қилиб кўр. Кейинги сафар сенга қимматбаҳо буюмлар ва безаклар тўғрисида маслаҳат керак бўлса, безаклар савдогарига мурожаат қил. Агар қўйлар тўғрисида муайян маълумот керак бўлса, қўйбоқардан сўра. Маслаҳат – аямасдан бөриладиган гап, лекин сен эҳтиёткорона шундай йўл-йўриқдан фойдалангинки, унда ҳақиқат бўлсин. Бу масалада тажрибасиз кишилардан маслаҳат сўраган одам уларнинг нотўғри фикрлашларини исботлаш учун ўзи сақлаб қўйган омонат билан ҳисоблашади.

Алгамиш шундай деб ортига қайтиб кетди. Ҳаммаси у айтгандек бўлиб чиқди. Финикияликлар муттаҳам,

ёлгончи экан. Азмурни алдаб, унга ҳеч қандай қиммат-га эга бўлмаган, аслига ўхшашиша тошларни сотдилар. Лекин мён, Алгамиш айтганидек, яна ўзимга одат бўлиб қолган ва сира қийинчилиги қолмаган ишни давом эттиридим – толган маблагимнинг ўндан бир қисмини жамгариб қўя бошладим.

Орадан ўн икки ой ўтгач Алгамиш яна ҳузуримда пайдо бўлди ва мендан сўради:

– Охирги кўришганимиздан бери қандай ютуқларга эришдинг?

– Мен соғдилилк билан ўзимга пул тўладим, – жавоб бердим мён. – Ўзимнинг омонатимни сақлашини эса төмир идишлар тайёрлайдиган уста Аггарга ишондим. У менга ҳар тўрт ойда фойда тўлади.

– Яхши. Ўша пулларни қандай ишлатмоқчисан?

– Май, асал ва балиқлар билан меҳмондорчилик қилиш учун дастурхон ёзмоқчиман. Яна ўзимга қизил кўйлак харид қиласман. Шундан сўнг миниб юришишм учун бақувват эшак сотиб оламан.

Алгамиш кулиб юборди:

– Сен ўз омонатингнинг «болалари»ни еб қўймоқчисан. Уларнинг сен учун ишлаб даромад олиб келишини қандай кутишинг мумкин? Ўз ўрнида, улар ҳам қандай қилиб сен учун ишлаб даромад келтирадиган ўз «болалари»га эга бўлади? Аввало, ўзингга кўп олтин тангалардан «қуллар» яратгина, шундан кейингина ҳеч бир андишасиз тўкин дастурхон ёзиб, меҳмондорчиликлардан ҳузур ол.

Шуларни гапириб у яна ортига қайтиб кетди.

Кейинги учрашувимиз икки йилдан сўнг бўлиб ўтди. Унинг юзларини ажин босган, кўзлари яхши кўрмас, анчагина кексайиб қолганди.

– Арқад, ўзингга мақсад қилиб қўйган бойликка эришдингми? – сўради у.

– Ҳали истаган нарсаларимнинг ҳаммасига эришолмадим. Лекин сақлаб қўйган омонатларим бор ва у мен-

га даромад келтирмоқда. Бу даромадлар ҳам ўз ўрнида янада кўпроқ фойда олиб келмоқда, – дедим мен.

– Хўш, ҳалиям тошчиларнинг маслаҳатларидан фойдаланяпсанми?

– Улар менга гишт тайёрлаш борасида фойдали маслаҳатлар бершияпти.

– Аркад, – давом этди Алгамиш, – сен бу сабоқни яхши ўзлаштирдинг. Биринчидан, топган даромадингдан камроқ воситаларга яшашни ўргандинг. Иккинчидан, катта ютуқларни қўлга киритган одамлардангина маслаҳат сўрашни ўзлаштирдинг. Ниҳоят, пулларингни ўзинг учун ишлашга мажбур қилишини ўргандинг.

Сен пул топишни, уларни сақлашни ва ишлатишни ўзинг ўргандинг. Шунинг учун обрўли мақомга муносиссан. Мен эса қариятман. Ўгилларим фақат пулларимни сарфлашни ўйлайдилар, қандай қилиб топишни хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Менинг жудаям кўп ерим бор. Энди уларни бошқаролмайман деб қўрқаман. Агарда Ниппурга келсанг ва ерларимга қарасанг, сени ўзимга шерик қилиб олардим. Ўшанда бойлигимни ўзинг мустақил равишда бошқаришинг мумкин.

Шундай қилиб, мен Ниппурга келдим ва Алгамишининг бепоён ерлари учун жавобгарликни ўз зиммамга олдим. Давлат топиш сабогининг биринчи уч дарсини олганим ва хаёлим катта амалий режалар билан тўлалиги боис бу ерларни янада яшнаган заминга айлантирдим. Анчагина олга силжидим. Алгамиш ҳаётдан кўз юмгач, ўзи айтганидек, давлатидан ўзимнинг улушимни олдим ва буни қонунийлаштирдим.

Аркад сўзларини тугатгач дўстларидан бири сўради:

– Ҳақиқатан ҳам ўзининг бойлигига сени меросхўр қилиб қолдирган Алгамишдан кўра омадлироқсан.

– Мен ҳали уни учраттмасимдан олдинроқ ҳам яшнаб яшашни жон-жаҳдим билан хоҳлаганим учунгина омадлироқман. Ахир, тўрт йил ичida топганимнинг ўндан

бирини сақлаб қолиб мақсадимга охиригача содиқлигимни исбот қилмадимми? Сиз узоқ йиллар ичида балиқлар феълинин яхши ўрганиб олган, шамолнинг ўйналиши ўзгаришига қарамай, айнан улар турган жой яқинига тўр ташлайдиган балиқчини баҳтли деб ҳисоблайсизми?

– Ҳатто биринчи йили топган пулларингни ўйқотганингга қарамай, яна уларни йигишни бошлаганингда катта иродада кучига эга эканингни кўрсатдинг. Сен ажойиб инсонсан, – деди дўстларидан бири.

– Ирода кучи?! – эътиroz билдириди Аркад. – Бўлмаган гап! Сизлар иродада кучини одамга туялар кўтаролмайдиган оғирликни ёки ҳатто ҳўқизлар ҳам ўрнидан қўзгатолмайдиган юкни кўтариш имкониятини берадиган бир куч деб ўйлајпизми? Йўқ, иродада кучи мақсаддан қайтмаслик, олдингизга қўйган мақсадни албаттада охирига етказишдир. Агарда мен ўз олдимга кичкина бўлса-да мақсад қўйсам, уни албаттада охиригача амалга оширишим керак. Акс ҳолда, жиддий ишларни адо этиш борасида қандай қилиб ўзимга ишонсан бўлади? Агар ўзимга-ўзим юз кун давомида кўприк орқали шаҳарга кетаётуб ўйлдан тош олиб дарёга улоқтираман деб мақсад қўйсам, шуни бажараман. Еттинчи куни кўприкдан ўтамайдиганда бу иш ёдимдан кўтарилиса, ҳеч қачон, майли, эртага иккита тош ташларман деб айтмайман. Йўқ, яна ортимга қайтаман ва ўша тошни отаман. Шундан сўнг ўн иккинчи куни ўзимга: «Аркад, бунинг ҳаммаси бефойда. Сенга ҳар куни биттадан тош отишнинг нима фойдаси бор? Бир ҳовуч тош олиб уларни дарёга ташлаб юборгин-да, бу бефойда ишингни ташла», – дейманми? Йўқ, бу гапни айтмайман, бундай қилмайман ҳам. Ўз олдимга мақсад қўйсам, уни албаттада бажараман. Шу сабабли мақсадимни синчковлик билан танлайман, ўта қийин ва ортиқча масалаларни ўз олдимга қўймайман, чунки бўш вақтимни қадрлайман.

– Агар гапларинг рост бўлса, ҳамма шундай қилгани осон бўлмасмиди, атрофимизда бой одамлар кўпаймасмиди? – деб сўради дўстларидан бири.

– Бойлик фақат одамлар бор кучини ишлатган жойларда илдиз отади, – жавоб берди Аркад. – Ахир, бой одам янги қаср қурса, ишлатган пуллари зое кетадими? Йўқ, бу пулларнинг бир қисмини қурувчи олади, ишичига ўз улуши тегади, иморатчи ҳам ҳақига эга бўлади. Қурилишда ишлаётган ҳар бир инсон ана шу пуллардан ўз улушини олади. Ниҳоят, қаср битганида у шунча маблаг муносиб бўлмайдими? Шундай қаср тикланган ернинг нархи янада ошмайдими? Ёнида кўркам қаср турган ернинг нархи-чи, у ҳам кўтарилмайдими? Бойлик сеҳрли куч билан ўсиб боради. Ҳеч бир инсон унинг қанчалик ошиб кетишини айтиб беролмайди. Ахир, финикияликлар денгиз орқали савдо кемаларида олиб келинган бойликлар ҳисобига ҳеч қандай ҳосил бермайдиган ерларида сервиқор шаҳарларни қурмадиларми?

– Сен бизнинг ҳам бойиб кетишимиз учун қандай маслаҳат бера оласан? – сўради дўстларидан яна бири. – Йиллар ўтди, энди ёш эмасмиз, ҳеч нарсани ортга ташлай олмаймиз.

– Сизларга Алгамишининг доно ўғитларини қўлланма қилиб олишингизни ва ўзингизга топганимнинг бир қисмини олиб қўйишшам керак деб айтишингизни маслаҳат бераман. Буни эрталаб уйгонган чогингизда ўзингизга айтинг. Кун ярим бўлганида яна таъкидланг. Кечаси яна тақрорланг. Бу сўзларни ҳар соатда, ҳар куни ичингиизда қайтаринг. Кўз олдингиизда бамисоли осмонда ёниб турган ёзувлардек ўрнашиб қолмагунига қадар тўхтамай қайтараверинг.

Бу фикрни бутун вужудингиз билан қабул қилинг. Ҳаёллингингизга жойлаб олинг. Кейин даромадингизнинг қанча қисмини олиб қўйишшингиз мақсаддага мувофиқ эканини ўзингиз учун ақлан ҳал этинг. Бу улуш ўндан бири-

дан кам бўлмасин, уни олиб сақлаб қўйинг. Керак бўлса, мазкур қонунни бошқа сарф-харажатларингизга нисбатан ҳам қўлланг. Лекин, авваламбор, айнан шу қисмни олиб қўйинг. Сал вақт ўтмай бой одам ўзини қандай ҳис этишини ва бу ҳиссиёт бойликка эга эканингиз ва унга фақат сиз даъвогар бўлишингиз мумкинлигидан иборатлигини тушунасиз. Бу бойликнинг ўсиши сизга куч беради. Ҳаётнинг қандайдир янги, ўзгача қувончлари сизни тўлқинлантириб юборади. Янада кўпроқ топиш учун керакли кучларнинг оқиб келаётганини сезасиз. Маблагингиз ошгани сайнин сақлаб қўядиган даромадингиз қисмини аввалгидек қолдира оласизми?

Ана ўшанда пулларингизни ўзингизга ишлатишни ўрганасиз. Уларни ўзингизга «қул» қилиб олинг. «Болапари»ни ва «болаларининг болалари»ни ҳам сизга мөхнат қилишга ўргатинг.

Ўзингизни келажакда келадиган маблаг билан таъминланг. Кексайиб қолганларга боқинг, вақт ўтиб сиз ҳам ўшалар қаторига қўшилишингизни унумтманг. Шунинг учун ўз омонатингизни ишга солмоқчи бўлсангиз, ундан ажралиб қолмаслик учун ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилинг. Судхўрларнинг фоизлари ширин куйлаб эҳтиётсиз одамларни айрилиш ва кўнгил синишига дучор қиладиган ваҳший куйлардир.

Сизни авлиёлар ўз ҳукмронликларига чақириб қолсалар, оилангиз қийинчилик ва йўқчилликларга дучор бўлмаслигининг гамини ўйлаб қўйинг. Оилангиз ҳар доим муҳофазада бўлиши учун қандайдир вақт оралигига кўп бўлмаган миқдордаги даромад келиб туришини таъминлаш мумкин. Шунинг учун ақли бор одам бундай савоб иш учун зарур бўлган маблаг йигилишини куттиб ўтирмайди.

Доно инсонлар билан маслаҳатлашинг. Ҳар куни пуллар билан ишлайдиган одамлардан маслаҳат сўранг. Бундай одамлар сизларни мен ўзим тошчи Азмурга ишониб бор пулимни бериб қўйиб хатога йўл қўйганим син-

гари хатолардан эҳтиёт қиласин. Пул ўйқотиш ҳаевфидан кўра кам бўлса ҳам мўътадил келиб турадиган маблаг ишончилидир.

Бу дунёда ҳузур кўриб яшанг. Пул тежайман деб ўзингизни қийнашнинг ҳожати йўқ. Агар топганингизнинг ўндан бир қисмини ўзингиз ва оиласигиз учун ҳар қандай қийинчилексиз тежаб олиб қўёлсангиз, ана шу қисм билан кифояланинг. Қолган ишларда эса ўз маблагингизга мувофиқ ҳаёт кечиринг, ўзингизни ҳаддан зиёд ҳасис қилиб қўйманг, пул сарфлашдан қўрқманг. Ҳаёт фақат жиiddий, катта ишлар билангина эмас, балки хурсандчилек, қувонч ва унинг ширин лаҳзаларидан баҳраманд бўлиш мумкинлиги билан ҳам чиройли ва бойдир...

Дўстлари Аркадга раҳматлар айтиб кетишиди. Баъзилари тасаввур қилиш қобилиятига эга бўлмагани ва кўп нарсани тушунмагани боис лом-мим демади. Бошқаларнинг эса шундай бой одам эски ўртоқлари билан ҳозиржавоб бўлиши мумкинлигига ишонмай энсалари қотарди.

Лекин баъзи бирларининг кўзи янги нур билан ёришиди. Улар Алгамиш, Аркадлар ишлаб ўтирган хонага, ўз ўйлини қоронгиликдан ёргуллик томон аста-аста очиб бораётган инсон қадамларини назорат қилиш учун қайта-қайта келганини тушундилар. Ўша одам ёргулликка эришганида ҳаётдаги ўрни уни кутиб турарди. Бу унга ҳаёт тақдим этган, ўйлаб ўзининг янги тушунчасини топмагунича, мана шу баҳтли ҳодисадан фойдалана олишини ўрганмагунига қадар унга ҳаёт тақдим этган, бошқа ҳеч ким эгаллай олмайдиган ўзининг ўрни эди.

Кейинги йилларда Аркаднинг дўстлари унинг ҳузурига бот-бот келадиган бўлишди. У ҳаммани хурсандчилек билан кутиб олар, бой тажрибага эга бўлгани сабабли маслаҳат ва ўғитларини аямасди. Аркад ҳар доим ёрдамга тайёр эди. Уларга ўзларининг пуллари-

ни маблаг қелтирмайдыган ишлардан сақлаб қолишига, йүқотиб қўймасликка катта даромад келтирадыган ишларга ишлатишларига кўмаклашарди.

Бу одамлар ҳаётида уларга Аркад, Аркадга эса Алгамиш ўргатган: топған ҳар қандай маблагингнинг ўндан бир қисмини сақлаб қўй деган ҳақиқатни тушунган кунлари катта ўзгариш рўй берди...

– Мана, ўғлим, яна анчагача қолиб кетдик, – деди Асилбек. – Бу ҳикояларни айтишимдан мақсад, сен уларни тезроқ қўллашни бошлигин. Тижорат ишларингда қанча тез қўллаб, ишларингни бошидан тўғри йўлга қўёлсанг, бари муваффақиятли кечади. Ана шунда ҳар қандай йўқотиш ва улар олиб келадиган мусибат ва хавфдан ўзингни халос қилган бўласан.

III ҚИСМ.

Кунлар кетидан кунлар, ойлар кетидан ойлар ўтди. Икромжон Асилбекнинг уйига келганининг бир йили ҳам ўтиб кетди. Серкүёш кунлардан бирида Икромжон савдо қилаётган дўконга хизматкор келди ва уни Асилбек йўқлаётганини, кечки овқатга таклиф этаётганини айтди...

Мазали паловдан сўнг Асилбек гапида давом этди:

– Келганингга ҳам бир йил бўлди, Икромжон. Манави пулларни ол. Сен уларни ҳалол меҳнатинг билан ишлаб топдинг. Энди сен озодсан.

– Лекин, устоз, мен синдирган идишларнинг қарзини тўладим, – чин юрақдан гапирди Икромжон.

– Эсимда, ўғлим. Сен тўла ишлаб қарзингдан қутулдинг. Пулларни ол, уларни ҳалол топдинг. Уларни ўзингда қолдир. Менинг бу пулларга сира ҳаққим йўқ.

Икромжон устози олдида тиз чўкиб деди:

– Сизнинг очиққўл ва сахийлигингиз олдида бош эгаман, устоз.

– Тур, ўғлим, тур! Яхшиси, энди нималар қилмоқчи эканинг ҳақида сўзла.

– Устоз. Бир йил ичida мен шунча билим ва пул топдимки, энди ўзимнинг заргарлик дўконимни очмоқчиман. Сақлаб қўйган озгина жамғармам ҳам бор. Ахир, бу дунёдан оладиганларим ҳали бисёр!

– Яша, Икромжон. Қарияни хурсанд қилдинг. Сенга берган ўгитларим бекор кетмаганини ва пулларингни

сарф қилиш учун бозорга югурмаётганингни кўриб турибман. Тағин пул ҳам жамғарив қўйибсан.

Энди мен яна бир донишмандликни ўргатмоқчиман. Сенга иккита ҳикоя сўзлаб бераман.

Асилбекнинг учинчи ҳикояси

БЎШ ҲАМЁННИ ТЎЛДИРИШНИНГ ЕТТИ УСУЛИ

Бобилнинг довруги тобора ошиб борарди. Унинг энг бой шаҳарлардан бири экани ҳақидаги гаплар бизнинг кунларимизгача етиб келди. Бобил бойликлари афсонавий эди. Лекин ҳар доим ҳам шундай бўлмаган. Бобилда бой одамлар мўллигининг сабаби бу ерда яшовчи одамларнинг донолигида эди. Улар қандай қилиб бойбадавлат бўлиш мумкинлигини биринчи бўлиб ўргана бошлидилар.

Инсонпарвар шоҳ Саргон ўзининг душманлари – эламитларга қарши жангда галаба қозониб Бобилга қайтиб келганида она шаҳридаги жиiddий ўзгариш билан тўқнашди. Унинг маслаҳатчиси мазкур ҳолатни шундай изоҳлади:

– Сизнинг амрингиз билан катта сув каналлари ва авлиёларга багишиланган улкан ибодатхоналар қурилиши орқали халқимиз узоқ йиллар давомида гуллаб-яшнаб келганди. Энди бундай қурилишлар йўқлиги боис одамлар ўзларини ўзлари боқолмай қолаётганга ўхшаб турибди.

Ишчилар ишсиз қолиб кетдилар. Савдо гарларнинг ҳам буюртмалари камайган. Дехқонлар ўз маҳсулотини сотолмаяпти. Халқнинг қўлида озиқ-овқат харид қилиш учун етарли пул йўқ.

– Ахир, мана шу катта қурилишларга ишлатган пулларимиз қаёққа гойиб бўлди? – сўради шоҳ.

— Мен, — жавоб берди маслаҳатчи, — бу пуллар ўз йўлини топиб, шаҳардаги бир неча бойнинг хусусий мулкига айланиб қолмаганимикан деб қўрқиб турибман. Эчки сути латтадан сизиб ўтиб кетганидек, кўп одамлар қўлидан ҳам пуллар шунча тезлик билан сизиб ўтиб кетди. Энди пул оқими тўхтаганидан сўнг кўпчилик даромадсиз қолди.

Шоҳ анча вақт индамай турди. Кейин сўради:

— Қандай қилиб пулларни фақат айрим одамларгина қўлларига кирита олдилар?!

— Чунки улар бу ишни қандай қилиш кераклигини биладилар, — жавоб берди маслаҳатчи. — Одамни у ютуқни қандай қилиб қўлга киритишни билгани ва муваффақиятга эришгани учун бадном қилиш мумкин эмас. Ақл билан топган пулини тортиб олиб, уни қобилият-сизларга тақсимлаб бериш инсофдан бўлмайди.

— Нима учун ҳамма одамлар ҳам пул йигиб бойиш ва гуркираб яашаш мумкинлигини ўргана олишмаган?

— Уларга буни ким ўргатади? Албатта, домлаю уламолар эмас, чунки улар пул топишни билмайдилар.

— Шаҳримизда бойиб кетиш ўйларини ҳаммадан яхши ким билади?

— Сиз берган саволнинг ўзида жавоби ҳам ётибди, ҳазрати олийлари. Бобилда энг кўп давлат йиққан одам ким?

— Ҳа, менинг донишманд маслаҳатчим, бу – Аркад. У Бобилдаги энг бой одам. Үнга айт, эртага ҳузуримга келсин.

Эртаси куни етмиш ёшига қарамай ҳануз ёш ва гайратли кўринмиш Аркад шоҳ ҳузурига кириб келди.

— Аркад, — деди шоҳ, — сен Бобилнинг энг бой одами эканинг ростми?

— Шундай дейишади, ҳазрати олийлари, ҳали ҳеч ким бу фикрга қарши чиққани йўқ.

— Қандай қилиб бу қадар бойиб кетдинг?

— Мен фақат гўзал шаҳримизнинг ҳар бир фуқароси эга бўлган имкониятлардан фойдаландим.

– Ўз фаолиятингни бошлишинг учун ҳеч нарсанг ўқумиди?

– Фақатгина бой бўлишга катта хоҳишим бўлган. Бошка ҳеч вақом ўйқ эди.

– Аркад, – давом этди шоҳ, – шаҳримиз жуда оғир аҳволда қолди, чунки фақатгина бир неча одам бойиш сирларини билади, шу билимларини хусусийлаштириб олган. Одамларнинг аксарият қисми ана шу пулларнинг қандайдир бир қисмини бўлсаям топишни билмайди. Менинг мақсадим – шаҳримизни дунёнинг энг бой шаҳрига айлантириш. Бобил бадавлат одамлар яшайдиган шаҳарга айланиши керак. Шундай экан, одамларга бадавлат бўлиш ўйларини ўргатишимиш лозим. Менга айт-чи, Аркад, бой бўлишнинг бирор-бир сири борми? Уни ўрганса бўладими?

– Гап тажрибада, ҳазрати олийлари. Бир одам қила оладиган ишни бошқаларга ҳам ўргатса бўлади.

Шоҳнинг кўзлари ёниб кетди:

– Аркад, кўнглимдаги гапни айтдинг. Сен ўзинг шундай улуғ ишга хизмат қилишини хоҳламайсанми? Ўз билимингни ўқитувчиларга таълим берадиган мактабларда ўқитишни истамайсанми? Ўша ўқитувчиларнинг ҳар бири, ўз навбатида, бошқаларни тайёрлаб ўқитарди. Улар ҳам мамлакатимдаги ана шу билимларга муносиб бўлган инсонларга ўргатишарди.

Аркад таъзим бажо айлаб деди:

– Мен сенинг қулингман, истаган буйругингни беришинг мумкин. Қандай билимларга эга бўлмайин, шоҳимнинг обрўси йўлида уларни менинг изимдан борадиган ҳар бир инсонга беришга тайёрман. Маслаҳатчиннга амр эт, мен учун юз нафар кишидан иборат синф йигсин. Уларга бир вақтлар Бобилдаги энг бўш бўлган ҳамёнимни тўлдиришга ёрдам берган етти усулни ўргатаман.

Икки ҳафтадан сўнг шоҳ буйругини адо этиш мақсадида Билимлар маконида танлаб олинган юзта одам

гүлдор күрпачалар устида ярим ой шаклида ўтиради. Кичкина курсида ўтирган Аркад ўрнидан турганида ўқувчилардан бири ёнидаги шеригини туртиб шивирлади:

— Қара, бу Бобилдаги энг бой одам. Күриниши худди ўзимиздай-ку!

— Улуг шоҳимизнинг содик қули бўлганим учун, — сўз бошлиди Аркад, — унинг буйругига кўра қаршингиизда турибман. Бир вақтлар мен камбагалгина йигит эдим. Бой бўлишни бутун вужудим ила хоҳладим. Бойиб ке-тишимга ёрдам берган билимларни тополганим учун ҳам шоҳ тажрибаларимни сизлар билан бўлишишимни илтимос қилди.

Мен бойлик сари ўз ўйлимни катта камбагалликдан бошлидим. Менинг сизлардан ёки Бобилнинг бошқа бирор фуқаросидан устун жиҳатим йўқ эди.

«Газнам»нинг илк «газнахонаси» анчайин эскириб қолган ҳамёнум эди. Унинг бўшлигидан жаҳлим чиқарди. Тўла ва думалоқ бўлишини, ичида ҳар доим олтин тангалар жаринглаб туришини истардим. Шунинг учун ҳамён бўшлигидан мени халос этадиган ҳар қандай усулни қидирадим ва мен еттита шундай усулни топдим.

Сизларга бўш ҳамённи тўлдиришининг ана шу сирлари ҳақида айтиб бераман. Бу усулларни кўп пуллар эгаси бўлишни хоҳлаганларга тавсия этаман. Етти кун давомида ҳар куни сизларга ана шу ҳақда бирма-бир айтиб бераман.

Диккат билан қулоқ тутинг. Мен билан биргаликда муҳокама қилинг. Ўзаро баҳслашинг. Бу дарсларни шунчалик ўзлаштириб олингки, сизнинг ҳамёningизга бойлик уругини сепишга ёрдам берсин. Энг аввало, ишни ақл-идрок билан ўзингизнинг хусусий даромадингизни ташкил этишдан бошлишингиз керак. Сўнг бирорвларга ўргата оладиган ва уларга ўз билимингизни берадиган даражагача ўсишингиз лозим. Шундан кейингина

бошқаларни мазкур ҳақиқатларга ўргатишингиз мумкин.

Мен ҳамёningизни қандай қилиб тўлдиришнинг оддий усулларини ўргатиш имкониятини берадиган биринчи қадам, агар қатъий ва шижоатли бўлмасангиз, ҳеч қачон бойлик чўққилари сари кўтарилолмайсиз. Энди эса ана шу усуллардан биринчисини кўриб чиқамиз.

Биринчи усул: ҳамёningизни тўлдиришни бошланг

Аркад иккинчи қаторда ўйланиб ўтирган кишига муорожаат этди:

– Ҳурматли дўстим, сен қандай касб билан шугулланасан?

– Мен курси таҳтачаларга ёзув ўйиб битаман, – жавоб берди у.

– Ўзимнинг биринчи мис тангаларимни мен ҳам худди ана шу ишда ишлаб топгандим. Демак, сенинг ҳам «ўз бойлигинги яратиш» имкониятинг бор.

Аркад орқароқда ўтирган қизғиши юзли одамга юзланди:

– Сен қандай нон топишингни айтиб бер.

– Мен қассобман, – жавоб берди у. – Эчкибоқарлардан эчки сотиб олиб, уларни сўйман. Кейин гўштини сотаман, терисини эса пойабзал тикадиган этикдўзларга пуллайман.

– Сен ҳам ўз ишингни бажараётганинг ва даромад топаётганинг учун мен каби катта ютуқларга ва мен эга бўлган барча нарсаларга эришишинг мумкин.

Хуллас, Аркад ким нима билан шугулланиб даромад топиши ҳақида билиб олди. Саволларини тугатгач деди:

– Азиз ўқувчиларим, одамлар ишлаб даромад топишлиари учун жуда кўп касблар мавжудлигини кўриб турибисиз. Ҳар бир даромад топиш усулини пул оқими деб та-

саввур этиб, ана шу оқимдан бир қисмини ўз ҳаётимизга қараты буришимиз лозим. Шунинг учун ҳамёниңгизга таңға пулларнинг қандай оқими кириши – катта ёки кичикми, йўналиши – бу ҳар бирингизнинг қобилиятингизга боғлиқ. Шундай эмасми? Сизларнинг ҳар бирингиз ўз даромад манбаингизни ҳосил қилишини истасангиз, айни вақтда қўлингизда мавжуд бўлган манбадан бошлишингиз мақсадга мувофиқдир.

Аркад ўзини тухум сотувчиси деб таништирган одамга юзланди:

– Агар сен халтандга ҳар куни эрталаб ўнта тухум солсанг, кечқурун эса тўққизтасини чиқарсанг, вақти келиб нима юз бериши мумкин?

– Вақти келиб халта тўлиб кетади.

– Нима учун?

– Чунки халтага ҳар куни тухум соламан, чиқарганда эса битта тухум қолдираман.

Аркад синфга қараб кулди:

– Бу ерда ўтирганларнинг бирортасида бўш ҳамён борми?

Аввалига ҳайрон бўлиб қараб турдилар. Кейин кулиб юбордилар. Охурида бўш ҳамёнларини силкитиб қўйдилар.

– Жуда яхши, – давом этди Аркад. – Энди мен сизларга ўзимнинг тортилиб қолган ҳамёнимни тўлдириш учун ўрганган биринчи усулимни айтиб бераман. Тухум сотувчисига қандай ўргатсам, худди шуни қайтаринг. Ҳамёниңгизга солинган ҳар ўн тангадан харажатларингизга фақат тўққизтасини сарфланг. Ҳамёниңгиз дарров тўла бошлайди, унинг оғирлашиб бораётгани эса дилингизга ёқимли ҳиссиётлар ва кўнглингизга бекиёс мамнунлик бахш этади.

Менинг гапларим ўта жўн бўлгани учун кулманг. Ҳақиқат жуда содда. Қандай қилиб бой бўлганимни сизларга айтаман деб ваъда бердим. Сизлар каби бўш ҳамён билан юрганимда, у кўзимга жуда хунук кўринар-

ди, чунки ичида истакларимни амалга оширадиган ҳеч нарса йўқ эди. Лекин ҳамёнимдан ўн танганинг тўққизтасини чиқара бошлаганимдан сўнг у тезда оғирлаша бошлади. Сизларнинг ҳамёнигиз билан ҳам худди шундай бўлади.

Энди эса сизларга қизиқ ва ҳайратли бир ҳолат тўғрисида сўзлаб бермоқчиман. Мен топганимнинг ўндан тўққизтасига тўғри келадиган қисмидан кўпроқ пул сарфламай қўйганимдан кейин ҳам аввалгидаи кун кечирардим. Пулларим олдингидан камайиб қолмади. Аксинча, сал ўтмай тангалар оқиб кела бошлади. Пул тўплаган ва даромадининг муайян бир қисминигина ишлатадиган одамга пуллар янада кўпроқ оқиб келади, бу авлиёлар қонунидир. Аксинча, ҳамёни бўш одамни пуллар ҳам четлаб ўтади.

Сиз ҳамма нарсадан ҳам кўпроқ нимани хоҳлайсиз? Балки тез ўтиб ва унумилиб кетадиган безаклар, қимматбаҳо кўйлаклар, талай егуликларга эга бўлишни истарсиз? Ёки бу мўмай бойлик, олтин, ер-томорқа, молҳол, яхши савдо, пулларингиз тикилган иш орқали катта даромад олишми? Ҳамёнигиздан олиб ишлатила-диган пуллар сизга биринчисини беради. Тагида қолди-рилган пуллар эса иккинчисини беради.

«Ҳамёнигизга тушган ҳар ўн тангадан фақат тўққизтасини сарф қилмоқ лозим». Бу, азиз ўқувчиларим, бўш ҳамёнимни тўлдириш йўлида топган биринчи усу碌ир. Ўзаро мuloҳаза қилинг. Агар кимдир буни нотўғри деб исботламоқчи бўлса, эртага кўришганимизда шу ҳақда айтсан.

Иккинчи усул: ўз харажатларингизни назорат қилинг

– Сизлардан бирингиз: «Бизнинг бутун даромадимиз керакли сарф-харажатларимизни қоплашга етмаётган бўлса-ю, яна қандай қилиб унинг ўндан бир қисмини олиб қўйишимиш мумкин?» – деб савол берди, – Аркад

эртаси куни шундай сүзлар билан ўз дарсини бошлади.
– Кече қайси бирингизда бўш ҳамён бор эди?

– Ҳаммамизда, – жавоб беришди улар.

– Аммо ҳамма ҳам бир хил даромад топмайди-ку!
Баъзилар бошқаларга қараганда кўпроқ пул ишлайди.
Айримларнинг ёрдамга муҳтож киттагина оиласи бор.
Шунга қарамай, ҳамёнларингиз бир хилда бўш эди. Энди
эса сизларга одамзоднинг ҳар қандай ўглонига төзишли
бир ҳақиқатни айтаман. Бу ҳақиқат шуки, агар биз
қаршилик қиласак ва төзишли чораларни кўрмасак,
«керакли харажатлар» аталмиш чиқимларимиз ҳар
доим топган даромадимизга тенг ҳолда ўсиб бораве-
ради.

Икки тушунчани: керакли сарф-харажатлар ва биз-
нинг хоҳишларимизни бир-бири билан адаштируманг.
Сизнинг оиласигиз билан биргаликдаги хоҳишларингиз
даражаси топган даромадларингиз қониқтира олади-
ган даражадан анча юқоридир. Шунинг учун даромадла-
рингизни ана шу истак ва хоҳишларингизни қониқти-
риши учун сарф қиласиз. Шунда ҳам талай истакларин-
гиз қолиб кетади.

Одамлар ўзлари қониқтира олмайдиган хоҳиши ва ис-
таклар таъсирида юрадилар. Агарда мен бой бўлсам,
ўзимнинг ҳамма истак ва хоҳишларимни қониқтира ола-
ман деб ўйлайсизми? Йўқ, бу ҳақиқатдан анча ўироқ. Мен
ўз вақтим борасида ниҳоятда чекланганман. Кучимнинг
ҳам чегараси бор. Мен саёҳат қила оладиган масофа ҳам
чекланган. Ейдиган овқатларим ҳам. Ҳаётдан завқ олиб
яшайдиган хурсандчилигум ҳам чекланган.

Ҳаётингиздаги кундалик кўнишиб қолган ҳаракатла-
рингизни яхшилаб ўрганиб чиқинг. Ана шунда ҳаммага
маълум ва идрок билан камайтириш мумкин бўлган ёки
умуман олиб ташлаш талаб қилинадиган ортиқча ха-
ражатларни топиш мумкин. Сарфлаган ҳар бир тан-
ганингиз эвазига қиймати юз фоизга лойиқ буюм олиш
сизлар учун шиор бўлиб қолсин.

Үзингизга көракли ҳар бир буюмнинг номини сопол таҳтасага ёзиб қўйинг. Ўша зарур, даромадингизнинг ўндан тўққиз қисмига сотиб олиш мумкин бўлган ашёларни танлаб олинг. Қолганларини ўчириб ташлаб, ҳеч қачон амалга ошимайдиган, улар ҳақида қайгуриш шарт бўлмаган хоҳишларнинг бир қисми деб қаранг.

Кейин тегишили сарф-харажатларни режалаشتинг. Ҳамёнингизни тўлдириб бораётган ўндан бир қисм жамгармага төгманг. У сиз юзага чиқаришингиз лозим бўлган энг катта истак бўлиб қолсин. Ўз бюджетингиз билан ишлашни давом эттиринг. Бюджетингизни ҳамёнингизни тўлдириш йўлида үзингизга ёрдами қилиб олинг.

Зар билан тикилган қизил кийимли одам ўрнидан турди:

– Мен озод инсонман. Ҳаётнинг ҳар қандай ширин лаҳзаларидан фойдаланишга ҳаққим бор деб ҳисоблайман. Шунинг учун нимага ва қанча кетказишимни аниқ белгилаб берадиган бюджетга нисбатан қулларча муносабатда бўлишга қаршиман. Бу ўзим баҳраманд бўлаётган хурсандчиликларимни олиб қўяди ва мени оғир юк ортилган эшак даражасигача ерга уриб ташлайди деб ўйлайман.

– Сенинг бюджетингни ким аниқлайди, дўстим? – сўради Аркад.

– Мен ўзим, – жавоб берди у.

Агар эшак устидаги юкининг оғирлигини ўзи белгилай олса, бу юк ичига турли тақинчоқлар, гилам ва оғир-залворли олтинларни киритармиди? Албатта, йўқ. У чўлдаги йўлни босиб ўтиш учун бу юкка бугдой, қуритилган беда ва сув кўшган бўларди. Бюджетнинг мақсади ҳамёнингни тўлдиришдан иборат. У сен истаган мэрраларга етишингга ёрдам беради. Юрагингнинг туб-тубида ётган истакларингни бир дақиқали хоҳишларингдан сақлаб қолишига ёрдам беради. Сенинг бюджетинг қоронги гордаги ёрқин нур каби ҳамёнингдан

кетадиган барча харажатларни ё белгилаб беради, ёуз мақсадингга эришиш йўлида сенга бу чиқимларни тўхтатиш, уларни назорат қилишингга ёрдам беради.

Шундай қилиб, ҳамённи тўлдиришининг иккинчи усули: харажатларингизни шундай режалаштирингки, ҳар доим ўзингиз учун биринчи даражада керакли бўлган буюмларга, ўйнаб-кулишингизга, хоҳишиларингизга мутаносиб бўлсин. Харажатларингиз топган даромадингизнинг ўндан тўққиз қисмидан ортмасин.

Учинчи усул: пулларингизни ишлашга мажбур қилинг

– Мана, бўум-бўш ҳамёнигиз энди тўла бошлади. Унинг тубида даромадингизнинг ўндан бир қисмини эҳтиёткорлик билан сақлаб келмоқдасиз. Ўз бойлигингиш ва мулкингизни сақлаб қолиш учун харажатларингизни назорат қиляпсиз. Энди ана шу пулларни қандай қилиб ишлатиш ва сонини ошириш йўлларини кўриб чиқамиз. Албатта, ҳамёндаги пуллар кўнгилга таскин, юракка илиқлиқ беради, лекин ҳеч қандай даромад олиб келмайди. Шундай бўлса-да, сақлаб қолиб сарфламаган пулларимиз давлат йигиш йўлида босилган биринчи қадам бўлиши мумкин. Улар келтирган даромад катта бойлик йигишга ёрдам беради, – Аркад ана шу сўзлар билан учинчи кунги дарсларини бошлади. – Қандай қилиб пулларимизни ишлашга мажбур қилсан экан? Мен пулларимни биринчи марта тиккан ишим муваффақиятсиз бўлиб чиқди, барча жамгармамдан ажралдим. Бу ҳақда кейинроқ сўзлаб бераман.

Ўз пулларимни қалқонлар тайёрлайдиган Аггар деган устага фойда эвазига қарзга бергандим. У ҳар йили денигиз ортидан келтириладиган бронзани юқори нархда сотиб олишга мажбур эди. Пули камлиги сабабли бошқалардан қарз оларди. Аггар мард одам эди. Ҳар бир қалқонини сотиши биланоқ қарзини яхшигина фоизда тўларди.

Ҳар сафар унга қарз берганимда фойдаси билан қайтариб олардим. Шунинг учун ундан оладиган даромадим ҳам ошиб борарди. Энг катта заекни, бу пуллар ҳамёнимга қайтиб келганида туйғанман.

Сизларга шуни айтишим керакки, бойлик бу инсон ҳамёнидаги пуллар эмас, балки ўша ҳамёнга оқиб келаётган пул оқими, ундан ҳосил бўлган ва доимий кўпаядиган ва ўсадиган даромаддир. Одам ишлайдими ёки саёҳат қиласидими, бундан қатъи назар, келиб турадиган даромад ҳар бир инсон хоҳлаган нарсадир.

Мен катта бойлик эгасиман. Бойлигим шунчалик кўпки, мени ҳатто давлати биттрас-туғанмас одам ҳам дейишади. Агарга қарзга берган пулларим уларни тўғри ишга солиш йўлидаги илк ютуқли тажрибам эди. Билим ва тажриба йиққанимдан сўнг мен қарз бериш ва сармоялар киритишни янада кенгайтирдим, чунки даромадим анча ўсганди. Аввалига бир нечта, кейинчалик эса талай жойлардан келадиган, ўзимга керакли ҳолларда идрок билан сарфлашим мумкин бўлган бойлик ҳамёнимга оқиб келадиган бўлди. Озгина маблагдан бошлаб ҳар бири «мехнат» қиласидиган ва янада кўпроқ пул топадиган олтин «қулларим»га эга бўлдим. Улар ҳам, уларнинг «болалари», «болаларининг болалари» ҳам мен учун ишларди. Биргаликда қилган «мехнат»лари орқали янада кўпроқ маблаг эгасига айланардим.

Пуллар қанча кўп даромад олиб келса, уларнинг сони ҳам шунча тез ўсишини кейинги мисолда кўришингиз мумкин. Бир фермер ўғил кўрганида бойга ўнта кумуш танга элтиб берибди ва уларни ўғли йигирма ёшга киргунига қадар ишлатиб туришини илтимос қилибди. Бой рози бўлибди.

Ўғли йигирма ёшга кирганида у яна бойга мурожаат қилибди ва кумуш пуллари ҳақида сўрабди. Бой фойда-си билан 31 тангани қайтариб берибди.

Бадавлат бўлишининг учинчи усули: ҳар бир ортиқча

тийинингизни беҳуда сарф қилишдан кўра асраб қўйишга эришинг.

Тўртингчи усул: ўз бойлигинизни йўқотишлардан эҳтиёт қилинг

– Ноҳушиклар бизни айнан ишларимиз жуда яхши кетаётган вақтда кутуб туради. Ҳамёнимиздаги пулларни ниҳоятда эҳтиёт қилишимиз зарур, акс ҳолда, уларни йўқотиб қўйишмиз мумкин. Шунинг учун авлиёлар анча-мунча пулларни беришларидан аввал биз озгина пулларни сақлашни ва эҳтиёт қилишни ўргансак, ақлдан бўлур эди, – синфга қараб тўртингчи куни деди Аркад. – Пули бор ҳар бир инсонни турли имкониятлар ўзига жалб этади, уларга мавжуд бўлган ишларга пул тикиш, яъни сармоя қилиш лозимдек кўринади.

Кўпинча дўст ва қариндошларимиз катта ишонч билан ҳар хил сармоя лойиҳаларида қатнашадилар ва бизни ҳам ўзларининг ортларидан боришига ундаидилар.

– Сармоя тўплашнинг биринчи муҳим тамошли бу асосий маблагингизнинг хавфсизлигини таъминлашдир. Бу сармояни йўқотиш хавфи бўлса, кўпроқ маблаг келтиришини таъминлашга интилишнинг маъноси бормикан? Мен ўйқ деб ўйлайман. Таваккал қилишнинг жазоси пулларни йўқотиш бўлиши мумкин. Ўз бойлигиниздан бир улушини ажратиб ишлатишдан аввал пулларингизни жойига бехатар қайтаришга берилаётган ҳар бир кафолатни яхшилаб ўрганиб чиқинг. Тез бойиб кетаман деган хаёлга берилманг. Кимгадир қарз беришдан аввал у ҳақда атрофдагиларнинг фикрини билинг, пулингизни вақтида қайтара олишига ишонч ҳосил қилинг. Акс ҳолда, не-не қийинчлик билан топган пулингизни ўзингиз билмаган ҳолда шунчаки «ҳадя» қилиб қўйишингиз мумкин.

Пулингизни нимагадир тикишдан олдин бу ишда сизни ҳеч қандай хавф-хатар кутуб турмаганига амин бўлинг.

Бу борадаги илк тажрибам мени йиғлагудек ақволга солиб қўйганди. Йиғиб қўйган бор пулимни Азмур деган устага қарзга бергандим. У олис мамлакатларга бориб Тирдан қимматбаҳо тошлардан ясалган безакларни олиб келишга рози бўлди. Уларни биргаликда сотиб фойдасини тенг тақсимламоқчи эдик. Финикияликлар Азмурни алдаб оддий шишаларни сотишини қаёқдан билибман? Топганиларимнинг барини йўқотдим. Нақадар аҳмоқлик қилиб қўйганимни – қимматбаҳо тошлар сотиб олишни бир устага ишонганимни бугун кўриб турибман. Шунинг учун шахсий тажрибамга асосланиб сизларга берадиган маслаҳатим шуки, йўлингиздаги хавф-хатарлардан эҳтиёт бўлишингиз учун сармоялар ҳақидаги тажрибангизга ишонаверманг. Яхиси, бу борада тажрибаси бор одамларга мурожаат этинг. Улар ҳар қандай одамга маслаҳат беришга тайёр. Бу ўйл-ўюриқларнинг пул ҳисобидаги қиммати сармоя қилмоқчи бўлган пулнингизга тенг бўлади.

Хуллас, ҳамёningизни тўлдиришга доир тўртинчи усулнинг асосий аҳамияти шундан иборатки, у сизни анчагина тўлиб қолган ҳамёningизни бўшаб қолишилардан асрайди. Ўз пулларингизни фақатгина асосий пулларингизнинг хавфсизлигини таъминлаган ҳолда, кепрак бўлганида уларни қайтариб олишингизга ишончингиз комил бўлиб бирор ишга тикканингиздагина уларни йўқотишлардан асрайсиз. Ўшанда сиздан қарздор бўлган одамларнинг рўйхатини тузишингизга тўгри келмайди. Пулларини фойда келтиришга сола билган ва бу борада тажрибаси бўлган одамлар билан маслаҳатлашинг. Уларнинг ҳаётий донишмандликлари пулларингизни хатарли тикишлардан асрасин.

Бешинчи усул: сотиб олган уйингизни даромад келтирувчи сармояга айлантиринг

– Инсон ўз топганидан тўйқуз қисмини яаш ва ҳаёт қувончларидан баҳраманд бўлишига сарфласа ва ана шу

түккіз қисмдан бир улушини фаровонлигига жабр ет-
казмаган ҳолда даромад келтирадыған бирор ишга
тикса, унинг бойлиги янада ошади, – деди Аркад бе-
шинчи куни ўқувларига. – Бобилнинг аксарият одам-
лари фарзандларини яшаб бўлмайдыған даҳаларда воя-
га етказишга мажбур. Улар хотинлари ўзларига ёққан
гулларни ўстира олмайдыған, болаларининг ўйнаб-кув-
нашлари учун ифлос кўчалардан бошқа жой бўлмаган
даҳалардан ижарага ўй оладилар ва талабчан ўй эга-
ларига катта жарима тўлайдилар. Ҳеч бир оила, агар
ҳовлисида болаларининг ўйнаши учун озода жой, аёл-
лари учун нафақат гуллар, балки озгина бўлса-да кўкат
ва сабзавотлар ўстириш учун жой етмаса, ҳаётдан
тўла-тўкис мамнун яшолмайди.

Одамнинг юрагига ўз дарахтидан анжир, узумзори-
дан узум узиб ейиш, ўз уйига эга бўлиш ва унга гамхўр-
лик қилиш, кучига ишонч туддирадыған ва барча ҳара-
катларини шунга йўналтирадыған жойга айлантириш
сўз билан таърифлаб бўлмас хурсандчилик улашади.
Шунинг учун мен ҳар бир инсонга ўзини ва унга төзиши-
ли ҳамма нарсани ўз паноҳига оладиган бир заминга
эга бўлишини маслаҳат берардим.

Ҳар ким ўз уйига эга бўлишга ҳақли. Бизнинг шоҳумиз
Бобил деворлари ораларини анча очиқ қилиб кўтартир-
ган. Бу жойлар ҳозир фойдаланилмай қолиб кетган, улар-
ни анчайин арzon нархда сотиб юборишнинг иложи бор-
ку!

Яна шуни айтишим керакки, бойлар ўз оиласлари учун
уюв ва ер қидириб, уларни сотиб олмоқчи бўлган одам-
ларнинг истак-ҳоҳишлиарига хайрхоҳлик билан қарай-
дилар. Агарда сизнинг яхши ниятлар билан йигиб қўйган
пулингиз бўлса, бир қисмини уларга кафолат тарзида
беролсангиз, қурилиш учун усталарни ёллашингизга
қарз бериб турадилар.

Уйингиз қуриб битказилганидан сўнг эса бойнинг пул-
ларини ўй эгасига тўлаганингиздек доимиий тарзда бе-

риб борсангиз бўлади. Ҳар бир тўлов асосида бир неча ўйлдан сўнг қарзингиз бутунлай тўлаб бўлинади. Шундан сўнг юрагингиз хурсандчилликка лиммо-лим тўлади. Ахир, сиз қимматли мулк эгаси бўлиб қоласиз ва фақат битта мажбурий тўлов – шоҳга тўлайдиган солиқларингиз қолади.

Мехрибон хотинларингиз эса кўйлакларингизни ювиш учун дарёга тез-тез борадиган бўладилар. Чунки ҳар сафар қайтишларида ҳовлида ўстираётган гулларини сугориш учун бир мешдан сув олиб келадилар.

Шундай қилиб, ўз уйига эга бўлган одамнинг бошига қут-барака ёғилади. Сарф-харажатларни янада камайтиргани сабабли энди ўз истак ва хоҳишлиарини қониқтириш учун кўпроқ пул сарф қилса бўлади. Хуллас, ҳамённи тўлдиришининг бешинчи усули: ўз уйингизга эга бўлинг.

Олтинчи усул: ўзингизни келажакдаги маблаг маблан таъминланг

– Ҳар бир инсоннинг ҳаёти ёшликтан кексаликка қадар ўз ўзанида оқиб ўтади. Ҳеч ким ортга бурилиб кетолмайди. Шунинг учун ёши ўтиб қолганида ёки бу дунёни тарк этганида оиласига ёрдам берадиган ҳеч ким қолмаслиги ҳақида олдиндан ўйлаб қўйиши керак. Бу эслатма сиз улгайиб, ўқиши қобилиятингиз паст бўлиб қолганида ўзингизни пул тўла ҳамён билан таъминланган бўлишингизни ўргатиши керак, – шундай сўзлар билан мурожаат қилди Аркад ўқишининг олтинчи куни ўз ўқувчиларига. – Бойлик орттириш қонунларини биладиган ҳар қандай одам ҳам келажакдаги кунлари ҳақида гам еб қўйиши лозим. Ўз сармояларини шундай режалаштириши керакки, улар узоқ ўйллар давомида даромад олиб келиши, қариганда ҳам мевасидан фойдаланиш мумкин бўлсин.

Келажакда даромад келишига ишониб уй ва ерлар сотиб олиш мумкин. Уларнинг келтирган қиммати эъти-

борга олиниб ҳарид қилинса, ҳақиқатан ҳам фойдага айланади.

Мен донишманд одамлар вақти келиб инсонларни ўлимдан сугурта қилиш керак деган фикрга келадилар деб ўйлайман. Лекин бу улар ҳаёт бўлган вақтларида доимий кичик-кичик сармоялар қилишлари шарти билан бўлиши керак. Мазкур режани жуда керакли ҳисоблаб, уни амалга ошириш лозим деб ўйлайман. Мазкур омонатни бугуноқ олиш мумкин эмас, чунки оила уни ҳаёти сугурта қилингган инсон бу дунёдан кўз юмгандагина ола олади. Қачонлардир шундай режа қабул қилинади ва у кўп одамлар кўнглига малҳам бўлади, чунки ҳамто унча катта бўлмаган дастлабки сармоялар ҳам мархумнинг оиласи фаровон ҳаёт кечиришини таъминлайди.

Аммо биз келажакда эмас, бугунги кунда ўз мақсадларимизни амалга оширишимиз учун замонавий усул ва чораларни қўллашимиз лозим. Шунинг учун барчага умрлари адогида бўш ҳамён билан қолмасликлари учун ўз вақтида чора кўриб қўйишларини тавсия этардим. Ишлаб пул тополмай қолганда ёки оила ўз боқувчисини ўйқотган вақтда бўш ҳамён билан қолиш катта кўнгисизликдир.

Ҳамённи тўлдиришининг олтинчи усули қуйидагича: кексалик гамини ўз вақтида қўринг ва оилангизни таъминлаш учун барча зарур чораларни қўлланг.

Еттинчи усул: пул топиш қобилиятингизни оширинг

– Бугун, дўстларим, бўш ҳамённи тўлдиришининг энг муҳим усули ҳақида тушунтиromoқчиман. Лекин пул ҳақида эмас, рўпарамда ўтирган ранг-баранг кийимлардаги инсонлар – сизлар ҳақингизда сўз юритаман. Сизлар билан инсонга ёрдам бериши ёки ютуқларга эришиш ўйлида тўқинлик қилиши мумкин бўлган жиҳатлар, яъни унинг дунёқараши ва ҳаёти ҳақида гаплаш-

моқчиман, – дөди Аркад ўқишининг еттинчи куни синфа-га қараб. – Яқинда ёнимга бир йигит келиб қарзга пул беришими илтимос қилди. Қарз олишдан мақсади нималигини сўраганимда маоши сарф-харажатларига етмаётганини айтди. Мен бунинг сабабини бошқа нарса – қарзини ёпишга қўшимча даромад оладиган жойи йўклигида, унинг ўзи эса қарз олган одамнинг ёмон мижози эканида экани билан изоҳладим.

– Сиз кўпроқ пул ишлаб топишингиз керак, – дөдим унга. – Пул топиш қобилиятингизни ошириш учун нималар қиляпсиз?

– Қўлимдан келган барча чорани қўлладим, – жавоб берди у. – Хўжайнимдан иш ҳақимни оширишини қайтакайта талаб қилдим, лекин фойдаси бўлмади.

Бу йигитчанинг соддалигидан кулишимиз мумкин. Лекин унда ютуққа эришиш учун энг асосий жиҳат бор: ишлаб топишга кучли истак.

Яъни, аввало, хоҳиш бўлиши лозим. Истакларингиз аниқ ва кучли бўлсин. Аммо одатий, умумлаштирилган истаклар кучсиз истаклардир. Агар одам фақатгина бой бўлмоқчи бўлса, бу ноаниқ, умумлаштирилган истак ҳисобланади. Агарда бешта олтин танга эгаси бўлмоқчи экан, бу аниқ, ҳақиқий истакдир ва у одамни ҳаракат қилишга мажбур этади. Агар беш тангага эга бўлиш истагини янада қатъийлик билан мустаҳкамласа, кейинчалик ўнта олтин танга ишлаб топишининг йўлларини топади. Кейин минг танга ва қарабсизки, у бадавлат одамга айланади. Аввал унча катта бўлмаган битта истакни амалга ошириши ўрганиб, сиз янада йирик хоҳишни рўёбга чиқаришни билиб оласиз. Бундай фаолият давомида бойлик йигиб борилади: аввалига кичик омонатлар, кейин эса ўрганиш ва қобилиятга қараб анчайин катта омонатлар жамгарилади.

Истаклар оддий ва аниқ бўлмоги лозим. Агар улар ҳаддан зиёд ноаниқ бўлса, одам уларни амалга оширолмаса, бундай истаклар унинг мақсадларини йўққа чиқаради.

Инсон ўз соҳаси ёки амалиётида қанча юқори пого-
нага эришса, пул топиш қобилияти ҳам шунча ўсади.
Мен кунига бир неча танга топиш учун тахтачалар
устидаги қийналиб мөхнат қилиб юрганимда бошқалар
кўпроқ иш қилишларини ва кўпроқ маош олишларини
сезиб қолгандим. Тез кунда улар эришган муваффақи-
ятлар сабабини англаб етдим. Қилаётган ишимга
кўпроқ қизиқканим, янада синчковлигим, мөхнатсевар-
лигим туфайли мендан ўзадиганлар камайиб қолди.
Оширган малакам тез кунда мукофотини олди. Хўжай-
иннинг ҳузурига қайта-қайта бориб иш ҳақимни оши-
ришини талаб қилишимнинг ҳожати қолмади.

Биз қанча кўп билимга эга бўлсан, шунча кўп пул иш-
лаб топишимиз мумкин. Уста бўладими ёки шогирдми,
маҳоратини янада ошириши шарт. Агарда кимдир ад-
лия ёки даволаш соҳасида банд бўлса, у ана шу касб эга-
лари билан билим алмасиши, улардан ўз саволларига
жавоб олиши мумкин. Ўз навбатида, савдоғар ҳам ҳар
доим нархи анча паст, лекин сифатли молларни қиди-
риб топиши мумкин.

Яхши томонга ўзгартирадиган, етукликка ундаиди-
ган ишларни амалга оширишга ҳаракат қилинг. Мақ-
садига интигурувчан ана шундай инсонларгина маҳорат-
нинг олий сирларига етиша олади.

Орқада қолиб кетмаслигингиз, ўсишда тўхтаб қол-
маслигингиз учун мен сизларни ҳар доим тараққиёт-
нинг олди қаторларида бўлишга чақираман.

Ҳаётда тажриба, малакани бойитиб борувчи воқеа-
лар бўлиб туради. Ўзини ҳурмат қиладиган инсон қуйи-
даги қонунларга риоя қилиши лозим:

Қарзларини имкон қадар тезроқ қайтаришга инти-
лиши, агар ниманидир сотиб олишга қурби етмаса,
ундан воз кечиши керак. Ўз оиласи ҳақида шундай қай-
гурини жоизки, улар у ҳақида ҳар доим яхши ўйлайди-
ган ва гапирадиган бўлсинлар.

Авлиёлар ўз ёнига чақирадиган вақт келишини ўйлаб

ўз мол-дунёсини тўгрилик ва поклик билан тақсимлаши, васиятнома қолдириши лозим.

Бойлигидан айрилиб қолган, баҳтсизлик ва омадсизликка дучор бўлган одамларга нисбатан ҳамдардлик ва ачинишни ҳис этсин. Уларга ёрдам бериши зарур. Айниқса, ўзига азиз ва қадрли инсонларга нисбатан гамхўр бўлиш талаб қилинади.

Шундай қилиб, ҳамёнингизни тўлдиришнинг еттинчи ва охирги усули: ўз қобилиятларингизни ривожлантиринг, ўқинг ва янги билимларни эгалланг, мутахассислигингижни янада янги услугуб ва ўйналишлар билан бойитинг. Шу тарзда ўзингизга бўлган ишончни мустаҳкамлаб, истакларингизни амалга ошира оласиз...

Бойиш ва ривожланиш сари қадам босиш нияти бўлган одам, мён узоқ вақт юкори чўққиларга эришган ҳаётий тажрибамдан келиб чиқиб сизларга айтиб берган етти усулни қўллаши ва ўз ҳамёнини тўлдириши мумкин.

– Ўғлим, зериктириб қўймадимми? – сўради Асилбек Икромжондан. – Юр, ҳовлига чиқамиз. Ўша ерда, салқинда сенга ҳикоямнинг давомини сўзлаб бераман.

Асилбек хизматкорига кўк чой дамлаб, ҳовлидаги сўри устига жой тайёрлаб беришни буюрди.

Улар ҳовлига чиққанларида осмонда юлдузлар порларди. Эндингина туғилган яримой само бағрида чирой очиб турар, бутун борлиқда қандайдир фараҳбахш сеҳр ва сир бордек эди. Ана шу сокинликка маҳлиё бўлиб сўри устида бир оз ўтиридилар. Сўнг Асилбек сўзида давом этди.

Асилбекнинг тўртинчи ҳикояси

ПУЛЛАРНИНГ БЕШ ҚОНУНИ

– Агарда олдингизда пул тўла қоп ва доно сўзлар битилган сопол таҳтачалар турган бўлса, қай бирини танлаган бўлардингиз?

– Пул, пул, – йигирма етти одамнинг овози келди.
Қария Калабаб кулди.

– Қулоқ солинг, – деди у, – тундаги ёввойи кучуклар овозига қулоқ тутинг. Очликдан батамом қийналиб кетганидан уевламоқда. Уларнинг қорнини тўйгазсангиз, нима бўлади? Ўзаро уришадилар ва яйрайдилар. Кейин янада кўпроқ уришиб яйрайдилар, эртанги кун ҳақида ўйламайдилар.

Инсоният билан ҳам худди шундай: пул ва билим беринг-чи – қайси бирини танларкин? Билимга эътибор ҳам қилмайди, пулларни эса мақсадсиз сарф қиласди. Эртасига эса яна йиглаб нолииди. Чунки қўлида пул қолмайди-да!

Пуллар уларнинг қонунини билган ва ушбу қонунларга амал қилганларнинг қўлида сақланиб қолади.

Тунги совуқ шамол эсди. Калабаб ўзининг оппоқ кийимларига ўраниб олди.

– Узоқ сафаримиз мобайнида менга садоқат билан хизмат қилдингиз. Туяларимни яхши боққанингиз, чўлнинг қайноқ қум барҳанлари аро орқамдан эргашиб келганингиз, молларимни ўгиrlамоқчи бўлган қароқчилар билан қўрқмай жанг қилганингиз учун сизларга аввал сира эшишмаган тарихни – пулларнинг беш қонуни ҳақидаги ҳикояни айтиб бераман.

Эътибор билан тингланг. Агар маъносини тушуниб етсангиз ва ҳаётингиз мобайнида қўллассангиз, пулларнинг жуда-жуда кўп бўлади.

– Сен бизга кўп яхши ҳикоялар айтиб бергансан, Ка-

лабаб, – дөди сарбон. – Энди эса әртага хизматимиз тугаганидан сүңг қай тариқа кун күришимиз мумкинligини айтишингни кутыб ўтирибмиз.

– Авеаллари ёт ва олис давлатлардаги саргузаشتарым ҳақида гапириб берардим. Бу кече Аркад исмли бир донишманد бой ҳақида сүзлайман.

– У ҳақида күп эшигтанымиз. Аркад Бобилда яшаганлар ичидә энг бадавлат одам бўлган.

– У пулларга нисбатан аввал ҳеч ким қилмаган, ноанъанавий муносабатда бўлгани учун энг бой инсон эди. Бу кече Аркаднинг ҳикмати ҳақида, ўғли Номасир менга узоқ йиллар аввал Ниневияда баён қилганидек гапириб бераман.

Ўшанда мен ва хўжайинум Номасирнинг қасрида тушнада учун қолгандик. Номасир ўралган катта-катта гиламлардан битта-битта чиқариб, улардан бирини танлаб олмагунича хўжайинимга ёрдам бердим. Ниҳоят, Номасир жуда хурсанд бўлди ва ёнида ўтириб танқис ҳисобланадиган майдан татишига таклиф қилди. Бу ичимликка ўрганмаганим сабабиданми, май ичимни ниҳоятда қиздириб юборди.

Шундан сўнг у бизга отаси Аркаднинг донолиги ҳақида сўзлай кетди. Бу ҳикояни ундан қандай эшигтан бўлсан, сизларга ҳам худди шу тарзда айтиб бераман.

Ўзингизга маълум, Бобилда бир одат бор: ўғиллар оталарининг мероси ўзларига ўтадиган фурсат келишини кутыб уларнинг уйларида яшайдилар. Аркад бу одатни хушламасди. Шунинг учун ўғли Номасир вояга етганида уни ёнига чақириб мурожаат этди:

– Ўглим, сен менинг меросхўримсан. Лекин, аввало, бу бойликни ақлан бошқара олишингни менга исботлашинг шарт. Шунинг учун очиқ дунёга чиқишингни, кейин қанчалик ҳурматли одам бўла олишингни ва қай дара-жада пул топишинг мумкинлигини кўрсатишингни хоҳлардим.

Яхши иш бошлишинг учун сенга иккита нарса бераман. Биринчиси: бир қоп пул. Агар уларни ақл билан ишлатсанг, келажакдаги муваффақиятингга асос бўлади.

Иккинчиси: ана шу пулларнинг беш қонуни ёзилган сопол тахтача. Бу қонунларни ҳаётингга татбиқ этолсанг, улар сени тўйлик ва ўз келажагингга ишонч билан таъминлайди. Ўн йилдан сўнг сен ота уйингга қайтишинг ва нималарга эришганинг ҳақида ҳисоб беришинг керак. Агар ишончимни қозонсанг, сени меросхўр этиб тайинлайман. Акс ҳолда, бор бойлигимни мен учун худонинг магфиратини сўраб дуолар қилишлари йўлида тақво аҳлига тарқатиб бераман.

Хуллас, Номасир бир қоп пул, латтага ўралган сопол тахтача, қули ва ўзи минадиган отларини олиб мустақил йўлини топиш учун йўлга чиқди...

Орадан ўн йил ўтиб Номасир ота уйига қайтиб келди. Аркад унинг шарафига яқин дўстлари ва қариндошларини таклиф этиб катта тўй қилиб берди. Тантанаадан сўнг Аркад, хотини ва ўғли шоҳона курсиларга ўтирадилар.

Кеч кирган, хона узра мой пиликлар ёнишидан ҳосил бўлган енгил тутун ҳиди тараларди. Оппоқ кийимдаги қуллар узун палма япроқлари билан хонзодалар узра елпид турадилар. Саҳна кўринишида улуғлик намоён эди. Номасирнинг хотини, дўстлари билан келган икки ўғли ҳамда оиласининг бошқа аъзолари кичик гиламчалар устида ўтириб унинг ҳикоясини сабрсизлик билан кутишарди.

– Отажон, – ҳурмат билан сўз бошлади Номасир, – мен сизнинг донишмандлигинги олдида бош эгаман. Ўн йил аввал, етуклик бўсағасида турганимда менга бойликка қарам бўлиб ўтирасдан, ҳаётда ўз йўлимни топишум зарурлигини айтгандингиз. Мени пул билан тўлиқ таъминладингиз. Аттанг! Пуллар овчи қувлаган ёввойи қуён тезлигида қўлимдан чиқиб кетди.

Ота миийгида кулиб қүйди:

— Даюм эт, ўглим, ҳикоянгнинг ҳар бир нүктаси мен учун муҳим.

— Шундан сүнг Ниневияга боришига аҳд қилдим, чунки у тобора ривож топаётган шаҳар бўлиб, у ерда янги имкониятлар топаман деган умидда эдим. Каравонлардан бирига қўшилиб олдим ва у ерда кўп дўстлар ортиридим.

Улар ичидагапга чечан икки киши бор эди. Сафар давомида мен билан сирлашиб Ниневияда бир бой одам борлигини, унинг ҳали бирортаям от ўзиб ўтолмаган чопқир тулпори борлигини айтишди. Эгаси бу оти Бобилдаги ҳар қандай отни ортда қолдириб кетишига ишонгани туфайли катта пул тикиб қимор ўйнаркан. Лекин, дўстларимнинг айтишича, уларнинг отлари олдида ўша жонивор эшакка ўхшар, уни ютиш ҳеч эмас экан.

Улар ана шу режаларига қўшилишимга рухсат бердилар. Мен бу иш билан қизиқиб қолгандим. Лекин, таассуфки, бизнинг отимиз ютқазди ва пулларимнинг каттагина қисми куйиб кетди. Кейинчалик билсам, бу ўша одамларнинг маҳсус режаси экан. Алдаш учун янги қурбонларни қидириб ҳар доим карвонларга қўшилишаркан. Ниневиядаги учовлон бир бўлиб ютиб олган пулларини тақсимлашаркан. Бу фириб менга биринчи дарс бўлиб, эҳтиёткорликка мажбур қилди.

Кўп ўттмай яна бир аччиқ сабоқни бошдан ўтказдим. Карвон ичидаги мен билан дўстлашиб қолган яна бир ишитча бор эди. У бой одамнинг ўғли бўлиб, худди мен каби Ниневияга кетаётган экан. Манзилга етгач кўп ўттмай менга бир савдоғар вафот этганини ва унинг қимматбаҳо моллар тўла дўконини «доимий харидорлари билан биргаликда» сотиб олиш мумкинлигини айтиб қолди. Биз тенгшериликчиликка ўтишимиз, лекин бунинг учун у пулларини олиш учун Бобилга қайтиши лозимлигини, пуллари сал кечроқ, битимимиз давоми-

да тикилишини айтиб, мени қолган молларни сотиб олишига ундади.

Негадир Бобилга кетишини анча вақтгача чўзиб юрди. Бу вақт орасида эса унинг тутуриқсиз харидор ва ақлсиз исрофгар экани аён бўлиб қолди. Мен уни ҳайдаб юбордим, афсуски, бу вақтга келиб савдомиз баттамом бузилган, фақат ўтмас молларимиз қолган, янги мол сотиб олиш учун эса пулимиз йўқ эди. Қолган-қутган нарсаларни катта зарар билан бир исроилликка арзимаган баҳода сотиб юбордим.

Сал ўтмай мен учун оғир кунлар бошланди. Иш қидириб тополмасдим. Жиндай ишлаб топишга имкон берувчи на бир касб, на бир ҳунарга эга эдим. Отларимни, қулимни сотиб юбордим. Озгина егулик ва тунашимга етарли пул топиш учун кийимларимни ҳам сотдим, лекин беаёв қашшоқлик мен томон тобора бостириб келарди.

Ана шу азобли кунлардан бирида сиз, отажоним, менга қанчалик ишонганингизни эсга олдим. Мени чин инсон бўлиб етишишиимни хоҳлаган эдингиз, бу истагингизни бажаришим шарт эди.

Пулларнинг беш қонуни ёзилган сиз берган сопол таҳтacha эсимга тушиб қолди. Ушбу ҳикматли сўзларни синчковлик билан ўқиб чиқдим. Агарда у билан эртапроқ танишганимда, пулларимни ўйқотмаслигимни тушундим. Ҳар бир қонунни ёдлаб олдим ва Омад илоҳи менга яна бир бор қулиб боқса, ёш боладай эмас, балки пишиқ-пухта одамдай иш юритишиимни англадим.

Бу ёрда йигилганларнинг фойдасини кўзлаб отам менга ўн йип аввал берган сопол таҳтачадаги ҳикматли сўзларни ўқиб бераман.

Пулларнинг беш қонуни

I. Пуллар ўзи ва оиласининг келажагини таъминлаш учун даромадининг ўндан бир қисмидан кам бўлмаган

миқдорини сақлаб қүядиган кишининг құлиға осонлик билан, тобора күпайиб оқиб келади.

II. Пуллар уларни даромад көлтириш учун құллай ола-
диган оқыл инсонга хизмат қилади.

III. Пуллар улар билан муомала қилишини билған, оқыл
одам маслағати асосида иш күрган әхтиёткор әгалап-
рини асрайди.

IV. Пуллар уларни ўзи таниши бўлмаган ёки тажри-
бали одамлар томонидан маъқулланмаган иш ёки шу
каби масалаларни бажаришга сармоя тикадиган одам
қўлидан чиқиб кетади.

V. Пуллар уларни нореал даромадлар олиб келишга
мажбур қиласидиган ёки муттаҳам ва уддабуронларнинг
ширин сўзларига учадиган ёки капиталларини сармоя
қилишда ўзларининг тажрибасизлиги ва романтик ту-
шунчаларига ишонган одамларни четлаб ўтади.

Пулларнинг ана шу беш қонуни отам томонидан
ёзилган. Мазкур қонунлар пулларнинг ўзидан ҳам қим-
матлироқ деб ҳисоблайман. Бу ҳақда сизларга ҳикоям
давомида айтиб ўтаман.

Номасир яна отасига юзланди.

– Тажрибасизлигим мени нақадар қашшоқлик ва но-
чорликка дучор қилганини сўзлаб бердим. Аммо баҳт-
сизликлар чек-чегара билмаслиги мумкин эмас. Менинг
кулфатларим шаҳарнинг янги деворини кўтариш учун
ишлаётган қуллар гуруҳига иш юритувчиликка ишга
кирганимда туғади.

Пулларнинг биринчи қонунини татбиқ этиб, мен ўз
даромадимдан бир мис тангани олиб қўйдим ва имкон
қадар яна пул қўшиб кўплайтириб турдим. Бу секин жа-
раён бўлса-да, лекин шундай яшашга мажбур эдим. Мен
жуда кам пул сарфлардим. Йўқотган пулларимни иш-
лаб топишим ва сиз қачонлардир берган пулларнинг
сонини тиклашим учун ўн ийл вақт кетди.

Бир куни дўстлашиб қолган қуллардан бири менга
шундай деди:

– Сен эҳтиёткор йигитсан, лекин топаётган пулларингни беҳуда ишлатиб қўйишинг мумкин. Сақлаб қўйган жамгарманг борми?

– Ҳа, – деб жавоб бердим мен. – Энг катта истагим: қачонлардир отам берган ва мен аҳмоқона тарзда йўқотиб қўйган пулларни жойига қайтариш учун пул йишишдир.

– Яхши. Аммо сақлаб қўйган ана шу пулларинг сен учун ишлаб янада кўпроқ пул топиш мумкинлигини биласанми?

– Афсус! Бу борадаги тажриба менга аччиқ сабоқ берди. Отам берган пуллар йўқ бўлиб кетди. Энди мен ўзим йиққан пуллар билан ҳам шундай ҳолат рўй беради деб қўрқяпман.

– Агар менга ишонсанг, пулларинг даромад келтириши учун улар билан қандай муомала қилишини ўргатишм мумкин, – деди у. – Бир йилдан сўнг шаҳарнинг ташки дёворлари қуриб битказилади ва кириш жойлари душманлардан сақлаш учун катта бронза дарвозаларни қўйиш учун тайёр бўлади. Бундай дарвозаларни ясаш учун бутун бошли Ниневиядаги металл ҳам етмайди.

Шоҳ уни қаердан олишини билмай турибди. Менинг режам бундай: биз пулларимизни қўшамиз ва олис-олислардаги мис ва рух топилмаларига карвон жўнатамиз. У ерлардан Ниневияга дарвозалар учун металл келтирамиз. Шоҳ катта дарвозалар тайёрлансин деб буйруқ берганида фақат биз ана шу металл билан таъминлай оламиз ва эвазига яхшигина ҳақ оламиз. Шоҳ металлни биздан харид қилмаган тақдирда ҳам ютқазмаймиз, уни бозор нархида сотиб юборишими мумкин.

Бу таклиф замирида мен пулларнинг учинчи қонунини ҳаётга татбиқ этиш мумкинлигини кўрдим ва жамгармамни донишманд одам бошчилигида ишга солдим. Адашмабман. Бизнинг бирикувимиз муваффақиятли

чиқди ва менинг унча күп бўлмаган жамгармам оз вақт ичида анчагина кўпайди. Кейинчалик мен мана шу бирлашувимиз аъзоси сифатида бошқа ишларга ҳам қўшилдим.

Мен билан ишлаётганлар ақлли одамлар бўлиб, пул билан ишлашни яхши билишар, жамгармаларни даромад олиб келадиган ишларга солишга уста эдилар. Бирор режани амалга оширишдан олдин уни синчковлик билан ўрганиб чиқишаради. Улар асосий жамгармаларни йўқотиш хавфини тугдирадиган имкониятлардан фойдаланмас, пулларини қайтариб ололмайдиган даромадсиз сармоялар билан ҳам шугулланмасдилар. Мен тажрибасизлигум оқибатида аввал аралашиб қолган аҳмоқона ишлар уларда заррача қизиқиш ўйготмасди. Бундай ишларнинг пачаваси чиқишини дарҳол сезардилар.

Бу инсонлар билан танишгач пулларимни ишончли ишларга тикишни ва даромад олишни ўргандим. Йиллар ўтгани сари бойликларим тобора ортиб бораверди. Мен нафақат йўқотган пулларимни қайтардим, балки ундан ҳам кўпроқ пул топишга эришдим.

Ўз омадсизликларим, ҳаракат ва муваффақиятларим мисолида пулларнинг беш қонуни қанчалик пурмаънолигини синаб кўрдим. Отажон, улар ҳаётнинг ҳар қандай синовида тўғри бўлиб чиқди. Ушбу беш қонунни билмаган одамга кам пул келади ва қўлида тезда йўқолиб кетади. Пулларнинг беш қонунини билган одамга уларнинг ўзи оқиб келади ва қулдек хизмат қиласди.

Номасир ўз ҳикоясини тугатди ва қуллардан бирининг ёнига борди. Қул теридан тайёрланган учта оғир қопни битталаб суриб чиқарди. Улардан бирини Номасир отасининг олдига қўяркан, деди:

— Сиз менга бир қоп Бобил пулидан бердингиз. Мен эса мана шу бир қоп Ниневия пули билан қайтаряпман. Бу адолатли айирбошлаш деб ўйлайман, бошқалар ҳам шу фикрда бўлса керак. Сиз менга ҳикматли сўзлар

ёзилган таҳтачани бердингиз. Қаранг, унинг ўрнига икки қоп пул қайтаряпман, – шундай деб у қулнинг ёнидаги икки қоп пулни олди ва уларни ҳам отасининг олдига қўйди. – Бу билан мен пуллардан кўра сизнинг билимларингизни қанчалик юқори баҳолашимни кўрсатмоқчиман. Аммо ҳикматлар қимматини қоплардаги пуллар билан ўлчаб бўлармикин? Пули бор, лекин уларнинг пурмаъно қонунларини билмаган одамлар уларни тез йўқотиб қўядилар. Пулга эга бўлмаган, лекин қонунларини билганлар эса уларни тез топади, мана шу уч қоп пул бунинг далилидир.

Сизнинг билимларингиз орқали мен одамлар орасида бой ва ҳурматли мақомга эришдим. Бу ҳақда ўзингизга айтиш менга чуқур қониқиши ҳиссини баҳш этади.

Отаси ўғли Номасирнинг елкасига қўлини қўйиб деди:

– Сен дарсларни яхши ўзлаштирибсан. Мен бойлигимни ташлаб кетишум мумкин бўлган сендай ўглим борлигидан хурсандман.

Калабаб ўз ҳикоясини тугатди ва тингловчиларга савол назари билан қаради.

– Сизлар учун Номасирнинг тарихи нимани билдиради? – давом этди у. – Қай бирингиз отангиз ёки қайно-танигизнинг олдига келиб ўз омонат ва даромадларингизга нисбатан қанчалик ақл-идрок билан иш тутганингиз ҳақида ҳисобот бера оласиз? «Мен кўп ўқидим, кўп ишладим, лекин, афсуски, пулларим кам. Пулларимнинг бир қисмини ақл билан, бир қисмини аҳмоқлик қилиб сарфладим ва кўп пулларимни улар билан тўғри муомала қилолмаганим сабабли йўқотдим», – десангиз, ўша ҳурматли зотлар нима дейдилар?

Баъзи одамларнинг пули кўплигини, баъзиларнинг эса, аксинча, пулсиз юрганини сиз ҳали ҳам тақдирга йўйяпсизми? Агар шундай ўйласангиз адashiбсиз.

Одамлар пулнинг бешта қонунини билиб, уларга амал қилганидагина даромадга эга бўладилар. Мен

ана шу қонунларни ёшлигимдаёқ ёдлаб олганим ва уларга амал қилганим түфайли бой савдогарга айландым. Бойлигимни қандайдыр сөхр-жоду орқали йиқ-қанум йўқ.

Тез келган бойлик худди шундай төзлик билан ке-тиб ҳам қолади.

Эгаси қўлида қолиб, уни турғун бандлик ва қониқишиларни билан таъминлайдиган бойлик аста-секин шаклланади, чунки бундай бойлик билим ва қатъий мақсаддиган чақалоқдир.

Бойликка аста-секин яқинлашиш жараёни фикр юри-тадиган инсон учун оғир юқ эмас. Бу юкни йилдан-йилга қадамма-қадам олиб бориш қўйилган мақсаднинг охиригача элтади.

Пулларнинг бешта қонунига қатъий амал қилиш сизга катта мукофот олиб келади.

Бу беш қонуннинг ҳар бир банди жуда чуқур маънога эга. Уларни эсдан чиқармаслигинги учун яна бир бор тақрорлаб ўтаман. Мен ушбу қонун бандларининг ҳар бирини ёддан биламан, чунки ёшлигимдаёқ уларнинг қимматини тушуниб етдим ва сўзма-сўз ёдлаб олмагунимча тинчимадим.

Пулларнинг биринчи қонуни

Пуллар ўзи ва оиласининг келажагини таъминлаш учун даромадининг ўндан бир қисмидан кам бўлмаган миқдорини сақлаб қўядиган ҳар қандай кишининг қўлига муттасип қўпайган ҳолда оқиб келади.

Маоши ёки даромадининг ўндан бир қисмини доимий сақлаб қўядиган ва бу пулларни ақл-заковат билан ишга соладиган ҳар бир инсон келажакда ўзи ва оиласига турғун даромад олиб келадиган давлат яратади. Уни авлиёлар бошқа дунёга чақириб олганидан кейин ҳам оиласига хавфсизлик кафолатини таъминлайди. Ҳаёт-

нинг ҳар қандай ҳолатида бўлмасин, мазкур қонун, пуллар айнан шу тоифа одамлар қўлига осон келишини кўрсатади.

Бунга шахсан ўзим гувоҳ бўлдим. Қанча кўп пул сақлаб қўйганим сари янги пуллар қўлимга янада осон, тез ва кўпайиб кела бошлади.

Мен сақлаб қўяётган пуллар чамалаганимдан ҳам зиёда пул олиб көларди. Улардан келган даромад эса янада кўпроқ пул келтириш манбаига айланади – биринчи қонуннинг оддийгина изоҳи бу!

Пулларнинг иккинчи қонуни

Пуллар кўпайтириш мақсадида уларни даромад келтирувчи йўналишда қўллай оладиган оқил инсонга итоткорлик билан хизмат қиласди.

Пуллар ҳақиқатан ҳам яхши ишчилардир. Улар ҳар доим қулай имконият тугилган вақтда ўзини оширишига тайёр.

Озгина бўлса-да сақлаб қўйган пулига эга одамга улардан иложи борича кўпроқ даромад келтиришга имконият тугилади. Йиллар ўтгани сари бу пуллар ўз-ўзидан кўпайиб бориши билан ҳайратга солади.

Пулларнинг учинчи қонуни

Пуллар улар билан муомала қилишини билган оқил одамлар маслаҳатига кўра иш кўрган эҳтиёткор эгаларини асрайди.

Пуллар бундай эгаларига содиқ бўлиб, ўйламай иш қиласидиганлардан эса қочади. Пуллар билан ишлашда тажрибали одамни қидирадиган пул эгаси уларнинг доимий тарзда кўпайиб боришидан қаноатланишини ўрганади.

Пулларнинг тўртинчи қонуни

Пуллар таниш бўлмаган ёки тажрибали одамлар томонидан маъқулланмаган масалаларни ечишга урина-диган ёки шу тарзда тижоратга тикадиган одам қўли-дан чиқиб кетади.

Пули бор, лекин уни ишлатиш қобилиятига эга бўлмаган инсонларга уларни сарф қилиш кўпроқ фойда олиб келадигандек гўё. Кўпинча бундай ҳолатда пулларни йўқотиши хавфи мавжуд, агар тажрибали одамлар томонидан кераклича ўрганилиб чиқилса, унчалик катта даромад олиб келмаслиги намоён бўлади. Шунинг учун пул ҳақида ўз фикрига ишонган ва уларни ўзига нотаниш бўлган тижорат ишларига сарфлайдиган одамлар кўпинча бу фикрлари хато эканига ишонч ҳосил қиласди-лар. Бундай тажрибалари учун пул билан жавоб беришларига тўгри келади. Пул билан боғлиқ ишларда тажрибали инсонларнинг маслаҳати асосида иш кўрадиган одамлар ақл-идрок эгалариидир.

Пулларнинг бешинчи қонуни

Пуллар уларни нореал даромадлар олиш йўлига сарфлайдиган ёки фирибгар ва ёлгончиларнинг ширин сўзларига учадиган ёки жамгармаларини ўзларининг тажрибасиз ва романтик тушунчаларига ишониб ишлатадиган одамларни четлаб ўтади. Катта пулга эришишга мусассар бўлган одамларга эса бу пулларни сарф қилишга доир турли таклифлар келиб тушади. Мазкур таклифлар уларнинг пулларига қандайдир сирли куч-қудрат багишлаб, катта маблаг келтирадигандай кўринади. Агар тажрибали ва донишманд одамга мурожаат этилса, улар тезда бойиб кетиш режаларининг хавфини дарҳол кўра олади. Пулларининг асосий қисмини йўқотишдан ёки уларни ноўрин сарфлашдан сақлаб

қолиши мақсадида құлай имконияттарни рад әтгән ни-
невиялик бойлар ҳақида унұтманғ.

Мен пулларнинг бешта қонуны ҳақида сүзлаб, үзим-
нинг муваффақият сирларимни ҳам очдим.

Аслида, булар сир эмас, авваламбор, ҳар бир инсон
ёдлаб олиши лозим бўлган ҳақиқатдир.

Эртага Бобилга кириб борамиз. Қаранг! Бела ибо-
датхонаси тәпасида порлаган ўчмас олов ҳам кўриниб
қолди. Олтин шаҳар ҳам намоён. Эртага ҳар бирингиз
ҳалол мөхнатингиз эвазига ўзингизга тегишли пуллар-
ни оласиз. Ана шу пуллар ҳақида ўн йилдан сўнг нима-
лар дея оласиз?

Аркаднинг ҳикматли ҳақиқатларини татбиқ этиб
Номасир каби пулларининг бир қисмини ўз бойлигини
яратиш йўлида сарфлайдиган одамлар бўлсангиз, сўз
бераманки, ўн йилдан сўнг Аркаднинг ўғли каби бой-ба-
давлат ва ҳурматли инсонга айланасиз.

Пухта ўйланган ҳаракатларимиз роҳат багишилаш
учун бизга умр бўйи ҳамроҳ бўлади. Аҳмоқона ва ўйла-
май босган қадамимиз эса қийноқ ва азобга гирифтор
қиласди. Афсуски, биз уларни унутолмаймиз. Амалга
ошиrimiz керак бўлган, лекин фойдаланолмаган имко-
ниятларимиз борасидаги хотиралар бизни қийнайди-
гандан таъқиб қиласди бирламчи нарсалардир.

Бобилнинг бойлиги шунчалик кўпки, миқдори олтин
тангаларда ҳисобланмайди. У йилдан-йилга ўз қийма-
тида ўсиб боради. Барча даерлардаги каби бу бойлик-
лар ҳам улардан ўзларига тегишли қисмини оладиган
инсонлар учун мукофот бўлиши мумкин.

Ўз истакларингизни қабул қилишдаги қатъийлигин-
гиз илоҳий кучга эга. Пулларнинг беш қонуни ҳақидағи
билимларингиз ёрдамида шу кучга йұналиш беринг, ана
шунда Бобил бойликларидан ўз улушингизга эга бўла-
сиз.

Ҳикояларини тугатган Асилбек узоқ вақт индамай қолди.

– Менинг авлод-аждодларим жуда бой бўлиб, Суғди-

ёнада илдиз отган, – деди кейин. – Уларнинг ҳар бири мана шу қонун ва усулларни йилдан-йилга, асрдан-асрга қўллаб келган, ҳаёти мобайнида жуда кам инсонлар етишган ютуқларга эришишга мұяссар бўлишган.

Икромжон Оллоҳ унга шу устозни рўбарў қилганидан беҳад шод эди. Суғдиёна барпо этилганидан бери Сармарқанднинг энг бой инсонларидан бири авлоддан-авлодга бериб келинган пулларнинг бешта қонуни ҳақида билиш имконияти берилгани учун миннатдор эди.

– Сенинг қанча пул топишинг аҳамиятга эгамас, улар билан тўғри муомала қиласанми-йўқми, ана шу муҳим, – деди хайрлаша туриб Асилбек.

IV ҚИСМ.

Устозининг ўгитларига амал қилган Икромжон иккинчи йил охирига бориб учта дўкон ва битта кулолчилик устахонасига эга бўлди. Асилбекнинг маслаҳатлари туфайли унинг ишлари силлиқ кетди. Икромжон устозидан шунчалик миннатдор эдики, уни ота деб атай бошлади.

Бир куни кечки овқат маҳали Асилбек Икромжондан қолишини илтимос қилди. Мехмонхонада ўтириб Икромжон чилим чекди. Бир дақиқа ичидаги хона олма ҳидига тўлди.

– Икромжон, ўғлим. Сен ўсиб-улғаймоқдасан, орзуларинг амалга ошяпти. Мен ҳар доим шундай бўлишини истардим. Бунинг учун ҳозирнинг ўзидаёқ қариллик ҳақида ўйлаш керак. Сенга яна бир ҳикояни сўзлаб бермоқчиман. У кўп нарсаларни ўргатади.

Асилбекнинг бешинчи ҳикояси

ОМАД ИЛОҲИНИНГ НАЗАРИГА ҚАНДАЙ ТУШИШ МУМКИН

«Агар одам омадли бўлса, бу омаднинг чеки қанча эканини таърифлаб бериш мумкин эмас. Бундай одамни Ефрат дарёсига ташлаб юборсангиз, у қўлида маржон билан қайтиб чиқишига тўла кафолат бор».

Қадимиий Бобил мақоли

Омадли бўлиш истаги ҳамма инсонларга хос. Бу ис-
так тўрт минг йил аввал Қадимги Бобилда яшаган одам-
лар каби замондошларимизда ҳам жуда кучлидир. Биз
Омад илоҳининг назарига тушамиз деб ишонгимиз ке-
лади.

Омадни ўзига жалб қилишининг бирор йўли бормикин?

Қадим бобилликлар айнан шуни билмоқчи эдилар.
Улар чуқур мулоҳаза юритадиган, ҳамма нарсани ол-
диндан ўйлаб иш тутадиган одамлар эди. Бу шаҳар-
нинг дунёдаги энг бой ва энг кучли шаҳарга айланга-
нини айнан шу билан тушунтириш мумкин. Ўша вак-
тларда одамлар на мактаб, на бошқа билим маскан-
ларига эга эди. Шунга қарамай, уларнинг амалий таж-
рибага доир ўқув марказлари бор эди. Бобилда қад
кўтарган иморатлар ичидаги жойлашган ўрни, осма боғ-
лари ва гумбазлари билан шоҳ саройидан қолишмай-
диган иншоот ҳам бўлган. Тарихий китоблардан у
ҳақида маълумот тополмаслигиниз мумкинdir, ле-
кин мазкур иморат ўша даврда одамларнинг янгича
фикр юритишларига катта таъсир кўрсатарди.

Бу иморат Билимлар саройи бўлиб, у ерда ватанпар-
вар устозлар ўтмиш ҳақиқатларини тушунтириб бе-
ришар, умумий қизиқишига эга саволлар устида баҳс-
лар олиб бориларди. Билимлар саройида барча тенг эди.
Ҳамто қуллар ҳам шоҳлар авлодига мансуб ҳар қандай
одамнинг фикрига қарши чиқиши мумкин бўлган.

Билимлар уйига келадиган одамлар орасида Аркад
исмли донишманд бўлиб, уни Бобилдаги энг бой ин-
сон деб атардилар. Унинг маҳсус, катта хонаси
бўлиб, деярли ҳар кечага қари-ёш, ўрта ёшли одамлар
ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича баҳс юри-
тиши учун йигилишларди.

Аркад учрашув жойига етиб келганида қуёш эндиги-
на шафақ ортига беркинганди. Юзга яқин одам тўшал-
ган кичкина гиламчалар устида унинг келишини кутиб
ўтиради.

– Бугун биз қайси масалани муҳокама қиласыз? – деб сүради Аркад.

Баланд бүйли түкүвчи ўрнидан туриб деди:

– Менинг муҳокамага ташламоқчи бўлған саволим бор, лекин, Аркад, кулгига қолишдан қўрқиб уни сенга таклиф қилолмаяпман.

Аркад ва бошқаларнинг далдаси билан у давом этди:

– Бугун мен катта омадга эга бўлдим. Олтин тангалар билан тўла ҳамён топиб олдим. Энг катта истагим – ана шу омадни узоққа чўзиш. Бу истагимга бошқалар қўшилишини ҳисобга олиб омадни жалб қилиш ва «тузоқ»қа илинтиришнинг қандай усуллари борлигини муҳокама қилишини таклиф этаман.

– Қизиқ таклиф, – деди Аркад. – Муҳокама қилишга энг лойиқ масалалардан бири. Баъзилар омадни олдиндан белгиланган деб ўйлашади, лекин у билан учрашиш эҳтимоли ҳар қандай бошқа тасодиф каби нуҳоятда кутимаган ҳолда рўй бериши мумкин. Бошқалар ҳар қандай омад бойлик түхфа қиласидиган илоҳимиз Иштарга боғлиқ деб ўйлашади. Дўстларим, ҳар биримизга омад келиши учун уни ўзимизга тортадиган ва олиб келадиган усулларни аниқлашга уриниб кўрсак, нима дейсизлар?

– Шундай қиласыз, шундай, – тингловчиларнинг овозлари янгради.

Аркад сўзида давом этди:

– Келинг, аввал тўкүвчимиз айтиб бергани каби мазкур ҳодисани ўз бошидан кечирган, ҳеч қандай ҳаракат қиласми бойликка эга бўлиб қолганларни тинглайлик.

Орага сукут чўкди. Ким жавоб берар деган умида аланглашар, лекин ҳамма жим ўтиради.

– Нима, биттаям одам йўқми? – сўради Аркад. – Демак, бу ҳақиқатан ҳам омаднинг кам учрайдиган тури. Қидирувларимизни қайси йўналишда давом эттиришимиз мумкин, ким айтади?

Ёш йигитча ўрнидан туриб деди:

– Омад ҳақида гапирганида инсоннинг фикри ўйин тахтасига қаратилгани табиий эмасми? Биз ютуққа эга бўлиб, баҳтли бўлиши ниятида, Омад илоҳининг назарини ўзига қаратишга уринаётгандарнинг аксариятини мана шу ердан топмаймизми?

Ўртадан овоз келди:

– Давом эт! Балки сенинг ўзингга Омад илоҳининг назарига тушиши ёзилгандир?

– Мен омад остонасида турганимни Омад илоҳи ҳаттоқи билмаган ҳам деб ўйлайман. Қолганлар-чи? Балки у сизни кутиб тургандир? Агар Омад илоҳи ўйин тахтлари ёнида кўпроқ пайдо бўлса, демак, олтин аравалари ва тердан нам бўлиб кетган отлари билан ҳаяжонга келтирувчи отчопарларни ўз назаридан четлаб ўтмайди. Бизга тўгрисини айт, Аркад, кечаке сенга ўз пулларингни Ниневиядан келган кулранг отларга тик деб у шивирладими? Мен орқангда тургандим, кулранг отларга пул тикканингни эшишиб қулоқларимга ишонмадим. Пойгаларда бизнинг отларимизни бутун Оссурия бўйича ҳеч қандай гуруҳ ютиб ололмаслигини, ахир, сен ҳам биласан.

Омад илоҳи қулогингга кулранг отларга пул тик деб шивирлаган, шекилли, чунки охирги бурилиш вақтида ички ҳалқа бўйлаб чопаётган қора от қоқилиб кетиб, отларимизга халақит берди. Натижада кулранг отлар устун келди.

Аркад бу ҳазилга кулиб қўйди:

– Одамлар пойгаларда тикадиган пулга Омад илоҳи катта қизиқиши билдиради деб ўйлашга нима асос беради? Мен учун у зориққанларга ёрдам ва муносиб инсонларга ютуқлар бериб, бундан лаззат оладиган севги ва қадр-қиммат илоҳидир. Ўйлайманки, уни одамлар пулларини ўйқотадиган ўйин тахтлари ёнида ва пойгалар ўтказиладиган жойлардамас, аксинча, умуман бошқа, одамлар муносиб, кўпроқ мукофотларга лойиқ бўлган ишлар қиласидиган жойлардан қидириш керак.

Ерга ишлов беришда, савдо билан шугулланганда, умуман, фаолиятнинг барча турнида одам ўз мөхнати ва ишини омад билан юритиши ҳисобига маблаг олиши мумкин. Балки инсон ҳар доим ҳам ўз ҳаракатлари учун мукофотланмас, чунки баъзида унинг дунёқараашлари хато бўлиши ёки шамол, ёғингарчилуклар барча мөхнати натижаларини йўққа чиқариши мумкин. Шунда ҳам, агар одам қатъият билдириса, ўз маблагини олишига умидвор бўлса бўлади.

Аммо ўйинларга берилса, акси бўлади, маблаг олиш имкониятлари унга қарши ва ўйин ташкилотчиси фойдасига йўналади. Ўйин шундай тарзда ташкил этилганки, у ҳар доим ўйин олиб борувчи фойдасига олиб борилади. У ўйин иштирокчилари тиккан пуллардан катта қисмини ўз фойдасига олишни режалаشتиради. Фақат айрим ўйинчиларгина ўйин олиб борувчиларнинг маблаги қанчалик доимиyllигини, ўзларининг ютиб олиш имкониятлари қанчалик ноаниклигини биладилар.

Келинг, ўйинлардаги пул тикишларни кўриб чиқайлик. Ҳар сафар кубик ташланганида тепага тушадиган рангга пул тикамиз. Агарда қизил ранг бўлса ва биз унга тиккан бўлсак, ўйин олиб борувчи биз тиккан пулнинг тўрт баравар қийматини ўзимизга тўлайди. Аммо тепага бошика беш томондан бири тушса, тиккан пулларимизни йўқотамиз. Шундай қилиб, рақамлар ҳар кубик ташланганида бешта ютқазиши имкониятига ва қизил ранг тўртга бир ўйнагани сабабли тўртта ютиб олиш имкониятига эга эканимизни кўрсатади. Бир кеччанинг ўзида ўйин олиб борувчи тикилган барча пул миқдорининг бешдан бир қисмини ютиб олиши мумкин. Бундай имкониятлар тенг бўлмаган ҳолда ўйинга ўтирган одам тиккан пулларининг бешдан бир қисмини йўқотишини олдиндан ўйлаб ташкил этилган ўйиндан, баъзи-баъзида ютиб олишидан ташқари яна нималарни кутса бўлади?

– Шунда ҳам баъзилар катта пул ютиб олишади, – деди ўтирганлардан бири.

– Тўппа-тўғри, шундай ҳам бўлиб туради, – давом эттириди Аркад. – Ана шуни тушуниб мен ўзимга савол бердим: бундай йўл билан топилган пуллар уларни ютиб олган одам учун доимий қимматликлар манбаи бўлиб қолармикин? Танишларим орасида Бобилда улкан ютуқларни қўлга киритганлар кўп, лекин мен улардан бироргасини ҳам муваффақиятга эришишни мана шу маблаг манбаидан бошлаган деб айтмолмайман.

Шаҳримизда яшовчи одамлар орасидан нечтаси ўзларининг ютуқларига ўйин тахтаси устида асос солгандан ман деб ҳисоблайди, мени ана шу ҳам қизиқтиради.

Ҳар бирингиз таниш одамингиз билан суҳбатлашасиз деб тахмин қиласайлик.

Агар бошқаларни эслополмасангиз, балки ўзингиз шу саволга жавоб берарсиз? Орангизда даромад олиш ўйлида мана шу манбадан фойдаланишини тавсия қилишга юраги дов бермаётган голиблар бордир?

Аркаднинг бу сўзларига жавобан орқа қаторлардан норози тўнгиллаш эшишилди, кўплар эса фақат кулиб қўйдилар.

– Биз омадни Омад илоҳи унча кўп бўлолмайдиган жойлардан қидиряпмиз, шекилли, – давом эттириди у. – Шунинг учун, келинг, бошқа соҳаларни ҳам ўрганиб чиқайлик. Биз омадни ўқолган ҳамёнларни топган жойимиздан ҳам тополмадик. Уни ўйин тахталарининг ўйинчилари сифатида ҳам тополмадик. Отчопарга келганимизда эса у ерда қачонлардир ютиб олганимга нисбатан анча кўпроқ ўйқотганимни айтиб қўйишум кө рак.

Энди мен сизларга ҳунаримиз, тадбиркорлигимиз ва қасбимизни кўриб чиқишини таклиф қиласман. Биз фойда келтирадиган бирор ишга доир тузилган битимни омад эмас, балки меҳнатимиз учун мукофот деб ҳисоблашимиз табиий эмасми? Мен Омад илоҳининг совгалирига унча катта эътибор бермаслигимиз ҳам мумкин деган фикрдаман. Балки унинг очиқкўнгиллигини

сезмай қолған пайтларимизда ҳақиқаттан ҳам бизга ёрдам берар. Баҳсимизни давом эттириш учун ким тақлиф кирита олади?

Ёши каттароқ сағдогар ўрнидан турди:

– Ҳурматли Аркад ва дўстларим, мен бир фикр билдиримоқчи эдим. Агар сиз айтганингиздек биз омадли битимларни ўзимизнинг меҳнатимиз ва ишибилармонлигимиз ҳисобига тузган бўлсак, унда муваффақиятга салкам эришдик деган вақтимизда омад қўлимиздан чиқиб кетган ҳолларда янада кўпроқ даромад келтирувчи битимлар тузишими мумкин бўлган экан-да! Агар шундай бўлганида, айнан улар омаднинг камдан-кам учрайдиган намуналари бўлур эди. Лекин бу битимлар амалга ошмагани боис уларни ўзимиз учун мукофот деб ҳисоббломаймиз. Бу ерда ўтирганларнинг аксарияти билан шунга ўхшаш ҳолатлар бўлиб ўтган.

– Бу ақл билан ёндашишдир, – рози бўлди Аркад. – Сизларнинг орангизда ким омадни шу заҳотиёқ қўлдан чиқиб кетганини кўриш учунгина ушлаб кўрган?

Кўплар қўлларини кўтарди. Улар орасида ёши катта ўша сағдогар ҳам бор эди. Аркад унга қараб деди:

– Бундай ёндашувни тақлиф қилганинг учун аввал сени эшишини хоҳлардик.

– Сизларга бир ҳикояни сўзлаб бераман, – деди сағдогар. – Мазкур тарих омад инсонга қанчалик яқин кела олишини, уни қўлдан чиқариб юбориш мумкинлигини ва кейинчалик бу катта зарар келтиришини кўрсатади.

Үйланган ва яхши даромад топа бошлиған пайтларим эди. Бир куни отам пулларимни бир ишга тикишга маслаҳат берди. Отамнинг яқин дўстларидан бирининг ўғли шаҳримизни ўраб турган деворлардан унча узоқ бўлмаган жойдаги ҳосил бермайдиган ерни кўз остига олган экан. Бу жой ариқ сатҳидан анча юқорида жойлашган, сув чиқмасди. У ана шу жойни сотиб олиш рөјасини ишлаб чиқсан, сув ёрдамида ҳаракатга келтириладиган учта чархпалак қурган, сувни улар ёрдамида

ернинг ҳосил берадиган қисмiga айлантиришини ўйлаган. Бу ишларни тугатгач ўша ерларни кичик-кичик қисмларга бўлиб, шаҳар аҳолисига зиравор етиштиришлари учун сотишни режалаштирган.

Аммо унинг режасини амалга ошириш учун пули етмасди. Шунинг учун бир гуруҳ одамларни жалб қилмоқчи бўлган. Бу гуруҳ ўн икки нафар кишидан иборат бўлиб, улардан ҳар бири ишлаб пул топадиган ва даромадининг ўндан бир қисмини ана шу ишга, ер сотувга тайёр бўлмагунига қадар киритиши лозим эди.

— Ўзлим, ҳозир ёшсан, — деди отам. — Келажакда ҳурматли инсон бўлишинг учун ҳозирдан ҳаракат қилишинг лозим. Сен бир вақтлар мен қилишим лозим бўлган ишга қўл ургин. Топганингнинг ўндан бир қисмини сақлаб қўшишинг ва бу даромадни келажаги бор бирор ишга қўшишинг керак. Шу тарзда менинг ёшимга етганингда анчагина давлат йигиб қўшишинг мумкин.

— Ота, мен бой бўлишни жуда-жуда хоҳлайман. Лекин айни пайтда ишлар шунча кўпки, уларга кетадиган сарф-харажатларни қилишим керак. Шунинг учун бу таклифингиз иш беришига ишончим комил эмас. Мен ёшиман. Ҳали вақтим бўлади бундай ишларга.

— Сенинг ёшингда мен ҳам худди шундай деб ўйланман. Мана, кўр, орадан йиллар ўтса-да, бошлаганим ўйк.

— Бизнинг фарқимиз ёшимизда, ота. Мен сиз қилган хатоларни қилмаслигим керак.

— Сен учун қулай имконият тугисляпти, ўзлим. У баҳт сари имконият очмоқда. Эртагаёқ ўша йигитнинг ёнига бор ва у билан даромадингнинг ўндан бир қисмини шу ишга тикишингни келишиб ол. Бундай қулай фурсат кутиб турмайди. Ортга чўзма.

Отам қанчалик ундумасин, иккиланардим. Аксига олиб, айнан шу пайт шарқлик савдо гарлар янги, бежирим кийимлар олиб келишиди. Бу либослар шунчалик чиройли эдик, хотиним иккимиз биттадан сотиб олиш-

га ахд қилдик. Агар даромадимнинг ўндан бир қисмини отам айтган ишга тикишга рози бўлганимда, шу ва бошқа лаззатларни татиб кўролмасдик. Мен қарор қабул қилишни фурсат қўлдан чиққунга қадар чўздим, кейинчалик бундан ниҳоятда афсусландим ҳам. Бу иш тахмин қилинганидан ҳам кўп маблаг қелтирадиган бўлиб чиқди. Мана менинг тарихим. У қандай қилиб омадни қўлдан чиқариб юборганимни кўрсатади.

– Бойлик яратиш учун, аввало, бирор асос бўлиши керак, – деди чўлдан келган юзлари қорамтирир одам. – Мен анча-мунча подаларнинг эгасиман. Бунга эса ёшлигимда бир тангага сотиб олган кичкина бузоқча бошлангич манба бўлган. Мазкур харид мен учун катта аҳамиятга эга эди, чунки бойлигимга асос солинганди.

Ўзининг шахсий бойлигини яратиш йўлида биринчи қадам босиш имконияти ҳар бир одамга берилиши мумкин бўлган омаддир. Барча учун меҳнат қилиб даромад топаётган одамлар тоифасидан ўз пулларини ишга солиб улар қелтирадиган фойдалар ҳисобидан маблаг олаётган одамларга айланишлари йўлида босган биринчи қадамлари катта аҳамиятга эга. Баъзилар ёшлигигда шу қадамни ташлайди ва эришган натижалари билан кўплаб баҳтиқаролардан олдинга кетиб қолади.

– Мен ҳам баъзи нарсаларни гапирмоқчиман, – ўрнидан турди қандайдир ажнабий. – Мен суряяликман. Сизларнинг тилингизни унча яхши билмайман. Мен мана шу савдогар дўстимни қандай аташ лозимлигига аниқлик киритмоқчи эдим. Балки сизларга ҳурматсизлик бўлиб туюлар, лекин Суряядга қандай аталишини биламан. Илтимос, менга ёрдам беринг, ўзига фойда қелтирадиган ва ортга чўзиб бўлмайдиган ишни мудом ортга сурадиган одамни нима деб аташ керак?

– Баҳона қидирувчи, баҳоначи, – кимнингдир овози келди.

– Ҳа, айнан шундай! – қичқириб юборди суряялик. – Бундай одам қулай имкониятдан фойдаланмайди. Кү-

тади. Ишлари кўплигини баҳона қиласди. Лекин баҳтли имконият бундай журъатсиз йигитни кутиб ўтирумайди. У агар одам омадли ва баҳтли бўлишни хоҳласа, тезкор ҳаракат қилиши лозим деб ҳисоблайди. Имконият пайдо бўлганида зудлик билан фойдаланмаган инсон савдогар дўстимиз каби улуг баҳоначидир.

Савдогар ўрнидан турди ва жаранглаган кулгига жавобан якдил таъзим қилди:

– Менинг чуқур ҳурматимни қабул эт, мөхмон, чунки сен ҳақиқатни гапиришдан чўчимадинг.

– Энди эса, келинг, баҳтли имконият ҳақида бир ҳикоя эшиштайлик. Қайси бирингиз сўзлайсиз? – сўради Аркад.

– Мен, – жавоб берди қизил кийим кийиб олган киши.

– Мен чорва, асосан туя ва отларни харид қилиб пуллайдиган одамман. Қўй ва эчкиларни ҳам сотиб оламан.

Бир куни туя қидириб ҳолдан тойдирган ўн кунлик сафаримдан қайтиб келгач шаҳар дарвозалари қулфлигини кўриб газабим қўзиди. Қулларим ката тортиб жой тайёрлагунларича менга ўхшаб ярим тунда ёпиқ дарвоза ортида қолиб кетган кекса ҳамкасбимнинг ёнига бордим.

– Кўринишингга қараб сени чорва сотиб оловчи деб ўйлабман, – деди у менга. – Агар ҳақиқатан ҳам шундай бўлса, сенга ёш қўйларимни сотмоқчи эдим. Хотимим касал, уни беззак тутиб ётибди. Мен тезда уйга қайтиб кетишум керак.

Тун шунчалик зулмат қўйнида эдик, унинг қўйлари кўринмасди, лекин маърашидан қўплиги билиниб турарди. Ўн кун туя қидириб тополмаганим учун у билан битим тузишга тайёр эдим. Яхшигина нарх белгилангач рози бўлдим. Эрталаб қулларим подани шаҳарга ҳайдаб киргандаридан сўнг қўйларни яхшигина пуллаб, анча-мунча фойда кўришимга ишончим комил эди.

Битим тузилгач қулларимга тўққиз юзга яқин қўйни битта-битта ҳисоблаб қабул қилиб олишимиз учун

шамларни ёқиб келтиришларини буюрдим. Сувсаган, толиққан ва бетартиб ҳаракат қилаётгандын жониворларни ҳисоблашдағы қийинчилекларни гапирмай құяқолай. Бу аді оған майдынан муаммо бўлиб чиқди.

Шунинг учун ҳалиги савдогарга ҳисоб-китобни эрталаб қилишишмени айтдим.

– Илтимос, – ялинди у, – орқага қайтиб кетишими учун пулнинг учдан иккى қисмини тұлласанғ ҳам майли. Сенга әнг ақлли ва ҳисоб-китобни биладиган қулимни ташлаб кеттаман, у эрталаб қўйларни ҳисоблаб чиқушингга ёрдам беради. Пулнинг қолган қисмини ундан бериб юборсанғ ҳам розиман.

Лекин мен қайсар әдим ва кечаси пул тўлашдан бош тортдим...

Эртаси куни уйгонмасымданоқ шаҳар дарвозалари очилиб, тўртта мол сотиб олувчи қўй қидириб чиқди. Улар жудаям шошишар, шаҳар қуршовда қолиши эхтимоли бўлиб, озиқ-овқат омборлари бўшлиги сабабли катта пул тўлашга тайёр әдилар. Савдогар қўйларини уларга кеча менга таклиф қилган нархидан дөярли уч баробар қумматига сотди. Мен омадимини қўлдан чиқариб юборгандим.

– Бу ҳикоядан чиқадиган хуроса шуки, битим тўғри ва ақл-идрок билан тузилганига ишончимиз комил бўлса, дарҳол пул тўлашимиз керак, – деди төрига ишлов бериш устаси. – Агар мазкур битим сен учун яхши ва фойдали бўлса, бошқа одамнинг таъсиридан қутқарганинг каби ўзингни ўзинг журъатсизликдан халос этишинг керак. Биз, бандалар, шунчалик ўзгарувчан ва бетайинмиз. Фикримизни адашганимиздан кўра кўпроқ ҳақ бўлганимизда ўзгартирамиз. Ноҳақ бўлганимизда ёки адашганимизда, аксинча, қатъиilikни намоён әтамиз. Ҳақ бўлгандын ҳолларимизда эса, қарангки, иккилана-миз ва қатъиятсизлик билдирамиз. Натижада қулай имкониятни қўлдан чиқарамиз ва омадимизни учирив юбо-рамиз. Менинг дастлабки фикрим ҳар доим тўғри бўлиб

чиқади. Шунга қарамаң, мұваффақиятли битим тузиша-да қийналаман. Үзимни иккиланишдан муҳофаза қилиш ниятида олдиндан озгина пул беріб қўйишга үзимни мажбур қиласман. Бу менинг үзимники бўлиши мумкин бўлган омад ҳақидаги афсус-надоматлардан қутули-шимга ёрдам беради.

Суриялик яна ўрнидан турди:

– Бу ҳикоялар бир-бирига жуда ўхшаш. Ҳар сафар баҳтли ҳодиса аниқ бир сабаб билан қўлдан чиқиб кетади. Сабаби шундаки, ўша ҳодиса «баҳоначи»га ҳара-кат учун аниқ режалар билан келади. Бундай одамлар: «Ҳозир мен учун энг қулай фурсат, уни тезда бажара-ман», – дейиш ўрнига, иккиланадилар ва ишонмайдилар. Улар қандай қилиб мұваффақиятга эриша олардилар?

– Сенинг сўзларинг жуда ҳам пурмаъно, дўстим, – жавоб берди чорва савдогари. – Иккала ҳолда ҳам вақт чўзилгани сабабли омад қўлдан бой берилган. Лекин бунинг ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Биз, ҳаммамиз, бой бўлишни истаймиз, лекин кўпинча шундай баҳтли им-коният тугилганида ичимизда ўтирган бой бериш руҳи бизни турли баҳоналар топишга ва қарор қабул қилишда вақтни чўзишига мажбур этади. Мана шу руҳнинг гапига қулоқ солиб вақтни бой берамиз ва үзимизга үзи-миз ашаддий душман бўлиб қоламиз. Ёшлик пайтларимда суриялик дўстимиз айтган «вақтни бой бериш руҳи» деган тушунча менга нотаниши эди. Аввалига барча омадсизликларимга нотўғри фикр юритишларим ва баҳо беришларим сабабчи, шу орқали даромад олиб ке-ладиган битимларни йўқотаман деб ўйлардим. Кейин-чалик омадсизликларим сабабини қайсар феълимда деб ўйлай бошладим. Ниҳоят, ҳаммасининг асл сабаби да-диллик ва тезкорлик билан ҳаракат қилиш керак бўлган пайтда ишни ортга чўзиш ва ташлаб қўйиш эканини англаб етдим. Омадсизлигим сабабларини тушуниб етганимда қаттиқ хафа бўлдим. Аравага боғлаб қўйил-

ган ёввойи эшакка хос интилиш билан омадим йўлида турган мана шу душманимнинг чангалидан чиқиб кетишига интилдим.

– Мен ҳурматли савдогаримизга бир савол бермоқчи эдим, – яна гап бошлиди суряяпик. – Сен камбагалларникуга ўхшамаган қимматбаҳо кийимлар кийиб олгансан. Катта омадга эришган одамлар сингари гапирасан. Айт-чи, ишни орқага тортадиган вақтни бой бериш руҳи қулогингга шивирлаганида ҳам унинг айтганларига қулоқ соласанми?

– Чорва билан савдо қилувчи дўстимиз каби бу душмандан қутулиш учун менга ҳам вақт керак бўлди, – жавоб берди савдогар. – «Вақтни бой бериш руҳи» барча режаларимни бузиш ва чўққиларга чиқишимга халақит бериш учун мени доим кузатиб турган душманим бўлиб чиқди. Вақтни бой бериш руҳи душманингиз эканини тушуниб етган вақтингииздан бошлаб уни енгизингиз қийин бўлмай қолади. Ўгри бугдоини үгирлааб кетишаётганини бамайлихотир кузатиб туролмайди. Ҳеч ким ўз хоҳишига кўра рақиб унинг буюртмачилари ни олиб қўйишига ва келадиган барча маблагини ўмариди кетишига йўл қўймайди. Мен душманим – вақтни бой бериш руҳи шу ишларни қилаётганини тушунганим заҳоти қатъийлигум туфайли ундан халос бўлдим. Бобил бойликларидан баҳраманд бўлишини ўйлаган инсон, аввало, «вақтни бой бериш руҳи»дан халос бўлиши лозим. Нима дейсан, Аркад? Бобилда энг бой одам бўлганинг учун кўплар сени омадли одам деб ҳам жар солишмоқда. Ҳар қандай одам вақтни бой бериш руҳидан қутулмагунича омадга тўла-тўкис эришолмайди. Шу фикрга қўшиласанми?

– Ҳа, бу айнан сен айтгандек, – рози бўлди Аркад. – Ҳаётим давомида бир авлод кетидан кейинги авлоднинг омад сари элтадиган савдо, билим, фан йўллари орқали кетма-кет бораётганини кузатиб келмоқдаман. Баҳтли имкониятлар ҳар бир инсонда бўлади. Фа-

қат баъзилар уларни маҳкам тутади ва юраги тубидаги хоҳишлари йўлида аста-секин фойдаланади. Кўпчилик эса иккиланиб, ишонмасдан ҳаракат қилишда давом этаверади ва оқибаттда қолиб кетади, – Аркад тўқувчига юзланди, – бизга омад ҳақида сухбат юритишни сен таклиф қилдинг. Энди бу ҳақда ўзингнинг фикрингни билмоқчимиз.

– Авеалига мөн омад ҳеч қандай ҳаракатсиз эришса бўладиган нарса деб ўйлардим, – деди тўқувчи. – Энди бундай ҳодисаларни одам қандайдир таъсир кўрсатиб, ўзига жалб қилиши мумкин бўлган ҳоллар турига кирмаслигини тан оламан. Ўзаро мунозарамиз натижасида омадни ўзига жалб қилиш учун кўпчилик дуч келган имкониятлардан фойдаланиши кераклигини тушундим. Шунинг учун келажакда барча имкониятлардан фойдаланишим лозим.

– Биз кўриб чиқкан ҳақиқатларни сен яхши тушуниб етдинг, – эътироф этди Аркад. – Биз қидираётган омад кўпинча имконият кетидан келади, бошқа йўл билан эса камдан-кам келади. Савдогар дўстимиз сахий авлиёмиз томонидан берилган имкониятлардан фойдаланганида, жуда катта омадга эга бўлур эди. Чорва сотиб олувчи дўстимиз қўйлар борасида битимини охиригача етказганида ва уни катта даромад эвазига сотганида, келган омад натижаларидан роҳатланиши аниқ эди.

Мунозарамиз давомида омадни жалб этиш учун қандай йўллардан фойдаланишимиз мумкинлигини аниқлашга уриндик. Шундай йўлни топдик деб ўйлайман. Иккала ҳикоя ҳам имконият кетидан омад келишини кўрсатади. Бу эса омаддан вақтида фойдаланиб қолиш ёки уни қўлдан чиқариб юбориш ҳақидаги ҳеч қандай ҳикоя ўзгартиrolмайдиган ҳақиқат борлигини намоён этади. Бу ҳақиқат шуки, омадни фақатгина имкониятдан фойдалангандағина чорласа бўлади.

Ҳар қандай имкониятдан фойдаланганлар Омад ило-

ҳининг қизиқишига сабаб бўладилар. У ҳар доим ўзиға ёққанларга ёрдам беришга интилади. Ўнга серҳаракат инсонлар, айниқса, хуш ёқади.

Ҳаракат сени ўзинг хоҳлаётган омадларинг сари олга чорлаши көрак. Ҳаракатчан одамларгини Омад илоҳининг назари тушганидан фойдаланадилар.

V ҚИСМ.

Устоз айтиб берган ўгитларга амал қилған Икромжон уч йил давомида ўз бойлигини анча күпайтирди. Лекин Асилбекники билан солиштирганда денгиздан томчидек эди. Шунинг учун баҳор кунларидан бирида тамадди қилиб бўлгач, холи қолғанларида Икромжон Асилбекдан сўради:

- Ота, қандай қилиб шунча катта давлат йиғдингиз?
- Мен бу саволни анчадан бери кутаётгандим. Шу саволни берибсанми, демак, бир вақтлар ҳаётимни буткул ўзгартириб юборган ҳикояни тинглашга тайёрсан.

Асилбекнинг олтинчи ҳикояси

БОБИЛЛИК ИШБИЛАРМОН

Эллик олтин танга-я! Қадимиий Бобилда найзалар ясадиган уста Родан ўзининг ҳамёнида ҳали бунчалик кўп олтин тангаларни кўрмаганди. У дунёдаги энг сахий шоҳ ёнидан чиққач саройдан пастга, шоҳқўча бўйлаб шахдам қадам ташлаб борарди. Ҳар қадам ташлаганида белбогига боғланган ҳамёнидаги тангалар жарингларди. Бу пулларнинг ҳаммаси уники! Родан омадига ишонгиси келмасди. Жаринглаб турган тангаларда қандай куч бор экан-а! Бу пулга хоҳлаган нарсасини – уй, өр, чорва, туя, от, арава сотиб

олиши мумкин. Яна нималарга сарфласа бўлади? Шу кун тунда у опасининг уйи томон буриларкан, бошка ҳеч нарса ҳақида ўйлолмасди.

Бир неча кундан сўнг кечки пайтда тақинчоқ ва ноёб матолар сотувчиси Матоннинг дўконига кириб келди. Чиройли қилиб ёйилган молларга қиё боқмай хоналардан ўтиб, уйнинг орқа томонига чиқди. Шу ерда у ҳимматли Матонни кўрди. У гиламча устида ўтирар, қора танли қул хизмати остида овқатланарди.

— Мен сен билан бир масалада маслаҳатлашмоқчи эдим, — деди Родан.

Матоннинг юзида дўстона кулги пайдо бўлди:

— Сен қандай ножўя қадам босдингки, мен керак бўлиб қолсам? Ёки бирорта дўймбоқча сени тузогига илинтирудими? Шунча йиллардан бери ҳали ҳеч қачон ҳузуримга ёрдам сўраб келмагандинг.

— Менга ҳақиқатан ҳам сенинг маслаҳатинг керак.

— Эшигинглар. Бу одам нималар деялти! Менинг ёнимга ҳеч ким, ҳеч қачон маслаҳат сўраб келмайди. Қулоқларим ёмон эшигадиган бўлиб қолган, шекилли.

— Яхши эшиятти.

— Олтин қўллари ва санъати билан довруқ қозонган уста Родан Матоннинг ёнига пул учун эмас, маслаҳат учун келса! Аксар одамлар менинг ҳузуримга пул сўраб келади, аммо ҳеч қачон маслаҳатга зор эмас улар. Хўш, сени нима безовта қиляпти?

— Мен шоҳ совгасидан таажжубдаман.

— Шоҳ совгасидан? Нима экан у?

— Шоҳ жангчиларининг найзалари учун мен таклиф қилган чизмалардан мамнунлиги сабабли ҳадя тариқасида эллик танга берди. Энди мен жуда оғир аҳволда қолдим. Одамлар ана шу пулларимни олиш учун менга мурожаат қилмоқдалар.

— Бу табиий. Пули бор одамлардан кўра уларга эга бўлмоқчи бўлганлар кўпроқ. Бу одамлар кимдир улар билан ўз пулларини жон деб бўлишишларини хоҳлайдилар.

«Йўқ» дөёлмайсанми? Сенинг ироданг қўлларинг каби мустаҳкам эмасми?

– Мен кўпларга «йўқ» деб айтоламан. Лекин «йўқ»дан кўра «ҳа» дейиш осонроқ. Масалан, одам ўз опасига қандай қилиб рад жавобини бера олади?

– Албатта.

– Лекин опам бу пулларни эри Араман учун сўрамоқда. Унинг бой савдогар бўлишини жуда ҳам хоҳлайди. Бошқа бунақа имконияти бўлмайди деб ўйлаяпти. Пулларимни у омадли савдогар бўлиб, менга ўз даромадидан аста-секин қарзини тўлай бошлагунига қадар бе-риб туришимни сўраяпти.

– Дўстим, – деди Матон, – сен жуда муҳум масалада келибсан. Пуллар одамларга аниқ бир жавобгарлик юклайди, яқинлари билан бўлган муносабатларига таъсир этади. Одам ўз пулларини ўйқотиб қўйишдан ёки уларни бирор кимса алдаш йўли билан олиб қўйшишдан қўрқа бошлайди. Пуллар куч-кувват ҳиссиётини ва эзгу ишларни амалга ошириш қобилияtlарини баҳш этади. Лекин яна шундай имкониятлар очиб берадики, энг эзгу ниятлар ҳам жуда катта қийинчилукларга дучор қилиши мумкин.

Сен ҳайвонлар тилини тушунадиган ниневиялик савдогар ҳақида эшиштганмисан? Қарзга пул олмоқ ва бермоқ уларнинг бир одам қўлидан иккинчисининг қўлига ўтишидан кўра анчагина катта иш эканини тушунишинг учун сенга бир тарихни сўзлаб бермоқчиман.

Ҳайвонлар тилини тушунадиган бир савдогар улар ҳар кечада нималар ҳақида сўзлашишларини тинглаш учун фермада қоларкан. Бир кечада у ўйқиз эшакка ўз ҳаётидан арз қилганини эшишиб қолибди: «Мен эрталабдан-кечгача омоч тортишга мажбурман. Кун қанчалик иссиқ бўлмасин, оёқларим нақадар оғримасин, ишлашга маҳкумман. Бу вақтда сен бекорчиликни безайдиган боласан. Чиройли духоба билан ёпингансан, ишинг фақатгина хўжайинни бирор жойга олиб бориб қўйиш. Агар

ҳеч қаёққа бормаса, куни билан дам олишинг ва ўт ейишинг мумкин.

Түёқлари кучли ва ўзи эпчиллигига қарамай, эшак яхши дўст эди ва ҳўқизни ҳурмат қиласарди.

«Азиз дўстим, – жавоб берди у, – ишинг ҳақиқатан ҳам оғир, мен ёрдам бериб қисматингни енгиллатишни хоҳлардим. Шунинг учун сенга қандай қилиб дам олиш мумкинлигини айтаман. Эрталаб қул келиб сенга бўйинпўштни кийдирмоқчи бўлганда индамай ётавер. У хўжайнга бориб сенинг касал бўлиб қолганингни, ишга чиқолмаслигини етказади».

Ҳўқиз эшакнинг айтганини қилибди. Эрталаб қул хўжайнининг ёнига келиб ҳўқиз омоч тортолмаслигини маълум қилибди.

– Унда, – дебди хўжайн, – омочни эшакка кийдир, чунки ер чопишни давом эттириш керак.

Дўстига маслаҳат берган эшак кун бўйи унинг ишини бажаришга мажбур бўлибди. Кечаси омочдан ечиб олганларида у оғир иш юрагини эзганини, оёқлари оғриётганини, бўйнининг омоч кийдирилган жойларида ишқаланганидан териси кўчиб кетганини сезибди.

Савдогар ҳайвонларнинг гапини эшишиш учун яна фермада қолибди.

Биринчи бўлиб ҳўқиз сўз бошлибди: «Сен ҳақиқий дўст экансан. Ақлли маслаҳатинг туфайли мен бир кун дам олдим».

«Мен, – жавоб берибди эшак, – дўстига ёрдам бе-риб, унинг барча ишларини ўзига юклаб оладиган кўнгли очиқ одамларга ўхшайман. Бундан кейин омочингни ўзинг тортишингга тўғри келади, чунки мен хўжайнин ўз қулига, агар сен яна касал бўлиб қолсанг, қассобга одам юборишни буюрганини эшишдим. Бахтингга, ўша одам дангаса бўлиб чиқишини истардим». Шундан сўнг улар бир-бирларига бир сўз ҳам айтишимади – уларнинг дўстликлари тугади.

– Бу қизиқ масал экан, лекин унда ҳеч қандай маъно кўрмадим, – деди Родан.

– Маъноси жуда оддий. Агар дўстинга ёрдам беришни хоҳлассанг, унинг барча муаммоларини зиммангга олишингга тўғри келмасин.

– Бу ҳақда ўйламабман. Поччамнинг муаммоларини зиммамга олишни хоҳламайман, албатта. Сен кўпларга қарз берасан, айт-чи, қарзга пул олганлар уларни қайтариб беришлари лозим эмасми?

Матоннинг юзида ҳаётида бундай ҳодисалар кўп бўлганини ифодалайдиган жилмайиш пайдо бўлди.

– Қарз олган одамнинг қайтариб беришга имконияти бўлмаса, унга пул бериб бўладими? Унинг пуллари эзгулик мақсадида ишлатиладими, кейинчалик унга қайтиб келадими ёки уларни ақл билан ишлатолмайдиган одам қўлига тушгани сабабли ўз давлатидан маҳрум бўлиб, тўлаб беролмайдиган қарзлар билан қолиб кетмайдими, ана шуни яхшилаб текшириш лозим.

Шундай одамлар учрайдики, уларнинг на молиявий қимматликлари, на ишлаб топишларига кафолат берадиган имкониятлари бор. Ҳаёт шафқатсиз, унга ўрганолмаган одамлар ҳар доим топилади. Олаётган қарзи кичик бўлишига қарамай, қарз олувчи ҳақида дўстлари томонидан унинг пок ва тўгрилиги борасида кафолат олмай пул бўрсам, кейинчалик дакки ейишим турган гап.

Матон илгакни ечди ва бир сандиқчани очди. Унинг устки қисмида бронза занжир ва қизил рангли мато ётарди. Матон занжирни қўлига олди.

– Бу нарса сандиқчамда умрбод қолади, чунки эгаси у дунёга кетиб бўлган. Мен ўша одам ҳақидаги хотирамни ушбу занжир билан биргаликда эҳтиёт қилиб асрайман. У менинг яхши дўстим эди. Биз биргаликда муваффақият билан савдо қилардик, кейин у шарқлик аёлга ўйланди. Бу аёл ниҳоятда гўзал эди. Лекин бизнинг аёлларга ўхшамас, ноёб эди. Дўстим унинг барча хоҳи-

ларини амалга ошириш учун пулларини аямай сарфлай бошлади. У барча пуллари тугаб, қашшоққа айланган вақтида ёнимга келди. Ишларини мұхокама қылдым ва у қайтадан мустақил ишига әзге бўлмагунича ёрдам беражагимни айтдим. У Буюк Бузоқ тамгаси устидаги мақсадларига эришажагига онт ичди. Лекин бу мақсади юзага чиқмади. Бир куни жанжаллашиб қолган вақтларидаги хотини унга қараб пичоқ отди ва у дўстимнинг нақ юрагига қадалди.

– Хотини...

– Хотини қилган ишларидан қаттиқ пушаймон еб, ўзини Ефрат дарёси қаърига ташлади. Бу икки одамнинг қарзи ҳеч қачон қайтарилмайди.

Матон сандиқча ичидан кўк тошдан ясалган қўнгизчиқарди ва энсаси қотганича ерга улоқтириди.

– Бу қўнгиз Мисрда ясалган. Эгаси ёш йигит, пулларимни қачон бўлса-да қайтариб олишим ҳақида сира гам өмайди. Уни уришганимда «мени аччиқ қисмат таъқиб қилаётган вақтда қандай қилиб пулларингни қайтариб бершишим мумкин? Шундоқ ҳам пулларинг кўп. Мен нима қила оламан?» деб жавоб беради. Аслида, бу унинг отасига тегишили – у яхшигина даромадга эга ўглининг тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлаш учун ери ва подаларини тикишга мажбур бўлган инсон. Аввалига бу ёш йигитга омад ёр бўлди, лекин бора-бора катта бойликка интилишига муккасидан берилди. Аммо бу борада салоҳияти етмай, оқибатда ишлари барбод бўлди. Ёш одамлар шон-шарафга берилганлар. Бойликка тўппа-тўғри олиб борадиган энг қисқа йўлни топишни хоҳлайдилар. Тез бойиб кетиши ниятида ёшлар кўпинча ўйламай қарз оладилар. Тажрибага эга бўлмаганликлари сабабли қарзлар одамлар тушиб қолиб, чиқиб кетиши қийин бўлган чукурга ўхшашини ва бу чоҳдан чиқиб кетиши учун кўп кунлар давомида беҳуда ҳаракатга тушиб қолишлари мумкинлигини тушунмайдилар. Мен бирорвга қарз берманг демокчимасман. Факат шу пул-

лар хайрли ишларга йўналтирилган бўлсагина беринг-лар деб тавсия этмоқчиман, холос. Мен ўз мустақил ишимни қарзга пул олиб савдогарликдан бошлаганман.

Пуллар бошига қийинчилик тушганиларга ёрдам бериш учун яхши восита. Улар йўлнинг бошида турганларга, олдинга ҳаракат қила оладиган ва фойдали инсон бўладиганларга ёрдам бериш учун ниҳоятда керак. Лекин ёрдамни ақл билан қилишимиз зарур. Акс ҳолда, эшак каби бошқа одамнинг қисмати бўлган қийинчилик ва ташвишларни ўзимизга ортиб олишимиз ҳеч гапмас.

Ўз меҳнатинг билан топганларинг, мукофот тариқасида олганларинг – барчаси сенинг шахсий мулкинг, ҳеч ким, ўзинг хоҳламасанг, бу пулларинг билан бўлишишингни талаб қилолмайди. Агар сен шу пулларни қарзга бериб кўпроқ пул ишлаб олишни хоҳласанг, эҳтиёткорлик билан уларни бир неча қисмга бўлиб иш тут. Мен ишлатилмаган ва ҳаракатсиз пулларни ёмон кўраман, лекин ундан ҳам ёмон кўрганим жуда катта таваккал қилишадир. Сен наизалар тайёрлайдиган уста бўлиб неча йил ишладинг?

– Роппа-роса уч йил.

– Шоҳ берган мукофотдан ташқари қанча пул жамгардинг?

– Учта олтин танга.

– Ҳар ишлаган йилингда даромадингдан бир танга олиб кўйиш учун ўзингни кўп нарсалардан тийиб келдинги?

– Ҳа, шундай.

– Үнда эллик йил ўзингни тийиб эллик танга йигишинг мумкин экан-да? Опанг эрининг савдо ишида ўзини синаб қўриши учунгина бронза эритуевчининг қўлида эллик йил ишлаб пул йигиб келган одамнинг омонати билан таваккал қиласи деб ўйлайсанми?

– Бу сўзларни айтсам, у хоҳламай қолса керак.

– Унинг ёнига боргин-да: «Уч йил рўза тутган кунла-

римдан ташқари, ҳар куни ишиладим ва ўзим хоҳлаган кўп нарсаларни рад этдим. Ишим ҳисобидан ва ўзимни ҳар доим чеклаб келган ҳолда ҳар йили бир олтин тангадан йигишига муваффақ бўлдим. Сен менинг севикли опамсан, поччам кўп нарсага эриша оладиган иш билан шугулланишини хоҳлардим. Агар у менга режаларини тақдим этса, уларни дўстим Матон қувватлаганидан сўнггина ўзини синаб кўриши учун бир ишллик жамгармамни унга жон деб беришга розиман», – деб айт. Худди шундай дөгин. Агар кўнглида қўйган мақсадига эришиш нияти бўлса, сенга исботлаб беради. Мабодо муваффақиятсизликка дуч келадиган бўлса, жилла қурса, сенга катта пул қарз бўлмайди ва бир кун келиб пулингни қайтариб беришига умид қиласа бўлади.

Пулларинг қандай қилиб катта даромад келтиришини биламиз деган тажрибасиз одамларнинг амалга ошимайдиган режаларига ҳам берилиб кетма. Бундай режалар ҳаётдан олис бўлган хаёлпарастларнинг меваляридир, улар савдонинг эътиборга молик ва ишонарли қонунларини билмайдилар ва тушунмайдилар. Ўз пулларингни сақлаб қолиш ва улардан фойдалана олишинг учун келажакда келадиган даромадингга нисбатан қилаётган ҳисоб-китобларингда камтар бўл.

Муваффақиятлари тургун ва ҳар томондан тан олингган кишилар билан иш тутишга интил, уларнинг тажриба ва билимлари пулларингни муҳофаза, катта даромад келтирадиган қилсин.

Шоҳ совгаси сенга ҳаёт ҳикматини ўргатиш учун берилган, Родан. Агар сен эллик олтин тангангни сақлаб қолсанг, ҳақиқатан ҳам ЭҲТИЁТКОРЛИК қилган бўласан. Кўплар сенга мазкур пулларни ишлатишни тавсия этадилар, жуда кўп маслаҳатлар эшиштасан. Аммо менинг сандиқчамда ётган нарсалар тарихи пулларингнинг бир тангаси бўлса ҳам ҳамёнингни тарк этишидан аввал уни қайтариб олишининг синалган усулига эга эканингга ишончинг комил бўлиши зарурлиги ҳақида

сени огоҳлантиришилари лозим. Агар маслаҳатим сенга тўғри келса, унга қайта-қайта мурожаат этишинг мумкин.

Сандиқчамдаги мен ўйиб чиққан сўзларни ўқиб чиқ. Улар ҳаммага бир хил даражада төғишили: «Катта афсусдан кўра кичик эҳтиёткорлик афзалдир».

– Шундай қилиб, Икромжон, – хизматкорига ишора билан чой келтиришни буориб деди Асилбек, – бойларнинг донишмандлиги шундаки, улар кам бўлган ҳаётий кучларини эҳтиёткорлик билан тақсимлайдилар. Ҳамма нарсани олдиндан ўйлаб иш тутгин, чегарани бил, ўшанда ҳаёт сени тўла-тўкис мукофотлайди.

VI ҚИСМ.

Асилбек бир ойдан сўнг Маккай Мадинага йўл олаётган карвон билан бирга мусулмонлар зиёрат қилувчи муқаддас масканга кетажагини эълон қилди.

– Ишларни, Икромжон, вақтинча сенга ташлаб кетмоқчиман. Уларнинг уддасидан чиқасан.

– Ишончингиз учун раҳмат, ота, бор кучимни шу ишга сарфлайман.

– Менинг сафарим узоқ ва қийин кечади. Балки Яратган мени хузурига чақириб олар. Шунинг учун васиятнома ёзиг қолдирмоқдаман. Агар уч йилдан сўнг қайтиб келмасам, васиятимни адо этишинг лозим.

Икромжоннинг кўзларидан ёш оқа бошлади. Йиллар мобайнида бу инсон унга қанчалик яқин бўлиб қолганини шу дамда тушунди.

– Йиғлама, ўғлим. Ахир, мен ҳали тирикман. Сени чақирганимнинг яна бир сабаби еттинчи ҳикоямни сўзлаб бермоқчиман.

Асилбекнинг еттинчи ҳикояси

БОБИЛЛИК САВДОГАР

Одам қорни қанчалик оч бўлса, калласи шунча аниқлик билан ишлайди ва овқат ҳидуни ҳам шунчалик яхши сеза олади. Азур ўғли Тарқад ана шундай ўйларди. Мана,

икки кунки у бирорнинг дөвори ортидан узиб еган икки дона узумдан ташқари ҳеч нарса тановул қилгани йўқ. Яна узишга улгурмади, чунки уй эгаси югуриб чиқиб унинг кетидан қувлаб кетди. Бу аёлнинг чийиллаган овози Таркад бозор майдонига келганида ҳам қулоқла-ри остида жаранглаб турарди. Бақир-чақир бамисоли унинг қўлларини маҳкам бояглаб қўйган ва савдогар хотинлар саватидаги сархил мевалардан бирортасини ҳам ўғирлашига йўл қўймасди.

Бунгача Таркад Бобил бозорларига шунча кўп мева-чево келтирилишини ва улар хушбўй ис тарата олиши ҳақида ўйламаганди. Бозорни тарк этаркан, ошхона ҳовлисига кирди ва эшик ёнида у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Балки бирорта танишини учратиб, жилла курса, бир танга қарз олар. Бу танга унга ҳовли эгасининг табассуми ва яхшигина овқат олишига туртки бўларди. Пули бўлмаган вақтда эса ҳовли эгаси уни қанчалик ёқтирмаслигини жуда яхши биларди.

Ўз хаёлларига чўмид ўтирганида у учратгиси келмаган одам – Дебазир исмли новча, суюклари йирик туялар савдогари билан тўқнаш келиб қолди. Дўстлари ва кичик-кичик қарзлар олган бошқа инсонларга нисбатан у, айниқса, Дебазирнинг қаршисида ўзини жуда ноқулай сезарди. Чунки Таркад зудлик билан қарзини қайтариш ҳақидағи ваъдасининг устидан чиқмаганди. Уни кўриши билан Дебазир жонланиб қолди.

– Ҳа! Мана ўша бир ой муқаддам мендан икки темир танга, ундан аввалроқ эса бир кумуш танга қарз олган Таркад! Учрашганимиз яхши бўлди. Мен ўша пулларимдан айнан шу бугун фойдаланмоқчиман. Хўш, нима дейсан?

Таркад юзлари қизариб, дудуқланиб қолди, кечирим сўради. Унинг ошқозони бўм-бўш бўлиб, очиқкўнгил Дебазир билан талашишга куч берадиган ҳеч вақо йўқ эди.

– Айбдорман! – деди секингина у. – Лекин қарзни қай-

тариш учун ҳозир на төмір тангам, на кумуш тангам бор.

– Үнда уларни топ, – талаб қилди Дебазир. – Қийинчиликда қолганингда сенга ёрдам берган отанғининг дүстігі бағрикенглік қылғаны учун иккі төмір ва биттә кумуш танга топиб бера оларсан, әхтимол?

– Йўқ, қарзимни түрлөлмайман, чунки бу жоҳил дунё мени таъқиб қилмоқда.

– Жоҳил дунё! Сен авлиёларни ўзингнинг заифлигингда айбламоқчи бўляпсан. Жоҳил дунё олган пулларини қайтаришдан кўра уларни олишини ўйлаган ҳар қандай инсонни таъқиб этади. Юр, дўстим, мен овқатланмоқчиман. Қорним оч, тановул вақтида сенга бир воқеани айтиб бераман.

Таркаднинг жаҳли чиқди, лекин Дебазир учун унинг сўзларида ҳеч бўлмаса тамадди қилиши таклифи жаранглаганди. Дебазир уни хона ичкарисидаги бурчакка олиб ўтди. У ерда икковлон кичкина гиламчалар устига жойлашдилар.

Муассаса хўжайини Каускор табассум билан уларнинг ёнида пайдо бўлганида Дебазир доимигдай очиқлик билан унга мурожаат этди:

– Саломат бўл, чўлнинг семиз калтакесаги! Менга яхшилаб қовурилган улоқ оёгини, яна нон ва сабзавотлардан келтир. Қорним оч, яхшилаб тамадди қилмоқчиман. Дўстим ҳақида ҳам унутма. Унга бир кўза сув олиб кел. Келтиришдан аввал уни совутгин, ахир, бугун ҳаво жуда иссиқ.

Таркаднинг юраги увишди. Бу одам улоқ оёгини иштиёқ билан еб ўтирганида у сув ичиб қараб ўтиришга мажбур. Таркад ҳеч нима дөмади, гап тополмади ҳам. Аммо Дебазир сукут нималигини билмаган инсонлардан эди. Келган одамларга табассум билан қўл силтаб сўзида давом этди:

– Мен яқинда Урфадан қайтган бир саргузашт ишқибозидан аломат тош эгаси бўлган бир одам ҳақида

эшиштдим. Бу тош шунчалик ясси ва ингичка эканки, у орқали ҳамма нарсани кўрса бўларкан. У ёмғирдан сақланиш учун уйининг ойна дарчасига шундай тошни ўрнатган экан. Саёҳатчининг сўзларига кўра, агар ўша тош орқали ташқарига қаралса, ташқи дунё нооддий, ажойиб кўринаркан. Таркад, нима деб ўйлайсан, одам бутун дунёни, у ҳақиқатан ҳам бўлганидан бошқача тарзда кўра оладими?

— Кўра олади деб ўйлайман, — жавоб берди Таркад.

— Мен ҳам шундай деб ўйлайман, чунки ўзим ҳам дунёни аслидан бошқача кўрганман. Сенга айтиб бермоқчи бўлган ҳикоям дунёни яна қандай қилиб ҳақиқий тарзда кўра бошлаганим ҳақида.

— Дебазир ҳикоясини бошлади, — дея шивирлади тамадди қилаётганлардан бири ёнидаги шеригига ва гиламчасини яқинроқ сурисиб ўтироди. Бошқалар ҳам яқин келдилар. Улар олдиларидағи гўшт сүякларини қисирлатганча чайнаб Таркаднинг гашига төзишарди. Ахир, фақатгина Таркад овқатсиз ўтирибди. Дебазир уни овқатига шерик бўлишга таклиф қилиш ўёқда турсин, ҳатто нондан кичкина ушоқ тушиб кетганида ҳам уни олишга ишора қилмади.

— Мен гапириб бермоқчи бўлган ҳикоя, — сўз бошлади Дебазир, — аввалги ҳаётимга тааллуқли. У қандай қилиб эчки савдогари бўлиб қолганим ҳақида. Сизларнинг бирортангиз мен бир вақтлар Сурияда қул бўлганим ҳақида эшиштганмисиз?

Паст овозда шивир-шишивирлар бўлди.

— Ёш йигит бўлганимда, — давом этди Дебазир, — отамнинг касби – этикдўзликни ўрганарадим. Биргаликда унинг этикдўзлик устахонасида ишладим. Ўйландим. Ёш ва тажрибасиз бўлганим боис фақат гўзал хотинимнинг ҳаётини таъминлашга етадиган пул топардим, холос. Мен яхши кийимлар эгаси бўлишни жуда ҳам хоҳлар, лекин бунга имконим етмасди. Озгина вақтдан сўнг устахоналар эгалари менга ишонишларини ва

қарзларимни көчрок қайтаришимга рухсат берәётгандарини сезиб қолдим.

Үз истакларини ортиқча ардоқлайдиган мәндек одам күлфат өткізу үзіншілік балоларини үзиге үйлиқтирадиган бўлиб қолишини билмасдим. Шундай қилиб, үзим ва хотиним учун янги кийим-кечак, уйимиз учун чиройли жиҳозлар сотиб олишда үзимни тия олмасдим.

Мен қарзларимни имконим бўлганида тўлардим. Қандайдир вақт ичидаги ҳаммаси рисоладагидек эди. Аммо бора-бора мен топган пул бир вақтнинг үзида ҳам яшашига, ҳам қарзларимни тўлашга етмаётганини сезиб қолдим. Қарз бергандар мени таъқиб қилиб ҳаётими ни дўзахга айлантиришди. Дўстларимдан қарз ола бошлидим, лекин уларни ҳам вақтида қайтариб беролмасдим. Аҳвол тобора ёмонлашаверди. Хотиним ота уйигит үзи учун кенг имкониятлар топа оладиган бошика шаҳар қидиришига аҳд қилдим.

Икки йил мобайнида карвон савдогарлари учун ишлаб, беҳаловат ва саргашта ҳаёт көчирдим. Ундан кейин чўпларда қуролсиз карвонларни талаш илинжида иззиган, бир қарашибда олижанобга ўхшашиб ўгрилар гуруҳига қўшилиб қолдим. Бу ишлар билан шугулланиб үз отамга номуносиб фарзандга айландим, лекин мен дунёни умуман бошқа кўринишда, худди ўша рангли тош орқали кўраётгандек эдим. Қанчалик бадном бўлганими ни англаб етмасдим.

Биринчи ҳужумимиз омадли кечди. Биз олтин, ипак матолар ва қимматбаҳо хомашёларни қўлга киритдик. Бу нарсаларни Гинирга жўнатдик ва уларни ўша ерда ҳеч нарсани ўйламай сарфладик.

Иккинчи ҳужум унчалик омадли бўлмади. Улушимизни қўлга киритишмиз билан карвонлар ўз ҳимоялари учун тўлайдиган ўша ерлик ҳокум найзачилари бизни ўтга тутдилар. Икки ўйлбошчимиз ўлдирилганди. Бизни эса Дамашққа жўнатдилар. У ерда кийимларимизни

ечиб, ўзимизни құл сиғатида сотиб юборишди. Мени Суриялик бойвачча икки күмуш таңгага сотиб олди. Ўзимнинг калта кирқилган сочларим ва белимдаги эс-кириб кетган камарим билан бошқа қуллардан унчалик фарқ қиласдим. Ёш ва жуда өнгилтабиат бўлганим учун содир бўлаётган ҳар қандай ишга саргузаштадай қарапдим, лекин...

Шу вақт ичида мен ҳақиқатан ҳам ўз ахволимнинг нақадар аянчли эканини тушуниб етдим. Бу чўл одамлари нихоятда жоҳил ва уришқоқ эдилар. Мен эса уларнинг хоҳишига тўла бўйсунгган, ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқиз, қуролсиз ва қочиш учун имкониятсиз эдим.

Хўжайинум мендан сўради:

– Сен туялар ҳақида бирор нарса биласанми?

Қувониб кетиб туяларни тиззалаб чўқтира олишимни, уларга юқ ортишим, узоқ масофаларга дам олмай етаклаб боришимни гапирдим. Уларнинг арқонини таъмирлаш ҳам қўлимдан келади.

– Бу қул анчагина ишонч билан гапирмоқда, – деди хўжайн хотинига. – Агар хоҳлассанг, Сира, уни ўз тунгга етакловчи қилиб ол.

Шундай қилиб, мен Сиранинг қўлига топширилдим ва ўша куниёқ туясини етаклаб унинг касал ётган онасиликига йўлга чиқдик. Имкониятдан фойдаланиб Сирага тугма қул эмаслигимни, озод инсон, ҳурматли этикдўзнинг ўғли эканимни сўзлаб бердим. Шунда Сиранинг гаплари менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Кейинчалик ҳам бу ҳақда анча ўланиб юрдим.

– Заифлигинг сени шу ахволга етказган бўлса, қандай қилиб ўзингни озод инсон деб атай оласан? Агарда инсон кўнгли қулники каби бўлса, ким бўлиб тугилишидан қатъи назар, у қуллигича қолмайдими? Агарда қалби озод инсон қалби бўлса, баҳтсизликларига қарамай, ўз шаҳрида ҳурматли ва олижаноб одам бўлиб етишмайдими?

Мен бир йилдан ортиқ қул бўлдим ва қуллар билан

яшадим, лекин улардек бўлолмадим. Сира мендан сўраб қолди:

– Нима учун бошқа қуллар кечалари йигилиб хурсанд-чилик қилганларида сен якка ўзинг уйда ўтирасан?

Мен унга ўзи айтган сўзлари устида ўй юритаёт-ганимни айтдим: «Ўзимга ҳақиқатан ҳам кўнглим қул кўнглими деб савол бердим. Бошқаларга қўшилолмайман, шунинг учун бир ўзим ўтираман».

– Мен ҳам бирорга қўшилмайман, – ишонч билан сўзлади у. – Менинг сепим жуда бой эди, эрим менга ўша сеп учун уйланган. Лекин ўзимга нисбатан ҳеч қандай хоҳиш сезмайди. Ахир, ҳар қандай аёл севимли бўлишини истайди. Мен севикли эмасман, фарзандларим ҳам ўйқ, шунинг учун ҳар доим бир ўзимман. Агар эркак бўлганимда, қулликдан кўра ўлимни афзал кўрадим, лекин жамиятимиз шундай тузилганки, унда хотинлар ҳам қул бўлиб қолишлари ҳеч гапмас.

– Сиз мен ҳақимда нима деб ўйлайсиз? – сўрадим ундан. – Менинг қалбим озод инсон қалбими ёки қулники?

– Хўш, Бобилда сени кутаётган қарзларингни тўлаш ниятинг борми? – саволимга савол билан жавоб берди у.

– Ҳа, лекин уни амалга ошириш йўлларини кўрмаяпман.

– Агар сен бундан кейин ҳам қарзларингни узиш учун интилмассанг, қалбинг қулники деб тўла ишонч билан айтиш мумкин. Қарзларини тўламайдиган бирортаям инсон ўзини ҳурматга сазовор деб айтольмайди.

– Мен қул бўлсам, қолаверса, Сурияда бўлсам, нима қила оламан?

– Кўрқоқ бўлсанг, ҳозиргидаи суриялик қул бўлиб қолавер.

– Кўрқоқ эмасман, – ёниб гапирдим мен.

– Унда буни исботла.

– Қандай?

– Ахир, сенинг улуг шоҳинг ўз душманларига қарши

қўлидан келган ҳар қандай усул ва куч билан жанг қилмадими? Сенинг қарзларинг – сенинг душманларинг. Улар сени Бобилдан қувиб чиқардилар. Сен улардан қўрқдинг, улар эса янада кўпроқ кучга эга бўлдилар. Агар улар билан ҳақиқий эркаклар каби жанг қилганингда, ютиб чиқардинг ва халқинг олдида ҳурматга сазовор бўлардинг. Афсус, бунга кучинг етмади, натижада гурунгни ютиб қулга айланиб қолдинг.

Мен Сиранинг кескин айблашлари ҳақида кўп ўйладим, хаёлан у билан баҳслашдим, лекин барибир эътиroz билдиrolмадим. Уч кундан сўнг Сиранинг канизаги мени хонимининг ҳузурига тақлиф қилди.

– Онам яна қаттиқ бетоб бўлиб қолибди, – деди у. – Эримнинг подасидан иккита энг яхши туяни тайёрла. Узоқ йўлга тушиш учун сув ва озиқ-овқат тўлдирилган қопларни ҳозирлаб қўй. Канизак сенга ошхонада уларни беради.

Канизак берган озиқ-овқатларни туялар устига жойлаштираётib уларнинг кўплигидан таажжубланарадим, чунки хонимнинг онаси унча олисда яшамасди. Хонимнинг туясини етаклаб борарканман, ортимииздан устидга канизак ўтирган иккинчи туя келарди. Манзилга етиб келганимизда қоронги тушиб қолганди. Сира канизагини қаёққадир юборди ва менга деди:

– Дебазир, қалбинг озод инсон қалбими ёки қулники?

– Озод инсон қалби, – ишонч билан жавоб бердим мен.

– Буни исботлашнинг вақти келди. Хўжайининг ҳозир ичкликка берилган, ёрдамчилари ҳам маст. Мана шу туяларни олгин-да, қоч. Манави қопда хўжайинингнинг кийимлари бор, уст-бошингни алмаштириб ол. Мен онамнинг ёнимда эканимда туяларни олиб қочиб кетибди деб айтаман.

– Сен соғ қалб эгасисан, – дедим Сираға. – Ўз баҳтингни топишинг учун сени олиб кетишни хоҳлардим.

– Олис юртларда, бегона одамлар орасида ўз баҳ-

тини излаган қочоқ аёл унга ҳеч қачон эга бўлолмайди, – жавоб берди у. – Ўз йўлинг билан боргин. Чўл илоҳла-ри сени егулик ва сувесиз қолиб кетишинг мумкин бўлган олис йўлингда асрасинлар.

Унга ташаккур билдириб, қоронгилликка шўнгидим. Бу бегона давлатни билмас, Бобил қайси тарафда экани ҳақида озгина тасаввурга эга эдим, холос. Узоқда кўринаётган адирлар томон жадал қадам босдим. Мен бир туя устида кетиб борар, иккинчисини эса етаклаб олгандим. Эгасининг молини ўғирлаган ва қочиб кетган қулни қанчалик қўрқинчли мусибат кутиши ҳақидаги тушунча мени кечаю кундуз йўл босишга ундарди.

Ўша куни кечга яқин ҳеч ким яшамайдиган чўлу биёбон, бўшлиққа етиб келдим. Тошлар туяларнинг оёқларини яралаган, улар қийинчилик билан олдинга илдамларди. Йўл давомида мен на бир инсон, на бир ҳайвонни учратдим, улар бу ёқимсиз, меҳмондўст бўлмаган жойларни нима учун четлаб ўтишлари тушунарли эди.

Бу ҳеч қачон унумилмайдиган ва ваҳимали сафарлардан бири эди. Машақат билан кундан-кун олдинга силжирдик. Овқат ва сув тугаганди. Қуёш аямай қиздирарди. Тўққизинчи кун адогида туянинг белидан сиргалиб тушдим, яна чиқиб олишим учун кучим етмаслигини ва мана шу қахри қаттол мамлакатда ўлиб кетишимни жуда яхши тушуниб турардим. Ерга чўзилдим ва ухлаб қолдим.

Тонг ёриша бошлаганида уйгондим. Туриб ўтирдим ва чор атрофимга қарадим. Эрталабки ҳаво салқин эди. Туяларим сал нарида bemажол ётарди. Атрофимда тошли чўққилар, қум ва қуриб қолган тиканаклар билан қопланган чек-чегараси ўйқ чўлу биёбон ястаниб ётар, инсон ёки туя учун керакли сув ёки егуликдан асар ҳам ўйқ эди.

Эҳтимол, мана шу осойишталик қўйнида ўз охиратимни кутиб оларман? Менинг онгум ҳар қачонгидан тиниқ эди. Танам энди ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас-

дек. Ёрилиб кетгандын қонталаш лабларим, қуруқшаб қолған тилим, бүш ошқозоним – буларнинг ҳаммаси менга бир кун олдинги азобларни етказмасди.

Мени кутаётган мұдхиш келажакни күриб турардым, онғимда яна бир савол туғилды: қалбим қанақа, қулнинг қалбими ёки озод инсонники? Агар қул қалбининг эгаси бўлсам, таслим бўлишим ва мана шу чўлда ўлиб кетишм керак. Бу қочоқ қул учун жуда тўғри келадиган охиратм эди.

Қалбим озод инсоннинг қалби бўлса-чи? Унда ўзимни Бобилга қайтиб боришга, менга ишонган одамларга қарзларини қайтариб беришга, мени шунчалик садоқат билан севган хотинимни баҳтли қилишга, ота-онамга тинчлик ва қаноатланиш келтиришга мажбурлашим керак.

– Қарзларинг – сени Бобилдан қувиб чиқарган душманларинг, – деганди Сира.

Чиндан ҳам шундай. Нима учун мен ҳақиқий эркакка ўхшаб ўз нуқтаи назаримдан воз кечмаслигимни рад этдим? Нима сабабдан хотиним ота уйига кетиб қолишига йўл қўйдим?

Ўшанда қизиқ воқеа юз берди. Бамисоли мен бутун дунёни бошқача тусда, рангли шиша орқали қараб келганиман-у, кимдир ўша тошни кўз олдимдан бирданига олиб қўйгандек эди. Охир-оқибатда мен ҳаётнинг ҳақиқий қадриятларини кўрдим.

Даштда ҳалок бўлиш! Бу мен учун эмас! Дунёга бошқача кўз билан қараб, нима қилишим кераклигини дарҳол тушундим. Биринчидан, мен Бобилга қайтиб бориб, у ёрда қарз олган ҳар бир одамим билан учрашаман. Кўп йиллик сарсон-саргардонлик ва баҳтсизликлардан сўнг қарзларимни узиш учун қайтиб келганимни айтаман ва буни тезроқ бажаришга интиламан. Шундан сўнг хотиним учун уй сотиб олишим ва ота-онам фахрланаидиган шаҳарнинг ҳурматли кишиларидан бури бўлишим керак.

Менинг қарзларым душманларим эди, лекин қарз берген одамлар дўстларим. Улар менга ишонар, мендан умид қилирдилар.

Кучсизликдан гангиб, ўрнимдан турдим. Мен учун чанқоқлик нима? Очлик нима? Булар фақатгина Бобилга кетаётган йўлимдаги лавҳалардир. Қалбимда душманлари устидан галаба қозониш ва дўстларини мукофотлаш учун қайтиб келаётган озод инсон қалби туғилаётганди. Азбаройи қатъийлигимдан мени асабий титроқ тутди.

Бўгилиб қолган овозимдаги янги товушларни эшитган тияларимнинг нурсиз кўзлари бирданига ёришиб кетди. Узоқ ҳаракатлардан сўнг улар қийинчилик билан турдилар. Қатъийлик ила шимолга, менинг юрагим Бобил айнан шу томонда эканини кўрсатган томон сари қийинчилик билан ҳаракат қила бошладилар.

Биз сув топдик. Ўт ва мевали дараҳтлар ўсаётган серҳосил жойлар бўйлаб боравердик. Бобилга элтадиган йўлни топдик, чунки қул қалбининг эгаси «мендек бечора қул, нима ҳам қила оламан» деб турган пайтда озод инсон қалби ҳар қандай ҳолатдан чиқиб кетиш йўлини қидириб топишга интиларди.

Хўш, сен буни қандай тушундинг, Таркад? Оч ошқозонинг бошингни яхшилаб тиниқлаштиридими? Ўзинга ҳурматингни қайтариб берадиган йўлни амалга оширишга тайёрмисан? Дунёни унинг ҳақиқий кўринишида кўра оласанми? Сенда барча қарзларингни қайтариб бериб, яна қайтадан Бобилнинг ҳурматли одами бўлиш хоҳиши борми?

Йигитнинг кўзида ёш қалқиди. У бетоқатлик билан тиззалаб ўтируди.

– Сен менинг кўзларимни очдинг. Энди мен ҳам қалбимда озод инсон қалби туғилаётганини сезиб турибман.

– Қайтиб келганингдан сўнг қандай яшадинг? – сўради шу ерда ўтирганлардан бири қизиқиши билан.

– Агарда қарор қабул қилинган бўлса, унда йўли ҳам

топилади, – давом этди Дебазир. – Бир қарорга келганимдан сўнг йўлини қидиришга тушдим.

Аевало, қарз олган ҳар бир одамнинг ёнига бордим. Менга нисбатан сабрли бўлишларини ва пул ишлаб топиб улар билан ҳисоблашишимни кутишларини илтимос қилдим. Кўпчилик мени хурсандчилик билан кутиб олди. Баъзилар зарда ва сўкишларини бошимга ёѓдирдилар, бошқалар эса ёрдамларини таклиф қилдилар. Улардан бири менга яқин ёрдам берди. У Матон эди. Мен Сурияда туже етакловчиси бўлганимни билгач у мени шоҳимиз улуг юришлари учун соглом туюларни сотиб олишни буорган туюлар савдогари, қария Небатурнинг ҳузурига жўнатди. У билан ишлганимда бор билимларимни қўллай бошладим.

Аста-секин мен қарзларимнинг ҳар бир мис ва кумуш тангаларигача қайтариб бердим. Ниҳоят, бошимни адл кўтариб одамлар орасида ҳурматли инсон бўлиб қолганимни ҳис этдим.

Дебазир овқатига қаради.

– Каускор! Чиганоқ! – бақирди у овози борича. – Овқат совиб қолди. Менга қовурилган гўштдан кўпроқ келтир. Дўстимнинг ўғли Таркад учун ҳам олиб кел, унинг қорни оч, мен билан бирга овқатланади.

Қадимги бобиллик туюлар савдогари Дебазирнинг тарихи ана шундай тугади.

Ҳикоясини якунлай туриб Асилбек Икромжонга маъноли назар ташларкан, деди:

– Кўряпсанми, бу одам ўзидан анча олдин яшаган инсонлар билган ҳақиқатни тушуниб етганидан сўнг ўз қалибини англаган. Бу ҳақиқат барча ёшдаги инсонларга қийинчиликларни енгишга ва муваффақиятларга эришишга ёрдам берган. Ва унинг сирли кучини тушунишга ақли етган инсонлар учун ана шу ишларни қилишни давом эттиради. Бу ҳақиқатга ҳар қандай инсон амал қилмоғи зарур. Қарор қабул қилинган бўлса, йўли ҳам топилади.

Бир ой ўтгач Асилбек узоқ сафарга кетди.

VII ҚИСМ.

Икромжон барча масалаларда ўз оиласига ёрдам берарди. Оиласи уни донишманд ва бутун авлод ҳаётини ўзгартириш учун дунёга келган деб ҳисобларди. Пулларнинг қонуниятини ўрганиб олган Икромжон мухтожларга ҳам ёрдам қўлини чўзганди. У ҳар доим Асилбек Макка сафарига кетишидан бир кун аввал айтиб берган ҳикоясини ёдида сақларди...

Асилбекнинг саккизинчи ҳикояси

Олис Ҳитой давлатида шоҳ мөҳмонларини қабул қилиш учун янги сарой қурдирибди. Бу сарой хоналаридан бири айланасига катта ойналар билан безатилгани унга гўзаплик баҳш этаркан. Илк мөҳмонлар келишидан бир кун олдин бу хонага бир кучук кириб қолибди. У кўзгу орқали ўзига ўхшашиб минглаб кучукларни кўриб ҳайрон бўлибди. Улар шундоққина ёнида, ортида, олдида, ҳамто тепасида ҳам тураркан. Ҳаммаерда! У ўзини ҳимоя қилиш мақсадида тишларини кўрсатибди. Атрофидаги барча кучуклар ҳам тишларини кўрсатибди. У ириллабди. Улар ҳам жавобан ириллабдилар. Кучук ўёқдан-буёққа аккилаб ва ириллаб югурга бошлабди. Душманлари ҳам шу тарзда жавоб берибдилар. Қарама-қаршилик туни билан давом этибди...

Эрталаб хизматкорлар сарой эшикларини очганла-

рида ана шу катта ойналар билан безатилган хонада кучукни ўлук ҳолда топибдилар. У билан ҳеч ким уришмаган, чунки саройда ундан бошқа жонзот бўлмаган. Уриша бошлаганида ойналардаги акслари ҳам жангга кирган. У ўз акслари билан бўлган жангда ҳалок бўлган.

– Атрофимииздаги олам бизга ҳар бир ҳаракатимиз учун тўла-тўқис товоң тўлайди, ўғлим, – деганди Асилбек. – Ўзинг учун ана шу ҳақиқатни кашф қил. Ўшанда бутун ҳаёт мувозанати қонунларини тушунасан. Ким нима қилса, шу қайтади...

...Орадан икки йилга яқин вақт ўтди. Икромжон ишлар билан бўлиб бу фурсатнинг қандай ўтганини ҳам билмади. Энди унинг билимларига анча катта тажриба ҳам қўшилганди.

Асилбек шу ерда бўлган вақтларда барча масалалар бўйича ҳузурига маслаҳатга борар, ўзи қарор қабул қилишига юраги дов бермасди. Энди устози узоклардалигига ёнида маслаҳат соладиган бошқа инсон йўқлиги боис барча қарорларни ўзи қабул қилишга мажбур эди. Баъзида устози атайин уни пишитиш мақсадида ана шу узоқ сафарга отлангандек туюларди. Ахир, у вақти-вақти билан: «Икромжон, олган билимларингни амалда қўллашни яна-да яхшироқ ўрганишинг керак», – деб бежиз айтмасдида!

Оғир бўлса ҳам, Икромжон тақдирдан беҳад мамнун эди.

Асилбекнинг қайтиши унинг учун кутилмаган ҳодиса бўлди.

VIII ҚИСМ.

Асилбек қайтиб келган куни байрамга айланди. Тўй авжига чиққанида Асилбек Икромжонни ёнига чорлади:

– Икромжон, ўғлим. Узоқ сафарда бўлиш соғлигимга анча путур етказди. Энди ишларни аввалгидай назорат қилолмасам керак. Оллоҳ менга ўғил бермади, лекин У сени берди. Барча ишларимни сен олиб боришингни хоҳлардим. Энди фақат маслаҳат билан ёрдам бериб турман. Бир истагим бор. Мен ва қизларим сенга бегона эмасмиз. Донохон ва Бахтинисо ўз баҳтларини топган. Кенжা қизимнинг ҳам бўйи етиб қолди. Ўзинг билганингдек, мен ундан ҳеч нарсани аямай вояга етказдим. Кўз олдингда катта бўлган, камтар, доно қиз. Мен унинг ўзим билмаган оиласа тушиб баҳти очиладими-йўқми, ана шуни ўйлаб қайфурман, холос. Сен менга ўғилдек бўлиб қолдинг. Агар йўқ демасанг, сизларга фотиҳа берсам дегандим. Ўйлаб кўр, ўғлим.

Иш борасида эса билганинг барини ўргатдим. Фақат сенга айтмаган биттагина ҳикоям қолди.

Асилбекнинг тўққизинчи ҳикояси

БОБИЛДАГИ ЭНГ БАХТЛИ ИНСОН

Оти устида ўтирган Шаррү Нада – бобиллик катта савдоғар ўз карвони бошида виқор билан борарди. У нафис матоларни ва чиройли кийимларни қадрларди.

Аъло турдаги отларни яхши күрар, ўзининг қони гупуриб турған араб тойчоги устида енгил ўтиради. Шарру Надага қараб унинг ёши анчага бориб қолганига ишониш қийин эди. Албатта, ҳеч ким у ич-ичидан хавотирда эканини тасаввур ҳам қиполмасди.

Дамашқнинг ўюли олис, чўлда не-не қийинчилуклар бор. Лекин Шарру Наданинг хавотири бундан эмасди. Араблар тўдалари бой карвонларни босиб олар ва молларни талон-торож қиласди. У ана шундан ҳадикда эди, кўп сонли қўриқчи отлиқлари мустаҳкам ҳимоячи бўлолмасди.

Шарру Наданинг ёнида у Дамашқдан олиб кетаётган, хавотирларининг асосий сабабчиси бўлган инсон ҳам эди, бу ҳадик унинг тинчини бузарди. У ўзини олдида катта қарздор деб ҳисоблаган қадрдан шериги Арада Гуланинг нөвараси Хадан Гула эди. Унинг нөвараси учун ҳар қандай ишга тайёр, аммо бу ҳақда қанча ўйламасин, амалга ошириш боланинг ўзи туфайли қийинлашиб борарди.

Боланинг зирақ ва узукларига қараб Шарру Нада мулоҳаза юритарди: «У тақинчоқлар эркаклар учун яратилган деб ўйлади, шекилли? Юз ифодаси билан бувасига ўхшаб кетади. Буваси қўзни қамаштирадиган кийимларни эгнига илмасди, албатта. Лекин инқирозга учраган ва уни меросдан маҳрум этган отасининг қисматини тақрорламаслик учун ўз ўйлени топиб кетишига ёрдам бериш мақсадида мен ўзим ёнимга келишини илтимос қилдим».

Хадан Гула унинг фикрини бўлди:

– Нима учун сен шунчалик сабот билан меҳнат қиласан, доимо карвонингни узоқ ўйлларга кузатиб борасан? Ҳаёт лаззатидан роҳат олиш учун сира вақт қолдирмайсан?

Шарру Нада жилмайди:

– Ҳаётдан роҳатланиш? – қайтарди у. – Агарда сен Шарру Нада бўлсанг, ҳаётдан роҳатланиш учун нималар қилган бўлардинг?

– Мен сөнга ўхшаб бой бўлганимда, шаҳзодалар каби яшардим. Ҳеч қачон отга ўтириб жазирама чўлларда юрмасдим. Мен шекелларни, улар қандай тезлик билан келса, шу тарзда тез сарфлардим. Энг қиммат кийимларни кияр ва қимматбаҳо тақинчоқларни тақардим. Менинг дидимга тўғри келадигани ана ўша ҳаёт бўлар ва бу ҳаёт яшашга арзирди.

– Сенинг буванг тақинчоқлар тақмасди, – деди Шарпу Нада, шундан кейин ҳазиломуз давом этди, – Ахир, сен иш учун вақт қолдирмасмидинг?

– Иш бу қулларнинг қисмати, – жавоб берди Хадан Гула.

Шарпу Нада от устида йўлак охиригача индамади, кулгисини зўрга тийди. Шу ерда отини тўхтатди ва олисларда ястанган ям-яшил водийни кўрсатиб деди:

– Қара, водий, ундан нарида эса Бобил деворлари кўриниб турибди. Бела ибодатхонасининг миноралари! Агар кўзларинг ўткир бўлса, ўша миноралар тепасидағи илоҳий оташ тутунларини кўришинг мумкин.

– Мана шу Бобилми? Мен анчадан бери бу дунёдаги энг бой шаҳарни кўришни хоҳлардим, – деди Хадан Гула. – Бувам ўз бойлигини яратма бошлаган жой – Бобил. Агар у ҳаёт бўлганида, биз бунчалик қийин аҳволда қолмасдик.

– Нима учун бувангнинг руҳи өр юзида ўзиға ажратилган вақтдан кўпроқ қолгиси келмади? Ахир, сен ва отанг унинг ишларини давом эттирсангиз бўлади-ку?

– Афсус, ҳеч биримиз бувам каби эмасмиз. На отам, на мен олтин шекелларни ўзимизга жалб қилишни биламиз.

Шарпу Нада индамади. Пастга, водийга олиб тушадиган йўлак бўйлаб индамай кетди. Унинг кетидан қизгиш чанг булутига бурканган карвон борарди. Бир оз ўтгач улар шоҳ ўйлига етиб, экинзор орқали жанубга қараб бурилдилар.

Шарпу Наданинг диққати далада ишлаётган уч кек-

са одамга қаратылди. Улар ҳайратомуз даражада таниш күріндилар. Воажаб! Бу ерларда қирқ йил бўлмаса-ю, лекин далада ишлаётган ўша-ўша таниш инсонларни кўриб турса! Нимадир унга бу айнан ўша инсонлар эканини айтиб турарди. Улардан бири қандайдир ишончсиз ҳаракат билан эгат оларди. Бошқа иккитаси эса буқаларни калтак билан ҳайдаб борардилар.

Қирқ йил муқаддам унинг ана шу инсонларга ҳаваси келган! Ўшанда Шарру хурсанд бўлиб улар билан ўрин алмашарди! Энди эса ҳаммаси ўзгарди. У орқасига қарди ва устига Дамашқдан келган кўп моллар босилган, чўзилиб келаётган карвонига, синчковлик билан танлаб олинган туялари ва эшакларига гурур билан қарди. Буларning ҳаммаси унга қарашли мулкнинг атиги бир қисми, холос.

Шарру Нада ер ҳайдовчиларини кўрсатиб:

– Қирқ йил аввал ишлаган далаларида ҳали ҳам ишламоқдалар, – деди.

– Нима учун уларни айнан ўша одамлар деб ўйлайсан?

– Мен уларни шу ерда кўрдим, – жавоб берди Шарру Нада. Шу захотиёқ хаёлида хотиралар қалқиди. Нима учун ўтмишини кўмиб ташлаб, ҳозирги вақт билан яшолмайди? Нима сабабдан кўзи олдида Арада Гуланинг кулимсираб турган юзи балқиди? У билан ёнидаги димогдор йигит орасида турган дэвор эриб кетди. Аммо у қандай қилиб сарф-харажат қилишга ўргангандай, димогдор ва қўллари қимматбаҳо тақинчоқларга бурканган бу йигитга ёрдам бера олади? У ишламоқчи бўлган одамларга жуда кўп ишлар тақлиф қилиши мумкин эди, лекин ўзини меҳнат қилишдан юкори кўйган инсонларга бирортаям юмуш тақлиф этолмасди. Шунга қарамай, Арада Гуланинг олдидағи қарз унинг невараси учун номигагинамас, балки қўлидан келганича ёрдам бериши керак эди. У ва Арада Гула ҳеч қачон ишни бу тарзда олиб бормасдилар. Улар бошқа тоифадаги инсонлар эдилар.

Унинг режаси шу заҳотиёқ тузилди. Албатта, маълум тўсқинлар бор. У оиласи ва ўзининг оёққа туриш тарихига мурожаат этиши керак. Вақти билан бу бемехрлик, ҳатто дард бериши ҳам мумкин. Тез қарор қиласидиган инсон бўлгани учун барча тўсиқларни олиб ташлаб, ҳаракат қилиш чорасини кўрди.

– Буванг билан мен қандай шерикчилик ташкил қиласидимиз ҳақида эшиштганмисан? – сўради у.

– Ундан кўра биратўла олтин шекелларни топаётганинг ҳақида гапириб берганинг яхшимасми? Мен шуну билсам кифоя, – жавоб берди йигит.

Шаррү Нада унинг саволига жавоб бермай, ўз сўзида давом этди:

– Биз даладаги мана шу одамлар билан биргаликда иш бошлагандик. Сенинг ёшимда бўлсам керак, мен ва бошқалар далага яқинлашганимизда дехқон бўлмиш қария Мегиддо ер ҳайдовчилар ерда пала-партиш ишлаётгандарини кўриб улар устидан кула бошлади. Ўшанда Мегиддо билан бир занжирда боғланган бўлиб, ёнма-ён келардик:

– Манави дангаса болаларга қара, – уларни айблаб гапирди у. – Анови сўқани ушлаб кетаётгани уни ерга чуқурроқ киритиш учун ҳеч иш қилаётгани йўқ, бука ҳайдовчилари эса уларни мана шу эгат бўйлаб текис ушлаб кетолмаяпти. Улар далага яхши чопиқ бермаган бўлса, қандай қилиб мўл ҳосил йигиб олишга умид қиласидилар?

– Мегиддо ва мен бир занжирда боғлангандик дедингми? – ажабланиб сўради Хадан Гула.

– Ҳа, бўйнимизга тақилган ва бизни ўзаро боғлаган узун, оғир занжир билан боғлангандик. Биздан кейин қўйлар ўгриси Забадо келарди. Мен уни Гаррундан танирдим. Қаторимиз охирида «Қароқчи» лақабли бир одам келарди, бизга номини айтмагани сабабли уни шундай атардик. Забадони дөнгизчичи деб ўйладик, чунки бутун кўкраги дөнгизчиларда қабул қилингандай ўра-

либ ётган илонлар кўринишидағи расмлар билан тўла эди. Қаторлар тўрт нафар одамдан иборат эди.

– Сен қулларнинг занжирни билан боғланганмидинг?
– ишонқирамай сўради Хадан Гула.

– Бир вақтлар қул бўлганум ҳақида буванг ҳеч нима демаганмиди?

– У сен ҳақингда кўп гапиради, лекин бунга ҳамто-
ки шама ҳам қилмаган.

– У энг маҳфий сирларни ҳам ишонса бўладиган ин-
сон эди. Ахир, сен ҳам ҳамма гапни ишониб айтадиган
инсонсан-ку, тўгрими? – Шарру Нада унинг кўзига тик
қаради.

– Ишонсанг бўлади, мен сукут сақлайман, аммо та-
ажжуబдаман. Айт-чи, қандай қилиб қул бўлиб қолган-
сан?

Шарру Нада елкаларини қисди:

– Ҳар қандай одам қул бўлиши мумкин. Ўйинлар уйи
ва арпа сираси – мана шулар мени баҳтсизликка ги-
рифтор этди. Мен акамнинг нотўғри ҳаракатлари қур-
бони бўлдим. Ўртоги билан уришиб уни ўлдириб қўйди.
Отам акамни қонун бўйича жиноий жазодан сақлаб
қолиш мақсадида мени ўлдирилган одамнинг бева қол-
ган хотинига гаров сифатида бериб юборди. Кейин эса
отам мени озодликка чиқариш учун кумуш тангалар
тополмагач бу аёлнинг жаҳли чиқиб, мени қул сотувчи-
сига сотиб юборди.

– Нақадар уят ва ноҳақлик! – қичқириб юборди Хадан
Гула. – Қандай қилиб яна озодликка эришдинг?

– Бунга етиб келамиз ҳали. Менга ҳикоямни давом
эттиришга рухсат бер. Биз ўтиб кетаётганимизда
ер ҳайдовчилар устимиздан кулдилар. Улардан бири эски
теплагини бошидан ечиб деди: «Бобилга хуш келибсиз,
шоҳ мөҳмонлари. У ифлос гишт ва пиёздан пиширил-
ган шўрва тайёрлаб сизларни шаҳар дөвори устида
кутиб турибди». Барчалари қаҳ-қаҳ отиб кула бошли-
дилар. «Қароқчи»нинг жаҳли чиқиб, уларни сўка кетди.

– Шоҳ сизларни шаҳар дөвори устида кутиб турибди дөгандарида нима демоқчи эдилар? – сўрадим ундан.

– Биз белимиз сингунча шаҳар дөворига гишт ташишга кетяпмиз. Балки белингни синдиришга улгурмай улар сени калтаклаб ўлдиришар. Менга төголмайдилар. Уларни ўзим ўлдираман.

Шундан сўнг Мегиддо гап бошлади:

– Ўйлайманки, хўжайинлар сабот билан меҳнат қилаётган қулни ўлдиришлари мумкин деб таъкидлаш – бўлмаган гап. Улар ишлайдиган қулларни яхши кўрадилар ва яхши муносабатда бўладилар.

– Ким сабот билан меҳнат қилишни хоҳлайди? – деди Забадо. – Мана бу ер ҳайдадётганлар – ақлли болалар. Улар ўз белларини синдиришмаяпти. Фақатгина ўзларини сабот билан иш қилаётгандек кўрсатишяпти.

– Ишдан қочиб ҳеч нарсага эришмайсан, – рад этди Мегиддо. – Агар бир гектар ерни ҳайдасанг, бу бир кунлик яхши ишдир ва хўжайн буни тан олади. Лекин фақат ярминигина чопсанг, унда ишдан қочган бўласан. Мен ҳеч қачон ишдан қочмаганман. Меҳнат қилишни, яхши ишлашини севаман. Мен учун иш билганларим ичida энг яхши дўстдир. Иш менда бўлган барча нарса – фермам, сигирларим, нон берди.

– Ҳа, лекин бу яхши нарсалар энди қаерда? – кулимсираб сўради Забадо. – Фикримча, айёрроқ бўлиш ва ишсиз қолишига интилиш керак. Мана кўрасан, агар бизни қурилишда ишлаш учун сотиб юборсалар, сен, меҳнат қилишни яхши кўрадиган одам, гишт ташиб белингни синдираётган вақтингда Забадо сув ташийди ёки бирор енгил ишни қиласди.

Шу кечада мени кўркув қамраб олди. Сира уйқум келмади. Бошқалар ухлаб қолганларида бизни ўраб турган аргамчи канат ёнига яқинроқ сурилиб, бу кечада биринчи маротаба қоровул бўлиб қолган Годосонинг диққатини ўзимга жалб қиласди. У, агар ҳамёнингни олиб қўйса, то-

могингдан сүйиб көтмаганига шукр қиласынан қароқчилар тоифасидан эди.

— Годосо, — шивирладим мен, — Бобилга етиб борганимиздан сүңг бизни дөвөр қурилиши ишлари учун сотиб юборишадими?

— Сенга буни билишининг нима кераги бор? — сергак тортди у.

— Ахир, тушунмаяпсанми? Мен ёшман. Ҳали яшашни хоҳлайман. Ишдан ўлишини ёки мана шу шаҳар дөвөрларидан мени ўлгунимча калтаклашларини истамайман. Яхши хўжайнинг қўлига тушишга менда бирор имконият борми?

У ҳам шивирлаб гапира бошлади:

— Мен сенга бир гап айтаман. Биз кўпинча тўппатўғри қуллар бозорига борамиз. Энди қулоқ сол. Харидорлар келганида «мен яхши ишчиман, яхши хўжайнинг ҳалол меҳнат қилмоқчиман» деб айт. «Мени сотиб олишинизни хоҳлайман» дегин. Агар шундай демасанг, эртасига гишт ташийсан. Бу жудаям оғир иш.

Годосо көтгач мен илиқ қумга чўзилдим ва иш ҳақидағи хаёлга чўмдим. Мегиддонинг иш — менинг энг яхши дўстим дегани мени ҳайратга солди ва иш менинг ҳам энг яхши дўстим бўлганида эди деб ўйладим. Албатта, иш менга ўзимнинг мана шу аҳволимдан чиқиб кетишинга ёрдам берганида, уни энг яхши дўстим деб билардим.

Мегиддо уйгонганида унга ўзимнинг умидбахш янгиликларим ҳақида гапириб бердим. Бу бизнинг Бобилга кетаётган ўйлимизни ёритаётган ягона умид нури эди. Ярим тунда биз шаҳар дөвөрларига яқинлашдик ва кўндаланг жойлашган йўлаклар бўйлаб қора чумолилар каби тепага тирмасиб чиқаётган ва пастга тушаётган қатор-қатор одамларни кўрдик. Яқинлашганимизда минглаб қулларни кўриб ҳайратга тушдик. Уларнинг баъзилари ер кавлар, бошқалари эса гиштларни терпиш учун аралашма тайёрларди.

Лекин күпчилек ана шу йўлаклар бўйлаб гишт тера-ётганларга гишталарни саватларда ташиб етказарди. Қоровуллар секин ишилаётганлар ва қаторни бузашётганларнинг орқаларига қамчи билан уришар, не-не азобдаги бечоралар гандираклаб, яна кўтарилишга кучлари етмай оғир саватлар ёнига йиқиларди. Агарда қамчи ўрнидан тургазишига ёрдам бермаса, уларни бир четга олиб чиқишишар, ўша ерда қийналиб жон беришлари учун ташлаб қўйишишарди. Салдан кейин уларнинг жасадлари пастга, мозорга кўмилишини кутуб ётган бошқа жасадлар ёнига олиб бориб ташланарди. Бу мудҳиши манзарани кўриб титраб кетдим. Агар қуллар бозорида мени муваффақиятсизлик қарши олаётган бўлса, мени, отамнинг содик ўгилларини ҳам мана шундай мусибат кутуб туради.

Годосо ҳақ бўлиб чиқди. Бизни шаҳар дарвозаларидан олиб кириб қуллар қамоқхонасига олиб бордилар. Кейинги кун эрталаб эса қуллар бозорида эдик. Одамлар қўрқанларидан тўда-тўда бўлиб олишар, шу боис қоровулларнинг қамчилари бошлари узра тушарди. Мегиддо ва мен харидорлар рухсат беришлари ҳамон улар билан гаплашишига интилардик.

Қуллар савдоғари шоҳ қоровулларидан иборат аскарларни олиб келди. Улар «Қароқчи»ни темир занжирга маҳкамлаб қўйишиди. Ҳар қаршилик кўрсатганида роса урадилар. Олиб кетишаётганнида унга ниҳоятда ачиндим. Мегиддо сал ўтмай у билан мени бир-биримиздан ажратиб юборишларини ҳис қиласарди. Харидорлар бўлмаган пайтда ҳар қандай иш мен учун қанчалик муҳимлигини кўйиниб тушунтира бошлади.

– Баъзилар ишни ёмон кўради. Лекин унга дўстинга бўлгандек муносабатда бўлмогинг керак. Ишни севиб қолишинг лозим. Оғирлигига эътибор қилма. Агар сен қанчалик яхши уй қураётганингни ўйлассанг, сувоқ учун сув ташиш ҳам өнгил эмаслигига унча аҳамият бермайсан. Дўстим, агар хўжайининг бўлса, унинг учун

имкон қадар ҳалол мөхнат қиламан деб ваъда бер. У қилаётган ишингга баҳо бериб тушунадиган бўлса, ҳеч қачон гап қайтарма. Шуни эсда тутки, иш уни яхши бажарган одамгагина фойда келтиради. Иш уни инсон сифатида янада яхшироқ қиласди, – сөрсавлат харидор қаршимизга келиб бизни кўздан кечира бошлагани сабабли Мегиддо индамай қолди.

Мегиддо унинг фермаси ва ҳосиллари ҳақида суриштира бошлади. Сал ўтмай унинг учун яхши ишли бўла олишига ишонтирди. Қул сотувчиси билан ўтган шиддатли савдолашувдан сўнг харидор ҳамёнини чиқарди. Бир оздан сўнг Мегиддо ўзининг янги хўжайини кетидан эргашиб кўздан ўйқолди.

Яна бир нечта қул сотилди. Кун яримлаганида Годоссо менга бу ерда туриш қул сотувчисининг жонига текканини, яна бир кеча қолишини хоҳламаётганини, шу сабабли сотилмай қолганларни тонг саҳарда шоҳнинг қул сотиб олувчисига бериб юборишини гапириб берди. Семиз харидор тўсиқ ёнига келиб орамизда новвой бор-йўқлигини суриштира бошлаганида мен бор ишончимни йўқотиб бўлгандим.

Унга қараб дедим:

– Нима учун сендай яхши новвой маҳорати ўзиникидан пастроқ бошқа новвойни қидириши керак? Ундан кўра менга ўҳшаган ҳаракатчан ва мөхнаткаш одамни ўргатганинг яхшимасми? Қара, ёшман, кучлиман, мөхнат қилишини севаман. Менга имконият бер, ана шунда ҳамёнигни олтин ва кумушга тўлдириш учун бор маҳоратимни ишга соламан.

Менинг ҳар қандай ишга тайёрлигим унга таъсир қилди ва сотиб олганидан бери менга ҳеч қандай нарҳ қўймаган, энди эса қобилиятларимни, соглигимни ва яхши феълимни шунчалик чирой билан таърифлаётган қул сотувчиси билан савдолаша бошлади. Мен ўзими яхшилаб боқилиб қассобга сотилаётган новвосдек сезардим. Ниҳоят, савдо пишди. Мен янги хўжайиним

кетидан борар, ўзимни Бобилдаги энг баҳтиёр одамдек ҳис қиласадим.

Янги уй аввал яшаган уйимга ўхшарди. Нанаид, хўжайинум, ҳовлидаги тош тогорада арпа тушишни, тандирга ўт ёқишини ва майин кунжут унини асалли нон учун қандай тушиш кераклигини ўргатди. Менга ажратилган сўри бугдой сақланадиган саройда эди. Свасти, қари қул аёл – уй бошқарувчиси, менга яхши муносабатда бўлар, унинг оғир ишларида ёрдамлашганимдан беҳад мамнун эди.

Мана шу уйда мен фойдаланишга бор кучим билан интилган имкониятим – хўжайинум учун қимматли қул бўлиш ва ўзим умид қилгандек ундан озодликка йўл олишга муваффақ бўлиш йўлини топиш имконияти бор эди.

Нанаиддан хамирни қандай қориш ва нон ёпишини кўрсатишини ўтиндим. У бу ишга тайёрлигимни кўриб жуда хурсанд бўлди. Кейинроқ бу юмушларни ўзлаштириб олганимдан сўнг ундан асалли кулчалар ясашни ўргатишини илтимос қилдим. Сал ўтмай нон ёпишининг барча амалиётларини бажаришини эплайдиган бўлдим. Хўжайинум ҳеч иш қилмаётганидан хурсанд бўларди, лекин Свости норозинамо бош чайқарди.

– Ҳеч иш қилмаслик ҳар қандай инсон учун ёмондир, – дерди у.

Мен озодликка чиқиш учун қандай қилиб пул ишлаб топиш имконлигига ҳақида ўйлайдиган вақт келганини сезиб турардим. Ҳар куни пешин вақтида нонларни ёпиб тугатгач ўзим учун фойда келтирадиган яна бирор иш топсан-у, кечкурун топган даромадимни Нанаид билан бўлишишини таклиф қилсан, у рози бўлса керак деб ўйладим. Шундан сўнг бир куни асалли кулчалардан кўпроқ ёпиб, уларни шаҳар кўчаларидағи қорни оч одамларга сотсан бўлмасмикан деб ўйладим.

Ўз режамни хўжайнинг қуидаги тарзда тақдим этдим: агар нон ёпиб тугатгандан сўнг кечки вақтимни сен учун пул ишлаб топишга сарфласам, ўзимнинг пул-

паримга эга бўлсам ва уларни хоҳлаган нарсамни ёки ҳар қандай инсон учун зарур бўлган буюмларни сотиб олиш учун сарфласам, бу сен учун одил ёндашув бўладими?

– Жуда яхши бўлади, – маъқуллади у.

Асалли кулчаларни тарқатиб сотиш ҳақидаги режам ҳақида гапирганимда хўжайин қувониб кетди.

– Бу айнан ўша, биз энди қиладиган иш, – деди у. – Сен уларни икки пенидан сотасан, ярим пениси ун, асал ва тандирни ёқишига мўлжалланган гўлалар учун менга тўлов ҳақи бўлади. Қолганини эса иккига тақсимлаймиз – ярмини мен оламан, ярмини сен.

Мен бу таклифидан ниҳоятда мамнун эдим, ахир, ўз савдоимдан тушган даромаднинг тўртдан бирини ўзимга қолдиришим мумкин. Шу куни молимни ёйиб кўтариб юришим учун мўлжалланган патнис ясаш устида ярим тунгача ишладим. Кўринишим тузукроқ бўлиши учун Нанаид менга ўзининг эски чопонларидан бирини берди, Свасти эса уни ювишга ёрдамлашди.

Эртаси куни асалли кулчалардан яна қўшимча бир қисм ёпдим. Шаҳар кўчаларида ўз молимни мақтаб бақириб кетаётганимда бу кулчалар яхшилаб қизартириб ёпилгани учун патнис устида иштаҳаочар бўлиб кўринарди. Аввалига кулчаларимга ҳеч ким қизиқмагандек туюлди ва шаштим пасайди. Лекин сотиша да вом этавердим. Кечроқ одамларнинг қорни очқаганда кулчалар сотила бошлиди ва кўп ўтмай патнисим бўшади.

Нанаид муваффақиятимдан жуда хурсанд эди ва ўзимга тегишили даромадни қўлимга тутқазди. Мегиддо хўжайин ўз қулларининг яхши ишларини баҳолай олади деганида ҳақ экан. Мен муваффақиятларимдан шунчалик ҳаяжонланган ва қаноатланган эдимки, ҳамто ухлай олмадим. Бир йилдан сўнг қанча пул ишлаб топишмни ва озодликка чиқишимга неча йил көрак бўлишини ҳисоблашга интилдим.

Ҳар куни асалли кулчалар солинган патнисни құтариб юрганим сабабли сал үтмай доимий мижозларим пайдо бўлди. Улардан бири сенинг буванг Арада Гула эди. У гиламлар саёдоси билан шугулланарди. Гиламлар ортилган эшакни етаклаб юрган қора танли қули ҳамроҳлигида шаҳарнинг у четидан-бу четига юриб уй бекаларига пулларди. Одатда, буванг икки кулчани ўзи ва яна иккитасини қули учун сотиб оларди. Ҳар доим мени гапга тутишга уринарди.

Бир куни буванг кейинчалик мен тез-тез эслайдиган гапни айтди:

– Менга кулчаларинг ёқади, дўстим, лекин ҳаммасидан ҳам ўз молингни таклиф қилаётган пайтдаги тадбиринг маъқул. Бу тадбиркорлик руҳи сени муваффақият йўлида узоқларга олиб бориш кучига эга.

Сен, Хадан Гула, катта шаҳарда якка ўзи қолган бир қул бола учун ушбу руҳлантирувчи сўзлар нимани билдирганини тасаввур қила оласанми?

Ойлар ўтар, менинг ҳамёнимга пуллар қўшилаверарди. Белбогимда осилиб турган ҳамёним яхшигина оғирликка эгалигини сезардим. Бир вақтлар Мегиддо айтганидек, иш менинг энг яқин дўстим бўлиб қолди. Мен баҳтиёр эдим, лекин Свасти ҳамон хавотирда:

– Ҳўжайин жуда кўп вақтини турли ўйинлар билан ўтказаётганидан ташвишдаман, – хафа бўларди у.

Бир куни кўчада дўстим Мегиддони учратиб қолдим. У сабзавотлар ортилган уч эшакни етаклаб бозор сари кетаётганди.

– Ишларим аъло, – деди у. – Яхши ишлаганим учун ҳўжайиним қадрлайди, мени қулларнинг бошлиги этиб тайинлаган. Кўряпсанми, у менга бозорда саёдо қилишини ҳам ишониб қўйган, оиласа учун ёрдам жўнатиб турибди. Иш улкан баҳтсизлигимни енгишга ёрдам беरяпти. Вақти келиб озодликка чиқишимни ҳам таъминлади ва мен яна ўз фермамга эга бўламан...

Вақт ўтган сайин Нанаид менинг кўчадаги саёдо иш-

паримдан қайтиб келишишмни сабрсизлик билан кутадыган бўлди. Қайтишим ҳамон у пулларимизни ҳисоблашга ва тақсимлашга тушарди. Мени бошқа бозорларга ўтиб савдо доирамни кенгайтиришга ҳам ундаи бошлади.

Кўпинча мен дэворлар қурилишида ишлаётган қулларни кузатиш учун қўйилган назоратчиларга молими ни таклиф этиш учун шаҳардан ташқарига чиқардим. Бу қўрқинчли манзараларни кўрмаслик учун қайтгим йўқ эди, лекин назоратчилар қўли очиқ харидор бўлиб чиқдилар. Бир куни бошқа қуллар қаторида ўз савати гиштлар билан тўлдирилишини кутиб турган Забадоға кўзим тушди. У буқчайиб қолган, ҳолдан тойған, орқаси қамчи билан еган калтаклардан ёрилиб, қонтапаш бўлиб кетганди. Раҳмим келди, унга кулча узатдим. Забадо қорни оч ҳайвон каби дарҳол кулчани оғзиға тиқди. Кўзларидаги бежолик туфайли патнисимни тортиб олишидан қўрқиб дарҳол жўнаб қолдим.

– Нима учун бунчалик сабот билан мөҳнат қиляпсан?
– деб сўради бир куни мёндан Арада Гула.

Бу саволни бугун сен ҳам бердинг, эсингдами? Арада Гулага Мегиддо айтган сўзларни маълум қилдим, қандай қилиб иш менинг энг яқин дўстим бўлиб қолганини гапириб бердим. Пулларим солинган ҳамёнимни гурур билан кўрсатдим ва озодликка чиқиш учун қандай қилиб пул йиғаётганимни сўзлаб бердим.

– Озод бўлганингда нима қиласан? – деб сўради у.
– Саёдогар бўлмоқчиман, – дедим қатъий ишонч билан.

Ана шунда у мен сира хаёлимга келтирмаган гапни айтди:

– Сен мен ҳам қуллигимни ва ўз хўжайиним билан шерикчиликда эканимни билмайсанми?

– Тўхта, – Наданинг сўзини бўлди Хадан Гула, – мен бувамнинг ёлгон сўзлар билан таҳқирлананаётганини эшишишни истамайман. У қул бўлмаган.

Шарру Нада сукут сақларди.

— Мен ўз баҳтсизлигидан юксакроқ ва Дамашқнинг ҳурматли одамларидан бири бўлиш даражасигача кўтариололгани учун уни ҳурмат қиласман, — деди. — Сен-чи, унинг невараси, сен ҳам у ясалган қолипда ясалганмисан? Сен далилларнинг юзига тик қарай оласанми ёки ёлгон кўринишлар қаърида яшаши лозим кўрасанми?

Хадан Гула чуқур ҳаяжонга тушиб, паст овозда жавоб берди:

— Менинг бувамни ҳамма яхши кўради. Унинг эзгу ишлари беҳисоб эди. Ахир, очарчилик вақтида Мисрдан бугдой унинг пулларига сотиб олинмаганмиди? Бувамнинг карвони билан Дамашққа келтирилиб, у ердаги одамлар очликдан ўлмасликлари учун тарқатилмаганмиди? Сен эса уни Бобилда иркит бир қул бўлган деб таъкидляяпсан.

— Агар буванг Бобилда қул бўлиб қолганида, ундан нафратланса бўларди, аммо ўз кучи билан Дамашқда катта одам бўлиб етишганида ҳақиқатан ҳам илоҳлар унинг барча баҳтсизликларини йўқ қилишга ҳукм қилдилар ва ўз эътиборлари билан мукофотладилар, — жавоб берди Шарру Нада.

— Қул экани ҳақида айтганидан сўнг, — давом этди Нада, — у озодликни сотиб олиш йўлида қанчалик хавотир ва нотинчликларни бошидан кечиргани ҳақида гапириб берди. Арада Гула хавотирга тушган ва буни қилиши-қилмаслиги устида умидсизликка берилганди. У яхши сотувлар қила олишидан хавотирланиб хўжайининг ишончини йўқотишдан қўрқкан.

Мен уни қатъиятсизликда айблай бошладим:

— Бошқа хўжайиннинг этагидан туттма. Ўзингни озод инсон деб ҳис эт. Озод инсондай ҳаракат қил ва у каби олга интил. Нимани хоҳлайсан, ана шуни ўзинг учун ҳал қил. Ўшандা ишларинг мақсадинг сари етишда ёрдам беради!

Кетаётуб мен уни қўрқоқлиги ва ҳаракати сустли-

ги учун уялтирганимдан хурсандлигини айтди.

Бир куни мен яна шаҳардан ташқарига чиқдим ва у ерда йигилган катта оломонни кўрдим. Нималар бўлаётганини сўраганимда одамлардан бири жавоб берди:

– Шоҳ аскарларидан бирини ўлдирган қочоқ қул судга берилганди. Бугун ўша жинояти учун уни уриб ўлдиришлари керак. Ҳатто шоҳнинг ўзи ҳам иштирок этаркан.

Одамлар майдонни шунчалик зич ўраб олгандиларки, мен асалли қулчалар солинган патнисим ағдарилиб кетишини ўйлаб яқинроқ бормадим.

Қизиқишим устун келиб қуриб битказилмаган девор устига чиқиб олдим. Ёнгинамдан олтин аравасида ўтиб кетаётган шоҳ Новахудоносорни кўриш шарафига муяссар бўлдим. Ҳеч қачон ялтироқ мато ва духобадан иборат бунча бойлик ва чиройга кўзим тушмаганди.

Жазо ижро этилаётганини кўрмасам-да, бечора қулнинг қулоқни қоматга келтирувчи чинқириқларини эшитиб турадим. Нима учун муҳтарам зот бўлган улуғ шоҳимиз бундай қийноқларга сабр билан қараб ўтирганини билмас, айниқса, у атрофдагилари билан ҳазиллашиб кулаётганини кўрганимда батамом карахт бўлиб қолгандим. Бошқа томондан, шоҳнинг бераҳмлигини билар ва девор қурилишида иштирок этаётган қуллар учун бундай шафқатсизлик дарслари берилиши лозимлигини тушунардим. Қул жон берганидан сўнг унинг жасади оёғидан арқон боғланиб ҳаммага кўрина-диган қилиб катта устунга осиб қўйилди. Оломон тарқагач яқинроқ бордим. Унинг сержун кўкрагида бир-бираiga тирмашган иккита илон расмини кўрдим. Бу «Қароқчи» эди...

Кейинги сафар Арада Гулани учратганимда у батамом бошқа инсонга айланганди:

– Қара, сен таниган қул энди озод инсонга айланди, – деди у. – Сенинг сўзларинг сеҳрли кучга эга экан. Менинг даромадларим янада кўпая бошлади. Хотинум хур-

сандлигидан боши осмонда. У озод аёл, хўжайиннинг жияни. У бошка ўлкага, мен бир вақтлар қул бўлганимни ҳеч ким билмайдиган шаҳарга кўчиб кетишишимизни истайди. Болаларимизни оталарининг баҳтсиз ўтмишлиари учун ўзгалар камситишини хоҳламаймиз. Иш менинг энг яхши дўстим бўлиб қолди. У менга ва яхши савдо қила олишимга ишончимни қайтариб берди.

Арада Гула қачонлардир мени қўллаб-қувватлаганини унга кам бўлса ҳам қайтарганимдан жуда хурсанд эдим.

Бир куни кечки пайтда Свасти жуда хафа ҳолда ёнимга келди:

– Хўжайнинг бошига кулфат тушди. Бир неча ой илгари қиморда кўп пул ютқазган. Фермерга бугдой ва асал учун пул тўламай қўйганди. Бошқаларга ҳам тўламаяпти. Ҳамманинг ундан жаҳли чиққан, дўй-пўписа қилмоқдалар.

– Нима учун хўжайнининг аҳмоқликлари учун хавотирга тушишимиз керак? Унга қарааш бизнинг мажбуриятимиизга кирмайди, – дедим мен бөгамлик билан.

– Аҳмоқ йигит, нега тушунмайсан? Катта бойдан қарзга пул олиш учун унга сенинг устингда шахсий мулкчилик ҳуқуқини берган. Қонун бўйича, у сени тортиб олиш ва сотиб юбориш ҳуқуқига эга. Нима қилишини билмайман. У яхши хўжайн. Оҳ, нима учун айнан биз билан шундай баҳтсизлик содир бўлди?

Свастининг хавотири бежиз эмасди. Кейинги куни эрталаб мен нон ёпаётганимда ўша катта бойнинг одами Сази исмли бир киши билан бирга ташриф буюрди. У мени кўздан кечирди, «тўғри көлади» деди.

Хўжайним қачон қайтиб келишини кутмадиам. Свастига мени олиб кетганини айтиб қўйишга буйруқ берди. Белбогимда маҳкам осилиб турган ҳамёним ва устидаги биттагина чопон билан мени тезда олиб кетдилар, нон ёпилмай қолди.

Бир дақиқа ичида ҳаёт мени ўрганиб қолган доирам-

дан юлиб олиб, орзу-умидларимдан маҳрум қилди. Яна арпа сираси ва қиморхона баҳтисизлик келтирганди.

Сази кескин ва қүпол одам экан. Мени күчадан етак-лаб кетаётганида Нанаидга қанчалик ҳалол мөҳнат қилганимни ва унга ҳам шундай яхши ишлаш умидида эканим ҳақида гапириб бордим. Сазининг жавоби ҳеч қандай умид қолдирмади:

— Мен бу ишини ёқтиримайман, хўжайним ҳам. Шоҳ унга мени Улуг канал қурилишининг бирор қисмига жўна-тиш ҳақида амр этган. Хўжайн кўпроқ қул сотиб оли-шим ва улар тинмай ишлаб қурилишни тезроқ туга-тишларига бўйруқ берди.

Бирорта дараҳти бўлмаган чўл-биёбонни тасав-вур қил, фақат пастак янтоқлару ва шиддат билан куйдираётган қуёш бор эдик, бочкаларимиздаги су-вимиз исиб кетар ва биз уни не-не азобда ичардик. Пастга, чуқур қувурга тушаётган, сўнг тупроқ тўлдирилган оғир саватларни кўтариб юқорига чи-қараётган саф-саф одамларни, эрта саҳардан ярим тунгача босиб ўтилаётган йўлларни тасаввур қилгин. Бизга тогораларда берилаётган овқатларни ва уни чўчқалар мисоли еганимизни кўз олдингга келтир. Ётиш учун на ката ёпилган сўриларимиз, тагимизга солиш учун на қуритилган хашак бор эди. Ҳамёнимни ўзим белгилаган жойга кўмид қўйдим, аммо вақт ўтиб уни яна кавлаб топишум мумкинлигига ўзим ҳам ишонмасдим.

Аеввалига мен катта хоҳиш билан мөҳнат қилдим, лекин ойлар ўтгач шаштим пасайиб бораётганини сездим. Шундан сўнг чарчаган танамга кучли безгак ёпишиди. Иштаҳамни йўқотиб, қийинчилик билан қўй гўшти ва сабзавотларни тановул қиласдим. Тунлари уйқусиз-ликдан қийналардим.

Ўзимга ўзим савол берардим: Забадо таклиф қилга-нидек, ишдан бош тортиб, белимни қийнамаганим ту-зумкасмиди? Лекин кейинроқ уни охирги марта кўрга-

нимдаги сағнани күз олдимга келтирдим-у, режаси үзини оқламаганини тушундим.

Мен «Қароқчи» ва унинг умидсизликлари ҳақида ўйлар ва ўзимдан жанг қилганим ва ўлдирганим маъқул эмас-микин деб сўрардим. Қонталаш жасадини эслаганимда эса яна бу режа тўғри келмаслигини ўйлардим.

Шундан сўнг Мегиддо билан кечган охирги учрашувишни ёдга олдим. Унинг қўллари оғир ишдан гадур-будур бўлиб қадоқланниб кетган, лекин юраги кенг, юзи баҳтдан чарақлаб туради. Мегиддонинг режаси маъқул эди.

Энди мен ҳам Мегиддо каби кучли истак билан ишилайман. У мендан саботлироқ бўлолмайди. Нима учун ишим менга баҳт ва муваффақият келтиролмайди? Мегиддога айнан иши баҳт келтирдими ёки толе ва муваффақият – бу фақат илоҳларнинг меҳрибонлигими? Қолган ҳаётим давомида мен ўз истакларимни амалга оширолмасдан баҳтсиз ва муваффақиятсиз ҳаёт кечиришишмага тўғри келармикан? Бу саволларнинг ҳаммаси бошимга ёпирилар ва мен уларга жавоб то-полмасдим. Ҳақиқатан ҳам аҳволим жуда оғир эди.

Бир неча кундан сўнг саволларим жавобсиз қолиб, сабрим тугаган вақтда мени Сази ҳузурига чорлади. Мени яна Бобилга олиб кетиш учун хўжайиним номидан элчи келибди. Ўзимнинг қимматли ҳамёнимни кавлаб олдим ва уни йиртиқ-ямоқ кийимларимга ўрадим. Ниҳоят, ўйлга тушдим.

Биз отда кетаётганимизда ана шу саволлар беззак тутган бошимда шамолдай айланарди. Бир вақтлар ўзимнинг қадрдан шаҳрим Гаррунада эшишган қўшиқ сўзларига жон киргандек эди:

Инсонни шамол каби нималар ҳайдар?
Уни бўронлар каби нималар ҳайдар?
Унинг қайга боришин ҳеч ким билолмас,
Унинг ҳаётини ҳеч ким айттолмас.

Балки пешонамга ҳаёт мени ҳар доим жазолаши лозим деб ёзилгандир, фақат нима учунлигини билмайман. Мени яна қандай баҳтсизлик ва күнгилсизликлар кутаётган экан?

Хўжайнининг ҳовлисига кириб борганимизда, тасаввур қилиб кўр, мени кутиб турган Арада Гулани кўрдим. У отдан тушишимга ёрдам берди ва мени худди йўқотиб қўйган укасини кўргандек қаттиқ қучди.

Мен кул ўз эгаси ортидан юриши лозим бўлганидек, унинг кетидан эргашмоқчи бўлдим, лекин Арада Гула бундай қилишимга йўл қўймади.

– Мен сени роса қидирдим, – деди у. – Умидимни йўқотай деганимда Свастини учратиб қолдим. У менга сен ҳақингда гапириб берди. Биз хўжайнинг билан бир тўхтамага келдик. У сен учун жуда катта нарх тўлашга мажбур қилди, лекин сен шунга лойиқсан. Сенинг фалсафанг ва тадбиркорлигинг мени яна қанотлантирди ва муваффақиятга эришдим.

– Бу фалсафа Мегиддоники, менини эмас, – дедим мен.

– Ҳам Мегиддоники, ҳам сеники. Сизларнинг икковинги тифайли биз Дамашқа бормоқчимиз. Мен сени ўзимга шерик қилиб олмоқчиман.

– Қара, ҳозир сен бир дақиқа ичида озод инсонга айланасан! – ана шу сўзлар билан у кийимлари қатидан сопол тахтacha чиқарди. Бу тахтачада менинг шахсий мулкчилик ҳақи ёзилганди. уни боши узра кўтарди-да, бор кучи билан ерга урди. Тахтача чилпарчин бўлди. Арада Гула хурсандчилик билан сопол қолдиқларни чангга айланмагунича оёқлари билан топтади.

Менинг кўзларим миннатдорчилик ёшлари билан тўлди. Бобилдаги энг баҳтиёр инсонга айланганимни билардим.

Гувоҳи бўлганингдек, иш менинг баҳтсиз кунларим-да энг яхши дўстимга айланди. Ишдаги мөҳнатсерварлигим менга сотилган ва қурилиш ишига сафарбар

этилгән қуллар сафини түлдириш қисматидан халос бўлиш имконини берди. Ишдаги ана шу меҳнатсеварлигим бувангга ҳам таъсир қилди. Шунинг учун у мени ўзига шерик қилиб олди.

Сўнг Ҳадан Гула сўради:

– Бувамнинг қанақа сирли калити бор эдик, унга олтин шекелларга йўлни очиб берган?

– Биз танишганимиздан бери унинг ягона калити бор эди, – жавоб берди Шарру Нада. – Буванг ҳар доим роҳат билан меҳнат қиларди. Илоҳлар унинг ҳаракатларини баҳолар ва тўла мукофотларди.

– Мен тушунишини бошлияпман, – ўйланиб гапирди Ҳадан Гула. – Иш унинг меҳнатсеварлиги ва эришган муваффақиятига қойил қолган, кўплаб дўстларини унга жалб қиларди. Иш унга ўша Дамашқда эга бўлган ҳурмат-эътиборни олиб келди. Иш унга мақтovга сазовор бўлган барча нарсаларни келтирди. Мен эса иш бу қулларнинг қисмати деб ўйларканман.

– Ҳаёт инсонга ҳузур баҳш этиши мумкин бўлган кўплаб лаззатларга бой, – луқма ташлади Шарру Нада.

– Ҳамма нарсанинг ўз ўрни бор. Мен меҳнат фақатгина қулларнинггина қисмати эмаслигидан хурсандман. Агар шундай бўлганида, ҳаётимдаги энг катта лаззатдан маҳрум бўлган бўлардим. Мен кўп нарсадан завқ олишим мумкин, лекин ҳаётимда меҳнат эгаллаган ўринни ҳеч нарса эгаллопмайди.

Баланд деворлар сояси остида Шарру Нада ва Ҳадан Гула Бобилнинг бронза қолланган оғир дарвозасига яқинлашардилар. Дарвоза қўриқчилари тик туриб шаҳарнинг ҳурматли инсонларини олқишилашибди.

Ўзининг узундан-узоқ карвони бошида Шарру Нада бoshини баланд кўтарган ҳолда шаҳарга кириб келди.

– Мен ҳар доим бувамдек инсон бўлишни истардим, – ишонч билан деди Ҳадан Гула, – лекин шу кунгача барабиб ўнинг қанақа инсон эканини билмасдим. Сен менга буни очиб бердинг. Энди бойлигининг ҳақиқий кали-

тини менга берганинг учун ҳеч қачон сөни рози қилол-
масам керак деб ўйлайман. Шу бугундан бошлаб мен
ана шу қалитни ишга солишим керак. Энг аввало, буни
менинг ҳақиқий ҳолатимга тақинчоқ ва қимматбаҳо¹
күйимлардан кўра кўпроқ ярашадиган камтарликдан
бошлишим лозим.

Шу сўзларни айтиб Хадан Гула қулоқлари ва қўлла-
ридаги қимматбаҳо тақинчоқларни ечиб олди. Сўнг кар-
вон бошида кетаётган инсонга нисбатан катта ҳур-
мат-эҳтиором ила ўз йўлида давом этди.

– Икромжон, мен иш сенинг энг яхши дўстинг эканини
тушунганингдан хурсандман, – давом этди Асилбек. – Иш
сенинг атрофингга кўплаб дўстларни ва хоҳлаган нарса-
ларингни тортади. Ана шу қалитни амалда қўллагин ва
камтар бўл. Энди сен пулларнинг қонун-қоидаларини би-
ласан, – Асилбек ўрнидан туриб уйга кириб кетди. Бир
оздан сўнг қўлида чиройли нақшдор қутича билан чиқди.
Уни очди-да, ичидан оқ матога ўралган қандайдир ёзув-
лар битилган қофоз чиқарди. – Бувам қадимий ёзувларни
таржима қилиб, уларни мана шу қофозга кўчирғанлар. Сен
битикларни эҳтиётлаб сақлашинг ва худди мен каби на-
фақат ўзингнинг болаларингга, балки муваффақиятга ва
бойликка эришмоқчи бўлган бошқа инсонларга ҳам бери-
шинг керак, – деб Икромжонга қофозларни узатди.

Сен ўз орзуингга эришдинг, энди эса севимли мамла-
катимиздаги бошқа одамларга ҳам ана шу ҳақиқатларни
ўргат, – Асилбек шу сўзлар билан ҳикоясини тутатди.

IX ҚИСМ.

Икромжон Асилбек оиласининг барча оғирликларини ўз зиммасига олди ва унинг ишини давом эттириди. Ярим йилдан сўнг у ва Мехрибонунинг данғиллама тўйи бўлиб ўтди. Тўйга Самарқанднинг ҳурматли инсонлари йифилдилар.

Бир кун кечки овқатдан сўнг Икромжон унга Асилбек берган қутичани эҳтиёткорлик билан олиб, ичидаги оқ матони аста очди: унда тушунарсиз тилда ёзилган ва кимдир таржима қилган қофозлар бор эди.

– Мана асрлар оша етиб келган ва отам менга берган пулларнинг сирлари, – пиширлади у.

Яратганинг истаги билан бу сирлар айнан Икромжонга берилганди. Ёзувларни қизиқиш билан ўқий бошлади. Таржимада Дебазир исмли бир одамнинг қарзларини қандай қилиб тўлагани ҳақидаги муаммолари ёзилган экан. Келинг, ана шу битиклар билан биз ҳам танишиб чиқайлик.

1-пергамент

Ҳозир, ой тўлаётган вақтда, мен, Суриядаги қулликдан қайтиб, ўзимнинг катта миқдордаги қарзларимни тўлаб, қадрдан шаҳрим Бобилнинг ҳурматли инсонларидан бўламан деб қарор қабул қилган Дебазир, ўзимнинг эзгу истакларимни амалга ошириш ниятида қила-

диган ишларим ҳақидағи ёзувларни мана шу пергаменттегі ёзіб қолдирмоқдаман.

Донишманд дүстүм Матоннинг маслаҳатига амал қилиб мен қарздор одамдан ҳурматли инсонга айланмоқчиман.

Камина түзгап ушбу режа уч мақсаддан иборат. Матоннинг умидим – уларнинг амалга ошишида.

Биринчидан, мен келажакда ўзимнинг гуллаб-яшнашим ҳақида ўйлаб қўйишим керак.

Шунинг учун даромадимнинг ўндан бир қисмини олиб қўйишим ва ўз жамгармам сифатида сақлашим лозим. Матон: «Ўз ҳамёнида келажакни ўйлаб олтин ва кумуш тангаларни сақловчи инсон – ҳурматтаға лойиқ оила боши ва шоҳининг содиқ хизматкоридир», – деб бежиз айтмаган.

«Ҳамёнида атиги бир неча мис тангаға эга бўлган инсон ўз оиласига бепарво ва шоҳига нисбатан ҳам лоқайддир».

«Ҳамёни бўш инсон ўз оиласига нисбатан бағритош ва шоҳига ҳам содиқ эмас, чунки унинг юраги бераҳмдир».

«Муваффақиятга эришмоқчи бўлган одам ўз ҳамёнида олтинларнинг сира тугамаслигини таъминлаши керак. Ўшанда унинг қалбидаги оиласига нисбатан муҳаббат ва шоҳига нисбатан садоқат барқ уради».

Иккинчидан, менинг ёнимга қайтган хотинимни таъминлашим лозим. Чунки Матон: «Мехрибон хотини ҳақида гамхўрлик қилиш эркак кишига қўйган мақсади сари куч ва дадиллик беради», – деб айтади.

«Шунинг учун топғанларимнинг ўндан етти қисмини мен уйимиз, кийим-бошимиз, овқатимиз ва ҳаётимизни завқ-шавққа тўлдирадиган бошқа лаззатларга сарф қиласман. Лекин сарф-харажатларимиз белгиланган миқдордан ошмаслигини назорат қиласмиз. Келажакдаги ютуқларим режасининг муваффақият сири ана шунда. Мен ўзим учун белгилаган миқдорлар чөгарашибдан чиқмай яашшим зарур».

2-пергамент

«Учинчидан, мен қарзларимни ишлаб топган пулларим ҳисобидан тұлашни режалаширдім.

Шунинг учун ҳар ой түлгапаң вақтда ўз даромадимнинг ўндан иккى қисмини менга ишонған өзінде берған инсонлар орасыда тақсимлаб бераман. Щандай белгиланған вақтда қарзларим адолатлы тарзда тұланған бўлади. Мен қарз олган барча яқинларимнинг номини ёзиб қўяман:

Фахру, тўкувчи – 2 кумуш танга, 6 мис танга;
Синжар, тахтачи – 1 кумуш танга;
Занкар, дўстим – 4 кумуш танга, 7 мис танга;
Аскамир, дўстим – 2 кумуш танга, 3 мис танга;
Харинсир, заргар – 6 кумуш танга, 2 мис танга;
Диарбекир, отамнинг дўсти – 4 кумуш танга, 1 мис танга;
Алкахад, уй эгаси – 14 кумуш танга;
Матон, савдоғар – 9 кумуш танга;
Бирежик, ер эгаси – 1 кумуш танга, 7 мис танга.

3-пергамент

Бу инсонлардан ҳаммаси бўлиб менинг бир юз ўн тўйқиз кумуш танга ва бир юз қирқ мис танга қарзим бор.

Мен ана шунча пул қарз бўлганим, уларни тұлашнинг ҳеч қандай усулини билмаганим, ўзимнинг аҳмоқлигиги сабабли хотиним ота уйига кетиб қолишига йўл қўйдим. Ўзим эса бойишнинг осон йўлларини қидириб қадрдан шаҳримни тарк этдим. Оқибатда кулфатларга йўлиқиб, қулликка сотиб юборилдим.

Энди Матон менга ўз даромадимдан маълум қисмларни ажратиб, қарзларимни ёпиш йўлларини кўрсат-

гач қилиқларим нақадар аҳмоқоналигини тушуниб етдим. Шунинг учун мен қарз олган кишиларнинг ёнига бордим ва уларга қарзларимни тўлашим учун даромадимдан ташқари ҳеч қандай манбаум йўқлигини, даромадимнинг ўндан икки қисмини қарзимни ёпиш учун тўлашга аҳд қилганимни тушунтирдим. Фақат ана шунча тўлашим мумкин, кўп эмас. Шу боис агар сабрли бўлсалар, мен вақти келиб қарзларим бўйича мажбуриятларимни тўла бажараман.

Энг яқин дўстим деб ҳисоблаган Ахмар мени ножоиз сўзлар билан ҳақоратлай бошлади. Ер эгаси Бережик пулга жуда муҳтож бўлгани сабабли унга биринчи бўлиб тўлашимни илтимос қилди. Уй эгаси Алкаҳад агарда яқин орада пулларини қайтариб бермасам, менга жуда кўп ноҳушликлар етказишини айтди.

Қолганлар менинг таклифимни хайрҳоҳлик билан қабул қилдилар. Шу сабабли одам учун қарзлардан қочиб юргандан кўра уларни тўлаш осонроқ эканига ишонч ҳосил қилганимдан сўнг бу ишни тугаллашимга янада кўпроқ ишонч ва қатъийликка эришдим.

4-пергамент

Яна ой тўлди. Мен аниқ фикрлар ва қатъийлик билан ишлардим. Мехрибон хотиним мен қарз олган кишилар билан ҳисоб-китоб қилишишмда далда бериб келарди. Биз қабул қилган доно ечим туфайли охирги ой ичida Небатур учун бақувват туюларни сотиб олиб, ўн тўйқиз кумуш танга ишлаб топдим.

Бу пулни ўз режамга мувофиқ тақсимлаб чиқдим. Ўндан бир қисмини омонат сифатида олиб қўйдим, етти қисмини хотиним билан бирга кундалик харажатлар учун сақлаб қўйдик. Ўндан икки қисмини мис тангапар ҳисобига ўтказиб, ўз креditорларим ўртасида тенг бўлиб бердим.

Ахмарни күрганим йўқ, шу боис пулларни унинг хотинига ташлаб кетдим. Бирежик шунчалик хурсанд бўлиб кетдики, қўлларимни ўшишга тайёр эди. Биргина Алкаҳад тўнгиллаб, пулларини эртароқ қайтаришим лозимлигини таъкидлади. Мен унга агарда кўпроқ ишлаб топишнинг иложини топиб, бошқа ҳеч қандай гамташишим бўлмаганида, қарзларимни эртароқ узишим мумкинлигини айтдим. Бошқа ҳаммалари менга ташаккур билдириллар ва бошлаган ҳаракатларим учун мақтадилар. Шу тариқа биринчи ойнинг охирига бориб қарзларим деярли тўрт кумуш тангага камайди, шу билан бирга, ҳеч ким даъво қилолмайдиган яна икки кумуш танга ишлаб топдим.

Енгил тортдим, анчадан бери бундай ҳолатга тушмагандим.

Яна ой тўлди. Бутун ой давомида катта шижоат билан меҳнат қилдим, лекин катта муваффақиятга эришолмадим. Фақат бир нечта туя сотиб олдим ва атиги ўн бир кумуш танга ишлаб топдим. Шунга қарамай, мен ва меҳрибон хотиним ўзимизга янги кийимкечак ололмаганимизга, асосан кўкатлардан иборат овқат ейишимизга қарамай, режамизга қатъиийлик билан риоя қиласардик. Ана шу ўн бир кумуш танганинг ўндан бирини мен яна ўзим учун олиб қўйдим, ўндан етти қисмини кун кўриш учун қолдирдик. Ахмарга улушини олиб борганимда у мени роса мақтаб ҳайрон қолдирди. Бирежик ҳам худди шундай ўйл тутди. Алкаҳаднинг яна жаҳли чиқди, лекин мен агар у ўз қисмини олишини хоҳламаса, қайтариб олиб кетишим мумкинлигини айтганимда тинчланиб қолди ва пулларни олди. Қолганлар аввалгидаи мамнун бўлиб қолдилар.

Яна ой тўлган кун келди. Мен жуда катта хурсанд-чиликни ҳис қиласардим. Кучли ва соглом туялари кўп бўлган подани сотиб олишга муваффақ бўлдим. Шунинг учун даромадим қирқ икки кумуш тангани ташкил этди. Бу ой хотиним иккимиз шиппаклар ва янги уст-бош со-

тиб олдик. Товуқ ва бошқа гүштларни өйишишимизга имконият түгилди. Саккыз кумуш тангадан күпрогини кредиторларимга түладим, ҳатто Алкахад ҳам бунга қарши бўлмади.

Бизни қарзлардан халос этадиган ва бизга бойлик берадиган режалар улуғдир, бойликларимизни сақлаб қолиш эса фақатгина ўзимизга боғлиқ.

Ана шу пергаментга охирги ёзувларни битганимдан бери уч маротаба ой тўлди. Ҳар сафар даромадимнинг ўндан бирини олиб қўядидим. Ҳар сафар мен ва мөхрибон хотиним даромадимнинг ўндан етти қисмига ҳаёт кечирдик, ҳаттоки вақтида жуда қийин бўлса ҳам. Ҳар сафар даромадимнинг ўндан икки қисмини кредиторларимга тўлардим.

Энди менинг ҳамёнимда шахсан ўзимнику ҳисобланган йигирма бир кумуш танга бор. Бу менга бошимни адл тутшишга ва дўстларим орасида бўлганимда фахрланишга туртки беради. Хотиним уйимизни орастга тутади ва дид билан кийинади. Биз бирга яшаётганимиздан баҳтиёрмиз.

Бу режа чексиз аҳамиятга эга. Ахир, у аввал қул бўлган одамни ҳурматга сазовор ва обручи инсонга айлантирмадими?

5-пергамент

Яна ой тўлган кун келди. Мен таҳтачамга охирги ёзувимни битганимдан буён анча вақт ўтганини биламан. Аслини олганда, тўлин ой ўн икки марта келиб кетди. Лекин энди мен таҳтачамга ҳеч қандай ёзувлар битолмайман, чунки бу кун мен қарзларимнинг охиргисини тўладим. Бу кун мен ва мөхрибон хотиним ўзимизга катта байрам уюштирдик, чунки биз мақсадимизга эришгандик.

Мен яна узоқ вақт давомида эслаб юрадиган ўз кре-

диторларим ҳузурига охирги маротаба борганимдан бери анча воқеалар бўлиб ўтди. Ахмар ўзининг аччиқ сўзлари учун көчирим сўради ва дўсти деб ҳисобламоқчи бўлганларидан бири мен эканимни айтди.

Кекса Алкахад ниҳоят менга нисбатан унча ёмон кайфиятда эмас эди ва менга:

– Бир вақтлар сен юмшоққина бир парча лой эдинг. Сенга теккан ҳар бир киши эзиши ва хоҳлаганини ясавши мумкин эди. Энди эса сен ҳаттоқи пичоқ зарбасига ҳам чидам берадиган метин бронза парчасисан. Агар сенга кумуш ёки олтин тангалар керак бўлиб қолса, хоҳлаган вақтингда ёнимга келавер, – деди.

Мен ҳақимда бундай фикрга эга инсон фақат Алкахад эмас эди. Бошқалар ҳам каминага нисбатан ҳурмат-эъзозда. Масалан, мөхрибон хотиним менга нур тўла кўзлари билан боқади, бу эса ўзимга ишонч туғдиради.

Нима бўлганда ҳам, муваффақиятга айнан режаларим орқали эришдим. У менга барча қарзларимдан қутулишимга имкон берди, ҳамёнимда кумуш ва олтин тангаларнинг жаринглашига сабаб бўлди. Кимки муваффақиятга эришмоқчи бўлса, унга худди шу амалиётни тавсия этаман. Мазкур режа бир пайтлар кул бўлган инсонга қарзларидан қутулишига ва ҳамёнида олтин тангаларнинг жаринглашига имкон берган экан, бошқа ҳар қандай инсонга ҳам молиявий мустақилликка эришиш имкониятини тақдим этмайдими? Мен ҳозиргача ушбу режага риоя қилишини тўхтатганим йўқ. Аминманки, агар ундан келажакда ҳам фойдаланилса, мени бой инсонга айлантиради.

Икромжон Асилбек айтган сўзларнинг маъносини энди тушунди.

– Сен ўз орзунгга эришдинг, – деди Асилбек. – Энди эса она юртимиз бойликларидан фойдалана олишлари учун ҳар бир муносиб кишига ана шу ҳақиқатларни ўргат.

– Отам ана шуларни назарда тутган экан-да! – деб фикрлади Икромжон. – Мен устоз айтганларининг барини бажараман. Ушбу сир-синоат мамлакатимизнинг ҳар бир муносиб кишисига етиб бориши учун қўлимдан келган ишни қиламан. Мактаб очиб, ўқитувчиларни таклиф этаман ва улар бошқа одамларга ўргатадилар. Бу тингловчилар эса, ўз навбатида, пухта тайёрланиб, шаҳримизнинг ҳар бир муносиб кишисига ана шу билимларни беришга тайёр бўлишлари керак. Мен қандай билимларга эга бўлмайин, ўз давлатим шуҳратини ошириш йўлида уларни шогирдларимга жоним билан бераман. Биздан кейин яшайдиганларнинг барчаси пуларини йиғиши ва бой-бадавлат бўлишлари учун, давлатимиз бадавлат одамлари энг кўп бўлган дунёдаги энг бой мамлакатга айланиши учун.

БОБИЛ ТАРИХИ ҲАҚИДА

Тарих зарварақларида Бобилдек ўзига чорлайдиган шаҳар йўқ. Бу номнинг ўзигина кўз олдингизда бойлик ва гўзаллик манзарапарини намоён қиласади. Ундаги мавжуд бойлик, олтин ва қимматбаҳо нарсаларнинг захиралари эртакдагидек. Бундай бойликни ўрмон ва фойдали қазилмалардан иборат табиий бойликлар, тропик ўсимликларнинг зичлиги билан боғлаш мумкин. Ваҳоланки, Бобил сувсиз, текис водий ўртасида, Ефрат дарёси бўйида жойлашганди. Шаҳар атрофида на ўрмон, на қазилмалар бор эди. Ҳатто қурилиш иншооти учун ишлатиладиган тош ҳам бўлмаган. Шаҳар ҳаттоки табиий савдо йўли бўйида жойлашмаганди. Буғдой ўстириш учун эса ёғингарчилликлар кам эди. Бобил бу инсоннинг фақатгина ўзи эга бўлган нарсалардан фойдаланиб улуғ чўққиларга чиқа олишининг намунаси эди. Бу катта шаҳар ҳаётини таъминлайдиган барча ресурслар инсон қўли билан яратилганди. Бобилда фақат иккитагина табиий бойлик – дарё суви ва унумдор ерлар бор эди. Қадимий Бобил муҳандислари тўғон ва кўп сонли суғориш каналлари тизимини татбиқ этиб, Ефрат дарёси сувларини буришга мусассар бўлдилар. Бу катта майдонлар бўйлаб ўtkazилган каналлар унумдор ерларни ҳаёт бахш этувчи намлик билан тўйдирарди. Мазкур каналлар тизими тарихда маълум бўлган муҳандислик қурилмаларининг ilk намунаси бўлиб қолди. Ушбу суғориш тизими туфайли олинган ҳосилларни кекса тарих шу чоққача эсполмасди.

Бобил мавжуд бўлган узоқ вақт давомида уни бир-би-

рини алмаштирган шоҳлар авлодлари бошқарган, улар учун эса бошқа ҳудудларни босиб олиш ва қароқчиликлар қилиш вақтинчалик бўлиб, асосий фаолият эмасди. Улар урушларда қатнашган эсалар-да, бу қирғинбаротлар асосан бошқа давлатлардан бостириб келган, Бобилнинг эртакмонанд бойликларига эга бўлишни истаган, ҳукмронликни хуш кўрадиган босқинчиларга қарши мудофаа жанглари эди. Бобилнинг донғи кетган ҳукмронлари тадбиркорлиги ва адолатпарварлиги туфайли тарихда қолган. Бобил ўзига солиқ тўлашлари учун кўшни давлатлар халқларини босиб оладиган шоҳларни етиштирмади.

Бугунги кунда Бобил шаҳар сифатида мавжуд эмас. Бу шаҳарни минг йиллар давомида қуриб, уни сақлаб турган инсонларнинг куч-куватлари тугаганидан сўнг қисқа вақт ичида бўшаб, нураган деворлар уюмига айланиб қолди. Бу шаҳар Осиёда, Сувайш каналидан шарққа тахминан олтмиш километр узоқликда, Форс кўрфазининг шимолида жойлашган. Шаҳар жойлашган кенглик экватордан тахминан шимолга ўттиз градус.

Қачонлардир аҳоли зич бўлган унумли ерлар жойлашган Ефрат дарёсининг ана шу водийси яна қуруқ ва жонсиз ерларга айланиб қолган. Кам учрайдиган ўтлар ва яланғоч янтоқлар қум бўронларига қарши кураш олиб бормоқда. Унумли ерлар, улкан шаҳарлар ва хилма-хил моллар ортилган узундан-узун карвонлар йўқ бўлиб кетди. Ўзларининг аянчли ҳаётини кўриш учун кичик-кичик подаларни боқиб, кун кўриб юрган кўчманчи араблар бу ерларнинг ягона эгалариdir. Тахминан насронийлик эрасидан бошлаб шу аҳвол ҳукмрон.

Асрлар давомида сайёҳлар адирларга тўла бу водий ҳеч нарсани англатмайди деб ўйлашарди. Вақти-вақти билан бўлиб турадиган кучли ёмғир ер қаъридан ювиб чиқарган сопол парчалари ва ғишт бўлаклари ниҳоят археологларнинг диққатини ўзига тортди. Европа ва Америка музейлари томонидан ажратилган маблағларга

ёлланган археологик экспедициялар жүнатилди. Күп ўтмай белкураклар бу адирлар қадими шаҳарлар бўлганини тасдиқлади. Шаҳарлар учун мозорга айланган адирлар. Бобил улардан бири эди. Деярли йигирма аср ичидаги шамоллар уларни кумга тўлдирди. Биринчи бўлиб унинг ғиштдан қурилган деворлари тўкилиб тушди ва тупроққа айланди. Бойлик шаҳри – Бобил бугун ана шундай аҳволда. Узоқ вақт давомида ташлаб қўйилган, тупроқдан ҳосил бўлган ушбу улкан тоғ, унинг қаъридаги кўчалар, ажойиб ибодатхона ва саройлар қум ва чанг-тўзондан эҳтиёткорлик билан тозаланмагунига қадар мазкур шаҳар номини ҳеч бир тирик зот билмаганди.

Қатор алломалар Бобил ва бу водийда жойлашган бошқа шаҳарлар тамаддунини, ёзма равишда тасдиқланган барча цивилизациялардан энг қадимиysi деб ҳисоблайдилар. Юз берган баъзи ҳодисалар 8000 йиллик тарихга эгалиги тасдиқланган. Ушбу саналарни аниқлаш усулининг ўзи ғаройиб. Бобил харобалари орасида қўёш тутилиши ҳақида ёзилган сопол тахтачалар топилганди. Замонавий астрономлар мана шу кун Бобилда қачон бўлиб ўтганини компьютерда ҳисоблаб чиқдилар. Бу қадим бобилликлар ва бизнинг тақвимларимиз орасидаги маълум нисбатларни аниқладилар.

Шундай қилиб, 8000 йил муқаддам Бобилда яшаган шумерлар атрофи деворлар билан ҳимояланган шаҳарларда яшаганлар. Бундай шаҳарлар неча юз йилликлар аввал мавжуд бўлгани ҳақида фақат тахмин қилиш мумкин. Уларнинг аҳолиси мудофаа деворлари орасида яшаган босқинчи бўлмаганликлари аниқ. Улар ўқимишли ва маърифатли инсонлар эдилар. Ёзув тарихига келганимизда эса биринчи муҳандис, биринчи астроном, биринчи математик, биринчи молиячи ва энг биринчи ёзув тилига эга бўлган инсонлар бўлганлар.

Юқорида суфориш тизими ҳақида айтиб ўтгандик. Мазкур каналларнинг қолдиқларини, уларнинг кўп қисми тупроқ уюмлари остида қолиб кетган бўлса-да, ҳозир ҳам

кўрса бўлади. Баъзилари шундай ўлчамга эга эдики, улар тубидан бир қаторда ўн икки от ўта оларди. Ўлчамлари бўйича уларни Колорадо ва Юта штатларининг энг йирик каналларига тенглаштириш мумкин. Водий ерларини суғориш тизимидан ташқари, Бобил муҳандислари ана шу даражада муҳим аҳамиятга эга яна бир лойиҳани амалга ошириллар. Улар томонидан ишлаб чиқилган дренаж тизими ёрдамида Ефрат ва Тигр дарёлари этакларидағи катта ер майдонини қуритдилар ва шу ерларда дехқончиликни йўлга кўйдилар.

Грек тарихчиси ва сайёхи Геродот Бобилга у энг гуллаб-яшнаган вақтда сафар қилган ва четдан келган одам томонидан қолдирилган ягона ёзувни қолдирган. Унинг битикларида шаҳарнинг график чизмаси, маҳаллий аҳолининг баъзи ажойиб урф-одатлари келтирилган. У ерларнинг юқори ҳосилдорлиги ва етиштирилган буғдой ва арпалар ҳосилининг унумдорлиги ҳақида ёзган.

Бобилнинг шуҳрати сўнган эса-да, ҳикматлари сақланниб қолган. Бу ўша пайтдаги ёзув шакли туфайлидир. Ўшанда қоғоз ҳали ўйлаб топилмаганди. Одамлар ўз ёзувларини сопол тахтачаларга битардилар. Улар орқали саёҳатлари вақтида катта-катта аскарлардан иборат армияларини йиқсан Бобилнинг машҳур ҳукмдорлари ҳақида билсак бўлади. Тарихчилар фикрича, улар 10 000 тагача аскар, 25 000 та арава, ҳар бирида 1000 тадан аскар бўлган 1200 пиёда аскарлар полкларини ўз ичига олган. Кўпинча бундай зарур ҳарбий таъминот ва озиқ-овқатларни тайёрлаш учун икки ёки уч йил вақт кетарди.

Бобил шаҳри кўп жиҳатдан ҳозирги замонавий шаҳарлар типида қурилган эди. Кўчалар ва савдо расталари бисёр бўлган. Молини ташиб сотадиганлар ўз молларини шаҳар кўчаларида юриб таклиф қиласардилар. Уламолар ибодатларини улкан ибодатхоналарда адо этардилар. Шаҳар ичida шоҳ саройлари учун маҳсус жойлар ажратилган, атрофи ўраб қўйилган. Маълум бўлишича, ушбу худуд деворлари шаҳар деворларидан ҳам баланд экан.

Бобилликлар талай ҳунарларда уста эдилар. Улар ҳай-калттарошлиқ, рассомчилик, тұқымачилик, заргарлик, мегалл қороллар ва қишлоқ хұжалик қороллари ясаш каби мутахассисликларни ўз ичига олган санъат намуналари-ни қолдиришган. Уларнинг заргарлари юқори даражали тақинchoқтар ясадилар. Бу санъатнинг кўп намуналари бой одамлар кўмган қазилмалар туфайли топилган, бу-гун дунёning энг пешқадам музейларига қўйилган.

Тарихнинг илк босқичларида, бутун қолган дунёда дарахтларни тошдан ясалган тешалар билан араганлари-да ёки кремнийдан ясалган ўқ ва найзалар ёрдамида ов, жанг қилинган пайтда бобилликлар металлдан ясалган болталар, темир учли ўқ ва найзалардан фойдаланганлар. Улар моҳир молиячи ва савдогар эдилар. Билиши-мизча, бобилликлар биринчи бўлиб пулларни алмашти-риш воситаси сифатида ўйлаб топган ва илк бор қарз хат-лари ҳамда турли хусусий мулкчилик кўринишидаги ёзма гувоҳномалардан фойдаланганлар.

Милоднинг 540 йилига қадар Бобил бирор марта ҳам душман томонидан босиб олинмаган. Унинг қулаши та-рихи ҳақиқатан ҳам ғайриоддий. Ўша давр босқинчиларидан бири бўлган Кир шаҳарга ҳужум қилиш ва унинг деворларини босиб олиш ниятида эди. Бобил шоҳи Набонид маслаҳатчилари уни Кир ҳали шаҳарга ҳужум қил-масдан туриб унинг армиясига юзма-юз чиқишга ва жанг қилишга унладилар. Кейинчалик мазкур жангда Бобил армияси тор-мор қилиниб, шоҳ шаҳарни тарк этади. Шун-дан сўнг Кир очиқ дарвозалар орқали шаҳарга киради ва ҳеч қандай қаршиликсиз уни босиб олади.

Шаҳарнинг кучи ва донғи аста-секин пасая бошлади ва бир неча юз йиллар ўтиб у батамом бўшаб қолди. Бир вақтлар гуллаб-яшнаган Бобил чўл бўлиб ётган ерларга айланди. Бобил қулади ва бошқа ўзини тикполмади, ле-кин тамаддун унга кўп томондан қарздордир.

Мангулик девор ва ибодатхоналарни кулга айлантири-ди, аммо Бобил ҳикматлари яшашда давом этмоқда.

Фойдаланилган адабиёт:

Клейсон Дж. Самый богатый человек в Вавилоне. – М.: Попурри, 2007. – 85 с.

**Таклиф ва мулоҳазалар қуидаги манзил бўйича
қабул қилинади:**

100057, Тошкент. Уста Ширин кўчаси, 116.

Равшанбек Хонниёз,

СП ООО «ОКЛ» компанияси директори

Тел: (+99897) 750-26-15

e-mail: ravshanbek@mail.ru

www.xonniyoz.uz

www.poyga.uz

МУНДАРИЖА

БЕШ ДЕНГИЗ ОША

I қисм. Мен Австралияга бораман!	4
II қисм. «Қовун тушириш» ва унинг оқибатлари	11
III қисм. Сирга яқинлашиш	20
IV қисм. Муваффақият қонуни	26
V қисм. Онгни қандай иттифоқдош қилиш мумкин	34
VI қисм. Қарз сўраш нима дегани?	41
VII қисм. Товуқ ва олтин тухум	53
VIII қисм. Мураббий – барча ишларнинг боши	59
IX қисм. Қадимги Бобил ўйтлари	63
X қисм. Бойлик қулига айланиб қолма	73
XI қисм. Хусусий бизнесни эгалла ва пирамидалардан эҳтиёт бўл!	79
XII қисм. Энди ўзинг ва Ватанинг учун ишлашинг керак	89

ЎТМИШДАН КЕЛГАН БОЙЛИК СИРЛАРИ ЁХУД САМАРҚАНДЛИК ЭНГ БОЙ ОДАМ

I қисм	94
II қисм	98
Асилбекнинг биринчи ҳикояси.	
Пулларга эга бўлишини истаган инсон	100
Асилбекнинг иккинчи ҳикояси.	
Бобилдаги энг бой одам	107
III қисм	122
Асилбекнинг учинчи ҳикояси.	
Бўш ҳамённи тўлдиришининг етти усули	123
Асилбекнинг тўртминчи ҳикояси.	
Пулларнинг беш қонуни	142
IV қисм	156
Асилбекнинг бешинчи ҳикояси.	
Омад илоҳининг назарига қандай тушиши мумкин	156

V қисм	171
<i>Асилбекнинг олтинчи ҳикояси.</i>	
<i>Бобиллик ишбилармон</i>	171
VI қисм	180
<i>Асилбекнинг еттинчи ҳикояси.</i>	
<i>Бобиллик саёдогар</i>	180
VII қисм	192
<i>Асилбекнинг саккизинчи ҳикояси</i>	192
VIII қисм	194
<i>Асилбекнинг тўйқизинчи ҳикояси.</i>	
<i>Бобилдаги энг баҳтили инсон</i>	194
IX қисм	216
Бобил тарихи ҳақида	224

Оммабол нашр

Равшанбек ХОННИЁЗ

ҮТМИШДАН КЕЛГАН БОЙЛИК СИРЛАРИ

Мұхаррир: Абдулла ШАРОПОВ
Мусақхих: Марҳабо ЖҮРАЕВА
Бадиий мұхаррир: Феруза НАЗАРОВА
Техник мұхаррир: Хуршид ИБРОХИМОВ

Нашриёт лицензияси: АI №134, 27.04.2009
Теришга берилди: 11.11.2011 й.
Босишига рухсат этилди: 26.03.2012 й. Газета қофози.
Қофоз бичими: 84x108 1₃₂. Arial гарнитураси.
Офсет босма. Ҳисоб-нашриёт т.: 8,55.
Шартли б.т.: 12,18. Адади: 2000 нұсха.
Буюртма № 9

«AKADEMNASHR» нашриётида нашрга тайёрланди.
100156, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20^А-мавзе, 42-үй.
Тел.: (+998 71) 217-16-77.
e-mail: akademnashr@mail.ru

«START-TRACK PRINT» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, 8-март кўчаси, 57-үй.